

ШАРИФ ЮСУПОВ

САНЪАТ  
ВА  
ҲАЙРАТ

Очерклар, мақолалар, хотиралар

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1997

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Таниқли адабиётшунос олим, профессор Ш. Юсуповнинг бу китобида адабиёт ва санъатнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари ҳақида, устоз санъаткорларнинг театр, musiқа, қўшиқ ва бошқа санъат соҳаларига қўшган ҳиссалари, мазмунли ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади. Асарда китобхонни ўзига тортиб кетувчи талайгина фактик материаллар, хотиралар мавжуд.

Ю 91

**Юсупов Ш.**

Санъат ва ҳайрат: Очерклар, мақолалар, хотиралар.—Т.: «Маънавият», 1997.—208 б.

ББК 85.3

Ю  $\frac{4702620204 - 13}{M 25(04) - 97}$  16 — 97

© «Маънавият», 1997.

## МУАЛЛИФДАН

Халқимизда «Санъат» ва «ҳайрат» деган қофиядош икки сўз бор. Зотан, «санъат» ва «ҳайрат» сўзлари шунчаки қофиядош сўзлар бўлмай, балки деярли ҳамиша бири иккинчисини тақозо этувчи, келтириб чиқарувчи, худди ялакат мағнздек бир-бирининг бағрига жо бўлиб кетувчи сўзлар ҳамдир. Ижодкор ўзи кўрган, ҳис этган ҳаёт ҳодисаларидан чинакамига ҳайратланмаса, катта санъат асари туғилмайди, катта санъат асари эса, ўз навбатида, чинакам ҳайрат туғдирмай қўймайди. Санъат асаридан, санъаткорнинг қилган ишларидан, санъатни катта қалб билан севган зукколарнинг санъаткорга муносабатларидан ҳайратланиш кишининг қўлга беихтиёр қалам олиш, ўша ҳайрат боиси бўлган воқеалар ва шахсларни ўқувчи кўз ўнгида яна бир бор гавдалантириш истагини келтириб чиқарар экан.

Ўзбек санъати оқсоқолларидан Низом Холдоров 1927 йилда Москва Катта театри биносида ўзбек этнографик труппаси концерт берганида, навқирон ҳофиз Жўраҳон Султонов «Ёввойи чоргоҳ»нинг авж пардаларига кўтарилганида А. В. Луначарский бошлиқ бутун зал оёққа туриб кетганини, ашула тугагач, Анатолий Васильевичнинг ўзи саҳнага кўтарилиб, ҳофизимизнинг пешонасидан ўпиб, унга гулдаста тақдим этганини айтганида шундай ҳайратда қолган эдим.

Жаҳонда биринчи фазогир Ю. А. Гагариндан журналистлар: «Энг яхши кўрган ашулачиларингиз кимлар?» деб сўраганида у уч-тўрт машҳур хонандалар орасида Ботир Зокировнинг номини атаганида ҳайратдан лол бўлиб қолган эдим.

Таниқли ўзбек биолог олими, Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Аҳмад Иброҳимов Голландияда бўлиб ўтган халқаро илмий кенгашида ўз ҳамкасбларидан бирининг уйига меҳмонга таклиф этилганлиги, лекин у қаттиқ чарчаганини, ҳордиқ чиқармоқчи эканини айтиб узр сўраганида голланд ҳамкасби ўзининг ҳам, меҳмоннинг ҳам ҳордиғини чиқарадиган мўъжиза уйида сақланаётганини маълум қилиб, то илк саҳаргача Фахриддин Умаров хонишлари ёзилган ленталарни бир-галикда тинглаб тонг оттирганликларини, эрталаб яна

бардам ҳолда илмий кенгашга кетганликларини ҳикоя қилиб берганида ҳайратдан бутун вужудимга титроқ тушган эди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Асрори мусиқи» номли рисоласини ўқиб, ундан баъзи лавҳаларни келтирган уйғур мусиқашуноси Исматулла Неъматулла ўғли томонидан 1855 йилда китоб қилинган «Таворихи мусиқиюн»и билан танишганимда, Бобур томонидан ҳикоя қилинган ҳиротлик тенгсиз созанда Мавлоно Соҳибнинг ўзига хос гўзал ўлими ҳақида хабар топганимда ҳам, ўзбек халқининг зукко хонандаси Маъмуржон Узоқов, барча монельликларга қарамай, энг яқин дўстлари даврасида уларга ҳаётбахш қўшиқ совға қилиб туриб, ҳаёт билан видолашганини эшитганимда ҳам ҳайратдан не қиларимни билмай қолган эдим.

Бундай ҳайратга тушган одам дастлабки вақтда не қиларини билмай қолса ҳам, сал вақт ўтиб ўзига келгач, қиладиган иши маълум бўлиб қоларкан.

Жўрахон Султоновнинг Москва Катта театридаги олам ҳавас қилса арзигулик муваффақияти «Луначарскийнинг гулдастаси» мақоласининг («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 26 октябр сони) яратилишига асос бўлди.

Голланд олими уйидаги Фаҳриддин Умаров ашуллари бу улкан хонанда ҳақидаги «Мақтаб яратган хонанда» мақоласини («Совет Ўзбекистони санъати», 1987 йил, 8-сон) дунёга келтирди. Бобурнинг «Асрори мусиқи»сидаги ҳайратомуз воқеа «Муҳрланган лаҳзалар» («Тошкент оқшоми», 1978 йил, 10 феврал сони) ҳамда «Куйлар қанотида асрлар оша...» («Совет Ўзбекистони санъати», 1983 йил, 8-сон) мақолаларининг, унутилмас Маъмуржон Узоқовнинг кўркем ўлими «Довудий овоз соҳиби» ёзилишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Шуни ҳам айтайки, санъат борасида тақдир мени ниҳоятда сийлаган. Болалик чоғларимданоқ Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, унинг устозлари Муҳаммад Умар, Абдуқаҳҳор ҳофизлар, ўз даврининг йирик санъаткорлари Мирзо Қосим ҳофиз, Макайлик, Фарзинхон, Сотилдихон ҳофиз ва бошқалар ҳаётига, санъатига онд қизиқарли гаплар санъат иштиёқманди, ўша ҳофизларнинг деярли ҳаммаси билан дўст бўлган марҳум падарим Муҳаммад Юсуф Нурмуҳаммад ўғлининг ҳикоялари орқали қулоғимга кириб, қалбимга ўрнашиб қолган. Қолаверса, ўзим улғайиб, Ўзбекистон радиоси мусиқали эшиттиришлар таҳририятида, кейинчалик эса

узоқ вақт «Ўзбекистон маданияти» газетасининг адабиёт ва санъат бўлимида хизмат қилар эканман, республикамизнинг энг йирик санъаткорлари билан ёнма-ён ишлашга, улар билан тез-тез мулоқотда бўлиб, гоёт хилма-хил мавзуларда суҳбатлашиб туришга тўғри келди. Бу ҳол уларнинг ҳар бирига хос ибратли жиҳатларини яхши билиб олишимга сабаб бўлди. Уша санъат дарғалари барҳаётлик вақтидаёқ улар ҳақида билганларимни ўқувчиларга ҳам маълум қилиш истаги голиб келди. Чунончи, тенгсиз актёр Аброр Ҳидоятлов, Ҳамза номидаги ўзбек академик театрининг асосчиларидан Сайфи Олимов, ўзбек циркининг сарчашмаларида турган Карим Зарипов, Ҳамза Ҳакимзода ишорати билан Андижон театрини ташкил этган Ваҳоб Азимов, устозлар устози Шораҳим Шоумаров, машҳур хофиз Шоқосим Шожалилов ва бошқа санъат кашшофлари ҳақидаги мақолалар уларнинг ўзлари барҳаётлик вақтида ёзилган ва эълон қилинганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқ деб ҳисоблайман. Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Маъруфхўжа Баходиров ва Фахриддин Умаров сингари мактаб яратган хонандалар билан кўп йиллик қадрдон, ижодий лабораториялари сиридан воқиф бўлганлигим ҳам улар ҳақидаги бир неча мақолаларнинг яратилишида ниҳоятда қўл келди.

Шораҳим Шоумаров, Аброр Ҳидоятлов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби улкан санъаткорлар ҳақида, шунингдек, қўшиқчиликимизнинг долзарб масалалари хусусида турли даврларда бир неча марталаб ёзишга тўғри келди. Лекин улар бир-бирининг такрори эмас, асло. Давр ўтгани сари илгари қаламга олинган санъаткорлар ва санъат масалаларининг янги-янги қирралари кўзга ташланиб, янги муаммолар пайдо бўлганлиги, улар ҳақида янгидан ёзишга олиб келди.

Шуни ҳам айтишим керакки, китобга кирган мақолалар профессионал театршунос ёки муסיқашуноснинг санъат ҳақидаги мулоҳазалари бўлмай, театр, муסיқа ва циркка ихлосманд бир адабиётшунос-журналистнинг ўйларидир. Шу ваддан баъзи қусурларга лутф билан қарашни китобхондан илтимос қилур эдим.

Муҳтарам китобхон! «Санъат ва ҳайрат»га кирган мақолалар санъатимиз дарғаларининг ибратли фаолияти ҳақида, ўзбек театр, муסיқа ва цирк санъатида ўттиз йилдан ортиқ давр мобайнида рўй берган воқеалар борасида Сизни муайян янгиликлар бера олса, қалбингизда завқ уйғотса, муаллиф ўзини гоёт бахтиёр сезган бўлур эди.

## САНЪАТҚОР БУРЧИ ҲАҚИДА

### САНЪАТҚОРЛИК — ФИДОЙИЛИК

Санъат инсон маънавий фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан бири сифатида ҳаётимизни яна ҳам мазмунлироқ, яна ҳам қувончлироқ қилишга даъват этилгандир. Зотан, инсон санъатдан эстетик завқ, битмас-туганмас ижодий куч-қудрат олиши, шу орқали маънавий юксалиши санъатни энг таъсирчан гоъвий қуролга айлантиради. Санъат ҳаёт ҳодисаларига эмоционал-образли шаклда баҳо беради, юксак ижтимоий гоъяларни тарғиб этади. Шунинг учун ҳам у инсоннинг ички олами ни бойитадиган, унда юксак гражданлик туйғуларини тарбиялайдиган ажойиб устоз вазифасини ўтайди. Модомики шундай экан, санъаткор муҳофазасининг кенглиги, унинг ўз касбига ихлосининг баландлиги, ижод ва меҳнатнинг ҳар қандай машаққатларига тайёр туриши билан бошқаларга ибрат бўлиши лозим. Бундай қилиш ҳозирги кунда яна шунинг учун ҳам керакки, «ижод машаққати» деган тушунча мавжудлигини, санъатдаги чинакам қувончга шу «ижод машаққати»сиз эришиб бўлмаслигини айрим ёш санъаткорларимиз ёддан чиқариб қўймоқдалар. Хоҳ театр саҳналарида, хоҳ концерт залларида бундай ёшларнинг ижросини кўраркансиз. нозик ҳиссиётларнинг, кучли эҳтиросларнинг ўрнига, фидойиликни баралла намойиш қиладиган чинакам санъат ўрнига ўртамиёна ижронни, даққиқликни, «сабаби тирикчилик» учун бир амаллаб бажариладиган «косиблик»ни кўрасиз.

Ўзбек санъатининг ярим асрдан зиёд тараққиёт тарихи кўпдан-кўп санъат фидойиларининг номларини билади. Улмас Ҳамза Ҳакимзода ва Маннон Уйғур, Абдор Ҳидоятгов ва Етим Бобожонов, Муҳиддин Қориёқубов ва Миршоҳид Мироқилов, яна қанчадан-қанча улкан санъаткорлар ана шу санъат фидойиларининг кўркама анжуманини ташкил этади. Бу мақолада биз ана шулар жумласидан бўлган баъзи санъаткорларнинг ибратли фазилатлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Чинакам истеъдод соҳибларида кўп учрайдиган икки ажойиб фазилат бор. Буларнинг бири ўзга истеъдод эгалари тўғрисида зўр эҳтирос ва шавқ-завқ билан фикр билдиришда, иккинчиси эса, ўзининг айрим муваффа-

қиятсизликларни ҳақида зарра изтиробсиз, енгил, кула-  
кула ҳикоя қила олиш санъатида ўз ифодасини топади.  
Бундай истеъдод соҳибининг ҳикоясини типгларкансиз,  
у мақтаётган санъаткорнинг бутун маънавияти, ижод-  
корлик маҳорати кўз олдингизда яққол гавдаланади, у  
ўз муваффақиятсизлиги ҳақида ҳикоя қилганда эса,  
кулгидан ўзингизни тўхтатолмайсиз, назарингизда унинг  
муваффақиятсизлиги ҳам чиннакам муваффақиятдай  
туюлади.

Ўзбек театр санъатининг машҳур намояндаларидан  
бўлмиш Шукур Бурҳоновга ҳам ана шундай икки ажиб  
фазилат хос эди. Бир суҳбатда Шукур Бурҳонов ўзи  
билан бирга қарийб қирқ йил давомида бир театрда,  
бир сахнада ёнма-ён туриб роль ўйнаган, улкан каш-  
фиётлар даражасига кўтарилган образлар яратган ҳам-  
касби Обид Жалилов тўғрисида сўзларди.

— Обид ака билан мен бошқа-бошқа амплуадаги  
актёрлар бўлганимиздан, икковимиз битта ролни ўйна-  
ган спектакллар жуда оз эди. — деб ҳикоя қилади Шу-  
кур ака. — Аксар спектаклларда у киши билан ёнма-ён  
туриб ўйнардик, бир-бирига бутунлай қарама-қарши  
бўлган гурӯҳ вакиллари қиёфасида чиқишимизга тўғри  
келарди. Мен ижобий образлар яратишга кўпроқ ишқи-  
боз бўлсам, Обид Жалилов салбий образларни айниқса  
тобига етказарди. Обид аканинг актёрлик маҳорати у  
билан ёнма-ён ўйнаётган актёрларни жўштирар, спек-  
таклнинг жозибасини ошириб юборарди. Шуниси ҳам  
борки, Обид ака сахнада гавдалантираётган образ би-  
лан беллашадиган образ яратиш бошқа актёрларни ҳам  
роса терлаб-пишишга мажбур этарди. Обид ака ижро  
этган ролларни кўраркансиз, актёр уларни сахнада гав-  
далантириш учун унчалик кўп меҳнат сарф қилмаган-  
дек, худди ўша роль Обид аканинг табиатида жуда мос  
келгандек туюларди. Обид Жалилов роль ўйнаётганда  
томошабинларгина эмас, ҳатто унинг ўзи ҳам сахнани  
бутунлай ёддан чиқариб қўйганга ўхшарди. Негаки, ак-  
тёрнинг сахнадаги бирор ҳаракатида, имо-ишоралари-  
да, сўзлаш оҳангида сохталикдан асар ҳам бўлмасди,  
лекин бундай табиийликка, соддаликка устоз актёр  
фидойчилик даражасига бориб етадиган машаққатли  
оғир меҳнат билан эришарди. Спектаклдан спектаклга  
образни такомиллаштириб бориш, унинг моҳиятини то-  
бора яққол очишга эришиш Обид Жалиловнинг энг  
ибратли фазилати эдики, бу жараён давомида устоз

актёр бутун қалби, бутун вужуди билан ўз қаҳрамони бўлиб нафас оларди.

Саҳнамиз ҳусни бўлган «Бой ила хизматчи» пьеса-сида чорак асрдан зиёд давр мобайнида Обид Жалилов Солиҳбойни, мен эса қарол Ғофирни ўйнаганимиз театр ихлосмандларига маълум. Спектаклнинг иккинчи пардасида бир томондан Ғофир, иккинчи томондан эса Солиҳбой ва зулм намояндалари қаттиқ юзма-юз олишадиган ўта драматик саҳна бор. Бунда асаблар ғоят тарафдан бир ҳолга келган вазиятда Солиҳбой Ғофирдан Жамилани қўйишни талаб қилиб туриб олади. Инсонлик номуси оёқ ости қилинишидан сабр косаси тўлган Ғофир бойнинг авра-астарини ағдариб: «Аввал уйдигиларнинг ҳисобини қилинг! Нима қиласиз савдо-сотикни кўпайтириб!» — деган гапларни дангал айтиб юбориши керак бўлади. Деярли ҳар сафар худди шу гапларни айтишга юрагим дов бермасди. Шу сўзлар оғзимдан чиқа бошлаши билан саҳнада ўзини ҳақиқий Солиҳбой деб биладиган Обид Жалиловнинг вазифаси бутунлай ўзгариб кетар, гапим ярмига борар-бормас у даҳшат тўла кўзлари билан менга шундай ўқрайдики, гапимни ниҳоясига етказолмай, бенхтиёр гўлдираб қолардим.

Бундай ҳолни Обид Жалилов ижро этган бошқа ролларда ҳам кўриш мумкин эди. «Алишер Навоий» спектаклида Ҳусайн Бойқаро ролида ўйнаганман, Маждиддин бошидан вазирлик қулоғи олиниши ҳақида фармон беришим билан Маждиддин — Обид Жалилов қаттиқ изтиробга тушар, унинг танасини калласидан енгилатиш тўғрисидаги Навоийнинг таклифидан кейин эса бир неча лаҳза чиндан ҳам тили калмага келмай гўлдирар, ранги оқариб кетар эди...

Обид Жалилов ҳақида ана шундай чуқур мушоҳидакорлик билан, қойил қолиб гапирган машҳур санъаткор Шукур Бурҳонов ўз ижрочилик маҳорати ҳақида ўзбек театр санъати тарихида босқич бўлиб қолган образлари ҳақида сира гап очмас, мабодо даврадагилар гап очгудек бўлса, енгил ҳазил-ҳузул билан қутулар эди.

Ўзбек санъати тарихига назар ташлар эканмиз, Обид Жалилов ва Шукур Бурҳонов каби санъат фидоиларини кўплаб учратамиз. Халқнинг машҳур ҳофизлари Жўрахон Султонов билан Маъмуржон Узоқов ҳам ана шундай фидойи санъаткорлардан эди. Олмосдай кўпқиррали ижод соҳиби бўлмиш Жўрахон Султонов сиймосида ҳам хонандага, ҳам бастакорга, ҳам аския-



чига, ҳам шеърят шайдосига хос энг яхши фазилатлар мужассам топганини санъат ихлосмандлари яхши билишади. Чиндан ҳам замон санъаткори бўлмиш Жўраҳон Султонов халқимизнинг кўп асрлик тарихини, ўтмишдаги ва ҳозирги маданиятини, Шарқ классик шеърятини ва мусиқасини пухта билар эди. Бу зукко санъаткор ўзбек, форс-тожик, озарбайжон ва бошқа халқлар шеърятини классикларининг ажойиб асарларини асрий девонлардан излаб топар, ўша асарлар руҳига энг муносиб куйлар яратар, шу тариқа уларни ўз халқига тақдим қилиб, уларга янгидан боқий ҳаёт бахш этар эди.

Санъатда фидойилик зарур эканлигини яхши тушунган Жўраҳон Султонов фақат хонанда ёки бастакор фаолияти учунгина зарур бўлган ишлар билан чекланиб қолмас эди. Халқимизнинг узоқ тарихи ва маданиятига, ўтмишдаги ўзбек ва тожик олимлари ҳаёти ва фаолиятига алоқадор қадимий қўлёзмаларни синчиклаб ўқир, Ўзбекистоннинг ва бошқа республикаларнинг шаҳар ва туманларига гастролга чиққанда бундай ноёб обидаларни излаб топар, уларни тегишли ташкилотларга топширар, фанининг турли соҳаларида ишлайдиган олимлар эътиборини ана шу қўлёзмаларга жалб этарди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг нодир қўлёзмалар фондида 468-рақам билан сақланаётган Мавлоно Нажмиддин Кавкабийи Бухорийнинг ягона нусхадан иборат бўлган «Рисолаи мусиқи»сини мусиқашунос олимлар мукамал бир хазина деб баҳолашади. Жўраҳон Султонов ана шу қўлёзmani республикамиз бўйлаб қилган сафарларидан бирида топиб келиб институт фондига топширган эди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг замондоши бўлмиш бу машҳур мусиқашунос олимнинг рисоласида Кавкабийи Бухорийдан олдин ўтган ва у билан бир замонда яшаган машҳур хонанда, созанда ва бастакорлар тўғрисида, ўша давр мусиқа назарияси ва амалиёти тўғрисида ажойиб маълумотлар келтирилганки, бу маълумотлар ўзбек ва тожик халқларининг мусиқа маданияти тарихини ўрганишда гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Жўраҳон Султоновнинг кўп йиллик ҳамнафаси бўлган Маъмуржон Узоқов тингловчилар қалбини ром этувчи, уларни янги-янги жасоратларга илҳомлантирувчи қўшиқлар ижро этишдагина эмас, балки классик ва ҳозирги замон шеърятимизнинг энг нодир на-

муналарини тарғиб этишда, уларга халқ мусиқа ижоди хазинасидан муносиб куйлар танлашда ҳам Жўра-хон Султонов изидан борган эди. Ҳамза Ҳакимзоданинг аруз вазнида ёзилган муҳаббат лирикасини қўшиқ қилиб, халқимиз орасида кенг ёйишга биринчилардан бўлиб бел боғлаган ва бу соҳада жуда катта муваффақиятга эришган хонанда ҳам Маъмуржон Узоқов эди.

Театр санъатининг отахони К. С. Станиславский буюк санъат фидойиларидан бўлганлиги маълум. Унинг сўнгги репетициясида иштирок этган хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Комиссаржевский кейинчалик бундай деб ёзган эди: «У ўзининг ҳар вақт кийиб юрадиган чиройли жигарранг костюмида ораста ва силлиқ кўринса ҳам, сарғайиб кетган рангидан унинг бедаво дардга учрагани сезилиб турарди. Атрофини шифокорлар ўраб олишганди. Унга узоғи билан бир соат машқ қилишга рухсат этилганди. Лекин ўша куни у сурункасига олти соат машқ қилди: орадан ярим соат ўтар-ўтмас Констатин Сергеевич ҳам, бизларнинг ҳаммамиз ҳам унинг касал эканлигини бутунлай унутиб юборгандик — қаршимизда навқирон, чиройли Станиславский турар эди».

Чинакам санъаткор ҳеч қачон санъатсиз яшай олмаслиги, санъат йўлида ҳамиша фидойилик кўрсатиши биз юқорида номини зикр этган Маъмуржон Узоқов фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳаётининг сўнгги йилларида хонанда қаттиқ касалга чалиниб қолган, врачлар унга ашула айтишни қатъий ман қилган эди. Лекин Маъмуржон Узоқов қўшиқсиз умрни умр деб билмайдиганлардан эди. «Санъат лаззатидан маҳрум бўлиб узоқ умр кўргандан кўра, оз муддат бўлса ҳам халқнинг дилига шавқ-завқ бағишлаш лозим», дегувчи эди Маъмуржон ака. Эндиликда бу сўзларни эсларкансиз, машҳур ҳофиз кўра-била туриб санъат соҳасида кўрсатган фидойиликка қойил қолмай иложингиз йўқ. Зотан, ўз халқига чинакам ихлос билан хизмат қилмоқчи, унинг ҳурмат-эҳтиромини қозонмоқчи бўлган санъаткор санъат йўлидаги фидойилик билан камол касб этиши керак. Шундагина у ўзи севган санъат осмонида чақмоқ чақиб ўтади, шундагина у ўзидан сўнг нурли из қолдиради.

1972 йил

## САНЪАТКОР ВА ЖАМОАТЧИЛИК

Шеъринят, санъат ва санъаткорлар ҳақидаги кизгин гурунгда 1941—1945 йиллар уруши Қаҳрамони Солиқ Умаров ҳикоя қилиб берган бир воқеа давра қатнашчиларини қойил қолдирди:

«Бу гапга ўн беш йилча бўлди, — дерди С. Умаров. — Дам олиш кунларининг бирида Тошкентнинг Қумлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи бир дўстимникида меҳмон бўлдим. Ундан-бундан гаплашиб кўнгил ёзиб ўтирардик. Бир вақт эшик тақиллаб, бир неча дўстлар кириб келишди ва дўстим билан бирга мени ҳам қўярда-қўймай шу маҳаллада бўлаётган тўйга олиб чиқишди. Катта тайёргарлик қўрилган, икки-уч давра созандаю хонандалар жам бўлган бу тўйда хурсандчилик авжига минган бир пайтда дўстим қулоғимга шивирлаб, шу маҳаллада ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган, камтарин бир ўқитувчининг ҳам тўйи борлигини, шунга бирров кириб-чиқиш зарурлигини айтди. Ҳамнишинлардан узр сўраб, ташқари чиқдик. Нариги тўйхонага кириб, бир-биримизга маънолик қарашдигу сир бермай ўтиравердик: тўй эгасининг беш-ўн қариндош ва яқинларидан бўлак ҳамма ўша созандаю хонандалар ташриф буюрган катта тўйга уриб кетган, бу ердаги магнитофон лентасидан таралаётган куй ва кўшиқларга қулоқ соладиган одам деярли йўқ эди. Бу тўй умрда бир бўладиган шод-хуррамликдан кўра янгигина бир дилсёнҳлик бўлган хонадонни эслатарди. Тўй эгаси руҳан эзилар, ўзини қўйрага жой топмас эди.

Дўстим билан менга бу ҳолат қаттиқ таъсир қилди: шу тўйга шодлик киритиш йўлини излардик. Тўй эгасининг бусиз ҳам вайрон дилини яна вайрон қилмаслик учун ўтирган жойимизга дўппиларимизни кўйиб, бир неча дақиқага руҳсат олиб кўчага чиқдик. Дастлабки учраган машинага ўтириб, Деҳқонлар уйи чойхонаси томон елдик. Чойхона бекилган, кундузи мен шу ерда кўрган ашуланилар эса, ётишга тайёргарлик кўраётган экан. Мен тортина-тортина ашуланига воқеани тушунтирдим ва агар илтифот юзасидан бориб, бир хизмат қилиб берса, хурсанд қилажагимни айтдим. Ашулани галати қилиб бир кулиб қўйди. Тўй эгаси менга нотаниш эканини, бу ишни холис ният билан қилаётганимни эшитгач, рози бўлди. ёнидаги ғижжакчи дўсти билан бирга машинамизга ўтирди. Тўйхонага қайтиб кириб борганимизда соат ўн иккиларга яқинлашган,

катта тўйхонадаги баъзи одамлар уй-уйига кетаётган пайт эди.

Ҳофизимиз фурсатни қўлдан бермаслик учун бир пиёла чойни наридан-бери ичиб, ашула бошлаб юборди. Овози ғоят ёқимли, айни вақтда жуда таниш кўринган ҳофизнинг машҳур санъаткор Расулқори Мухаммадалиев эканини сал кейинроқ пайқадим. Унинг қалбларни тўлқинлантирувчи янгроқ овози шу заҳоти катта тўйхонага эшитилган экан, беш-ўн дақиқа ўтмай ҳаммаёқни одам босиб кетди. Тўй эгалари уларни ўтқазгани жой топмас, тўйга келганлар ҳовлида тик турганча ёки томларга чиқиб сеҳрли санъатга мафтун бўлар, тўйда экани кўпларнинг ёдидан ҳам чиққан эди.

Одамлар Расулқори билан шеригини ўртага таклиф этишди. Ўша вақтдаги тўйларга хос пул қистириш бошланиб кетди. Соат учларга яқинлашса ҳам одамлар тарқашмас, ҳофизни ҳоли-жонига қўймай ашулани-ашулага улаттиришар эди. Ниҳоят Расулқори шу бугун узоқ йўл босиб келганини, чарчаганини айтиб узр сўради. Тўй тарқади. Шундан сўнг ғижжакчи дўстидан ғилофдаги пулларни санаб кўришни илтимос қилди. Менинг ҳисобимда бу пул ўша камтарин ўқитувчи тўйига сарфланган пулдан икки-уч баравар ортиқ эди. Ниҳоят рухсат сўраш учун тўй эгасини ўз ёнига чақиртирган Расулқори яхши хизмат қилолмаганини айтиб ундан узр сўради. Гапининг охирида бир илтимоси борлигини, шу илтимос адо этилсагина, бу тўйдан ростмана хурсанд бўлиб жўнашини айтиб, ҳалиги тўпланган пулнинг ҳаммасини тўй эгасига тўёна қилди. Ўқитувчининг қаттиқ норозилигига қарамай, бу пуллар ўша дўстлари тўйида қайтариладиган қарз эканини исботлаб, қўлига тутқазди-да, жўнашга рухсат олди.

Орадан ўн йилча ўтгач, Фарғонадаги бир катта йиғинда Расулқорини кўриб қолиб, ёнига бордим, саломлашдим. Ҳофиз дарҳол мени таниб, Тошкентдаги бир тўйда «катта хизмат» қилганимни даврадагиларга тушунтирди-ю, ўзи қилган олижаноблик ҳақида бир оғиз гапирмади».

Солиҳ аканинг бу ҳикоясидан сўнг инсонлик шарафини юксак тутиб, яхшилик билан от қолдирган санъаткорлар ҳақида ўша гурунгда узоқ вақт гаплашиб ўтирилди. Масалан, овози оламни тутган улкан ҳофиз Мулла Тўйчининг ҳам ҳозирги ҳофизлар каби кичик-

кина ёндафтари бўлганлиги, унда ўз хонадонидаги хўрсандчиликка таклиф этиб келган кишиларнинг номи, яшаш жойи, бориладиган кун ва соати ёзилгани айтилди. Мулла Тўйчи ака энг биринчи таклиф этган одамга ваъда бераркан. Шу ваъдадан сўнг келган кишининг (қандай қалин дўст, қиличи тошни ёрадиган амалдор ёки бадавлат одам бўлишидан қатъи назар) таклиф-фини қабул этмас экан. Йиғинларда ҳофиз меҳнати учун берилган чойчақанинг чўғи камроқ бўлганида ёнидаги созанда дўстларга бўлиб бериб, ўзи шундоқ қайтган кунлари анчагина экан.

Ҳа, сеҳрли қўшиқлари, куйлари билан инсонлар қалбини мафтун этувчи, ўз даврига, халқига хизмат қилувчи санъаткор ана шундай жўмард ҳам бўлиши керак.

Санъаткор ўз халқига, замонасига хизмат қилишининг йўллари ва воситалари кўп. Шулардан бири кишиларимизни жўштирадиган, янги-янги қаҳрамонликларга илҳомлантирадиган, улар қалбининг энг нозик торларига тегиб ўтадиган қўшиқлар, куйлар ижро этишдир. Ашулачи, созанда ўз касбининг хусусиятига кўра, илғор ғояларнинг омма орасидаги қизғин тарғиботчисидир. Бу ғоялар кўркам қўшиқ, куй орқали кишилар қалбига ҳаётбахш зиёдек кириб боради.

Сиёсий-ижтимоий мавзулардаги қанчадан-қанча куй ва қўшиқларимиз кишиларнинг бир неча авлодини тарбиялашда муҳим роль ўйнади. Халқимиз шонли меҳнат соҳасида кўрсатган сон-саноқсиз қаҳрамонликларда худди ана шу сиёсий-ижтимоий мавзулардаги куй ва қўшиқларнинг ҳаётбахш таъсири катта бўлган.

Ўлмас Ҳамза Ҳақимзодамиз ижодида «Соғиниб», «Салом айтинг» сингари замон нафаси гуркираб турган қўшиқлар ҳаминиша «Дилбари жонон келадур», «Хуш келибсиз» каби соф севги тароналари билан жуфт-жуфт бўлиб юрган. Устоз Ғафур Ғулом халқимиз дилига чуқурроқ кириб бориш учун қўшиқ ёзар экан, биринчи навбатда, халқ улкан замон санъати олдига қўйган катта талаблардан келиб чиққан. Сулаймон Юдаков мусиқа яратган «Мирзачўл» кантатасидаги шўхчан қўшиқлар бу фикрнинг далилидир.

Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Акмал Пўлат, Пўлат Мўмин сингари қанчадан-қанча шонрларнинг замон талабига «лаббай» деб жавоб бераётган қўшиқлари санъат кошонасига зеб бўлиб қолмоқда.

Санъат олдига, қўшиқ олдига халқ ва замон қўя-

ётган талабни тўғри тушунган хонанда ва созанда-  
римиз ўзларини буюк ғояларнинг тарғиботчилари деб  
билмоқдалар ва катта-катта йиғинларда тингловчилар  
онгини чархлайдиган, қалбини жўштирадиган, уларни  
янги зафарлар қучишга даъват этадиган куй ва қў-  
шиқларни ҳормай-толмай ижро этмоқдалар.

Ижоди камол топган, халқимиз дилида ўчмас из  
қолдирган забардаст хонандаларнинг кўпчилигига ана  
шу фазилят хос эди.

Машҳур хонанда Акбар Ҳайдаров 1916 йили мар-  
дикор қўзғолони даврида «Поюздинни жилдирган...»ни  
янгроқ овоз билан куйлаганида, минг-минглаб ҳамюрт-  
лари қалбида жўш урган ижтимоий ғазаб-нафратни  
ифодалаган, қўшиқни душман кўксига қадаладиган  
ўққа тенглаштирган эди.

1941—1945 йиллар урушининг оғир синов йилларида  
Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар реперту-  
арида азиз юрт, севгили ёр муҳаббатини бир-бирига  
пайванд этган ҳарбий мавзу асосий ўрин эгаллаган ва  
бу қўшиқлар ҳам фронтдаги, ҳам мамлакат ичкарис-  
даги ўн минглаб, юз минглаб ватанпарварлар қалбидан  
муштақкам ўрин эгаллаган эди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида фидо-  
корона меҳнат намуналарини кўрсатган, халқимизнинг  
қалбини жўшга келтирган не-не қўшиқлар ижро этил-  
ди. Тамарахоним ва Коммуна Исмоилова, Комилжон  
Отаниёзов ва Фахриддин Умаров, Саттор Ярашев ва  
Эргаш Йўлдошев, яна қанчадан-қанча ашулачиларнинг  
кейинги йигирма йил ичидаги бой репертуари шундан  
далолат беради.

Халқнинг дилига йўл топган, унинг шодлигига ҳам,  
дардига ҳам шерик бўлган хонанда, созанда, бастакор  
ўз халқига ҳеч қачон арзон-гаров «йиғи-сиғи» билан  
хизмат қилмайди. У замон жарчиси эканини, замон  
ғояларининг тарғиботчиси эканини ёдда тутаяди, тинг-  
ловчиларда соғлом, жўшқин кайфият пайдо қилишга,  
уларнинг талабчанлигини оширишга, дидини нозик-  
лаштиришга ҳаракат қилади.

Ҳақиқий санъат мислсиз даражада зўр таъсир ку-  
чига эга бўлганидан яхши хонанда ва созанда халқ  
ўртасида ғоят машҳур кишилар жумласига киради.  
Ҳозирги замоннинг кенг тарғибот воситалари — радио,  
телевидение, матбуот ҳар бир чинакам санъаткорнинг  
ихлосмандлари сонини юз баравар, минг баравар оши-  
риб юборади. Шундай экан, санъаткор деган юксак

нѳмни покиза сақлаш ҳар бир хонанда ва созанданинг инсоний бурчидир. Шуниси ҳам борки, таниқли санъаткор ҳаётидаги яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам халқ ўртасида жуда тез тарқалади. Яхши гап унинг обрўсини, ихлосмандларини бениҳоя оширса, ёмон гап кишиларнинг шу санъаткордан, баъзан эса санъатдан ихлосини қайтаришга хизмат қилади. Шундай экан, ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати билан ҳақли равишда халқ муҳаббатига сазовор бўлган хонанда ва созандаларнинг халқ ўртасида обрўсизланиб қолишига асло йул қўймаслик керак.

Бунинг учун санъат даргоҳларида ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларнинг кибрланиб кетиши, халқдан узилиб қолиши, ўз устида ишламай қўйиши, майший бузилиши сингари ёмон оқибатларга олиб келадиган хатти-ҳаракатлари йўлини ўз вақтида тўсиш, тегишли тарбиявий чоралар кўриш лозим.

Санъаткор ҳақидаги ҳар қандай овоза жуда тез тарқалиб кетишини ҳисобга олиб, унинг хулқ-атворини асосан ўз ҳамкасб дўстлари даврасида муҳокама этиш, санъаткорни ёмон отлич қиладиган баъзи енгил-елпи чиқишларга барҳам бериш керак.

Санъаткорга муносабат ҳақида гап борар экан, санъатни тарғиб қилувчи ташкилотларимиз ўз санъати билан халққа манзур бўлаётган, санъаткорлик шарафини қадрлаётган, лекин турли сабабларга кўра санъат муассасасида хизмат қилолмаётган хонанда ва созандалардан меҳнаткашларни санъат орқали тарбиялашда кенгроқ фойдаланишини орзу қилардик.

Матбуот органларимиз шу масала юзасидан бир неча принципиал чиқишларни уюштирса, санъаткор ва жамоатчилик муносабатлари юзасидан фан, адабиёт ва санъат арбоблари, санъат шинавандалари кенг фикр алмашсалар, умумий ишимизга катта фойда келтирган бўлур эди.

1970 йил

## АШУЛАЧИ ШЕЪРИЯТ ШАЙДОСИ БЎЛСИН

Оташзабон нотиқнинг фусункор нутқини эшитганда, нозиктаъб адибнинг маҳлиё қилиб қўядиган асарини ўқиганда, беихтиёр «ашула қилиб юборибди» дейиладики, бундан ортиқроқ таҳсинни топиш амри маҳол. Ҳа, ашула инсон юрагидаги анвойи туйғулар-

ни, санъатнинг бошқа турларида ифодалаш мушкўли бўлган туйғуларни гоҳ ипакдай майин, гоҳ шалоладай ўйноқи оҳанглар орқали баралла ифодалашга қодир.

Шунинг учун ҳам ўз халқининг дилига хуш келадиган тарона қўйлай олган ашулачи чинакам бахт топади; халқининг юксак эҳтиромини қозонади. Халқчил ашулачи ўз санъати билан замонасининг илғор гоёларини тарғиб қилади, халқнинг эстетик дидини оширишга, унинг санъат ва шеърият ҳақидаги тушунчалари доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Ўзбек санъати тарихига назар ташласак, бу фикрнинг ёрқин далили бўла оладиган кўпгина ҳолатларга дуч келамиз.

Халқнинг севиқли ҳофизини, шухрати элларга таралган Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовни эслайлик. Тўйчи ҳофиз авлодига мансуб бўлган шинавандаларнинг кўпчилиги унинг репертуаридаги ашулаларни ёд биларди. Катта-катта давраларда ашула айтarkan, Тўйчи ҳофиз давра қатнашчиларини ашулага қўшилишга даъват этган, уларга усул ўргатган, ашулага солиб айтилаётган ғазалнинг маъзини чақиб бериб, атрофдагиларни шеърият баҳсига тортган. Шу тариқа энг яхши санъат намуналарининг тарғиботчиси, кишиларда эстетик дидни оширишнинг жонкуяри бўлган.

Ашулани куй ва ғазал пайвандидан унган сеҳрли, кўркем дарахтга ўхшатса бўлади. Шундай экан, айтиладиган ашуланинг таъсир кучига эга бўлишида, умри боқийлигида ашулачининг куй ва шеъриятга муносабати муҳим аҳамиятга эга. Гап шу мавзуда борар экан, яна бир улкан халқ ҳофизини — Жўраҳон Султоновни эслагинг келади. Жўраҳон Султонов ўзининг кўп йиллик ҳамнафаси Маъмуржон Узоқов билан бирга ижро этган қанчадан-қанча ашулалар орасида куй шеърга тўғри келмай қолган, ғазал ғалат ўқилган, вазнда сакталик сезилган бирор ашулани эслаб бўлмайди. Бунга сабаб шу эдики, Жўраҳон ака шеъриятимизнинг жуда зўр ихлосманди бўлиб, шеърнинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида профессионал адабиётшунослар қатори мулоҳаза юрита олар эди.

Шеърият бобида катта мулла бўлган Жўраҳон ака ўз репертуари учун қўшиқлар матнини биринчи манбалардан — классик шоирларимизнинг қўлёзмаларидан, бир неча аср умр кўрган баёзлардан излар, ўзига манзур бўлиб қолган ғазални автор матнига энг мувофиқ ҳолга келтириш учун уни бошқа манбалар би-



дан солиштирар эди. Улкан санъаткорнинг яна бир фазилати шу эдики, ҳар бир шоир ижодини яққол характерлаб берадиган, чинакам кашфиёт даражасига кўтарилган ғазални бошқа ғазаллардан ажрата билар, бунда ўша ғазалнинг ҳозирги кунда қандай янграшини дарҳол кўз олдига келтирар эди.

Севикли халқ ҳофизининг бу ажойиб изланишлари шунга олиб келдики, классик шоирларимизнинг илм аҳлига яхши маълум бўлмаган бир неча ажойиб ғазаллари дастлаб Жўраҳон Султонов айтган ашулалар орқали халқимизга маълум бўлди, кейинчалик турли нашрлардан ўрин олди. Бу ўринда шоир Муқимийнинг «Бормикин» радибли жўшқин ғазалини эслаш кифоя. Жўраҳон ака уни ўзи топиб, унга ўзи куй басталаб, қалбларни жўшга келтириб ижро этган концерт байрамга айланиб кетган эди.

Машҳур ҳофиз буюк озарбайжон шоири Фузулийнинг бир ғазалини «Дугоҳ»га солиб айтганида ҳам ашула шинавандаларини лол қолдирган эди. Фузулийнинг ғоят чуқур фалсафадан иборат бўлган мана бу мисралари у вақтларда жуда кам одамга маълум эди:

Маҳшар купи кўрам, дерам ул сарви қоматп,  
Гар анда ҳам кўринмаса, кел, кўр қиёмати.

Ана шундай бошланадиган ва тобора юқорилаб бо-  
радиган бу ғазални «Дугоҳ» учун Жўраҳон ака ғав-  
вослар меҳнатидан ҳам зўрроқ меҳнат сарфлаб топ-  
ган эди.

Тўйчи ҳофиз, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узо-  
қов, Тўхтасин Жалилов сингари ҳофиз ва бастакорлар  
замоннинг юрак уришини яққол идрок этар, шеърият  
хазинасидан, бой мусиқа меросимиздан инсоннинг маъ-  
навий дунёсини яна ҳам гўзал қиладиган, унинг эсте-  
тик дидини оширадиган жавоҳирларни излаб топар  
эдилар.

Яна қанчадан-қанча ашулачи ва бастакорларимиз  
шу ажойиб анъанани муносиб равишда давом эттир-  
дилар. Лутфихоним Саримсоқова ва Комилжон Ота-  
ниёзов, Юнус Ражабий ва Саиджон Қалонов, Таваккал  
Қодиров ва Шоқосим Шожалилов, Фахриддин Умаров  
ва Орифхон Ҳотамов сингари нозиктаъб санъаткорлар  
шу жумлага киради. Уларнинг шеъриятга, куйга муно-  
сабати санъат шинавандаларини қувонтиради, ашула-  
га, ашулачига ҳурматни оширади, албатта.

Лекин баъзи ашулачи ва бастакорларимизнинг шеъ-

риятга муносабатида тингловчини ранжитадиган нуқсонлар кўзга ташланади. Бизнингча, бундай нуқсонларнинг энг хавфлиси қўшиқ матнига масъулиятсизлик билан қарашдир. Айрим ашулачиларимиз шу даражага бориб етмоқдаларки, икки хил шоирнинг икки хил замонда яратган, бутунлай бошқа-бошқа ғояларни бошқа-бошқа кайфият ва туйғуларни ифодалаган ғазалини бир-бирига «пайванд» қилиб, қориштириб ягона куйга солиб айтмоқдалар. Масалан, туғёнкор шоир Машрабнинг «Ишқинг ўтига куйгони келдим» деб бошланадиган ғазали не-не зукко ҳофизларимиз томонидан ижро этилиб, халқ ичида жуда машҳур бўлиб кетган. Бу ғазалдаги муродига етолмай қолган ошиқ қалбининг қаъридан отилиб чиққан изтиробли нидолар, шу ғазалга муносиб оғир интонацияли куй тингловчида бир олам ҳиссиёт уйғотар, Машраб яшаган даврдаги оддий кишилар ҳаётининг манзараларини тингловчи тасавурида яққол гавдалантирарди. Лекин байрам концертларидан бирида таниқли бир ашулачимиз бу ғазални шоир Собир Абдулланинг «Тўйлар муборак» ашуласига қориштириб айтганлиги ҳаммани ҳайратга солди. Ахир у икки ғазални «пайванд» қилишга қанчалик уринилмасин, бири боғдан, бири тоғдан келадик. Бу ҳам етмагандек, Машраб ғазалининг «Ваҳдат майидан ичгони келдим» деган мисрасини «Ваъданг майидан ичгони келдим» тарзида «тузатилиб» айтилдики, бу «кашфиёт»дан шеърият ихлосмандлари қанчалик «завқ» олиши ўз-ўзидан маълум.

Шоирларимиз тунларни бедор ўтказиб, игна билан қудуқ қазиб топган кашфиётларни, яққол образларни йўққа чиқариб, шеър ёки ғазал матнини «тузатиб» айтиш ҳоллари бизда тез-тез учраб туради. Бу соҳадаги анчагина қўпол бузилишларни бир четга қўйиб, «енгил таҳрир» этилган биттагина мисрани келтирмоқчимиз. Классик шеъриятимизнинг даҳоси Алишер Навоийнинг «Ҳануз» радифли ғазали Ўзбекистон радио ва телевидение Давлат комитети солистлари томонидан бот-бот ижро этиб турилади. Ғазалда:

Зулфининг ҳар торини юз минг туман деб қўйсалар,  
Ошиқи бечора айтур: нархи келмайдур ҳануз,

деган чинакам кашфиёт бўлган бир байт бор. Бунда шоир ошиқнинг ўз машуқасини бениҳоя юксак қадрлашини ўткир муболаға билан, халқ ичида кенг тарқалган ёрқин ибора билан акс эттирган. Халқ орасида

бирор буюмнинг баҳоси соҳибнинг мўлжалига етмаса, у «нархи келмади» дейдики, бу фикрни ўзгача ибора билан бериб бўлмайди. Ашулачиларимиз эса шоирнинг қанотли иборасини «содда»лаштиришга ҳаракат қилиб, «нархи арзондир» тарзида ўзгартириб олишибди. Бунда, биринчидан, шеърнинг парвози пастлаб кетса, иккинчидан «билмайдир», «қилмайдур», «келмайдур» тарзида келаётган қофия осмонга учиб кетиб, қовушмаган «арзондир» ибораси қофия ўрнида ўртага суқилиб қолади.

Яна бир нуқсон ҳофизларимиз репертуарларидаги айрим ашулалар матни уларга танланган куйга сира-сира мос келмаслигидир. Бундай ҳолларда ғазал ўйноқи бўлса куй йиғлоқи, куй шўхчан бўлса, ғазал аламли бўлади. Масалан Фурқатнинг:

Туриб ҳар кеча жононим йўлингда,  
Оқарди чашми ҳайроним йўлингда.  
Фалак узра малакларга етушти,  
Сенга етмасму афғоним йўлингда.

деб бошланадиган, ҳар мисрасидан жигар қони томадиган ғазалини баъзи ашулачиларимиз ўйноқи ялла куйида ижро этиши кам деганда шу ғазал руҳини тушунмаслик эмасми?

Ёки бошқа бир мисол. Неча-неча авлод ҳофизлари куйлаб келаётган ҳазин «Галдир»ни эслайлик. Унга шоир Муқимийнинг замонасидаги ноҳақликларга ўтли ғазабини акс эттирган «Қим десун» радибли мухаммаси айтиларди. Кейинчалик Садойининг ҳижрон аламларини, вафосиз маъшук зулмини ифодаловчи «Ҳануз» радибли ғазали солинадиган бўлди. Бу ҳар икки ғазал ҳам «Галдир»нинг оғир интонациясига мос келар, ғазал куйни, куй ғазални тўлдирар эди. Лекин мана яқинда таниқли бир хонандамиз унга ҳозирги шоирларимиздан бирининг ёр ҳуснини, вафосини, ҳаёт қувончларини, ғоят хушнуд кайфиятини ифодалайдиган «Кўзларинг» радибли ғазалини солиб айта бошлади. Бу ашулани эшитган тингловчи ғазалдаги хушнуд кайфиятга шерик бўладими ёки унга зид аламли куйни тинглаб оғир хаёлларга ботадами, ашулачи масаланинг бу томонига эътибор бермаган.

Ашула матнларига масъулиятсизлик билан қараш натижасида шеърятнинг энг оддий талабларига жавоб бермайдиган, на эҳтирос, на образлилик кўринмайдиган, ҳатто вазн, қофия принципларига риоя қилин-

маган айрим «шеър»лар ҳам ашулачиларимиз (баъзан халқнинг ҳурмати қозонган машҳур ашулачиларимиз) репертуаридан жой олиб қолмоқда, радио ва телеэшиттиришлар орқали миллион-миллион тингловчилар ўртасида тарғиб қилинмоқда. Бу ўринда мақомларнинг моҳир ижрочиси Берта Давидова репертуарига суқилиб кириб қолган «Томоша қил» ашулаш матнини эслаш кифоя. Бу «ғазал»да поэзия қондаларига рия қилинмаганлиги, шоирона маҳорат йўқлигидан ташқари, мисралараро оддий алоқа, мантиқ ҳам йўқлигини айтиш етарлидир.

Ашулачи ва бастакорнинг ашула матни устида олиб борадиган иши жуда катта билим, қобилият талаб қиладиган ишдир. Айниқса, радио ва телевидение сингари замонавий тарғибот воситалари ашулачининг овозини олис-олис маконларга, миллион-миллион тингловчиларга етказиб турадиган, санъат шинавандалари аудиторияси мислсиз кенгайиб кетган ҳозирги даврда бу масалага алоҳида диққат билан қараш керак.

Бизнингча, радио ва телевидениеда, концерт ташкилотларида, жумҳурият ва вилоят театрларида ашулачиларнинг бадиий адабиёт билан яқиндан танишишлари, поэзия сирларини яхши билиб олишлари учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш керак. Ашулачилар билан шеърят масалаларига доир машғулотлар, суҳбатлар ўтказиш, шонрларнинг, адабиётшуносларнинг ашулачилар ва бастакорлар билан учрашувларини ташкил этиш, ашулачиларда шеърятга ҳавасни кучайтириш, уларни шеър баҳсларига тортиш мақсадга мувофиқдир.

Ашулачи кенг аудитория олдида айтадиган ашулар матнларини шеърятни яхши тушунадиган мўтабар комиссия кўриб чиқиши керак. Шу муносабат билан театрларнинг адабий эмакдошлари, радио, телевидение ва концерт ташкилотларининг қўшиқлар матни билан шуғулланадиган муҳаррирлари масъулиятини ошириш даркор. Шунга эришиш керакки, истисносиз ҳар бир ашулачи ашула учун танланган шеър ёки ғазалнинг ғоявий-бадиий савиясига бемалол баҳо бера оладиган, унинг тарбиявий, маърифий аҳамиятини яққол идрок этадиган бўлсин. Шундагина қўшиқларимиз парвози яна ҳам юксак, таъсир кучи яна ҳам зўр, қўшиқ ишқибозлари аудиторияси яна ҳам кенг бўлади.

1969 йил

## НАФОСАТ ИЛМИ ЗАРУР

Буюк Алишер Навоий уйда қалбларни жўштирувчи шеър ва мусиқа анжуманлари тез-тез йиғилиб турганлиги кўпчиликка маълум. Йигирма чоғли забардаст шоир тўпланган бундай суҳбатлардан бирида устоз Абдурахмон Жомийнинг янгигина битилган бир ғазали ўқилибди. Ғазал шу қадар таъсирчан эканки, базм аҳли бошдан-оёқ сархуш бўлибди, сўз сеҳргарига қайта-қайта офаринлар айтилибди.

Суҳбат чоғида кишилар бир томондан устоз Жомийнинг шеърий кашфиётидан лол қолсалар, иккинчи томондан хона ичида осифлиқ турган қирмизи ва кўкрангдаги икки чопоннинг санъат мўъжизасидек ял-ял ёниб туришига тикилганча, улардан кўз узолмай ўтирарканлар. Бу чопонлар қай даражада қимматли эканини тасаввур этиш учун шунини айтиш kifояки, улар асли султон Хусайн Бойқарога мансуб бўлиб, подшо ўз дўстини бениҳоя мамнун этиш мақсадида бу икки чопонни Навоийга совға қилган экан.

Абдурахмон Жомий ғазалига тенг келадиган яна бирор ғазал билан сўз мулки бойишини орзу қилган Навоий суҳбатдаги шоирларни устоз билан ижодий куч синашиб кўришга даъват этибди, яъни ҳар бир шоир ўша мавзу, ўша вазн, ўша хилдаги қофия ва радифда ғазал ёзиб келишини илтимос қилиб, муайян вақт белгилабди. Жомий ғазали даражасида ёзилган икки ғазал учун ўша икки чопонни туҳфа сифатида берадиган бўлибди.

Белгиланган кунини барча шоирлар тўпланибди, ёзиб келинган ғазаллар ўқила бошлабди. Биринчи, иккинчи, учинчи... ниҳоят охириги ғазал ўқилибди. Суҳбат аҳли бирорта ҳам ғазалини Жомий ғазалига тенг деб топмабди. Навбат пойгакда ўтирган нозик дидли икки ёш шоирга келибди. Алишер Навоий улардан ўз ғазалларини ўқиб беришни илтимос қилибди. Уларнинг ҳар иккиси ғазалсиз келишганини айтишибди. Навоий уларнинг ғазалсиз келишидан мақсад нима эканини сўраганида, улар: «Бу мавзу, бу вазн, қофия ҳамда радифда устоз Жомийнинг ғазалига тенг келадиган ғазал яратиб бўлмайди, бу ғазал мислсиз, деган фикрга келдик ва ўз фикримизни мажлис аҳлига изҳор этиш мақсадида бу анжуманга йўл олдик», — деган мулоҳаза баён этишибди. Икки шоирнинг сўзларини тинглаб бўлгач, Навоий ўрнидан туриб, ҳалиги икки чопонни

уларнинг устига ёпибди ва чиннакам газални нозик ҳис этиш ҳамда тўғри баҳолаш ҳам худди шундай газални ижод этишдек аҳамиятли эканини таъкидлабди.

Шеър билан, газал билан иш тутадиган, уни тингловчилар қалбига, идрокига етказишни мақсад қилиб олган хонанда ва бастакорларимиз уни профессионал адабиётшунослар даражасида тушунишлари, ҳис этишлари ҳаётини заруратдир.

Аввало шунини айтиш керакки, халқимиз энг яхши ашулачини, зўр ҳофизни хонанда деб атайди. Хонанданинг луғавий маъноси эса, забардаст олимлар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов тузган «Навий асарлари луғати»да тўғри кўрсатилганидек, асарни ифодали ўқувчи, тингловчига мукамал етиб борадиган қилиб ўқувчи демакдир.

Иккинчи томондан эса, санъаткор минг-мингларча кишилар тинглайдиган юксак минбардан туриб юксак ғояларни кенг оммага етказадиган жамоат арбоби ҳамдир. Шундай экан, унинг тингловчилар ҳукмига нималарни ҳавола этиши, тингловчиларни ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш ишига қандай ҳисса қўшиши ҳам ғоят муҳимдир.

Кўп йиллик ҳалол хизматлари туфайли халқ ўртасида муносиб обрў қозонган ўнларча ҳофизларимиз ижодни учун характерли жиҳатлардан бири ҳам шу эдики, улар ўтмишдаги ва ўзларига замондош бўлган шоирларнинг ижтимоий қиёфасини яққол кўрсатадиган газал ва шеърларни қўшиқ қилиб айтардилар. Улар ҳар бир шоирнинг бадийи кашфиёт даражасига кўтарилган газал ёки шеърини унинг бошқа асарларидан кескин фарқ қилардилар. Шу тариқа омма ўртасида ғоявий-бадийи пухта асарларнинг тарғиботчиси вазифасини шараф билан бажарадилар.

Ўз репертуари учун асос бўладиган матига талабчанлик билан қарайдиган, шеърини идрокни яхши ривожланган хонандаларимиз ҳозир ҳам анчагина топилади. Улар ҳар бир қўшиқ матинини, унда ифодаланган шеърини мазмунни чуқур идрок этиши, ҳар бир мисрадаги етакчи сўзни бошқа сўзлардан ажратиб таъкидлай билиши, шеърини образни яққол гавдалантириши ва бошқа кўпгина фазилатлари билан ажралиб турардилар. Шу туфайли бу санъаткорлар ижро этган кўпгина қўшиқлар тингловчинини асл нафосат оламига етказайди, унинг қалбида анвойи туйғулар уйғотадими, ҳа-

қиқий хонанда учун бундан ортиқроқ бахтни тасаввур этиш қийин.

Бироқ барча ашулачиларимиз ҳақида шундай мам- нуният билан гапиришнинг иложи йўқ. Шундай ашу- лачиларимиз борки, улар ижро этган қўшиқларга асос бўлган шеърлар худди ўтмас пичоқли қиймалаш ма- шинасидан чиққан гўштдек аянч аҳволга тушади, мати шу қадар «чайналади», «ғажиллади»ки, шоир нима де- моқчи бўлганлигини, ўз фикрларини қандай шеъри образлар орқали гавдалантирганини ғира-шира ҳам тасаввур қилолмайсан киши. Гоҳо-гоҳо таниш мисра- лар қулоғингга кирганида эса, ашулачининг алмойи- алжойи «тузатиш»лари кўнгилда қаттиқ ранжиш пай- до қилади.

Қўшиқдаги бир сўз, ҳатто бир бўғин бузиб айтили- шининг ўзи мисра ёки байтда ифодаланган мазмунни бутунлай йўққа чиқаришини баъзи ашулачиларимиз жиддий ўйлаб кўрмайдилар. Масалан, Бобораҳим Мир- заев шеъри билан айтиладиган «Раққоса» қўшиғида- ги:

Танбур, дуторлар ўйноқ сасидан

мисрасини таниқли бир хонанда аёл:

Танбур, дуторлар ўйноқчасидан (!)

тарзида айтганида, бошқа бир ашулачи эса, Ҳамза- нинг

Томчи ҳар қонингга олдинг  
Илму урфон, эрку жоҳ

мисраларини:

Томчи ҳар қонингга олдинг  
Илму урфон, эрку жоҳ (!)

деб бузиб-ёриб айтганида шундай бўлди.

Айрим хонандаларимиз ўзлари ижро этаётган қў- шиқ матнининг муаллифи кимлигини, у қайси замон- да яшаганлигини, унинг ғазаллари бошқа шоирлар ғаз- залларидан қандай жиҳатлари билан фарқ қилишини билишни ортиқча даҳмаза деб қарайдилар. Натижада концерт залларида, радио ва телевидениеда берилди- ган концертларда бутунлай бошқа-бошқа даврда яша- ган, ижодининг характери жиҳатидан бир-бирига сира

тўғри келмайдиган шоирларнинг ғазалларини биринчи  
иккинчисига нисбат бериш ҳоллари учраб туради. Бу  
ўринда шуни айтиш жоизки, ҳозирги тингловчилари-  
миз орасида ўнлаб шоирларнинг юзларча ғазаллари-  
ни ёд биладиган, ақл-заковатли кишилар кўп. Ашула-  
чининг оғзидан чиққан биринчи мисрадан бошлабоқ  
шеър кимники эканини айтиб берадиган тингловчилар  
оз эмас. Шунга қарамай, баъзи ашулачиларимиз ўз  
репертуаридаги кўшиқ матнининг муаллифи ҳақида ҳеч  
нарсга билмаганлари ҳолда дид ва талаби юксак тинг-  
ловчилар билан учрашиб, ўзларини ноқулай аҳволга  
солиб қўймоқдалар.

Телевидение орқали берилган бир концертда вило-  
ят театрларидан бирининг уч хонандаси шоир Фазлий  
нинг «Мени беқарорлар айлаган...» деб бошланадиган  
ғазални бу ғазалга ҳам, ғазал авторига ҳам умуман  
алоқаси бўлмаган, Фазлийдан бир неча аср аввал ўт-  
ган форс-тожик шеърятни классиги Ҳофиз Шерозийга  
нисбат бериб айтганлари тингловчиларни ҳайрон қол-  
дирди, албатта.

Еки бошқа бир мисолни олайлик. Ўзбекистон ради-  
осининг таниқли хонандаларидан бири «Чоргоҳ иккин-  
чи»га «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасига ўзбек  
драматурги Хуршид томонидан ёзилган ғазални На-  
войига нисбат бериб ижро этади. Аввало бир вақтлар  
саҳнада ўйналган асарлардан айрим ашулаларни юлиб  
олиб, ҳеч қандай изоҳсиз тингловчига тақдим этиш  
тажрибаси ўзини оқламайди. Чунки ўша саҳна асари-  
даги воқеаларга, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатига  
мослаб ёзилган бу қўшиқлар ўз ҳолича айтилавергани-  
да тингловчиларни чалғитиши турган гап.

Қўшиқларимизни қанотсиз қилаётган, уларнинг таъ-  
сир кучини сусайтириб юбораётган бундай нуқсонлар  
қўшиқчи ва бастакорларимизнинг бир қисми қўшиқ-  
ларга асос бўлган шеърини асарларни пухта ўрганиб,  
шеърят соҳасида зарур савод ҳосил қилиб ололмаёт-  
ганликлари туфайли содир бўлмоқда.

Хонандалар ва бастакорлар етишиб чиқадиган асо-  
сий илм даргоҳи — Тошкент Давлат консерваторияси-  
да ана шу зарур ишга мустаҳкам асос қўйилса яхши  
бўларди. Бўлажак хонанда ёки бастакор учун ўрта  
ўқув юртида олинган шеърини савод етарли деб ҳисоб-  
лаш катта хато бўлур эди. Санъаткор бу саводни умр  
бўйи такомиллаштириб бориши даркор.

Хонанда ва бастакорнинг шеърятни идрок этиш



даражаси ҳозирги замон талабларига жавоб бериши учун концерт ташкилотларида, халқ филармониялари, ҳаваскорлик коллективларида бадий адабиётни, хусусан шеърятни кенг равишда ўрганиши ташкил этиш керак. Шу мақсадда шеърят масалаларига доир лекция ва суҳбатлар ўтказиш, шеърӣ асарларни биргаликда муҳокама этиш, бадий ўқишни машқ қилиш, классик ва ҳозирги шеърятимизнинг энг яхши намуналарини ёдлаш фойдали бўлур эди.

Олимларимиздан бири инсоннинг бадий асарни мукамал идрок этиб, ундан зарур эстетик завқ олиб яшаши ҳақида гапириб, бундай киши икки бор ҳаёт кечиради, яъни ўз ҳаётини ва эстетик идрок этиш ҳаётини кечиради деган эди.

Нафосат илми табнатнинг инсонга бениҳоя буюк туҳфасидирки, бирорта ҳам хонанда ёки бастакор шу буюк туҳфадан маҳрум қолмаслиги керак.

1974 йил

### БАЛ БАҲОНА БЎЛДИ

Улкан маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқат меросида ҳали тадқиқотчилар етарлича эътибор бермаган ва дуруст таҳлил этмаган муҳим бир асар бор. «Бал хусусида» деб аталувчи икки қисмдан иборат бу асар Фурқат чет элга жўнаб кетгунга қадар яратган шеърӣ асарларнинг ҳажм жиҳатидан энг йириги бўлиб, яратилиш тарихи, унда қўйилган масалалар, илгарӣ сурилган гоёлар жиҳатидан ҳам жиддий қизиқиш туғдирадиган асардир. Шоир ижоди кенг ўрганила бошлаганидан буёқ ўтган қарийб ярим аср мобайнида «Бал хусусида» асарига икки тадқиқотчи, яъни филология фанлари докторлари Фулом Қаримов ҳамда Эрик Қаримов фақат бир масала — Фурқат ва генерал-губернатор келини муносабатлари масаласи юзасидан мурожаат қилганлар, холос. Ғ. Қаримовнинг «Фурқат биографиясининг баъзи масалалари» мақоласида (1959), Э. Қаримовнинг рус тилидаги «Демократик адабиёт реализми» (1986) китобида икки олимнинг бу ҳақидаги фикрлари ўз тадқиқот мавзулари билан боғлиқ тарзда баён этилган. Бироқ Фурқат маърифатпарварлик фаолиятининг янги қиррасини намойиш қилувчи бу асарнинг яратилиш тарихи, унга туртки берган воқеа ва шахслар ҳали деярли ўрганилмаган, бу асарнинг шоир биографияси, ватанжудолиги билан боғлиқ жиҳатлари

ҳам бу ҳақдаги мавжуд фикрларга анчагина аниқликлар киритишни тақозо этади.

Фурқатнинг буюк замондоши Аҳмад Дониш «Наводирул вақое» номли ажойиб асарида Петербургдаги бал рақсларини зўр жозиба кучи билан тасвирлаганлиги маълум: «...Катталарнинг хотинлари эркаклари билан бир-бирларининг бўйин-белларини ушлашганлари ҳолда, қўл ташлаб, оёқ уриб айланиб ўйнашар эдилар... Хиром қилиб, зал айланиб юрганларида Зухро юлдузидек бир хирмон гул ҳар тарафга оқиб тўкилмоқда эди. Бу юлдузчалар чироғ ёруғида... олтин, олмос, марварид каби ялтираб, юлдузлар учгандек кўринар эди» (Аҳмад Дониш. «Наводирул вақое», Тошкент, 1964, 235—236-бетлар).

Фурқат Дониш асаридаги бу тасвирдан воқиф бўлган-бўлмаганлиги бизга маълум эмас. Зотан, у ўз «Сарғузаштнома»сида 1891 йилда чет элга кетатуриб Бухоро орқали ўтганини айтадию, бироқ Дониш ҳақида, у билан кўришган-кўришмагани ҳақида ҳеч нарса демайди.

Фурқат Тошкентда эканида шаҳар театрида 1890 йил 1 июлда концерт тинглаб, «Тошканд шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», спектакль кўриб «Суворов» асарларини яратганлиги, «Туркистон вилоятининг газетети»да уларни эълон қилдирганлиги маълум. Фурқатнинг бу жасорати ўша вақтдаги Туркистон шаронтида мисли кўрилмаган бир иш эди. Чунки унга қадар маҳаллий знелилардан ҳеч ким рус муסיқасини, рус қўшигини, рус театрини газетадек кенг тарқаладиган оммавий ахборот воситаси орқали бундай ошқора ва қизгин тарғиб этишга ботина олмаган эди. Ана шундай мислсиз жасоратдан сўнг шоир янги жасоратга — рус бал рақсларини эҳтиросли тасвирлашга камарбаста бўлди. Фурқат тасвирлаган икки балнинг биринчиси 1891 йил 22 январда, иккинчиси эса ўша йил 10 февралда Туркистон генерал-губернатори уйида ўтказилган бўлиб, ўша вақтдаги газета хабарига қараганда, биринчи балда 800 дан кўпроқ, иккинчи балда камроқ одам қатнашган.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги Н.Остроумов фонди материалларини кўздан кечирсак, 1890 йил 29 декабрига тааллуқли қуйидаги қайдга дуч келамиз: «Барон Вревскийникига унинг ўғли навқирон хотини билан келди. Бароннинг ўғли ҳам навқирону ҳеч бир айтарлик томони йўқ, лекин унинг рафиқаси (Светлана Николаевна) ҳаддан ташқари дилрабо бир вужуд». Би-

нобарин, биринчи бал Светлана Николаевна Тошкент-га келгач, орадан 24 кун ўтгач уюштирилган.

Фурқат «Бал хусусида» шеърининг бошида:

Ингирма шкига деб бўлса гинвор,  
Етушти бизлара бир тоза ахбор-  
Келиб генрал-губернатор саридни,  
Роқима етти ҳоким навқаридни..  
Ўқудук анда ул хатти иноят,  
Экан мазмуни таклифи зиёфат.

дейдики, бунда генерал-губернатор номидан юборилган таклифномани шаҳар ҳокими маҳкамаси ходимларидан бири Фурқатга топширган деб ҳисоблаш мумкин. Лекин айни вақтда бошқа бир манбага қараганда, шоир генерал-губернатор уйидаги балга бал соҳибни томонидан таклиф қилинган эмас, балки «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррирининг илтимосига кўра фақат юқори табақа кишилари учун уюштирилган балда «сўзнинг тўппа-тўғри маъносинда қашшоқ»<sup>1</sup> бўлган Фурқатнинг ҳам қатнашувига мустасно тарзда рухсат берилган. Фикримизнинг далили учун Н.Остроумов кундаликларидан баъзи қайдларни келтириш лозим кўринадди: «1891 йил 23 январь, шанба. Кеча генерал-губернатор уйида бал бўлди. Бароннинг ижозати билан мен русча томоша, базмларга қизиқувчи ерли шоир Фурқатни ўзим билан бирга балга олиб бордим...

11 февраль, душанба. Кеча барон Вревскийнинг уйида иккинчи бал бўлди... Шоир Фурқатнинг иккинчи балда ҳам қатнашувига ижозат берилди». Шу тариқа юқори табақа балига қашшоқ ерли шоирнинг кириши учун неча чиғирикдан ўтказилгачгина, ижозат берилган деб ҳисоблаш зарур. Фурқатнинг балга бориши йўлида қандай ғовларни енгиб ўтиш лозим бўлганлиги хусусида Н.Остроумов унинг ўзига ҳеч нима демаган, шонрдан газетхонларни қизиқтирадиган шеър ундириб олишининга ўйлаган бўлиши ҳам мумкин. Шу вайдан Фурқат ўзига шаҳар ҳокими маҳкамаси ходими келтирган таклифномани осонгина, ўз-ўзидан келган деб тушунган бўлиши эҳтимол.

«Бал хусусида» шеърни газетада эълон қилинган, Фурқат бошига оғир фалокатлар тушганлиги маълум. Бу фалокатларга сабаб бўлган ўринлар фурқатшунослар

<sup>1</sup> Н. Остроумов. Сарты Третье издание. Ташкент, 1908. стр. 115.

томонидан турлича талқин этилган. Масалан, Э. Қари-мов: «Фурқатнинг ҳомийси бўлмиш Н. Остроумов шоир-нинг шеърдан барон норози эканини унга айтади», — деб ёзади. Генерал-губернатор онласидагиларнинг Фурқат шеърига муносабати хусусида Н. Остроумов кундаликларида фикр юритилган ўринларда, шеър Светлана Николаевнага ва унинг эрига ёққанлиги айтилади: «Шоир Фурқатнинг шеъри маҳаллий газетада (4-сонда) босилиб чиқди ва бал бекасига манзур бўлди... Унинг эри (бароннинг ўғли) шоирга миннатдорлик билдирди, унинг рафиқаси эса Фурқатнинг шеърини асл нусхада ўқий олмаслигини айтиб ачинди».

Н. Остроумов қайдлари Фурқатнинг янгича маърифатпарварлик йўналишидаги бу асари генерал-губернаторлик доираларидан, шунингдек реакцион зиёлилардан кимларга ёқмаганлиги, шу туфайли шоирга қилинган тазйиқ ва таъқиблар, солинган қутқулар тўғрисида ҳам маълум тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. «Фурқат бундай томошаларни биринчи марта кўриши эди, — деб қайд қилади Н. Остроумов, — кўрганларининг барчасидан ҳайратга тушди ва уларни ўзига хос шеърини йўсинда тасвирлади... Фурқатнинг шеъри шаҳарда турли гап-сўзларга сабаб бўлди. Қизлар гимназиясининг рус тили ўқитувчиси (Фавицкий) менга қарши айниқса галамислик қилди. У қизишиб кетди ва маҳаллий газетанинг 4-сонини пойтахт газеталарига юборажанини айтиб, пўписа қилди... Рус тили назарияси ўқитувчиси маҳаллий шоирнинг рус балидан олган таассуротларини шеърда тасвирлаш услубига босиқлик билан қарай олмаяпти, ундаги тасвирни маҳаллий шеърлар билан муқояса қилмаяпти. Рус ўқитувчисининг бундай хуружини мен унинг нодонлигидан деб биламан... Фавицкийга таниш бўлган, балга борган хонимлар шоирнинг чиндан ҳам «қизил гуллар ичра оқ гул» бўлган барон келинини ва унинг дугонасини назокатда биринчи деб тасвирлаганига норозилик билдирган эмишлар. Шоир ҳатто белдан юқори қисми ёпиқ бўлган оддий ва нафис кўйлақларни таърифлаганида ҳам шубҳасиз ҳақ эди».

Шу тариқа, Фурқат Светлана Николаевна ва унинг дугонасини балдаги гўзалларнинг гўзали сифатида таърифлаганлиги, уларнинг одоб-муомаладаги, кийинишдаги оддийлигини балга бачкана, ҳаммаёғи очиқ кўйлақлар кийиб келган хонимларга ибрат қилиб кўрсатганлиги юқори табақага мансуб аёлларга ва уларнинг эрларига малол келади. Н. Остроумов қайдига кўра, биринчи бал-

нинг ўзидаёқ, кечалик овқат вақтида юқори мартабали бир гуруҳ ҳарбийлар балдан норози эканликларини изҳор этадилар ва 10 февралдаги балга келмайдилар. Уларнинг бу норозилиги оддийликни улуғловчи Фурқатдек камбағал шоирнинг ўзлари билан бирга балда иштирок этганлигидан ҳам бўлса, ажаб эмас.

Энди «Бал хусусида» шеърда алоҳида ҳурмат ва иштиёқ билан тасвирланган Светлана Николаевна ҳамда Фурқат муносабатлари масаласига келсак, бу ҳақда кўп сонли ўқувчилар орасида ҳам, тадқиқотчилар орасида ҳам ҳар хил фикрлар юради. Шу муносабат билан шеърдаги генерал келинга бағишланган мисралар ҳақида фикр юритар экан, профессор Ф. Каримов: «Фурқат жуда нозик бир масалада шубҳа остига олинди... шоирона жўшқин қалбидан, эҳтиросли табиатидан бошқа айби бўлмаган Фурқат «генерал келинини ҳаддан ташқари — ғаразли мақташ»да айбланади», деб ёзади. Чиндан ҳам, бир томондан, чор маъмурияти амалдорларининг норозилиги ва тазйиқи натижасида биринчи балдан сўнг газета муҳаррири Н. Остроумов билан Фурқат ўртасида бўлиб ўтган нохуш, қутқу солувчи суҳбатда шоирнинг принципиал жавоблари, иккинчи томондан эса, юқорида айтилганидек, Светлана Николаевнанинг балдан 24 кунгина илгари Туркистонга биринчи марта келганлиги улар ўртасида гўё интим алоқалар мавжуд эди, деган фикрнинг асоссизлигини кўрсатади. Шу ўринда Н. Остроумов кундалигидаги бошқа бир фикрга ҳам тўхталиб ўтиш лозим кўринади: «Балда ёш баронесса маҳаллий шоирнинг шеъри юзаки бўлса ҳам лекин оригинал эканлигини, шунинг учун «Туркистон вилоятининг газети»нинг 4-сонини саройда яшовчи қариндош аёллардан бирига маҳаллий янгилик сифатида жўнатганини менинг хотинимга айтибди»<sup>1</sup>. Остроумовнинг бу сўзларидан Фавицкий Петербургдаги марказий газеталардан бирига юборишини айтиб қутқу солган, бироқ амалга ошира олмаган ишни генерал-губернатор келини амалга оширганлиги, ундан ҳам юқорироқ доираларга, яъни саройга юборганлиги маълум бўлади. Аммо бу ишни у қайси мақсадларда қилганлиги ва генерал-губернатор келинининг бу хатти-ҳаракати Фурқат тақдирида қандай роль ўйнаганлиги ҳақида маълумотларга эга эмасмиз.

<sup>1</sup> Ўз ССР МДА фонд № 1009, опись № 1, дело № 84, 14-саҳифа

Юқоридаги фактлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Фурқат ва баронесса ўртасидаги интим алоқалар ҳақидаги «миш-миш»лар генерал-губернаторлик доиралари билан шоир муносабатларини янада кескинлаштириш, фожиа келтириб чиқариш пайида юрган маърифат душманлари томонидан ўйлаб топилган, уларнинг югурдаклари томонидан ҳаммаёққа тарқатилган ва пировард натижада Фурқат ватанжудолигининг сабабларидан бири сифатида хизмат қилган разил тухмат эди.

Устига устак, «Бал хусусида» шеърининг бошқа кўпгина жиҳатлари ҳам мустамлака маъмурияти амалдорларига ёқиши мумкин эмасди. Аввало гап шундаки, Фурқат рус балидан олган таассуротларини ўзининг янгича маърифатпарварлик мақсадларига мувофиқлаштириб ифодалаган эди. Бир нарсага эътибор берайлик. Бал ўтказиладиган муҳташам бино ичида Фурқатни айниқса қишки боғ мафтун этади:

Ажойиб булки, бир ойина хона,  
Берур қиш фасли гулшандин нишона.  
Очилган тоза гуллар анда бисёр,  
Агар узса, тикандин етмас озор.  
Ўралгон сабзаларнинг тори ҳар сў,  
Тушуб бир кўйга шабнамдек анис у.  
Чиқар бир чашма ул гулшан ичинда,  
Мисоли настарин савсан ичинда.  
Совуқ кунда бўлурму боғ ҳечдин,  
Етар иссинг ани остига печдин.

Фурқат бу қишлик боғни аёз қутурган қиш чилласида кўришга муваффақ бўлган ва боғда кўрган нарсаларини газетхон тасаввурида гавдалантириб, асарнинг алоҳида маърифий кучини таъминлаган. Зотан «Бал хусусида» шеъри эълон қилинган XIX асрнинг 90-йиллари бошида ўзбек ўқувчисида қишлик боғ ҳақида умуман тушунча йўқ эди, бу тушунча Фурқат асари натижасида ҳосил бўлди.

Рус бали манзараларининг синчковлик билан эҳтиросли тасвирланиши ҳам на Фурқат ижодида, на унга замондош ўзбек шоирлари ижодида илгари учрамаган гоят муҳим жиҳатдир. Бал иштирокчилари бўлмиш латофатли рус аёлларининг кийиниши, катта йиғинда ўзини тутуши, муомала маданияти Фурқатни мафтун этади. Уларни тасвирлашда шоир шарқ классик адабиётидаги анъанавий образлардан кенг фойдаланади. Зотан,

унинг шарқ шеърияти намуналарида тарбияланган ўқувчилари учун худди ўша анъанавий образлар яқин ва тушунарли эди:

Таги аввалгилардек хўб қизлар,  
Ҳама хушсурату марғуб қизлар.:  
Хиромон эрдилар монанди товус.  
Бўлуб доманлари анда заминбўс.  
Либоси гул киби хушранг эрди,  
Мисоли гунча оғзи танг эрди.  
Лабига қилса даъви Чин хиноси,  
Бўлур бул журм бирла зеру носи,  
Эди қоматлари сарви хиромон,  
Юз узра сочи сунбулдек паришон.  
Уёлиб Ҳинд тўтиси сўзидин,  
Хито оҳуси шарманда кўзидин.

Келтирилган шеърий парчадаги маҳбуба рафторини товусга, кийимини гулга, лабини гунчага, қоматини сарвага, сочинини сунбулга, гуфторини тўтига, кўзини оҳуга қиёс қилиш ва бу қиёсларда маҳбубанинг афзалликларини таъкидлаб бориш анъанавий тасвир услуби, албатта. Лекин Фурқат илгаридан муваффақиятли қўллаиб келган бу услубдан ўз юртдошлари орасида биринчи бўлиб рус аёлларини таъриф ва тавсиф этиш учун фойдаланади. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, бу ўринда Фурқат қўллаган анъанавий образлар ўқувчига асло малол келмайди, аксинча, шоир ҳиссиётларининг улар қалбига тезкорлик билан кўчишига ва мустаҳкам ўрнашиб қолишига кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Шоирнинг синчков нигоҳи ва эҳтиросли тасвири рус аёлларининг ташқи қиёфасига, кўп сонли эркаклар иштирок этаётган бал базмида ўзларини эркин тутишига қаратилади. Балда аёл кишининг кўнглига кўпроқ қаралишини, уни хушнуд этадиган хулқ-атворли эркакларнинг хатти-ҳаракатларини Фурқат ўз ҳамюртларига ибрат сифатида кўрсатаётгандек, улардан севимли маҳбуб, меҳрибон она бўлмиш ўзбек аёлига ҳам шундай ҳурмат, эъзоз талаб этаётгандек иш тутади. Мана, шоир қалбига алоҳида фараҳ бағишлаган ўша манзара:

Экан гар катта базм ўлса, таомил —  
Кетурдилар арога бир сабад гул.  
Тутуб қизларга гулни бир-бир анда  
Паришон этти гул гўё чаманда,  
Қизлар гулни кими ҳар кимга берди,

Ушал одам ани дилхоҳи эрди.  
Уюл қилди иковлон ушланиб қўл.  
Ушал мажлисда айлаб давра бир йўл.  
Мушга ўхшани ҳама яқбора ул дам,  
Бўлушти ҳар иков даввора ул дам.

Шу тариқа, Фурқат балнинг асосий иштирокчилари бўлмиш тантиқ, беҳаё хонимларни эмас, балки ҳаё-одобли, камтарин ва қувноқ, бокира аёлларни улуғлайди, уларнинг қувноқ рақсларидан завқ-шавққа тўлади.

Шоир ижодининг тадқиқотчиларидан бири бундай деб ёзган эди: «Фурқат XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Туркистон ижтимоий камчиликларини очиқчасига танқид қилишдан, кескин сатирик масхаралашдан атайлаб ўзини тийишга ҳаракат қилди.

Унинг танқиди оғир ботмайдиган, сипо, лекин ҳамиша аниқ ва мустаҳкам. Фурқат шеърятининг танқидий руҳи унинг асарлари юзасида эмас, балки ботинида, шаклида эмас, балки шоир мулоҳазаларининг мундарижасида ва моҳиятидадир».

Фурқатнинг бутун ижоди учун хос бўлган ана шу характерли хусусият бал ҳақидаги шеърда ҳам яққол кўзга ташланади. «Бал хусусида» асарига синчиклаб назар ташласақ, шоир унда қатнашган юқори мартабали кишилар танқидида жуда нозик, пардали йўл тутганининг гувоҳи бўлаемиз:

Авалло, «Туркестанские ведомости» газетасининг ўша йил 29 январидаги маълумотга қараганда, генерал-губернатор уйдаги биринчи балда 800 дан ортиқ киши иштирок этган. «Туркистон вилоятининг газети» худди ўша кунги сониди бу бал ҳақида хабар бераркан, «Анда Тошканд шаҳридаги улуғлар ва аксария тўралар ва чиновниклар ва русия халқининг савдогарлари аҳли аёллари бирлан ҳам ҳурматлик мусулмонлар, чунончи, марҳум Худоёрхоннинг ўғуллари ва жаноб Сайид Аҳадхон ва полковник Бобобек ва полковник Жўрабек ва қозилар ва оқсоқоллар ва мусулмон мадрасасининг бир мударриси, шаҳар управаси ва шоир Зокиржон Фурқат ва Акрам Асқар ўғли бор эди», — деб ёзган эдики, атайлаб шиширилган бу рўйхатга сиртдан қаралса, ерли аҳолидан анча-мунча одам қатнашгандек таассурот қолдиради. Лекин Фурқат шеърини ўқиган газетхонда газета хабаридан туғилган бу сохта таассурот бир лаҳзада тарқаб кетади. Чунки у балда қатнашган ерлиларнинг сони атиги 16 та бўлганини:



Бўлуб хурсанд биз ўн олти одам,

мисрасида усталик билан қистириб кетадики, улар балдагиларнинг ақалли икки фоизини ҳам ташкил этмаслигига зийрак китобхонлар дарҳол эътибор қилган бўлишлари керак.

Шеърнинг бошқа бир жойида Фурқат:

Келиб русиядин ул кеча бисёр,  
Мусулмон халқидин ҳам кўб амалдор,

Бўлуб генрол губернаторга меҳмон,

дея, газетахонни балга келганларнинг аксар кўпчилиги юқори табақага мансуб кишилар экани ҳақида, бунинг сабаблари ҳақида фикр юритишга мажбур этади.

Шоир бу билангина чекланмайди. У ўзини билиб-билмасликка олгандай иш тутадю, лекин генерал-губернатор хонадонида бўлиб ўтган балдаги ўта дабдабали зиёфатни, кўплигидан номларини ҳам билиш қийин бўлган ичкилик ва таомларни, бино ичидаги шоҳона нақш ҳамда безакларни, пул пўчоқдек исроф қилиб юборилган бошқа кўпдан-кўп ашё ва буюмларни тасвирлаб, газетхон кўз ўнгида аламли бир манзара пайдо қилади. «Бал хусусида» шеърининг бу томони ҳақида Н. Остроумов ўз кундаликларида ҳеч нима демайди. Лекин орадан анча йиллар ўтгач, уни «Сартлар» («Сарты») китобига киритар экан, Фурқатнинг генерал-губернатор уйидаги баллардан ва бошқа дабдабали йиғинлардан ҳайратланганига норозилик билдиради ва «Бу истеъдодли шеърбоз Петебург ҳамда Москва саройларини, уларда бўлиб ўтган тож кийиш тантаналарини кўрса не алфозга тушарди?» деб ёзади. Шуниси ҳам борки, Фурқат ана шу кўрган дабдаба ва исрофгарчиликларни шунчаки қайд қилмаётганини, имо-ишорани яхши тушунадиган, нозик дидли ҳамюртларини генерал-губернаторлик доираларида бўлаётган ишлардан огоҳ қилиш мақсадида эканини ҳам усталик билан билдириб ўтади:

Хусусан бу мусулмонлар учундур,  
Расо табъу сухандонлар учундир.  
Манга лозим аён этсам аларга,  
Езиб. яъни баён этсам аларга...  
Чуновчи биз мусулмон халқи — кўб эл,  
Туруб русиялар ичра неча йил,

Бўлуб генрол уйда ҳар қачон бал,  
Боруб кўрганмиз йўқ қайси мнвол.

Фурқат, бир томондан, ибрат мактаби бўлмиш рус балидан оддий одамлар четда қолаётганини, бу ҳол ўз навбатида рус халқи ҳаётига хос муҳим жиҳатлар ўзбек оилаларига кириб келишига ҳалал бераётганини, иккинчи томондан эса, ҳоким гуруҳлар кайф-сафоларидан, улар қилаётган катта исрофгарчиликлардан оддий одамлар ўзларига хулоса чиқариб олишлари қийин бўлаётганлигини назарда тутган деб ўйлаш мумкин. «Бал хусусида» нинг иккинчи қисмида шоир:

Келиб ман ҳам ўзумнинг маскалимга,  
Ҳазин булбулдек эски гулшанимга,  
Қилиб ёд ул чамани, чекибон ранж,  
Бўлуб булбул киби охир навосанж,  
Бу назми айладим алқисса иншо, —

мисраларини ёзаркан, ўз масканига қайтиб келган шоирнинг бал манзараларини эслаб, ранж чекканига алоҳида урғу берганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Яна бир характерли жиҳат шуки, 254 мисрадан иборат бутун манзумада бирор ўринда генерал-губернатор шаънига мақтовни кўрмаймиз. Унинг бал давомида баъзи меҳмонлар билан ҳол-аҳвол сўрашгани атиги икки байтда қайд этилади, холос.

Хулласи, сиртдан қараганда, Фурқат генерал-губернатор уйдаги балда кўрганларининг оддий тасвирини бермоқчидек кўринса ҳам, аслида XIX аср иккинчи ярмидаги Туркистон шароитида ошкора айтиш мумкин бўлмаган бир қанча қалтис фикрларни шеър руҳига усталик билан сингдириб, ўз ўқувчиларига етказиш йўлини топган, бунда йўлдаги кўпдан-кўп тўсиқларни айланиб ўтган эди. Лекин ана шу юқори амалдорлар учун номатлуб фикрлар тез орада уларга маълум қилинади шекилли, иккинчи балнинг эртаси куни, яъни 11 февралда Н. Остроумов кундаликларида қўйидаги қайдлар пайдо бўлади: «Мен Фурқатга унинг шеъриндан шаҳарда туғилган таассуротлар ҳақида сўзлаганимда (бу таассуротларни менга ҳарбий аслаҳахонада хизмат қилувчи ёш офицер Симонов маълум қилди. У Тошкент гимназиясидаги собиқ ўқувчим эди...) у ажабланди ва ўзини оқлаш учун оқилона бир шеър ёзди. Шеър мисралари мазмуни шундан иборат эдики, шарқ шеъриятида муболағага йўл қўйилади, буни ғаразли мақсадларни кўзлаб эмас, бал-

ки мусулмонча хушахлоқлик тақозосига кўра қилинади».<sup>1</sup>

Юқоридаги қайдлар 11 февралга тааллуқли эканини, Фурқатнинг «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» деб аталувчи ажойиб асари «Туркистон вилоятининг газети»нинг ўша йил 14 февралдаги 6-сонидан эълон қилинганини эсласак, Н. Остроумов худди шу шеърни назарда тутаяпти, деб ҳисоблаш мумкин. Маълум бўладики, офицер Симонов Остроумовга айтган юқори табақа вакилларининг Фурқат балга борганлиги ва бал таассуротлари асосида яратилган шеърини газетада эълон қилганлигидан даргазаб бўлиб, унинг қасдига тушганликлари шоирни асло чўчитмаган. У бал хусусидаги шеърнинг иккинчи қисмини ҳам ёзиб, газетада чоп эттиришдан ташқари, ўзи яшаб турган жамиятда шоирнинг бурчи, шеърини ижоднинг муҳим принциплари ҳақидаги программ асарини ҳам тезда ёзиб, тезда матбуотда чиқаради. «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» шеърининг катта ижтимоий аҳамияти ҳақида тадқиқотчилар кўпгина муҳим ва қизиқарли фикрларни айтганлар. Биз шеър охиридаги икки байтгагина эътиборни жалб этмоқчимиз:

Ёзармиз баче шод бўлса кўнгул.  
Ваё гамага мўътод бўлса кўнгул.  
На ҳол ўлса, анга мувофиқ қилиб,  
Яна рамзу мазмунга лойиқ қилиб,

Бунда Фурқат шоирнинг объекти кўпқиррали ҳаёт бўлишини, уни акс эттиришда ҳар бир ҳолатга мувофиқ шакл топиш кераклигини таъкидлашдан ташқари, ўзи аксар ҳолларда рамз, яъни истиора, кесатиқ ишлатишини айтиб, газетхонлар эътиборини ўз асарларининг ботиний маънисига қаратмоқчи бўлади. Фурқат бундан кейинги бутун ижоди давомида ана шу масалага қайта-қайта тўхталади, улар эътиборини шунга қаратди. Зотан, Фурқат шеъринидаги танқид унинг асарлари тағоқимига сингдирилганлиги ҳам шоирнинг ўзи ижодкорнинг ана шундай йўл тутшига хоҳиш билдирганлиги билан боғлиқдир.

Январь ойидан бошлаб «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилина бошлаган автографик характердаги «Саргузаштнома»ни ҳисобга олмаганда, «Бал ху-

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА фонд № 1009, опись № 1, дело № 84, 14-саҳифа

сусида» шеъридан сўнг газетада Фурқатнинг атиги битта шеъри босилди, холос. У «Нағма ва нағмагар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида» деб аталувчи шеър эди.

Шундан сўнг орадан икки ой ҳам ўтмай, 1891 йилнинг 14 май куни шоир Тошкентдан жўнаб кетиб, Самарқанд, Бухоро, Ашхобод, Боку орқали Қора денгизга, ундан Истанбулга етиб олади. Гарчи шоир чет эллардан йўллаган бир неча мактубларида Тошкентга қайтиб келишни хоҳлашини, шу мақсадда баъзи ишларни амалга ошираётганини айтса ҳам, умрининг охиригача она юртига қайтиб кела олмайди.

Фурқат ҳаёти ва фаолиятининг Тошкент даврига оид бой архив ҳужжатлари керагича ўрганилмаганлиги сабабли шоир Тошкентда яратган янгича маърифатпарварлик йўналишидаги сўнгги шеърларидан бўлмиш «Бал хусусида» асари эълон қилинган, унинг бошга тушган кулфатларни, унга берилган кетма-кет зарбаларни аниқ, мукамал фактлар асосида кўрсатиб беришнинг ҳозирча имкони йўқ. Лекин шуниси ишонарлики, Фурқатнинг ўзи учун ҳамма нарсадан азизроқ ва мўътабарроқ бўлган она-Ватандан абадий айрилиб қолишида бошқа энг яхши шеърлари сингари «Бал хусусида» асари ҳам жиддий роль ўйнаган, шоирнинг сўнгсиз фожиасига сабаб бўлган.

1987 йил

### ФУРҚАТ СЕВГАН ХОНАНДА ТАҚДИРИ

Сеҳрли қалам соҳиби Зокиржон Фурқат ўз халқи адабиётини янги, юқори поғонага кўтарганлиги, унга мавзулар, ғоялар, образларнинг янги бир оламини олиб кирганлиги кўпчиликка маълум. Фурқатнинг бир салмоқли асарни яратиши, адабиёт олдидаги катта хизматига конкрет ҳаётий воқеа — унинг Тошкентда 1890 йил 1 июль куни берилган концертда қатнашганлиги асосий туртки бўлди. Гимназияни тугатиб, Россия ичкарасидаги олий ўқув юртларига кирмоқчи бўлган, лекин моддий имкониятлари чекланган ёшлар фойдасига ўша кунни шаҳарнинг энг яхши ҳаваскор хонанда ва созандалари концерт уюштирган, бу хайрли ишда камбағал ёшларга баҳоли қудрат кўмаклашмоқчи бўлган саҳоватли қалб эгалари ҳодирги Санъат музейи яқинида жойлашган шаҳар театри биносига зўр ихлос билан йиғилган эди.

лар. Ҳа вақтларда «Туркистон вилоятининг газети» — да эълон қилинган «Гимназия», «Илм ҳосияти» сингари янгича маърифатпарварлик йўналишидаги асарлари билан халқ орасида шуҳрат топган Фурқат ҳам улар орасида эди.

Фурқат ўзбекча тўй-базмларда, гап-гаштак ва сайлларда ўз халқи санъатининг анвои намуналарини кўп кўрган, лекин аввал Янги Марғилонда, кейинчалик Тошкентда руслар ичида яшаб, руслардан бир неча ошнолар орттирган бўлса ҳам ҳали русча концерт тингламаган, у ҳақда бирор тасаввурга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам концертда ижро этилган ҳар бир номер унинг учун янгилик, кашфиёт бўлади. Концертда яқка куй ижро этувчи созандалар, соз жўрлигида куйловчи яқкахон ашулачилар ҳам, кекса дирижер Р. Пфенних раҳбарлигида концертнинг иккинчи бўлимини қизитиб юборган қизлар гимназиясининг хори ҳам қатнашган эди. Концертдан олинган зўр таассуротлар остида жуда тезлик билан ёзилган ва «Туркистон вилоятининг газети»нинг ўша йилги июль оғи сонларидан бирида босилиб чиққан «Тошканд шаҳрида бўлган нағма базми хусусида» номли асарида Фурқат ҳар бир номерни ижро этган ҳаваскорнинг маҳорати, ижрочилик, услуби, ташқи қиёфаси, ёши ҳақида, хусусан ҳар бир ижронинг залга, тингловчи сифатида шахсан ўзига таъсир кучи ҳақида эҳтирос билан ёзгани ҳолда ижрочиларнинг исм, фамилияларини кўрсатмайди. Концертда Фурқат қалбига оламча завқу фарах ато этган биргина хонанда аёл бундан мустасно, холос. Бу аёл ўша концертга «Туркестанские ведомости»да тақриз ёзган Н. Ликошин таърифлаганидек, «Тошкент томошабинларининг меҳрини қозонган Н. И. Громова» эди. Фурқат шеърнинг газетада эълон қилинган нусхасида:

Дедилар сўрсам: Громуф хотуши.

Шод қилди дилни жонпарвар уни, —

деб ёзади. Лекин минг афсуски, шеърнинг шўро даврида эълон қилинган барча нашрларида бу байт асосиз равишда тушириб қолдирилган. Фурқат концертда Громова ижро этган машҳур романсларни (уларнинг номи Н. Ликошин тақризида қайд этилган) тинглаб чексиз завқ-шавққа тушганлиги, хонанданинг зоҳирий гўзаллиги асл аёлларга хос хулқ-одобига тўла мувофиқлиги шеърда қуйидагича тасвирланган:

Сўнгра чиқти бир қуёш рухсора зан,  
 Эгнига кийган эди кўк пирахан.  
 Дедилар сўрсам Громуф хотуни.  
 Шод қилди дилни жонпарвар уни.  
 Талъати гўёки эрди муштари,  
 Рашк этар кўрса жамолини пари.  
 Қўлда хат қилди ашула ноз ила,  
 Ўртада танҳо маҳин овоз ила.  
 Икки одам анга бўлди нағмасоз.  
 Бири раёлу бири барбат навоз.  
 Нағмау овоз иков бир пардада.  
 Яъни савту соз иков бир пардада.  
 Завқ топти дил аларнинг созидин.  
 Шавқ топти жон мунинг овозидин.  
 Бўйла савту созда моҳир кўруб,  
 Қилди истеҳсон ҳама эл қарс уруб.  
 «Офарин!» овози тўлди золга.  
 Туштилтар ҳам завқнок аҳволга.  
 Ёнди таъзим айлабон моҳи тамом.  
 Гўйё ўз буржига қилди хиром.  
 Чиқди ёна халқин толиб кўруб,  
 Завқин овозига толиб кўруб.  
 Хониши дилсўз бунёд айлади.  
 Шавқ ўтнин дилга муздод айлади.  
 Парда сорн ёнди таъзим айлабон.  
 Қарс уруб эл қолди таслим айлабон.

Хўш, ўз санъати, ҳусну латофати, ахлоқ-одоби билан бутун зални бунчалар маҳлиё этган ва ўзбек адабиётида биринчи марта эҳтирос билан тараннум этилган рус аёли ким? Асли қаерлик, касб-кори ким, онласи, фарзандлари бўлганми, кейинги тақдири қандай? Бу саволларга Фурқат асарида жавоб йўқ, албатта. Шоир унинг фамилиясини айтади, холос. Шундай бўлгач, ўқувчини қизиқтирувчи юқоридаги каби саволларга жавоб топиш учун ўша даврга оид кўплаб манбаларни, архив материалларини, ўша даврдаги Туркистон ҳаётини акс эттирувчи тарихий ва бадий асарларини ўрганишга тўғри келди. Юқорида кўрсатганимиздек, Фурқат тинглаган концерт ҳақида «Туркестанские ведомости»да 1890 йил 10 июлда эълон қилинган тақризда Громова исмининг ва отаси исмининг бош ҳарфларигина кўрсатилган холос. Унинг Наталья Ивановна Громова эканлиги, ҳаётининг баъзи тафсилотлари Марказий Давлат архифида сақланган Туркистон генерал-губернаторлиги, Фарғона ва Сирдарё область губернаторликлари фондлари ва бош-

қа фондлар билан танишилганидан сўнггина маълум бўлди. Чунончи, Фарғона область губернаторлиги фондидаги материалларга қараганда, Н. И. Громова ўтган асрнинг 80-йиллари боши ва ўрталарида Янги Марғилонда, 58-кварталда, шаҳар плани асосида қурилган хусусий уйида эри Александр Егорович Громов ва бошқа оила аъзолари билан биргаликда яшаганлиги нотариал ҳужжат билан тасдиқланади. Бундан ташқари, А. Е. Громов 1876 йилдан бошлаб Янги Марғилонда почта пудратчиси бўлганлиги, савдо ишлари билан шуғулланганлиги ҳам маълум бўлади (фонд №19, опись №1, дело №30688).

Чамаси, 80-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб Громовлар оиласи Тошкентда муқим яшайдиган бўлади. Туркистон генерал-губернаторлигининг архив фондида, шунингдек, таниқли рус ёзувчи Анна Алматинскаянинг «Зулм» номли трилогиясида бу оиланинг кейинги тақдири ҳақидаги кўплаб ҳужжатли материаллар ва мулоҳазаларга дуч келдик.

А. Алматинская Громовларни ўз трилогиясининг асосий қаҳрамонларидан қилиб олади. Шунинг ҳам айтиш керакки, трилогия автори эр-хотин Громовларни ўз асарига киритар экан, уларга бадний образлар сифатида эркин ёндашиш имкониятидан кенг фойдаланиш мақсадида Наталья Ивановна Громовани Елена Сергеевна Громова, Александр Егорович Громовни эса Никита Андреевич Громов тарзида олади. Бу ўринда прототиплар ҳаёти билан боғлиқ энг муҳим вазиятларни асл ҳолича сақлаб қолгани ҳолда автор бадний тўқимадан ҳам фойдаланади, уларни катта умумлашма кучига эга бўлган етук образлар даражасига кўтаради. А. Алматинская асаридаги бадний тўқима прототиплар ҳаётида рўй берган муҳим воқеаларни, уларнинг ҳақиқий характерларини қаттиқ ўзгартириб юборишга олиб келмайди, асло. Аксинча, бу жиҳатларни аниқроқ, ёрқинроқ идрок этишимизга кўмаклашади.

«Зулм» трилогиясида тасвирланишича, Громова аслида москвалик денгиз офицери Истолиннинг қизи бўлиб, яхши мусиқа маълумоти олади. Чайковский, Шуберт, Глинка сингари буюк композиторлар асарларини юксак маҳорат билан ижро этадиган хонанда ва созанда бўлиб етишади. Лекин балоғат ёшига етар-етмас отаси вафот этади ва бева онаси ҳамда укаларига ёрдамлашиш учун Тошкентга келиб, Буйницкий деган генералнинг оиласида гувернантка бўлиб ишлай бошлайди. Ге-

нерал қизларидан бирининг қаллиғи, ахлоқсиз офицер Еленага ҳайвоний ҳирс билан қараб, номусини поймол этмоқчи бўлади. Инсонлик шарафини ҳар нарсадан юқори қўювчи бокира қиз ўзини матонат билан ҳимоя қилади, лекин генералнинг ноинсоф хотини томонидан турли маломатларга дуч этилади, узоқ муддат қилган хизматлари учун тўланадиган ҳақни ҳам ололмай, ишсиз қолиш хавфи туғилади. Шундай фожиали бир вазиятда уни Буйницкийлар хонадонига келиб-кетиб юрадиган савдогар Громов севиб қолади ва орага совчи қўяди. Шу тариқа Елена Никитага тегишга мажбур бўлади. Шуниси ҳам борки, табиатан анча ёввойи, илмга, адабиёт-санъатга лоқайд Громов фикрлаш даражаси юқори бўлган ўз қаллиғига ёқиш учун тезда чет тилларни ўрганеди, санъатни нозик ҳис этадиган бўлади, унинг ташқи қиёфасида, кишилар билан муносабатларида ҳам яхши тарбия кўрган кишиларга хос белгилар кўзга ташланади.

Санъатни тирикчилик воситаси эмас, балки тингловчиларга маънавий озиқ берадиган, улар қалби ва онгини мусаффо қилишга кўмаклашадиган ўткир қурол деб тушунган Громова ўлка ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди, турли катта йиғинларда, концертларда ўз ноёб санъати билан қатнашиб, ундан тушган маблағнинг хайрли ишларга сарфланишига мунтазам равишда кўмаклашди.

Фурқат Громовани 1890 йил 1 июль куни ана шундай ажойиб концертлардан бирида учратиб, унинг санъатидан, маънавий юксак қиёфасидан бениҳоя завқланган эди. Тўғри, Громовалар Янги Марғилонда яшаган 80-йиллар биринчи ярмида Фурқат ҳам тоғаси Раҳматуллонинг ишларига кўмаклашиб шу шаҳарда уч йил чамаси истиқомат қилган эди. Бироқ на Фуқрат асарларида, на архив материалларида унинг Громовлар оиласи билан Янги Марғилонда таниш бўлганлиги ҳақида бирор маълумот учрайди. Концертдан кейин тез орада Громовлар оиласи, жумладан, Н. И. Громова бошига тушган катта фалокатлар ва бунда биринчи навбатда императорнинг Тошкентдаги қариндоши улуғ князь Николай Константинович, Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский айбдор эканликларини кўрсатувчи ғоят муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган материаллар Марказий Давлат архивида сақланиб қолган. Туркистон генерал-губернатори 1892 йил 18 мартда Сирдарё область ҳарбий губернаторига берган ёзма фармойишда бундай дейилади:



«Ички ишлар министрининг ёрдамчиси, полиция му-дири шу йилнинг 20 февралдаги 849-рақамли жавоби билан менга маълум қилдики, Давлат тартиблари ва осойишталигини сақлаш чоралари ҳақидаги Низомнинг 1- ва 16-моддаларига мувофиқ тошкентлик савдогар Александр Громовга беш йил муддатга Туркистон ўлкасида туриш ман этилган.

Тегишли фармойишни беришлари учун жаноб олий-ларига шунини маълум қилиш шарафига ноилман.»

Генерал-лейтенант Вревский (фонд №17, опись №1, дело №1357, 1-саҳифа).

Туркистон генерал-губернатори томонидан 1893 йил 25 ноябрда Н. Н. Обручевга ёзилган махфий мактубда эса А. Громовнинг Туркистон ўлкасидан беш йил муддатга мажбурий сургун қилиниши сиёсий характерга эга эканлиги таъкидланади (фонд №1, опись 31, дело №35, 66-саҳифа).

Хўш, асосий касби савдогар, пудратчи бўлган Александр Громовнинг сиёсий характер касб этган жиноятлари нимадан иборат? Архивда сақланиб қолган Туркистон генерал-губернаторининг, Сирдарё область губернаторининг Россия ички ишлар министрлиги ва бошқа идоралар билан ёзишмалари, шунингдек, А. Громовнинг генерал-губернаторга, ҳатто император Александр III га ёзган аризалари бу масалага аниқлик киритишга ёрдам беради.

Юқоридаги архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1891 йил бошида А. Громовни улуғ князь ўзи бош бўлиб қаздираётган ариққа пудратчи сифатида Самарқандга ишга жўнатади. Ҳамиша, ҳамма ишда ҳалол бўлган А. Громов бу вазифани бажаришга киришар экан, улуғ князнинг бир қанча нопок, гайрихлоқий ишларининг шоҳиди бўлади. Жумладан, давлат хазинасидан ажратилган маблағнинг катта бир қисми ўғирлаб қолинаётганини, ариқ қазувчиларнинг яшаш шаронти ниҳоятда оғир, уларга тўланадиган ҳақ шартномада кўрсатилганидан анча кам эканини, бу, ўз навбатида, оддий меҳнаткашларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаётганини, бу ноҳақликлардан шикоят қилган ариқ қазувчиларнинг аризаларига аҳамият берилмаганини, уларнинг баъзилари қаттиқ жазоланганликларини кўради. Ҳатто улуғ князни ўз туғилган куни муносабати билан зиёфатга таклиф этган Кожевников деган савдогарни ҳеч қандай гуноҳи бўлмагани ҳолда қаттиқ калтаклаганини кўрган А. Громов уни зўрға ажратиб олади.

Императорнинг бебош бу қариндошини тийиш, оддий одамларнинг ҳақларини ундириш мақсадида А. Громов аввал Самарқанд вилоят губернатори граф Ростовцевга, кейин эса улуғ князнинг ўзига бир неча марта ёзма равишда мурожаат этади. Бироқ Громовнинг бу олийжаноб хатти-ҳаракатлари юқори табақа томонидан ҳақиқатга хилоф деб, мўътабар зотларга қилинган бўҳтон деб баҳоланади. Улуғ князь номига Громов ёзган хатларни ўз қўлига киргизган Туркистон генерал-губернатори Вревский Александр Егоровични қаттиқ жазолашни сўраб Петербургдаги маъмурий идораларга мурожаат қилади ва, ниҳоят, унинг 5 йил муддатга Туркистондан мажбурий сургун қилинишига эришади.

Бу сургун Громовлар оиласи учун қандай шароитга тўғри келганлиги, улар бошига қандай фалокатлар солганлиги, туркистонлик юқори амалдорлар бу ғаразли мақсадни амалга оширишда қандай дўқ-пўписа ва ҳийлалар ишлатганликлари кейинчалик Александр Егорович император Александр III га, генерал-губернатор А. Вревскийга ёзган аризаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, С. Петербург, Кокольная кўча, 5 уй, 12 квартирадан 1892 йил 20 июлда император номига ёзган аризада А. Громов қуйидагиларни айтади:

«Мен жаноб ҳарбий губернатор орқали Туркистон генерал-губернатори барон Вревскийдан онламини тартибга келтириб, жойлаштириб олишга имкон беришларини, жўнаб кетишимни 1 августгача кечиктиришларини илтимос қилган эдим — рад этдилар; хотиним ҳомиласидан бўшаниб олгунича кутиб туришимга имкон беришларини сўрадим — у май охирида кўзи ёриши керак эди — бу асосни ҳам инobatга олмадилар. Хотинимнинг қисмати не бўлганлиги эндиликда ёлғиз худога аён. У бир ўзи, атрофида гўдак болалари, холос. Мен ҳам, боз устига хотиним ҳам жиноятчи эмасмиз, лекин шунга қарамай, бизга ваҳшийларча муомалада бўлишди. Шуларнинг барчаси камлик қилганидек, пировардида, амалдор Цуриков менга улуғ князнинг барча хатти-ҳаракатлари ҳақида, умуман, ўлкада қилинаётган ишлар ҳақида Петербургдаги юқори амалдорларга бирор йўл билан хабар қилишга журъат этгудек бўлсам, оиламини ҳеч қачон кўра олмайдиган жойга жўнатилишимни маълум қилди. Бу гапларни эшитиш, айниқса улардан касалманд, ташлаб кетилаётган хотинимни воқиф этиш мен учун қанчалар оғир ва аччиқ. Бироқ ёш гўдакларни етим қолдириб хотиним полковник Певцев сингари тўсатган ўл-

нишга мажбур қилинмаслиги учун, ўзим ҳам тўсатган ўлиб қолишим мумкинлигидан уни огоҳлантириш учун хотинимга шу гапларни айтишга мажбур эдим...

Ҳеч қаердан ҳеч қандай мадад ололмайдиган ёлғиз одамнинг улуғ князнинг қилмишларига қарши курашиши у ёқда турсин, Нестеровичлар, Мединскийлар, Янчевскийлар, Кржановскийлар, Путинцевлар, Цуриковлар, Дубровинлар, Федоровичлар ва ҳоказо ва ҳоказо маъмурлар ҳокимиятига қарши курашишга чоғи келадими?

Мен талаб қилинган муддатда ўзим 28 йилдан кўпроқ яшаган ўлкани ташлаб чиқиб кетдим, иккита гўдагим билан ҳомиладор хотинимни ташлаб чиқиб кетдим... Петербургда етиб келган заҳотим, Туркистондан 5 йил муддатга бадарға қилинишим сабабларини билиш мақсадида, ички ишлар министрининг ёрдамчисига, генерал Шебекога учрашдим. Генерал бу нарса сир эканини, менга маълум қилинмаслигини айтди» (фонд №1, опись №31, дело №35, 17, 17а, 17б саҳифалар).

А. Громов ана шундай бир вазиятда онласидан жудо қилиниб, сургунга жўнатилган эди. Яна шунини ҳам айтиш керакки, унинг барча қонуний асосларга таяниб императорга берган аризаси Сенат томонидан «қўриб чиқилади». Бу ўринда ҳам «қарға қарғанинг кўзини чўқимайди» қабилида иш тутилади: «Ҳукумат Сенати ички ишлар министрининг аризачи томонидан шикоят қилинган фармойишини бекор қилиш учун ҳозирда асослар йўқ деб ҳисоблайди ва шунинг учун ажрим чиқаради: савдогар Громовнинг бу фармойиши ҳақидаги шикоятни оқибатсиз қолдирилсин» (фонд №1, опись №31, дело №13, 9-9а-9б-саҳифалар).

А. Громов Красноводскга сургунга жўнаб кетгач, тез орада унинг хотини Наталья Ивановна ҳамда гўдакларини бошига тушган савдолар Александр Егоровичнинг ўша ердан Туркистон генерал-губернаторига ёзган бошқа бир аризасида ўз ифодасини топган. Ваҳшийлик даражасига бориб етган шафқатсизликни қараингки, 1892 йилнинг 1 июнь кунини кўзи ёриган Н. И. Громовага орадан икки кун ўтиши биланоқ у яшаб турган уйини улуғ князга бўшатиб беришни давлат банки орқали расмий равишда талаб этадилар. Наталья Ивановна гўдакларини билан қаердан бошпана топишини билмай қолади, қаттиқ руҳий азобларда сургун жойига етиб борган эрига телеграмма юборишга, Тошкентда кимдан ёрдам олиш мумкинлигини ундан сўрашга маж-

бур бўлади. Лекин А. Громовнинг Красноводск сургунида туриб қилган барча ҳаракатлари зое кетади, улуг княз унинг касалманд хотинини, гўдакларини чирқиратиб, ҳовлини тортиб олади, оила кўча-кўйда хор-зор кезишга мажбур қилинади.

А. Громов сургунига алоқадор архив материалларининг сўнггисига 1896 йил 25 март санаси қўйилган. Туркистон генерал-губернаторига Александр Егорович томонидан Красноводскдан ёзилган бу аризада, жумладан, бундай дейилади: «Сиз жаноб олийларининг тақдимингизга мувофиқ менга 5 йил мобайнида Туркистон ўлкасида яшаш ман этилган эди... Бешинчи йилдирки, мен бу фармойишни адо этмоқдаман.

Сиз жаноб олийларидан менга Туркистон ўлкасида, Тошкент шаҳрида, ақалли ундан ташқарига чиқиш ҳуқуқисиз яшашга лутфан рухсат беришингизни ўтиниб сўрайман.

Менинг тўртта фарзандим бор, уларни боқиш ва тарбиялаш керак, бунинг учун мен ишлашим керак. Ўзинг ишлашга қодир бўлганинг ҳолда оилангни хайр-садақага кўнишга мажбур этиш кишига алам қилади ва эзиб ташлайди. Жаноб олийлари, ишлаш имкониятини беринг. Бу илтимосномани топширишга ва келинган қарорни қўлга олишга хотиним Н. И. Громовани вакил қиламан» (фонд №1, опись №31, дело №23, 14-саҳифа).

Эри сургунга жўнатилгач Наталья Ивановна ва гўдаклари қандай моддий қийинчиликларга дучор қилинганлиги, ҳатто хайр-садақага куни қолганлиги Громов аризасидан равшан сезилиб туради. Оилани иложи борича тезлик билан бу таҳқирли аҳволдан қутқариш йўлидаги унинг ҳаракатлари қандай натижа берганлиги маълум эмас. Чунки республика Марказий Давлат архивида А. Громовнинг бу аризасига берилган жавоблар учрамади. Оиланинг бундан кейинги тақдири ҳақида бошқа материалларга ҳам дуч келмадик.

### КОМИЛ ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Адабиётимиз тарихида маълум из қолдирган ҳар қандай асарнинг яратилиш тарихи, биографияси, ўша асар яратилиши жараёнида автор бошидан кечган воқеалар, бу воқеалар асар руҳига, йўналишига қандай таъсир кўрсатганлиги ўқувчиларда шубҳасиз катта қизиқиш пайдо қилади.

XIX аср иккинчи ярмидаги ўзбек демократик адабиётининг энг йирик вакилларида бири бўлмиш Комил Хоразмий Хива хонлигида ижод қилган, ўзига замондош шоирлардан анча юқори кўтарилиб, давр воқелигини илғор позициялардан туриб яққол акс эттирган улкан истеъдод соҳибидир. Комил ижоди Ғулом Қаримов, Маҳмудали Юнусов, Абдуқодир Ҳайитметов, Васила Мўминова, Набижон Қобилов сингари кўпгина адабиётшунослар эътиборини тортганлиги, унинг тўғрисида анчагина қизиқарли тадқиқотлар яратилганлиги эътиборга лойиқдир. Комил сиёсий лирикасининг энг яхши намуналаридан баъзиларининг яратилиш тарихига оид фикрлар ҳам юқорида зикр этилган тадқиқотчиларнинг асарларида мавжуд.

Бироқ Комилнинг XIX аср иккинчи ярмидаги ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг катта ютуқларидан ҳисобланмиш «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд», «Икки шўх» асарларининг тарихига келсак, улардан биринчисиники анча юза ўрганилган, иккинчисиники эса умуман ўрганилмаган дейиш мумкин. Гап шундаки, «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» (баъзи манбаларда у «Қасидан наврўз», «Тошканд мадҳи» номлари билан ҳам аталади) номли машҳур асар Комилнинг Тошкент саёҳати таассуротларининг маҳсули сифатида дунёга келганлиги тўғри қайд этилиб, асар муаллифи Тошкентда кўрган илмий-маданий муассасалар, диққатга лойиқ жойлар умумий тарзда кўрсатилган бўлса ҳам, Тошкент ҳақидаги бу ноёб асарнинг туғилишида қандай аниқ воқеалар, қайси шахслар муҳим роль ўйнаганлиги ҳали деярли тадқиқ этилган эмас.

Масаланинг шу жиҳатларини аниқлашда Ўзбекистон Давлат Марказий архивида сақланаётган айрим фондлар, шунингдек «Туркистон вилоятининг газети» ҳамда «Туркестанские ведомости»нинг ўтган асрнинг 80-ва 90-йиллардаги таҳламлари анча қўл келди. Ҳар икки газетада эълон қилинган материалларга қараганда, Комил Хоразмий 1891 йилнинг 28 августидан 13 сентябргача Хива хонининг валиаҳди Асфандиёрга ҳамроҳ сифатида Тошкентда бўлган. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1891 йил 6 сентябрдаги 34-сонинда, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

«Ушбу йилда 28 августда Асфандиёр тўра Закасний оташ ароба йўлида Бухоро ва Самарқанддин ўтуб, ўз яқин-тобеъи эллик навкарлари бошлуғи, жаноб хоннинг мирзабошиси Полвон Мирзобоши (Комил Хоразмий

демоқчи — Ш. Ю.) ва жаноб ҳокимнинг бир катта сардори Юсуф Маҳрам ва навкарларнинг бошлуғи Абдулғаффор Маҳрамбоши ва бошқалар бирла Тошканд шаҳрига келдилар». Худди шу хабарда хивалик меҳмонлар 30 августда шаҳар боғида, 1 сентябрда Туркистон генерал-губернатори уйида бўлганликлари, 4 сентябрда эса эрлар ва қизлар гимназияларини, шунингдек, ўқитувчилар семинариясини бориб кўрганликлари айтилади.

«Туркестанские ведомости»нинг 1891 йил 19 сентябрдаги 38-сонида бундай хабарни ўқиймиз: «13 сентябрда Хива шаҳзодаси Асфандиёр тўра ўз аъёнлари билан бирга Тошкентдан Хивага жўнаб кетди. У Тошкентнинг барча диққатга сазовор жойларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирди... Шуниси ҳам борки, у Лахтин типолитографиясида ишлайдиган бир литограф билан Хивада литография ташкил этиш юзасидан шартлашиб ҳам олди».

Лахтин босмахонаси билан боғлиқ, ўша давр нуқтаи назаридан ғоят катта аҳамиятга эга бўлган бу тadbирнинг амалга оширилишида Комил Хоразмий ҳал қилувчи роль ўйнаган деб ҳисоблаш мумкин. Марказий Давлат архивидаги Н. П. Остроумов фондида сақланаётган бир эсдаликда худди шу фикрни тасдиқловчи қуйидагича қайд мавжуд: «11 сентябрь, чоршанба (1891). Полвон Мирзабоши жадвалга кўра типография ишлаб чиқариши билан танишиш мақсадида Лахтин типографиясига кирди. Типографиянинг зийрак бошқарувчиси Комил келадиган вақтга Хива хонининг мирзаси Полвон Мирзабоши Лахтин типографиясига ташриф буюрганлиги ҳақидаги ёзувли рангли карточка тайёрлатиб қўйибди. Мирзабоши бундай илтифотдан ниҳоятда мамнун бўлди ва типографиядагилар ўзининг лавозими ҳамда исмини қасрдан билишларига ҳайрон қолди» (фонд № 1009, опись № 1, дело № 67, 32-саҳифа).

Уша 1891 йилги Тошкент сафари вақтида Комил юқорида айтилган илмий-маданий муассасалар (парк, гимназия, семинария, типография)дан ташқари Туркистон пойтахтида расмий лавозимларни эгаллаб турган, айти вақтда ўлкадаги маърифатпарварлик ҳаракатида маълум роль ўйнаган Инъомхўжа Умрөхўжаев ҳамда Н. Остроумов уйларида меҳмонда ҳам бўлган. Бу меҳмондорчилик вақтида Муҳиддинхўжа, Шарифхўжа, Сатторхон каби йирик маърифатпарварлар билан, ўз даврининг беназир хонандаси Макайлик билан суҳ-

батлар Комилнинг Тошкент ҳақидаги, бу азим шаҳарнинг тарихи, ўтмиш маданияти ҳақидаги, шунингдек Қўқонда яшаб, ижод қилаётган буюк шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳақидаги таассуротларини кўп жиҳатдан бойитиб, кенгайтириб юборган деб ҳисоблаш мумкин. Инъомхўжанинг уйидаги меҳмондорчилик хусусида, бу меҳмондорчилик шоирда янги ижодий режалар туғилишига олиб келганлиги ҳақида Н. Остроумов шахсий фондидаги, шунингдек «Туркистон вилоятининг газети»даги материаллар билан танишгач, анча аниқ фикрга келиш мумкин.

Н. Остроумовнинг шахсий фондида «Тошкент шаҳрининг катта оқсоқоли Инъомхўжа уйида 1891 йил 9 сентябрдаги тантанали зиёфат (ўз кўзи билан кўрган Н. Остроумовнинг ҳикояси)» деб аталувчи ўн уч саҳифадан иборат материал сақланиб қолган. (Фонд № 1009, опись № 1, дело № 84, 86-98-саҳифалар). Унда Инъомхўжа уйида хивалик ва тошкентлик меҳмонлардан ўн олти киши учун русча таомилга кўра стол атрофига стуллар териблиб, ҳар бир меҳмон учун алоҳида-алоҳида тарелка, салфетка, қошиқ, вилкалар қўйилиб дастурхон ёзилганлиги, зиёфатда Комилдан ташқари тошкентлик Шарифхўжа ва Муҳиддинхўжа ҳам бўлганлиги ҳикоя қилинган, «Полвон Мирзабоши алоҳида ўтирган Шарифхўжа ва Муҳиддинхўжа қозилар ёнига кўчиб ўтди ва улар билан суҳбатлашди», деб ёзади Н. Остроумов (дело № 84, 89-саҳифа).

Бундан ташқари Н. Остроумов шахсий фондида Инъомхўжа уйидаги бу зиёфат ҳақида газетада эълон қилиш учун тайёрланган материалнинг корректураси ҳам сақланиб қолган. Корректурадан маълум бўлишича, меҳмонлар анвойи мевалар тўла дастурхон атрофига «Марҳамат қилиб ўлтурғонларида мазкур ҳовли саҳнида аввал танбурчи ва дуторчилар; 2) ашулачилар; 3) найрангбоз ва масхарабозлар; 4) чодирхаёл; 5) яғоч аёғ; 6) қайроқбозлар ўз ҳунарларини манзур қилибдурлар» (фонд № 1009, опись № 1, дело № 151, 77-саҳифа).

«Туркистон вилоятининг газети»нинг 1891 йил 26 октябрдаги 41-сонида Инъомхўжа уйидаги ўша зиёфатда фарғоналик хонанда қатнашганлиги айтилган, «ул ҳофизнинг ашулалари ушбудур» дея унинг репертуаридан Муқимийнинг:

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Суҳбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоғлар,

яна:

Йўйламайдур ул тағофул пеша султоним мани,  
Чиқмасунму кўкка ҳар дам оҳу афгоним мани,

матлаъли ғазаллари, шунингдек «Қим десун?» радифли машҳур мухаммасининг уч банди ҳамда Макайликка бағишланган мураббаси эълон қилинган. Сўнгра: «Ушбу ашулаларни айтган Муҳаммаджон лақаби Макайлик Муҳаммад Қосимбой ўғли», деган изоҳни ўқиймиз.

Шу тариқа Инъомхўжа уйдаги зиёфатда Комил кимлар билан ҳамсуҳбат бўлганлиги, ўша даврда кенг тарқалган санъат турларидан қайси бирларини тинглаб, тамошо қилганлиги, хусусан, Макайлик хонишлари орқали Муқимийнинг қайси ғазал, мурабба ва мухаммаслари билан танишганлиги бизга маълум бўлади.

Бу зиёфат Комил фаолиятида маълум аҳамият касб этганлиги шубҳасиздир. Чунки шундан кейинроқ яратилган «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» асаарида Урта Осиёнинг бу қадимий шаҳри ўтмишига ва XIX асрнинг 90-йиллари бошидаги ҳаётига оид кўпгина аниқ фактик материалларни шоир Тошкент тарихи, этнографияси, географияси, табиати ва илм-фанининг катта билимдонлари Шарифхўжа билан Муҳиддинхўжадан билиб олган деб ҳисоблаш мумкин. Асарда Тошкент парки ҳақида:

Одами илму фасоҳат дерлар они юз таноб,  
Ҳар бири газ уч минг олти юз шумори Тошканд,  
Ҳар газидур қонмалиг етти қабза шаръда,  
Сўрсангиз дерлар они қозил чори Тошканд, —

шаҳарнинг ўзи ҳақида:

Мувқасимдур тўрт қисм ила аҳолиси онинг,  
Етмиш икки фирқадин юз минг шумори Тошканд,  
Бул жиҳатдан тўрт бўлмишдир они қозилари,  
Жисмида анзар киб и ул чор ёри Тошканд, —

сингари мисралар битилганлиги фикримизнинг далилидир.

Инъомхўжа уйдаги ўша зиёфатда Н. Остроумов ҳам қатнашганлигини, у «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири эканлигини ҳисобга олсак, газетанинг 41-сонида Муқимийнинг энг яхши асарларидан тўрттаси



босилиб чиқишида уларнинг Комилга ғоят манзур бўлганлиги маълум роль ўйнаган бўлиши мумкин. Бундан ташқари ўша вақтга қадар «Туркистон вилоятининг газети» эътиборидан четда қолиб келган улкан демократ шоир асарларининг газета юзини кўришида Комил қандайдир йўллар билан аралашганлиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки худди ўша кунларда Комил газета муҳарририяти ходимлари, жумладан, Н. Остроумов, таржимон Сатторхон Абдуғаффоров билан, газетанинг энг нуфузли, фаол муаллифлари Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли, Шарифхўжа Пошшахўжа ўғли, Мирзо Абдулла Исамуҳаммад ўғли ва бошқалар билан ғоят яқин алоқа боғлаб, ўз лирик асарларидан намуналар эълон қилмоқда эди.

Масалан, «Туркистон вилоятининг газети»нинг ўша йил 6 сентябрдаги 34-сонида «Ғазали Комил Хиваи» сарлавҳаси остида унинг:

Керак бўлмас эса банда ҳам чокар офтоб,  
Ҳар кун не қўяр қадамингга сар офтоб, —

матлаъли ғазали, Мунис билан Комилнинг мушоираси, шунингдек:

Манго қилмай ирсол наёмлар,  
Чаман саҳнида субҳ ила шомлар,  
Рақибим била нўш этиб жомлар,  
Олиб халқдин сабру оромлар,  
Дилоромлардур, дилоромлар, —

бандли мухаммаси эълон қилинган эди. Лекин шундан кейин газета тарихида деярли рўй бермайдиган ҳайратомуз бир ҳодиса рўй беради, яъни газетанинг орадан олти кун ўтгач (1891 йил 12 сентябрда) чиққан 35-сонида Комилнинг ўша асарлари қайтадан чоп этилади. Газетанинг ҳар иккала сонини синчиклаб солиштирмаган газетхон тушуна олмайдиган бу ҳодисанинг изоҳини Н. Остроумов кундаликларидаги бир қайдда учратдик. «11 сентябрь, чоршанба. Шу куни кечқурун (соат 9 яримда) менинг юборган одамим Мирзобошининг олдидан қайтиб келди. У Мирзобошига шеърлари босилган маҳаллий газета сонини олиб борган эди. Мирзобоши ғоят хурсанд бўлганлигини айтди, бироқ шеърда у бир банднинг ўрни алмашиниб кетганини пайқабди ва шеърни тuzатган ҳолда қайтадан босиб чиқаришни илтимос қи-

либди. Мен юборган одам (Мулла Маҳдум) Сатторхон билан биргаликда маҳаллий газетанинг 35-сони корректурасини кўздан кечиргач, корректурани олиб хивалик мирзанинг олдига борди. Мирзабоши шеърларидаги бир неча мисраларнинг алмашиб кетишига уларнинг асл нусхада чатоқ, доғ-дуғлар билан ёзилганлигини сабаб қилиб кўрсатиб, Мулла Маҳдум ўзини оқлабди. Мирзабоши шеъри (мухаммаси)даги аввалги мисраларни тузатиб берибди ва уни навбатдаги сонда босиб чиқаришни ҳамда жўнаб кетгунига қадар ўзига газетадан беш нусха етказишни Маҳдум орқали мендан илтимос қилибди. Мен хиваликнинг илтимосини бажариб, эртаси кунни у сўраган нусхаларни жўнатдим. Мирзабоши ғоят мамнун бўлибди...» (Марказий Давлат архиви. Фонд №1000, опись №1, дело №67, 33-саҳифа)

Комил Инъомхўжаникидан ташқари Н. Остроумовникида ҳам меҳмонда бўлганлиги архив материалларидан равшан кўринади. 1891 йилнинг 5 сентябрь кунни бўлиб ўтган бу меҳмондорчилик, бир томондан, Комил ҳақида ҳали илмда маълум бўлмаган бир қанча фактик материалларнинг аниқланиши билан, иккинчи томондан, Комилнинг янгича маърифатпарварлик йўналишидаги энг яхши асарларидан бирининг яратилишига асосий сабаб бўлганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Улкан шоирнинг «Ики шўх» радифли эҳтиросли ғазали мавжуд бўлиб, у Комилнинг инқилобдан олдинги тошбосма девонларидан ҳам, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан 1975 йилда чиқарилган девонидан ҳам ўрин олган. Филология фанлари доктори А. Ҳайитметов ҳамда филология фанлари номзоди В. Мўминова томонидан нашрга тайёрланган ўша девонда «Ики шўх» радифли ғазалнинг матни қуйидагича:

Ҳамиша қатлима айлаб баҳона ул ики шўх,  
 Ғам ўқиға мани қилди нишона ул ики шўх.  
 Ики гул ўйлаки бир шохдин очилмишдур,  
 Фигоним айладилар булбулона ул ики шўх.  
 Агарчи ҳусн аро маъшуқи аҳли оламдур,  
 Валек базм тузар ошиқона ул ики шўх.  
 Чу кўрса, бавдаси бўлғуси Зухроу яна Баҳром,  
 Рубобу чанг ила чолса тарона ул ики шўх.  
 Қизиб ўюнда арақдин юзи, бўлуб гулфом,  
 Кўзумдин айлади қон ёш равона ул ики шўх.  
 Деманг ўюнчи олар чархдин нузул этган.

Балову фитнаву аҳли замона ул ики шўх.  
Итоб бирла қилур қошлария кўзига яқин,  
Солурда новаки мужгон камона ул ики шўх.  
Гар ўлса базм аро найранжбозу шўъбада соз,  
Сочур ҳунар дуррини дона-дона ул ики шўх.  
Парилар эрдумугим, кўздин учтилар ёхуд  
Малаклар эрди фалак ошиёна ул ики шўх,  
Мане гадо нечук истай алар тамошасини.  
Ҳарифи базмгоҳи хисравона ул ики шўх.  
Ҳамон Комил маҳзунгадур бири матлуб,  
Агарчи хўблар ичра ягона ул ики шўх.

Профессор Ф. Каримов ўзининг «Ўзбек адабиёти та-рихи» дарслигида бу ғазал ҳақида: «Бизгача Комил Хоразмийнинг рус мусиқасидан олган таассуротларини ифода қилувчи «Ики шўх» радибли лирик шеъри сақ-ланиб қолган» («Ўқитувчи», Тошкент, 1987, 174-бет.) дейиш билангина чекланса, Комил ижодининг бошқа тадқиқотчилари унинг яратилиш тарихи билан, унга қан-дай воқеалар, шахслар сабаб бўлганлиги билан умуман қизиққан эмаслар, бу ҳақда бирор тахмин ҳам билдир-ган эмаслар. Кейинги вақтларда топилган бир қанча маълумотлар, жумладан, Н. Остроумов кундаликлари-даги қайдлар бу ноёб асарнинг яратилиш тарихи, унинг турли вариантлари билан танишиш, ғазалнинг янгича маърифатпарварлик адабиётининг энг яхши намуналаридан бири эканлигига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Комил Остроумов уйда меҳмонда бўлишига доир қайдлар улкан демократ шоир ҳаётининг энг му-раккаб даврларига оид баъзи масалаларга аниқлик ки-ритиш, унинг ташқи қиёфаси ҳақида янги материаллар-га эга бўлиш имконини ҳам вужудга келтиради.

Н. Остроумов 1891 йил 5 сентябрь куни қилинган қайдида жумладан бундай ёзади: «Кеч соат етти ярим-да Хива хонининг мирзабошиси Полвон Мирзабоши уйимга меҳмон бўлиб келди. У 55 яшар (бу ўринда Ост-роумов адашяпти. Ушанда Комил аслида 66 ёшда эди — Ш. Ю.), ўрта бўйли, анчагина тўладан келган, лекин беўхшов эмас, кулча юзли ва соқоли деярли бутунлай оқариб кетган киши». Комил ташқи қиёфасининг Н. Ос-троумов кундаликларидаги тасвири Ф. И. Лобосевич китобидаги<sup>1</sup> тасвирдан анча фарқ қилади ва ўқувчининг

<sup>1</sup> Лобосевич Ф. И. Описание Хивинского похода 1873 г., СПб, 1898, 224-бет.

у ҳақдаги тасаввурини бойитади. Зотан, Лобосевич Комилни кўрган 1873 йилдан то Н. Остроумов билан учрашгунча бўлган 18 йил мобайнида унинг қиёфаси анча ўзгариб кетган бўлиши ҳам табиий бир ҳолки, бу жиҳат ҳар икки автор тасвиридаги жиддий тафовутларни келтириб чиқарган деб ўйлаш мумкин.

Н. Остроумов уйдаги меҳмондорчилик билан боғлиқ қайдларда Комил ҳамда ўша даврнинг чор мустамлака амалдори, маълум даражада шарқшунослик билан шуғулланган А. Л. Кун ўртасида бўлиб ўтган воқеалар тасвирида хивалик зиёлига чор маъмурининг дағдаға ва дағаллик билан муносабатда бўлганлиги ҳам, ўз обрў-иззатини, инсонлик шаънини юксак қадрлаган улкан маърифатпарварнинг қатъияти, унча-мунча пўписаларни писанд қилмай, олий мақсад сари интилиши ҳам анча дуруст кўрсатилган. Бу хусусда Н. Остроумов, жумладан қуйидагиларни ёзади: «Сухбат Хива хусусида борди, собиқ бош инспектор Кунни эсладик. Мирзабоши Куннинг Хивадан бир ярим минг чоғли турли ҳужжат ва китобларни олиб кетганини, уларни олиб кетиш учун кемага ортаётган пайтда қўлёмаларнинг катта бир қисми ҳўл бўлганини, ўша ҳўл бўлган нусхаларни қуришиб бериш учун Кун мадрасалардан 150 чоғли домлаларни чақиртириб келганини, шу аснода айрим қўлёмаларни қув домлалар баъзилари қўлтиққа, баъзилари чолвор ичига яшириб юборганликларини айтиб берди... Кунни Мирзабоши ўзининг буйруқларига салгина қаршилиқ кўрсатгудек бўлса, Хиванинг қозикалони кетидан Сибирга сургун қиламан деб қутқу солувчи амалдор сифатида таърифлади. Лекин керакли одамни қўлдан чиқармаслик ва Мирзабошини ўзига оғдириб олиш учун Кун унга: сени генерал Кауфман Сибирга жўнатадиган бўлувди, мен генералдан илтимос қилиб олиб қолдим, дебди. Бу иши учун Кун Хива эртаклари, халқ қўшиқлари ва бошқа этнографик материалларни тайёрлаб беришни Мирзабошидан талаб қилибди. Бу талабга Полвон Мирзабоши ўзининг эртак ва қўшиқлар билан эмас, балки илмий китоблар билан шуғулланишини, шу вайдан бу фармойишни бажаришга ёрдам бера олмаслигини айтиб жавоб берибди» (фонд № 1009, опись № 1, дело № 67, 31-саҳифа).

Остроумов уйдаги меҳмондорчиликка оид қайдларда, бизнингча, энг муҳим жиҳат Комилнинг Тошкентдаги маърифатпарварлик фаолиятига оид жиҳат бўлиб, бунда шоир «Туркистон вилоятининг газети» муҳарри-

риникида роялда бир неча куйлар тинглаб, айрим романслар ҳам эшитганлиги, эрлар гимназияси кутубхонаси билан танишганлиги, биринчи ўзбек маърифатпарвари Сатторхон Абдулғаффоров билан олис дам кизиқарли суҳбат қурганлиги ҳақидаги ўринлардир.

«Чойдан кейин биз меҳмонхонага ўтдик, — деб ёзади Н. Остроумов. — Полвон Мирзабоши диванда ўтириб, катта қизимнинг рояль чалишини тинглади. У хивача (хоразмча демоқчи — Ш. Ю.) ҳам форсча куйларни, «Қиз муножоти»ни ва бошқа баъзи пьесаларни чалиб берди. Қария мусиқани ва рус халқининг баъзи қўшиқларини диққат билан тинглади. Сўнгра мен Мирзабошини гимназиянинг кутубхонасига олиб бордим ва унга Европа ҳамда рус олимларининг бир неча тарихий асарларини кўрсатдим...

Ҳўл мевалар (тарвуз, қовун ва ноклар) билан зиёфат қилаётган чоғимда маҳаллий газетадаги ходимим Сатторхон келди. Полвон Мирзабоши мусулмонча турмуш ҳақида у билан бажону дил суҳбатлашиб ўтирди ва ўзининг ҳам шоир эканини эътироф қилиб, шеърларидан айрим мисраларни ёддан ифодали ўқиб берди» (фонд № 1009, опись № 1, дело № 67, 32-саҳифа).

Комил ҳақидаги тадқиқотларнинг ҳеч бирида учрамайдиган бу фикрлар йирик маърифатпарвар Тошкентда амалга оширган ғоят муҳим ишлар манзарасини кўз олдимизда аниқ гавдалантиради.

Н. Остроумов шахсий фондида яна бир неча муҳим ҳужжатлар учрадики, булар Комилнинг маърифатпарварлик йўналишидаги икки бебаҳо асарининг яратилиш тарихини ёритишга, уларнинг турли вариантлари ҳақида фикр юритишга ундайди. «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррирининг шахсий фондида «Ики шўх» радибли ғазалнинг энсиз бўзранг қоғозга, чамаси, мваллиф қўли билан битилган нусхаси ҳам (фонд № 1009, опись № 1, дело № 115 (1-я папка), 35-саҳифа), шу нусха асосида тайёрланган газета корректураси ҳам (фонд № 1009, опись № 1, дело № 156, 232-саҳифа) сакланиб қолган. Ғазалнинг газета корректураси устида Н. Остроумов қўли билан қилинган: «Хива хонининг мирзабоши-си Полвон Мирзабошининг 1890 йил (?) 5 сентябрда менинг уйимда ўтказган кечасидан хотира тарзида ёзган шеъри», деган қайд ҳам мавжуд. 1890 йил санасини Н. Остроумов паришонхотирлик билан қўйиб юборган деб ҳисоблаш керак. Чунки Комил унинг уйида худди 1891 йилнинг 5 сентябрида меҳмон бўлганлиги ва ўша

меҳмондорчилик билан боғлиқ воқеалар Н. Остроумов кундаликларида батафсил қайд этилганлиги юқорида келтирилган парчалардан равшан бўлади. 1890 йил сентябрида Комилнинг Тошкентда бўлганлиги, ундан ташқари 1891 йилдагидек худди 5 сентябрь куни Остроумовникида меҳмонда бўлганлиги ҳақида бирорта кичик ишора ҳам манбаларда умуман учрамайди.

«Ики шўх» радифли ғазалнинг дастнавис ҳамда корректура нусхаларига қараганда Комил асарнинг дастлабки нусхаси тайёр бўлган 1981 йил сентябрь ойининг дастлабки ҳафталаридаёқ уни эсдалик тариқасида мезбонга — Н. Остроумовга тақдим этган. Н. Остроумов эса уни ўзи муҳаррирлик қилаётган «Туркистон вилоятининг газети» сонларидан бирининг макетига киритиб, териш учун босмахонага жўнатган. Ғазал корректураси босмахонадан тайёр бўлиб келгач, корректурадан ўзи учун бир нусха олиб қолиб, унинг устига юқоридаги қайдни қилган. Лекин «Ики шўх» радифли бу ғазал газетада босилганми-йўқми, босилган бўлса, қайси сондан ўрин олган — масаланинг бу жиҳати ҳозирча маълум эмас. «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1891 йилги қатламлари Тошкентда умуман йўқлиги ҳам бу масалани аниқлашга монелик қилиб турибди.

«Ики шўх» радифли ғазалнинг дастнавис ва корректура нусхалари матни қуйидагича:

Солурда ғамза хадангин камона ул ики шўх,  
Мани ул ўқға қилурлар нишона ул ики шўх.  
Ҳам икки гул кибби бир шохдин очилмишлар,  
Қилур навосини ҳам булбулона ул ики шўх.  
Эшитса бандаси бўлгуси Зухроу яна Баҳром,  
Рубобу чанг ила тузса тарона ул ики шўх.  
Боқиб жамолиға юз тил била фиғон айлар,  
Етурса илкени фортаниёна ул ики шўх.  
Қилурда нола арақдин ики юзи бўлуб гулфом,  
Кўзумдин айлади қон ёш равона ул ики шўх.  
Қучоқлашиб бўладур бир-бирига жуфт андоқ  
Кн тоқупўст ирамга дугона ул ики шўх.  
Агарчи ҳуснда маъшуқи аҳли оламдур,  
Валек нола қилур ошиқона ул ики шўх.  
Паришар эрдимуким, учтилар кўзумдин ё,  
Фаришта эрдиму чарх ошиёна ул ики шўх.  
Бириси Комил бедилгадур баса матлуб,  
Агарчи хўблар ичра ягона ул ики шўх.

Н. Остроумов шахсий фондидаги ва Комилнинг 1975 йилда нашр этилган девонидаги матнларни қиёслашдан маълум бўладики, автор ўз ғазалини кейинчалик бошдан-оёқ қайта ишлаш жараёнида дастлабки вариантдаги учинчи ва охириги мисраларнигина ўз ҳолича қолдириб, бошқа барча мисраларга ўзгартиришлар киритган. Бу ҳол ғазалнинг кўп жиҳатдан ютишига, ундаги мантиқий изчиллик ва образлар кучайишига хизмат қилган. Лекин, бизнингча, ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ғазалнинг янгича маърифатпарварлик йўналишини аниқ кўрсатувчи икки байт тушириб қолдирилганлиги ўзини оқламайди. Улар:

Боқиб жамоляга юз тил била фйгон айлар,  
Етурса илқини фортапиёна ул ики шўх.  
Қучоқлашиб бўладур бир-бирига жуфт андоқ.  
Ки тоқупўст ирамга дугона ул ики шўх,—

байтларидир. Биринчи байтдаги фортепяно иборасининг ўзи, ундан ташқари ўзбек ҳаёти учун бутунлай номаълум бу сеҳрли мусиқа асбобини маҳбуба жамолига маҳлиё бўлиб, юз тил билан фйгон қилувчи ҳақиқий ошиқ сифатида тасвирлаши, ғоявий мазмуннинг бутунлай янгиллиги, бадийй кашфиётнинг оригиналлиги ва улкан таъсир кучи жиҳатидан Комил шеъриятидагина эмас, балки бутун ўзбек шеъриятида ҳам алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатлар эди. Комил ғазалнинг дастлабки вариантини газета муҳаррири Н. Остроумовга қолдирганида фортепяно иборасини газетхонлар тушунар ёки унга муҳарририят изоҳ берар деб ўйлаган, чамаси. Асарни қайта ишлаш вақтида эса, XIX аср тўқсонинчи йиллари бошидаги Хива хонлиги территориясига ҳали фортепяно кириб бормаганлиги, шу ваздан ҳамюртларига бу иборани тушунтириш имкони йўқлигини ҳисобга олиб, уни шеърдан тушириб қолдиришни маъқул кўрганга ўхшайди. Иккинчи байтдаги рус бал рақсларида икки ўйинчининг қучоқлашиб тоқупўст (яквужуд) бўлиб кетиши манзарасини ҳам ўша даврдаги Хива хонлиги шароитида ўқувчининг кўз олдига келтириш муаллиф учун имкондан ташқари бир нарсадек туюлган бўлиши эҳтимол. Ана шу жиҳатларни истиҳола қилган Комил ғазални тубдан қайта ишлаш вақтида ўзининг янгича маърифатпарварлик ғояларини ниҳоятда кўркам ифодалаган ўша қимматбаҳо икки байтнинг баҳридан кечишига тўғри келган кўринадики,

бу ҳолга қайта-қайта афсусланмай иложимиз йўқ. Лекин бизга тасалли берадиган ва яхши умидлар туғдирадиган нуқта шундан иборатки, Комил асарларининг эндиги нашрларида «Ики шўх» радифли ғазалнинг ҳариккала вариантини ҳам маълум изоҳлар билан китобхонлар эътиборига ҳавола этиш, дастлабки вариантдаги кўркам кашфиётлардан уни тўла хабардор қилиш мумкин. Шундай қилинса, эътиросли маърифатпарвар шоирнинг «Ики шўх» радифли ғазали унинг рус онасида, рус мусиқа асбобларининг энг қудратлиси бўлмиш фортепьянода русча, немисча пьесалар, эронча, хоразмча куйлар тинглаб, фортепьяно жўрлигида рус халқ қўшиқларини эшитиб, бал рақсларини томоша қилиш натижасида яратилганлиги, бу ғазал XIX аср тўқсонинчи йиллари бошидаги янгича ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг нодир намуналаридан бири эканлиги жамоатчиликка маълум бўлади ва асарга зўр қизиқиш туғилади.

Комилнинг Тошкентдаги фаолиятига алоқадор яна бир муҳим асар «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд»нинг яратилиш тарихи билан, унга туртки бўлган воқеалар ҳамда шахслар билан боғлиқ жиҳатлар, унинг ёзилган даври ҳам етарлича ўрганилган эмас. Тошкент ҳақидаги бу эътиросли қасиданинг яратилиш даври ҳақида адабиётшуносликда турлича фикрлар мавжуд. Профессор Фулом Қаримов юқорида тилга олинган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида уни Комил 1896—1897 йилларда Тошкентга қилган охириги саёҳати вақтида яратган деб тахмин қилса (174-бет), профессор А. Ҳайитметов билан адабиётшунос В. Мўминова беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг V томида «Тошкент ҳақидаги қасида ундаги тарихга қараганда («Шумори Тошканд»), ҳижрий 1316, мелодий 1898—1899 йилларда, яъни шоирнинг ўлимига яқин ёзилган» (74, 75-бетлар) деган фикрни илгари сурадилар.

Лекин «Туркистон вилоятининг газети» қатламларини варақлаганда, унинг 1894 йил 8 октябрдаги 33-сонидеяқ Комилнинг бу асари «Жаноби олий жоҳ Хива хонининг мирзабошиси Паҳлавон маалақаб шуаронинг ғазаллари ушбудур» деган сарлавҳа остида босилиб чиққанлиги маълум бўлади. Бинобарин, ана шу фактнинг ўзиёқ «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» асари тадқиқотчиларимиз тахмин қилганидан анча илгари ёзилганини исботлайди. Бироқ бу ҳали асарнинг қайси вақтда ёзилганлиги ҳақидаги саволга аниқ жавоб



бера олмайди. Бу саволга жавобни Комил Хоразмийнинг ўзи томонидан ёзилиб, газетанинг ўша сонидан эълон қилинган изоҳдан топиш мумкин. Автор изоҳи қуйидагича: «Махфий қолмасунким, «чашми сори Тошканд» бир таърихдур. Лекин ҳисоби ҳамалда минг уч юз саксон тўрт бўлур. Аммо таъмия қондаси бирла мундин етмиш тўрт исқот бўлур. Бу тариқадаким байъад иборати шунга ишоратдур, 1316 бўладур, яна олти йилдан сўнг мувофиқ бўлур. Нединким мунини машқ айлаганда таърихи минг уч юз ўнда эрди».

Изоҳдан маълум бўладики, Тошкент ҳақидаги бу қасиданинг тарихини «Шумори Тошканд» бирикмасидан эмас, балки «Чашми сори Тошканд» бирикмасидан муаллиф айтган усуллар билан чиқариш зарур. У ҳолда ҳижрий ҳисобда 1310 йил, мелодий ҳисобда эса 1892-93 йиллар келиб чиқадики, Комил Хоразмий ўз изоҳида бу санани аниқ кўрсатишни лозим топган. Бинобарин, асарнинг яратилган йили ҳақида адабиётшуносликда мавжуд фикрларга ҳам шу тариқа тўла аниқлик киритилади.

Комилнинг Тошкент ҳақидаги қасидасининг «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган вариантини унинг шоир тошбосма девонидаги варианты билан қиёс қилинса, ўзига ниҳоятда талабчан бўлган йирик маърифатпарвар ижодкор уни ҳам кейинчалик қаттиқ қайта ишлаганлиги, асар композициясини бутунлай ўзгартириб юборганлиги, бир қанча байтларни тушириб қолдириб, ўрнига янги байтлар қўшганлиги, аввалги вариантдаги кўпгина сўзларни автор ғоявий мақсадини ёрқинроқ, таъсирчанроқ ифодалайдиган, ўйланган образларни яққолроқ гавдалантирадиган бошқа сўзлар билан алмаштирганлиги ва бошқалар маълум бўлади.

Бу ўринда масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Гап шундаки, «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» асарининг газета вариантыдан Комил Хоразмий Тошкентга келган чоғида учрашган, суҳбатлашган Туркистон генерал-губернаторлиги канцеляриясининг таржимони Асфандиёров, ўлка илмий-маданий ҳаётида сезиларли из қолдирган Мирзо Абдулло Исамуҳаммад ўғли, ўша вақтдаги Сирдарё область губернатори Н. Гродеков ҳақида айрим фикрлар ўрин олган. Бу сафари вақтида Комил Инъомхўжа, Сатторхон, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа ва бошқа йирик шахслар билан учрашганлиги, улар билан кўп масалаларда фикрлашганлиги ҳам юқорида келтирилган ишончли манбалардан маъ-

лум. Лекин Комилнинг Тошкент ҳақидаги бу ажойиб асари газетада эълон қилинган вақтда Инъомхўжа Қўқон турмасида, Шарифхўжа Хўжанд сурғунда эдилар. Муҳиддинхўжа Тошкентда қолдирилган бўлса ҳам ижтимоий ҳаётдан бутунлай четлаштириб қўйилган эди. Улар Комил Тошкентдан жўнаб кетгач, орадан тўққиз ой чамаси кейин бу ерда бўлиб ўтган вабо қўзғолонига етакчилик қилганликлари учун мустамлака маъмурларнинг газабига учраган эдилар. Улкан маърифатпарвар Сатторхон ҳам Туркистон ҳукмдорларига ёқмай қолиб, 1892 йил баҳоридаёқ Самарқандга, бир неча ой ўтгач эса Чимкентга мажбуран ишга жўнатиб юборилган эди.

«Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» 1892 йил 24 июнь воқеаларидан илгарироқ ёки муаллиф бу воқеалардан хабар топмаган вақтда ёзилган бўлса, Комил ўз асарига ўша дўстлари ҳақидаги фикрларини ҳам киритган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ҳол, Комил асарининг дастлабки вариантини излаб топиш ва ўрганишдан иборат муҳим вазифани ҳам келтириб чиқаради. Ўша вариант қўлга киритилса, Комил фаолиятининг ҳали тадқиқотчиларимизга маълум бўлмаган янги-янги қирралари очилса ҳам ажаб эмас. Архив фондларидаги, «Туркистон вилоятининг газети» ҳамда «Туркестанские ведомости» қатламларидаги ишончли манбалар билан танишиш шундай фикрларни туғдирди ва биз уларни муҳтарам ўқувчилар билан ўртоқлашишни лозим кўрдик.

1987 йил

## МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Илмий изланишлар одатда кишини кутилмаган воқеа ва фактларга, ажойиб шахсларга дуч келтирадики, натижада тадқиқотчи ўзи излаган нарсалар қолиб, бутунлай бошқа соҳага алоқадор материаллар билан ҳам шуғулланиши тамомила табиий бир ҳолдир.

Бу сафар худди шундай бўлди. Ажойиб шоир Зокиржон Фурқат ўз асарларида номларини қайта-қайта тилга олган тошкентлик дўстларини, унинг ҳали кўпчилик ҳукмига ҳавола этилмаган асарларини, шоирнинг ҳаёти, ижоди, севгисига оид материалларни излаш мобайнида ўнларча олим — фозиллар, шеърят ва санъат ихлосмандлари билан ҳамсуҳбат бўлдик. Ниҳоят, шоир ҳаётининг сўнгги ўн олти йилини кечирган Ёркент-

дан бизнинг юртимизга келиб истиқомат қилаётган нуруний қариялар билан ҳам мулоқотда бўлиш, улкан шоир қиёфасини яққолроқ тасаввур этишга ёрдам берадиган қўшимча фактлар топиш истаги туғилди. Шу ваздан тошкентлик уйғур дўстларимизга ёрдам сўраб мурожаат этдик. Менга лутфан ёрдам бераётган Тошкент маданият институтининг талабаси Абдухолиқ (у Ўзбекистон радиосида уйғур тилидаги эшиттиришлар бўйича диктор ҳам бўлиб ишлайди) 1855 йилда китоб қилинган ва асримизнинг эллигинчи йилларида Қошғардан Тошкентга келган таниқли хонанда Абдураим Аҳмадий нусха кўчириб олган «Таворихи мусиқиюн» номли бебаҳо бир хазина билан мени таништириб, ақлимни лол қолдирди.

Гап шундаки, «Таворихи мусиқиюн»даги илм учун фоят қимматли материалларнинг аксар қисмини мен ҳеч қандай манбада учратмаган эдим. «Муъжаз» тахаллуси билан шеърлар битган Исматулла Нёматулла ўғли томонидан ёзилган бу китоб тахминан қирқ саҳифани ташкил этади. Унда Шарқнинг энг қадимги даврлардан буён ўтган машҳур бастакор, хонанда, созанда, энг муҳими эса, мусиқашуносларнинг ҳаёт йўли ва маданият тараққиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида, ҳозирда халқимизнинг битмас-туганмас бойлигига айланган баъзи куйларнинг қайси бири қачон, ким томонидан, қандай шароитда ижод қилинганлиги, бу куйларнинг энг моҳир ижрочилари кимлар бўлганлиги шу қадар жозиба ва сеҳр билан рақам қилганки, китобга бир марта кўз югуртириш ҳар қандай санъат ихлосмандининг оромини йўқотмай иложи йўқ.

Ўзбек халқининг бой мусиқа мероси ҳақидаги катта илмимизда кўпгина классик куйларнинг кўп асрлик тараққиёти ҳусусида қизиқарли фикрлар мавжуд. Аммо уларнинг қайси бири қайси азамат созанда ва бастакор томонидан илк бор яратилгани ҳақида мусиқашуносларимиз фактик материални кам келтирадилар.

Ҳам шоир, ҳам муаррих, ҳам мусиқашунос бўлган Исматулла Нёматулла ўғли эса Лutfий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Паҳлавон Муҳаммад ва бошқаларнинг мусиқа илми соҳасида қолдирган бой мерослари борасида атрофлича фактик материал бериш билан бирга «Наво» Навоий томонидан, «Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Чорзарб» унинг қирқ йиллик буюк

дўсти Паҳлавон Муҳаммад томонидан<sup>1</sup>, «Ҳусайний» Ҳусайн Бойқаро томонидан, «Баёт» хоразмлик машҳур бастакор ва мусиқашунос Юсуф Саккокий томонидан илк бор яратилганини кўрсатиб беради.

Шарқда мусиқа илмига доир китоблар кўп асрли тарихга эга эканини таъкидлаган «Таворихи мусиқиюн» муаллифи буюк аждодимиз Абунаср Фаробийнинг «Рисолаи муғанниюн» номли оламга машҳур асаридан анча илгари битилган икки рисолаи мусиқий ижодкорлари ҳаётига оид қизиқарли ҳикоялар ҳам келтиради.

Кўриниб турибдики, бу ноёб хазинани ўрганиш турли соҳалардаги мутахассисларимиз кўп йиллар мобайнида амалга оширадиган ишдир. Зотан, бунчалик кенг ва чуқур билим талаб қиладиган материални бир кичик мақолада батафсил изоҳлаб бериш сира-сира мумкин эмас. Шунини ҳисобга олиб, «Таворихи мусиқиюн»дан санъат ихлосмандлари эътиборига атиги икки кичик лавҳани ҳавола этмоқчимиз.

### Биринчи лавҳа

Тарихий манбаларда машҳур нозим ва носир Заҳриддин Бобур мусиқа илмига оид рисола ҳам ёзганлиги айтилади. Бу рисоланинг мазмуни ва характери у ёқда турсин, ҳатто номи ҳам маълум бўлмаганидан, илмий манбаларда уни оддийгина қилиб «Илми мусиқи», баъзан эса «Мусиқа илми» деб аталар, бўлак ҳеч қандай материал берилмас эди.

Исматулла Неъматулла ўғлининг «Таворихи мусиқиюн» китоби шу жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқдир. Аввало китоб муаллифи юқоридаги рисолаи мусиқининг аниқ номини келтирадики, у «Асрори мусиқи» экан.

«Асрори мусиқи»да Бобур мусиқанинг инсон руҳий оламига мислсиз таъсири хусусида келтирган бир ҳикояни Исматулла Неъматулла ўғли ўз ўқувчиларига камоли эҳтиром билан тақдим этади. Маълумки, шарқда бир моҳир созанда бирор таъсирчан куйни алоҳида эҳтирос билан чалган пайтида унинг созиға булбул келиб қўнганлиги, куйни маҳлиё бўлиб тинглаганлиги хусусидаги афсонанинг турли вариантлари мавжуд. Сознинг устига булбул келиб қўниши муғаннийнинг

<sup>1</sup> Бу мақомлар Паҳлавон Муҳаммад томонидан яратилгани ҳақида Навоий ҳам маълумот беради (қаралсин: А. Н а в о й. Ўн беш томлик, 14-том, 90—91-бетлар).

ингловчилар қалбининг энг нозик торларини титратиб  
обора олишдаги комил маҳорати белгиси сифатида ба-  
ҳоланиб келади. Бобурнинг «Асрори мусиқи»сидан кел-  
тирилган ҳикоянинг зўрлиги шундаки, унда созга бул-  
бул келиб қўниши ҳикоянинг якуни эмас, балки ибти-  
досигинадир, холос.

## Иккинчи лавҳа

Ҳозиргача Шарқда мусиқа рисоласи ёзган киши-  
ларнинг барчаси эркак жинсига мансуб деб ҳисобланар  
эди. Исматулла Неъматулла ўғлининг «Таворихи муси-  
қиюн» китоби бу ҳақдаги тасаввурларга ҳам катта бир  
янгилик киритади.

Китоб муаллифи Омоннисо бегим исмли ажойиб бир  
аёл тарихини ҳикоя қилади. Ҳикояга кўра, Хўтан ҳоки-  
ми Абдурашидхон (у 1509 йилда туғилиб, 1561 йилда  
вафот этган, 27 йил ҳукмдорлик қилган) оддий кийим-  
да ўз фуқаролари аҳволи билан танишиб юрган кезла-  
рида, тасодифан Маҳмуд ўтинчи исмли камбағал бир  
одамнинг ҳовлисига кириб қолади. Ўтинчи меҳмонларни  
ҳурматлаб жой кўрсатади, борини уларнинг олдига қўя-  
ди. Меҳмонлар тамадди қилаётган пайтида Абдурашид-  
хон хона деворига осиглиқ турган мўъжазгина танбурга  
кўзи тушиб, Маҳмуд ўтинчидан бирор машқ чалиб бе-  
ришни илтимос қилади. Ноилож аҳволда қолган ўтинчи  
ўзи соз чалишни билмаслигини, шўх қизининг қистови  
туфайли унга олиб берганини айтиб узр сўрайди. Аб-  
дурашидхон чол орқали қизни чақиртирса, бу қиз фав-  
қулодда ўткир ақли, мислсиз ҳусни билан Абдурашид-  
хонни лол қолдиради. Меҳмонлар ундан бирор куй  
ёки қўшиқ эшитиш истагида эканликларини айтадилар.  
Омоннисо меҳмонларга ҳурмат юзасидан қўшиқ айтиб  
беради. Қўшиқнинг сўзлари охирида Ноқисий тахаллу-  
сини эшитиб, Абдурашидхон ҳайрон бўлади ва ғазал  
муаллифи Ноқисий ким, қаерлик эканини қиздан сў-  
райди. Қиз эса, қўшиқчи бировнинг ғазалини кутмай,  
дилидаги сўзларни ўзи ғазал қилиб ижро этса, яхши  
бўлади деб ҳисоблашини, Ноқисий эса ўз тахаллуси  
еканини айтади.

Абдурашидхон бу жозибали ғазалнинг муаллифи  
ўтинчи чолнинг шу тирмизак қизи эканига ишонқира-  
май, ундан ақалли бирор байт шеър тўқишни талаб  
қилади. Абдурашидхоннинг юрт ҳукмдори эканидан бе-  
хабар Омоннисо қаршисида турган амалдорнинг хира-

лик билан қилаётган талабидан кўнгли озурда бўлиб турган эди. Қулай фурсатдан фойдаланиб, бутун дилдаги гапларни тўкиб соладиган яна бир ғазал ёзиб ташлайди. Бу ғазалнинг илк матлаи бундай эди:

Нега бу банда қилди ажаб суи зан манго,  
Гўё бу уйда унди лаҳзада тикан манго.

Абдурашидхон Омоннисонинг хати чехраси билан басма-бас ўйнашига қойил қолади. Ўтинчи билан ҳайр-хўшлашиб кетгач, орадан бир оз вақт ўтгач, совчи юбориб, Омоннисога уйланади.

Ақл ва инсофда мукамал Омоннисога уйлангач, Абдурашидхон анча адолатли ишлар қилади, бошқа хотин олмайди. Абдурашидхон никоҳида яшаган йигирма йил мобайнида Омоннисо фан, адабиёт ва санъат соҳасида жуда катта ишлар қилади. Аввало ўз ғазалларини тўплаб «Девони Ноқисий»ни тартибга келтиради, одоб ва ахлоқ масалаларига бағишланган «Ахлоқи жамили» номли китоб ёзади.

Омоннисонинг энг катта хизматларидан бири мусиқа ва хаттотлик илмига доир «Шуруҳул қулуб» номли ажойиб китоб қолдирганлигидир. Омоннисо «Ишратангиз» номли кенг шуҳрат қозонган куй ҳам басталаган экан. Бироқ Абдурашидхон негандир бу сеҳрли куйни ўзим яратдим деб, саройдаги созандаларга ўргатган ва куй Абдурашидхон ижоди сифатида нотўғри талқин этилиб келган. Орадан юз йил чамаси вақт ўтгач, «Ишратангиз» Омоннисонинг ижод маҳсули экани мусиқа оламига маълум бўлган ва куй ўз эгасига қайтарилган.

Омонниса 34 ёшда эканида туғолмай вафот этган. Оқила ва севимли хотини дардида қаттиқ куйган Абдурашидхон узоқ яшамаган: орадан бир ярим йил ўтгач, у ҳам ҳаёт билан видолашган.

Исматулла Неъматулла ўғлининг «Таворихи мусиқиюн» китобида маданиятимиз тарихига оид янги гаплар тўлиб-тошиб ётибди. Юқоридаги икки лавҳа эса, ўшандан бир шингил, холос.

### КУЙЛАР ҚАНОТИДА АСРЛАР ОША...

Халқнинг буюк даҳоси яратган ва неча-неча асрлар давомида сайқалланиб бизгача етиб келган сеҳрли мақомларни, бастакор бобокалонларимизнинг ҳайратафзо истеъдодидан далолат берувчи ноёб мусиқа асарларини

тинглаганда, ҳар сафар лол қоласан киши. Бу куйлар тингловчининг қалб қаърига сизиб кириб, ундаги анвои туйғуларни камалакнинг ҳафт рангида товлантиради, тингловчини мусиқий садоларнинг ҳудудсиз оламига гоҳ сафоли, гоҳ мунгли сайрга чорлайди.

Одатда бундай боқий санъат намуналаридан жунбушга келган қалбларимиз бир оз ўзига келгач, уларнинг ижодкорлари кимлар эканини, улар қандай вазиятда, қандай ҳаётий воқеалар таъсирида яратилганини, неча-неча ўн йиллар, асрлар мобайнида уларни қайси буюк истеъдод соҳиблари қайси созларда қай тариқа ижро этганликларини билгимиз келади.

Буюк бобомиз Абу Наср Форобий ўз рисолаи мусиқисини тугатгач: «Ё алҳазар, эй мусиқа олами, яхшиямки сен борсан, агар сен бўлмаганингда инсоннинг аҳволи не кечар эди!» — дея хитоб қиларкан, минг йил кейин дунёга келадиган насларнинг ҳам дилидаги гапни айтиб кетган эди.

Беназир санъаткор Алишер Навоий олам тургунча турадиган безавол асарларида ўзига замондош нозиктаъб шоирлар, қилни қирққа ёрган олимлар билан бир қаторда санъат оламини мангу забт этган бастакорлар ҳақида ҳам ажойиб-ғаройиб маълумотлар қолдирганлиги маълум. Навоийнинг энг яқин дўстларидан бири Паҳлавон Муҳаммад бўлганлиги, одабийликнинг асл намунаси бўлган бу табаррук зот кўпгина ҳунарларда юксак камол касб этганлиги кўпчиликка маълум. Гениал шоир ўз дўстига бағишланган «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли ажойиб асарида унинг бастакорлик маҳоратига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди. Асарда жумладан қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Машҳур амалларидан (куйларидан демоқчи) бири «Чаҳоргоҳ» амалидурким, Мир Бузург Термизий отиға боғлабдурким, бағоят хушоянда (яъни ёқимли) ва мулойим эшитилур ва далили буким, Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳам ул ишни билмас гўянда (яъни хонанда) йўқтур, балки ғайри гўянда дағи (яъни хонанда бўлмаган) беҳад ва ҳаср халойиқнинг ёдидадир. Яна «Сегоҳ» амалидурким... Бобур Мирзо (Абулқосим Бобур кўзда тутиляпти) отиға боғлабдурким, ул дағи бағоят муассир ва хушоянда ишдур. Яна «Сегоҳ» амалидурким... Абу Саид Мирзо отиға боғлабдур, ниҳоятдин ташқари дилпазир иш тушубдур»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик, ўн тўртинчи том, 90—91-бетлар.

Шундай қилиб, Паҳлавон Муҳаммад, Абулқосим Бобур ҳамда Абу Саид Мирзо хизматида бўлган чоғларида ижод қилган «Сегоҳ»нинг икки қисмини шу ҳукмдорларга бағишлаганлигини, машҳур «Чоргоҳ» эса Мир Бузург Термизий «отиға боғланган»ини айтиш билангина чекланишни лозим топмаган Алишер Навоий бу асл куйларнинг Хуросондагина эмас, балки Самарқанд ва Ироқда ҳам кенг шуҳрат қозонганини, хонанда ва созандаларгина эмас, балки санъатни касб қилиб олмаган сон-саноксиз оддий кишилар ҳам уларни ёд билишини келгуси авлодлар учун муҳрлаб қолдирган.

Навоийнинг буюк дўсти Паҳлавон Муҳаммад юқорида зикр қилинган «Чоргоҳ» ва «Сегоҳ»нинггина эмас, балки «Дугоҳ», «Чорзарб»нинг ҳам яратувчиси бўлганлиги ҳақида бошқа бир ижодкорнинг рисолаи мусиқиси далолат беради. Бу рисола уйғур шоири, муаррихи ва мусиқашуноси Исмадулла Неъматулла ўғлининг қаламига мансуб бўлиб, у Хўтан ҳокими Алишернинг буйруғига кўра, тахминан 1855 йилларда ёзилган.

«Таворихи мусиқиюн» («Мусиқалар тарихи») деб номланувчи бу рисола муаллифи Алишер Навоийга замондош бўлган ва ундан кейинроқ яшаб ўтган бир қанча ижодкорлар мусиқа илми ва амалиёти билан қаттиқ шуғулланганликлари, умрбоқий куйлардан қайсиларининг илк яратувчилари кимлар бўлганлиги ҳақида ҳам санъат ихлосмандларини ғоят қизиқтирадиган маълумотлар қолдирган.

Яқиндагина шонли беш юз йиллик юбилеи зўр тантана билан нишонланган буюк шоир ва мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам рисолаи мусиқи яратганлиги илмий адабиётлардан маълум. Бироқ афсуски, ҳали тадқиқотчиларимиз томонидан топилмаган бу ноёб асарнинг умумий мазмуни у ёқда турсин, ҳақиқий номи ҳам кейинги вақтларгача маълум эмасди. Лекин «Таворихи мусиқиюн» билан танишган киши Заҳириддин Муҳаммад Бобур рисолаи мусиқиси нусхаларидан бири ўтган асрнинг ўрталарида Шарқий Туркистонда бўлганлигига, китоб муаллифи у билан шахсан танишганлигига қаноат ҳосил қилади. Бу ҳол, биринчидан, ҳозирги ўқувчига Бобур рисоласи хусусида ғоят қизқарли ва зарур маълумотлар беришидан ташқари, бундан буён Бобур рисоласини излаб топниш йўлидаги ҳаракатларни қайси йўналишларда давом эттириш зарурлигини ҳам кўрсатиб туради.

Аввало Бобур рисоласининг аслида қандай атал-



ганлиги ҳақида. Бобур рисолаи мусиқиси билан бево-  
сита танишиб чиққан «Таворихи мусиқиюн» муаллифи  
бу рисолаининг ҳақиқий номи «Илми мусиқи» ҳам,  
«Мусиқа илми» ҳам бўлмай, балки «Асрори мусиқи»  
эканини айтадики, бундан буён Бобур ҳақидаги аср-  
ларда уни ўзининг асл номи билан юритиш имкони ву-  
жудга келганлиги ғоят қувонарлидир.

Айни вақтда «Таворихи мусиқиюн» муаллифи Исма-  
тулла Нейматулла ўғли Бобурнинг «Асрори мусиқи»-  
сидан ғоят оригинал ва таъсир кучи тенгсиз бўлган бир  
лавҳани келтиради. Унда Бобур худди Алишер Навоий  
туғилган 1441 (ҳижрий 844) йилда Хуросонда Шоҳруҳ  
ҳукмронлиги даврида бўлиб ўтган бир мусиқа анжу-  
мани ҳақидаги, унда қатнашган Мавлоно Соҳиб исмли  
беназир танбурчининг афсоналарга арзигулик ижро  
маҳорати ва такрорланмас ўлими ҳақидаги ҳикояни  
келтирган экан.

Шоҳруҳ саройинининг энг комил созандаси бўлган  
Мавлоно Соҳиб 1841 йилнинг ёзида Султоннинг шаҳар  
атрофидаги энг сўлим боғларидан бирига йиғилган  
санъат шайдолари анжуманига ўзининг ҳаминша қалб-  
ларни сеҳрловчи севимли танбури билан боради. Дав-  
рада бошқа хонанда ва созандалар ҳам дилсўз куй ва  
хонишлар ижро этиб, йиғилганларни мафтун ҳамда  
лол қиладилар. Ниҳоят, Мавлоно Соҳиб бир неча ёқим-  
ли куйлар чалиб бериб, тингловчиларни шу қадар сеҳр-  
лайдики, улар бир куй ниҳоясига етиши биланоқ янги  
куй бошлашни шовқин-сурон билан талаб этишар, со-  
занданиннг ўзи ҳам куйлар сеҳрига ром бўлиб, ижро-  
чиликнинг мислсиз намуналарини кўрсатар эди. Ни-  
ҳоят тингловчиларнинг асло рад этиб бўлмайдиган та-  
лабларига кўра навбат Мавлоно Соҳиб энг зўр ижро  
этадиган «Чўли Ироқ» куйига келади. Бу куй Мавлоно  
Соҳибга ҳар сафар ҳам қаттиқ таъсир қилар, ижродан  
сўнг унинг сиҳати шикаст топган пайтлар ҳам бўлган  
эди. Уша кунги анжуман алоҳида анжуман бўлиб, унга  
санъат заршунослари тўпланган, шунинг учун ҳам  
Мавлоно Соҳиб ҳар қачонгидан кўра кучлироқ ички  
дард ва ҳаяжон билан чалар, бутун вужуди симобдек  
эриб борар эди. У «Чўли Ироқ»ни бошлаши билан қи-  
зиқ бир воқеа содир бўлади. Анжуман йиғилган сар-  
ҳовуз бўйидаги хушманзара дарахтларга қўниб, куй-  
лар тинглаётган, ўз «чаҳ-чаҳ»лари билан созанда ва  
хонандаларга жўр бўлаётган булбулларнинг бири «Чўли  
Ироқ» чалинаётганида дастлаб танбурнинг қулоғи

устига қўнади, куй оҳангига мувофиқ хазин овоз билан сайрайди, бора-бора куйнинг энг ларзали ўринларига навбат келганида танбур қулоғини тарк этиб, рўбарўдаги дарахт шохига учиб чиқади ва у ердан ўзини тўппа-тўғри танбурнинг коса қисмига отиб, худди дардига чидай олмаган одам бошини деворга қайта-қайта ургандек, бутун вужуди билан танбурга ўзини кетмакет уриб, ерга «тап» этиб тушади ва қимирламай қолади. Бу пайт «Чўли Ироқ» тинглаётганларнинг барчаси шундай аянчли руҳий ҳолатга тушган эдики, булбулни ердан кўтариш ва унга ёрдам бериш бирор кишининг хаёлига ҳам келмайди. Мана, ниҳоят «Чўли Ироқ» тугайди. Аммо куй тугаганида издиҳом аҳлининг беистисно барчаси беҳуш йиқилган эди. Улар шу алфозда бир соат чамаси қолиб кетадилар. Орадан анча вақт ўтгач, Шоҳруҳнинг мулозимларидан бир неча киши муҳим бир хабарни султонга етказиш учун издиҳом тўпланган боғга етиб келиб, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бу воқеанинг шоҳиди бўладилар. Мулозимлар маълум муддат саросима ичида қоладилар, ниҳоят ўзларига келиб, султон ва унинг атрофидаги кишилар юзига муздёк гулоб сепиб, оғизларига шифобахш шарбатлар томизиб ўзларига келтирадилар. Издиҳомдагиларнинг ҳаммаси аста-секин ўзига келади, аммо Мавлоно Соҳибнинг юраги уришдан тўхтаган, сеҳрли куйлар ошиғи булбул ҳам ҳаёт билан видолашган эди.

Чинакам санъатнинг ва санъаткорнинг мислсиз қудратини «Асрори мусиқи»да Заҳириддин Муҳаммад Бобур ана шу тариқа тасвирлаган экан.

«Асрори мусиқи»да Бобур тасвирлаган ажойиб воқеа бошқа бирор асарда ёки санъат ҳақидаги халқ ҳикояларида учрамайдики, бу ҳол Бобур рисолаи мусиқисининг ғоят оригиналлиги ва таъсирчанлигидан далолат беради. Исмадулла Неъматулла ўғлининг «Таворихи мусиқиюн»и бизнинг Бобур рисоласи ҳақидаги тасаввурларимизни шу тариқа бойитади.

Маълумки, мусулмон шарқида ўтмишда яратилган мусиқа рисолаларида аёл зотининг нажиб куйлар яратганлиги ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. «Таворихи мусиқиюн» эса бу соҳада ҳам янги ва бой фактик материал беради.

Хўтанда XVI асрда ҳукмронлик қилган Абдурашидхоннинг сеvimли хотини Омоннисо бегим ҳақидаги ҳикоя, юқорида айтганимиздек, шу жиҳатда характерлидир. Юртга 27 йил мобайнида ҳукмронлик қилган Аб-

Урашидхон ўз ҳукмронлигининг еттинчи йилида тасо-  
рифан Маҳмуд ўтинчи деган чолнинг шоира, хонанда,  
созанда қизи Омоннисога дуч келиб қолади, уни маж-  
буран ўзига хотинликка олади. Лекин Омоннисонинг  
кеңсиз донолиги, инсоф-адолати туфайли Абдурашид-  
хон ўзининг олдинги золимликларига анча чек қўяди,  
иғирма йил мобайнида унинг шеърларидан, куйлари-  
дан, доно сўзларидан сеҳрланиб яшайди. Ана шу йи-  
ғирма йил мобайнида Омоннисо бегим тобора камол  
касб этади. Ноқисий тахаллуси остида ёзган ғазалла-  
ридан катта девон тузади, унинг ахлоқ ва одоб маса-  
лаларига бағишланган «Ахлоқи жамили» («Чиройли  
хулқлар») китоби бутун Шарқий Туркистонда кеңг  
шуҳрат қозонади. Омоннисо бегим мусиқа илми ва  
амалиётни билан ҳам чинакамга шуғулланиб, аввало  
«Шуруҳул қулуб» («Қалблар шарҳи») номли ажойиб  
китоб яратади. Бу китобда мусиқа ва ҳаттотлик илми  
ҳақида ажойиб фикрлар баён қилинган. Шарқий Тур-  
кистондагина эмас, балки ундан узоқ-узоқларда ҳам  
кеңг шуҳрат қозонган, созанда ва тингловчилар қалбини  
мафтун этган «Ишратангез» номли ажойиб куйнинг  
ижодкори ҳам Омоннисо бегим эканлиги унинг вафо-  
идан бир асрча кейин санъат оламига маълум бўлган.  
Гап шундаки, ўз маликасининг бастакор эканини эл-  
ортга билдиришдан шарм қилган Абдурашидхон айна  
дақтда бу сеҳрли куйнинг тингловчиларга бориб етиши-  
ни ҳам истаган. Натижада у «Ишратангез»ни гўё ўзи  
яратганини айтиб, созандаларга тақдим этган ва куй  
бора-бора кеңг шуҳрат қозонган. Кейинчалик эса, авлод-  
дан-авлодга ўтиб келган Омоннисо бегим ҳақидаги маъ-  
умотларга қараб унинг ҳақиқий ижодкори тикланган.  
Шарқ аёллари орасида ўтмишда куй яратган ёлғиз  
Омоннисо бегим эмас, албатта. Уларнинг аксар қисми-  
нинг номлари тарихий вазият тақозосига кўра халқдан  
яхфий сақланиб келган. Лекин яқинда бир тасодиф  
абаб бўлиб, шундай аёл бастакорлардан бирининг  
номи аниқлашга муваффақ бўлдик. Гап Муқимий-  
нинг севгилисига ва ажойиб ўзбек шоирининг:

Ақлу ҳуш учти бошимдин, эй пари, девонаман,  
Бир иложе қил, эл итра бўлмайин афсона ман, —

атлаъли ғазали бағишланган Адолхоним ҳақида бор-  
оқда. Бу ғазалнинг ҳар бир байтидаги бош ҳарфлар  
бириб чиқилса, «Адолхоним» номи чиқишини, 1943 йил-  
www.ziyouz.com kutubxonasi

да Муқимий «Асарлар»ига ёзган сўзбошисида муҳтарам шоир Уйғун исботлаб берган эди. Академик Гафур Ғулом эса ғазалнинг:

Мулки Ҳинду Марвдид келсам, топардим <sup>✓</sup>эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман, —

мақтаъида Муқимийнинг Муҳйи билан курашлари ўз ифодасини топганлигини таъкидлаган эди. Аммо Адолхоним хонанда, созанда ва бастакор эканлиги, ўз даври аёллари орасида ғоят довюраклик билан катта ишларни амалга оширганлиги яқинда маълум бўлди.

Хонанда Зокир Султонов асримиз бошида грамофон пластинкасига ёзилган куй ва қўшиқларни тўплар экан, Адолхонимнинг ҳам икки ажойиб қўшиғи топилди. Ундан ташқари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳри Абдуллаева эҳтирос билан ижро этадиган «Тановор»га сайқал бериб, уни ҳозирги даражага етказган ҳам худди шу Адолхоним бўлганлиги кўплаб кекса санъаткорлар билан суҳбатлар вақтида маълум бўлди. «Тановор»нинг «Ҳооо... Адолотингман...» дея бошланиши ва тугалланиши шундан далолат беришини, бу орқали Адолхоним ўз номини абадийлаштиргангани ҳам у билан замондош йирик санъаткорлар Тамарахоним ва Лутфихоним Саримсоқова сўзлаб беришди.

Муқимийдек улкан шоирнинг ноёб ғазалларидан бири яратилишига сабаб бўлган Адолхоним бир неча ўн йил давомида бошқа забардаст ижодкорларнинг ҳам киши ҳавас қилса арзигулик муҳаббатини қозонган. Чунончи:

Қора сочим ўсиб қошимга тушди <sup>✓</sup>  
На савдолар менинг бошимга тушди, —

деб бошланадиган Адолхоним «Тановар»ига сеҳрланиб қолган машҳур Ҳамза Ҳакимзода бу санъат фидойисига бағишлаб опера ёзганлиги, операсини Адолхоним қўшиғига асосланиб «Қора соч», деб атаганлиги шоирлар сараси Чўлпон «Адолчахон» шеърини унга бағишлагани, академик Гафур Ғулом қалби Адолхонимга эҳтирос билан тўлиб, унинг мураккаб ҳаёт йўли, санъаткор сифатидаги буюк бахти, аёл, маҳбуба сифатидаги тенгсиз фожиаси ҳақида «Қизи халқидан узр сўрайди» номли ажойиб материални ёзишга киришганлиги маълум.

Бир аёл тақдирига турли даврда яшаб, ижод этган бунча забардаст санъаткор бу қадар зўр қизиқиш билан қараб, ундан илҳомланганлиги адабиётимиз тажрибасида, деярли учрамайдиган ҳодисадир.

Ўйлаб қаралса, ҳақиқий куй, хониш, санъатга фидоийлик инсонга синмас қанот бағишлаб, уни асрлар ва масофалар сарҳадларидан бемалол олиб ўтадиган, боқийликка вобаста қиладиган мўъжизакор қудратдир.

1983 йил

## ҒУЛОМ ТОҒАНИНГ ҲУЖРАСИ

Тошкентдаги «Чорсу» деҳқон бозорининг биқинигинасида «Қизилтут» кўчаси бор. Бу атрофдаги маҳаллалар, баъзи одамлар устоз Ғофур Ғуломнинг «Шум бола» қиссасида китобхоннинг ёдидан чиқмайдиган қилиб тасвирланган.

...Бундан чорак аср илгари шу кўчанинг бозорга яқин ерида Ҳурматли қариялар чойхонаси бўлиб, овозаси узоқ-узоқларга кетган Ғулом тоғанинг чегачилик дўкони шу чойхонага туташган эди. Аслида бу ер дўкон бўлмаб, ўша ердаги бир ҳовлининг кўча томондан эшик очилган ним қоронғу ҳужраси эди. Ҳужра соҳиби ҳамиша бурнининг устига кўзойнак қўндирилган, ёши 80 дан ошган бўлса ҳам навқирон йигитлардек ҳушчақчақ, ҳаётни, дўстлар суҳбатини жонидан ортиқ эъзозлайдиган Ғулом тоға эди. Каттадан-кичик уни меҳр билан «Тоға» дерди.

Кулгини бировдан қарз олмайдиган Ғафур Ғулом ва Саид Аҳмад сингари ҳажв усталари, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустий каби қўшиқ яратувчилар, шу маҳалла фуқаролари бўлмиш Жўраҳон Султонов билан Маъмуржон Узоқов, таниқли ҳофизлардан Акбар Хайдаров, Турғун Қаримов, Бобоҳон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар, Карим Мўминов, Тошкент аския мактабига етакчилик қилган Мулла Маматбува Ваҳобов, унинг ярим асрлик «рақиб» Мамажон Ҳожи, шунингдек Ғанижон Тошматов, Акмалхон Музаффаров, Азмиддин Тўраҳонов сингари аскиячи ва созандалар, бутун умрини санъат ва адабиёт ҳақидаги ажойиб суҳбатлар билан ўтказган Маҳмудхон аптекачи ва Аҳмаджон заргар (кейинги иккови Ғафур Ғуломнинг энг яқин қадронлари эди), Йўлдош оқсоқол, Мулла Абдушукур ака, Қаюм Қори ака, Сирож Маҳсум яна қан-

чадан-қанча санъат муҳиблари бу ҳужранинг доимий меҳмонлари эди.

Мусаффо кулгидан умри узайиб, салкам бир аср яшаган машҳур Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, унинг муносиб шогирди Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Жўра-хон ва Маъмуржонларнинг устози Маматбува Сатторов сингари санъатимиз ифтихори бўлган кишилар ҳар сафар Тошкентга келганларида Ғулом тоғанинг ҳужрасини бир бошга кўтармасдан кетишмасди.

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Тошкент қарияларини катта-катта ишларга уюштирган машҳур Ҳасан ота Исломов, унинг ҳамсаф дўстлари Шораҳим Шоумаров, уста Усмон Зуфаров, Мўминжон Муҳаммаджонов сингари нуруний кексалар Ғулом тоғанинг ҳужрасига қадам ранжида қилмаган ёки Ғулом тоға уларнинг чойхонасига бир кириб, қариялар кулгусини осмонга етказмаган кун камдан-кам бўларди.

...Ғафур Ғулом ўзининг ўта самимий, соддадил дўсти Маҳмудхон аптекачи билан ҳангомалашиб, анвои латифаларни айтиб бериб ўтирибди. Ғафур аканинг ичак узар гапларига ишқибоз одамлар ҳужрага сиғмайди. Кулакула чарчаган Ғафур ака тўсатдан индамай қолиб, бир оз увишган оёғини узатиб, яп-янги қора ботинкасини Маҳмудхон аптекачига кўз-кўз қилиб, янги «писмиқлик»ни бошлайди: ботинкасини мақтайди. Маҳмудхон ака дарҳол унга: «Ғафуржон, ботинканг жуда совуққа боп экан. Хромнинг пухталигини, таг чармининг қалинлигини қара», дея астойдил ҳавас билан мақтовга қўшилади. Ошириб-тошириб гапиришни яхши кўрадиган Ғафур ака бир қадрдон магазинчи ошнаси унга катта илтифот қилиб, икки кун илгарини шу ботинкадан икки жуфтини уйига ташлаб кетганини айтди. Маҳмудхон ака эса дарҳол оёғида боти борлигини айтиб, ўша икки жуфтнинг бир жуфтини ўзига беришни Ғафур акадан илтимос қилиб туриб олади. Маҳмудхон акани обдон ялнштириб бўлгач, Ғафур ака яна келган жойидан олади: «Қизиқ экансиз, Маҳмудхон, «берди» сини айтганимча қўймай, боядан бери гапириб ётибсиз. «Берди»си шуки, ошнам икки жуфт ботинка олиб келиб берди деганим рост. Лекин уларнинг размери кичикроқ экан. Иккаласи ҳам оёғимга сиғмади. Ўзингиз билган Акрам ботинкачига бериб, икки жуфт ботинкадан бир жуфт катта ботинка ясатириб олдим, мана шу оёғимдагини». Маҳмудхон ака Ғафур Ғуломнинг ботинкасига узоқ тикилиб, кейин бу

гапга чиппа-чин ишониб: «Таг чармининг қалинлигидан ҳам билиб турувдим ўзим», дейди. Ҳамма қаҳқаҳа уриб кулади. Бу кулгига боис нима эканини билолмай Маҳмудхон ака ҳайрон.

Ботинка воқеаси билан боғлиқ кулги ниҳоясига етмай, Жўрахон Султонов билан Маъмуржон Узоқов ҳамроҳлигида ҳужрага «Ассалому алайкум» деб Юсуфжон қизиқ кириб келади. Юсуфжон ака билан унинг ёшлик йилларидаги ҳамроҳи Мулла Маматбува ака бир-бирларининг соқолларидан силаб, кўзларига суртиб кўришишарди. Фафур ака билан эса худди кураш тушмоқчи полвонлардек «бел олишиб», анчагача «куч синаб» кўришади. Ниҳоят Юсуфжон қизиқ Фафур акани сал ердан узиб, яна жойига қўяди. Фафур ака унинг қитиқпатига тегиб: «Юк кўтаролмай қолибсиз. Қарий бошлабсиз, уста, ана! у ер-бу ерда оқи ҳам кўриниб қолибди», дейди. Маълумки, Юсуфжон ака навқиронлик шавқ-завқини ҳеч қачон бўшаштирмаган, умрининг охиригача соқол-мўйлабини, ҳатто қош-киприкларини ҳам бўяб юрар эди. Фафур аканинг тагдор гапи шунга ишора эди. Ҳар қандай кутилмаган ҳазилга жавоби ҳамиша нақд бўлган Юсуфжон қизиқ сира бўш келмайди, «оқ» сўзига бошқача маъно бериб, пайровни давом эттиради: «Мулла Фафур, ўзи сизга ҳамма нарса «оқ» бўлиб кўринаверади, мана яхшилаб тикилиб қаранг, сиз айтган «оқ»дан «яримта» ҳам йўқ».

Ҳамма ҳужрани бошига кўтариб кулади. Фафур ака Юсуфжон қизиқни яна қучиб, юзларини юзига суртади, қойил қолганини билдириб, елкасига қоқади.

Уша давр аскиячиларининг устози бўлган Мулла Маматбува Ваҳобов иштирок этган ҳар бир суҳбат санъат мухлислари учун мактаб эди дейилса хато бўлмас. Баъзи мутаассиблар, ҳаётбахш кулгидан бебаҳра тирик мурдалар Мулла акани хуш кўрмас, унинг аскиялари учун «нариги дунёда» тортадиган азобларини орқа-варатдан гапириб юришарди. Бу гаплар қулоғига чалинган Мулла ака пинагини бузмас, аҳён-аҳёнда: «ўша қовоғи солиқларинг билан ўлишиб кўраман» дерди. Бу гаплардаги чуқур маъно Мулла аканинг вафотидан кейингина маълум бўлди. Бу — фисқ-фужурнинг, туҳматнинг умри қисқа, лекин халқ севган, халқ қалбининг ифодаси бўлган аския авлоддан-авлодга ўтиб яшайверади деган гап экан. Ҳақиқатан ҳам, мана чорак асрдан ошдики, Мулла ака ва унинг зукко дўстлари

айтган ажойиб аскиялар замон сарҳадларини билмай яшаб, бойиб келмоқда, умрбоқийлик касб этмоқда.

Маматбува Ваҳобовни кулги шинавандалари «Мулла ака» дейиши бежиз эмасди. У киши классик шеърятимиздан пухта хабардор бўлиб, забардаст бедилхон эди. Бир куни у киши Шарқнинг икки машҳур шоири—Бедил билан Зебуннисо ўртасидаги мушоирани топиб келиб, ҳужрада йиғилганларга ўқиб берганида, классик адабиётдан мутахассис бўлган баъзи олимлар ҳам қойил қолди. Бу мушоирада Зебуннисоннинг «Лайлининг зуваласи мендан олинган. Мажнун ишқ дарсини менинг хонамда ўрганган, бошимни олиб саҳроларга чиқиб кетай дейману, лекин ҳаё занжири оёқ-қўлимни боғлаб туради», деган маънони англатувчи байтига Бедилнинг: «Андиша ва номусга боғланиб қолган севги хом севги бўлади, роса пишиб етилган жунунни қандай қилиб ҳаё занжири боғлай олади?» деган мазмунда берилган жавоби бир неча ҳафта мобайнида катта-катта давраларда қизгин баҳсларга сабаб бўлган эди.

Ғулом тоғанинг ғарибгина ҳолда бўлган ҳужрасини санъат ва адабиёт ихлосмандлари «жаннат» деб аташи бежиз эмасди. Бу ҳужра бир неча ўн йил давомида халқимиз учун азиз бўлган улуг зотлар тўпланадиган табаррук даргоҳ бўлиб қолди. Кейинчалик халқимизга чинакам ихлос билан хизмат қилган бир қанча атоқли санъаткорлар шу ҳужрада устозлардан унутилмас сабоқ олдилар.

Улуг Навоий:

Бу гулшан итраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от, —

дея инсон мақсадини тарона қилган эди. Ғулом тоға ҳам эл-юрт орасида ана шундай яхшилик билан от қолдириб, оламдан ўтганига бир неча йил бўлди. Тоғанинг ҳужраси жойлашган «Қизилтут» кўчаси (қадимги Калонхона маҳалласи) да устоз аскиячининг муборак номи тилга олинмаган кун йўқ деса бўлади.

1969 йил



## ДАРҒАЛАР

### МАШҲУР САНЪАТКОР

Тани қора, лекин кўнгли оқ Отеллонинг рашк оташида қоврилиб чеккан бир олам қайғуси кимларни изтиробга солмайди, дейсиз!.. Мана, унинг севги нури билан чароғон бўлган лаззатли ҳаётига маккор Ягонинг кўринмас қўллари аста-секин таъсир этувчи оғу аралаштирмоқда. Отеллонинг юрагида муҳаббат ва ғазабининг, ишонч ва рашкнинг фожиали кураши тобора даҳшатлироқ тус олиб ривожланади. Ягонинг «далил»лари унинг севикли Дездемонасига бўлган ишончини муттасил йўқота боради. Ниҳоят, жанговар саркарданинг сабр косаси тошиб, «бевафо»дан қасос олишга қатъий қарор қилади: у инсон ор-номуси учун курашиб, Дездемонани ўлимга маҳкум этади. Бегуноҳ Дездемона тухмат қурбони бўлди. Бироқ, Отелло ўзининг асло тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганини, «содиқ» Яго ашаддий душман эканлигини фаҳмлаб қолганида вақт ўтган эди. Энди Отелло бу оғир хатони ўзининг қайноқ қони билан ювмоқчи. У сўнгги нафасда латофатли Дездемонани охирги марта ўпиб, унинг оёқлари тагида ҳаёт билан видолашмоқчи. Мана, ўз бағрига ханжар санчиб, сўнгги нафасларини олаётган Отелло Дездемона томон судралади. У етай-сғай деб қолди: охирги бир қадам, охирги бир қарич масофа. Лекин афсус, юз афсуслар бўлсинки, у буюк орзусига—Дездемонани сўнгги марта ўпиш орзусига эриша олмади: Дездемонанинг ҳали ҳарорати сўнмаган мурдаси томон Отелло чўзган қўллар муаллақ қолди. У охирги кучини тўплаб сўнгги бор интилдню, жойидан силжий олмади; ҳаёт ришталари узилди. Нақадар мислсиз фожна, нақадар қалбини ўртовчи зўр алам!

Отелло фожнасини машҳур актёр Аброр Ҳидоятлов ижросида кўрган киши бу фожнани абадий унута олмас керак. «Отелло» спектаклини кўрганда Аброр Ҳидоятловнинг истеъдодига қойил қолмаган томошабин топилмайди дейиши мумкин. Чунки, артист бу ролини ўн беш йилдан бери ижро этаётганига қарамай, ҳамон шу образни мукамаллаштириш устида иш олиб боради,

ҳамон бу образнинг моҳиятини тўлароқ очиш учун зарур бўлган деталь ва ҳаракатларни ўйлаб топади.

«Мен Отеллони саркарда сифатидагина эмас, балки жонли ва тўлақонли инсон сифатида ҳам кўрсатишга ҳаракат қилдим, — деб ёзган эди А. Ҳидояттов. — Мен бу образда кўп кишиларда учратганим — доно ақл, соф муҳаббат, кучли эҳтирос сингари фазилатларни мужас-самлаштиришга интилдим». Чиндан ҳам артист бунга муваффақ бўлди. Инсон ва саркарда Отелло характери-га хос бўлган кучли томонлар ҳам, ожиз томонлар ҳам А. Ҳидояттов ижросида жонли ва ҳаётӣ қилиб гавдалантирилди. Шу нарса характерлики, Отелло ролини талқин қилишда актёр кўпгина янгиликлар қўшди. У Отелло образини яратар экан, Шарқ кишиларига хос бўлган энг характерли хусусиятларни шу образда жамлаб кўрсатди, Шекспирнинг Отеллога берган баҳосини янада бойитадиган, равшанлаштирадиган айрим тафсилот ва хислатларни асарга киритди.

Машҳур ёзувчи Алексей Толстой Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театри саҳнасида бу спектаклни кўргач, фахрланиб айтган эди: «Отелло — Аброр мени ўзига мафтун этди. Мен ҳеч қачон Отелло ролини бундай маҳорат билан ўйнайдиган артистни кўрмаган эдим.» Бугина эмас, Отелло ролини ҳеч ким А. Ҳидояттов сингари маҳорат билан ижро эта олмаганлигини чет эллик меҳмонлар ҳам қайта-қайта таъкидлаганлар: «Шекспирнинг ўз ватанида ҳам Отеллони бу қадар юксак маҳорат билан ўйнай олмасалар керак», — деб ёзган эди англиялик меҳмонлардан бир группаси.

Бу қадар маҳорат билан ижро этилган Отелло роли етук санъаткор А. Ҳидояттовнинг баракали ижодий фаолиятдан ёрқин бир лавҳагинадир, холос. Унинг ижод йўли чинакам санъат ошиғининг, бутун куч-қуввати, онг ва билимини, ҳаётини санъатимизнинг равнақи йўлига сарфлаган кишининг ижод йўлидир.

Аброр Ҳидояттов 13 ёшлик ўспирин чоғида, 1913 йилда Тошкентга гастролга келган бир гуруҳ озарбайжонлик артистлар ижросида «Лайли ва Мажнун» спектаклини кўради. Бунга қадар ҳам у санъатни севар, дутор чалишни билар ва ёқимли овози билан ашулалар айтар эди. Спектаклни кўргандан сўнг унинг қалбида артист бўлиш орзуси алангаланди. Лекин у вақтларда Ўзбекистонда театрлар бўлмаганлиги сабабли ҳаваскорнинг орзулари амалга ошмади. Йиллар ўтиб бошқа

талантлар қаторида А. Ҳидоятлов учун ҳам санъат эшик-лари кенг очилди, унинг талантини ҳар тарафлама ривожлантириш учун барча имкониятлар вужудга келтирилди.

Ўзбек театр санъатининг асосчиларидан бири Маннон Уйғур 1918 йилда Тошкентда ёш ҳаваскорлардан театр труппаси ташкил қилади. Бу труппага дастлаб қабул қилинганлардан бири А. Ҳидоятлов эди. Аввалги вақтларда труппа аъзоларининг сони оз бўлиб, улар 15—20 кунда бир марта томоша кўрсатар эдилар. Бунда бир пардали комедия ва 5—6 ижродан иборат концерт қўйиб бериларди. Концертларда ўша вақтнинг атоқли хонанда ва созандаларидан Муллатўйчи Тошмухамедов, Шораҳим ва Шожалил Шоумаровлар, Абдусоат Ваҳобов ва бошқалар ҳам қатнашар эдилар. А. Ҳидоятлов улардан ижрочилик маҳоратини ўрганadi.

Кейинчалик Уйғур раҳбарлигидаги бу труппа 1919 йилда ҳарбий қисмлар ихтиёрига ўтиб, агитпоездда фронтдаги жангчиларга хизмат қилади. Агитпоезд фронтдан қайтиб келгач, А. Ҳидоятлов кечқурунлари театрда актёрлик қилиб, кундуз кун турли ташкилотларда ишлайди, жамоат ишларига фаол қатнашади. У мусиқа тўғарақлари ташкил этиб, уларга қиз-жувонларни жалб қилишда алоҳида фаолият кўрсатади. Театрларда хотин-қиз артистлар етишмаётган бир даврда А. Ҳидоятловнинг бу хизматлари гоёат муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Аброр Ҳидоятлов театрга қабул қилинган дастлабки даврдан бошлабоқ ўз устида қунт билан ишлади, тинмай ўқиб ўрганди. У аста-секин кичик пьесалардан катта пьесаларда ўйнашга, кичик роллардан катта ролларни ижро этишга ўта бошлади.

Ўша даврда ўзбек санъати кадрларини назарий жиҳатдан пухта қуроллантириш, рус театр санъатининг шонли традициялари асосида тарбиялашдек муҳим вазифа турар эди. Шу мақсадда 1924 йилда Москвада ўзбек драма студияси ташкил этилади. У ерга ўқиш учун борган бир гуруҳга ёш артистлар орасида Аброр Ҳидоятлов ҳам бор эди. Ёш артистлар Москвада санъатнинг Басов, Симонов, Толчанов, Канцель, Терешкович, Свердловни каби атоқли вакиллари қўлида таълим оладилар, саҳна маҳоратини, санъатнинг энг позик сирларини ўргандилар. Студияда ўқиш давомида ўзбек артистлари бир неча пьесани саҳналаштирадилар. Бу пье-

саларда А. Ҳидоятов Калаф («Маликаи Турандот») Ҳоким («Ревизор») каби ролларни ижро этади.

Студияни тугатиб қайтгач, А. Ҳидоятов ўзбек, рус ва чет эл драматургларининг асарларида бир қанча образларни муваффақиятли яратиб, ўз талантини намойиш қилди. Бу образлар ўз характери, ёши, яшаш шароити, даври жиҳатидан турли-туман бўлган кишилар эди. А. Ҳидоятов уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни яққол гавдалантиришга ҳаракат қилади. Шунини ҳам айтиш керакки, санъаткор, ҳали у вақтларда айрим ролларни нотўғри талқин қилар, образнинг асл моҳиятини очиб бера олмас эди. Масалан, А. Ҳидоятов Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»ида Вурм ролини ижро этганда шундай бўлди. Актёр бу ролни ижро этишдан олдин пьесада тасвирланган даврга оид, Ф. Шиллер ижодига доир материаллар билан етарли танишиб чиқмаган. Вурм образининг пьесадаги вазифасини дуруст тушуниб етмаган эди. Ўзига нисбатан гоёт талабчан А. Ҳидоятов қунт билан ишлаши, тинимсиз ўқиб-ўрганиши натижасида бундай камчиликларни тугата борди ва ижодий камолот чўққиси сари юксалди.

1935 йилда В. Шекспирнинг «Ҳамлет» асарида Гамлет ролини ижро этиш А. Ҳидоятовнинг ижодий фаолиятида янги ва муҳим босқич бўлди. Актёр катта масъулият талаб қиладиган бу ролни ўйнашдан аввал рус театр санъатининг Ҳамлет образини яратишдаги бой тажрибасига мурожаат этди. «Ҳамлет»ни талантлив рус артистлари ижросида қайта-қайта тамоша қилди. А. Ҳидоятов Ҳамлет ролини ижро этар экан, уни ўйғониш даврининг кишини, гуманистик гоёлар эгаси бўлган инсон сифатида гавдалантиришга интилд. Ҳамлет — Ҳидоятов эски, ўрта аср ахлоқи билан янги, гуманистик ахлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф қилишга ожиздир. Артистнинг муҳим муваффақиятларидан бири шундаки, у ўз қаҳрамонини тараққиёт жараёнида кўрсата билди. Артистнинг ҳар бир ҳаракати, қараш ва юз ифодаси, овозини ишлата билиши олдиндан пухта ўйланган аниқ мақсадга бўйсундирилгандир.

Артист бундан кейинги йилларда ҳам хилма-хил образлар силсиласини яратди. Ўзбек драматургиясининг классик асари бўлган «Бой ила хизматчи»да А. Ҳидоятов Ғофир ролини ижро этиб, тамошабинларда айтилган унутилмас таассурот қолдирди. Спектаклда актёр хизматкор Ғофир онгининг ўсиши, унинг содда, итоат-

кор камбағалдан зулм-зулматга қарши фаол кураш-  
чига айланишгача бўлган жараёни зўр маҳорат билан  
талқин қилди. Пьесадаги Солиҳбойнинг ювиндихўрлари  
— қози, мингбоши, ҳоким, домла, элликбоши ва бош-  
қалар бойга зулм пичоғини қайраб берадилар. Инсон  
шарафини, қадр-қимматини фақат пул билан ўлчовчи  
бу пасткашлар пул бадалига Ғофирдан виждонини со-  
тишни, севган хотини—Жамилани бойга икки қўллаб  
тортиқ қилишни талаб этадилар. Худди шу кўринишда  
Ғофир — Ҳидоятонинг ҳолатини эсланг. Унинг чиройли  
шаҳло кўзларида туганмас ғазаб алангаси ёнади. Ғо-  
фир — Ҳидоятон ўз душманларини шу қадар маънавий  
маҳв этадики, улар қочгани жой тополмай қоладилар.  
Улар янада ифлосроқ йўллари излайдилар. Ғофирнинг  
олдида қамоқ, Сибирь сургуни... Лекин энди унинг иро-  
дасини ҳеч қандай даҳшатли куч бука олмайди. Ғофир  
келажакда зolimлардан қасос олажагига, ҳақиқат тан-  
тана қилажагига чексиз ишонади. Ғофир образига хос  
ана шу келажакка ишонч А. Ҳидоятон ижросида айниқ-  
са табиий ва ишонарли чиққан.

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, йи-  
рик давлат арбоби Алишер Навоий образини сахнада  
биринчи бўлиб яратган актёр ҳам Аброр Ҳидоятон бўл-  
ди (Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» дра-  
маси). Навоийнинг кўп қиррали фаолияти артист иж-  
росида ёрқин ифодаланди. Бу образни яратганлиги учун  
у Давлат мукофоти билан тақдирланди.

А. Ҳидоятон сахнада давримиз кишилари образла-  
рини гавдалантиришда ҳам анча иш қилди. Ана шун-  
дай образлардан бири Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» дра-  
масидаги колхоз райси Деҳқонбой образидир. Бу об-  
разда актёр қишлоқнинг илғор кишиларига хос энг  
муҳим фазилатлар — ватанпарварлик, халққа муҳаббат,  
меҳнатсеварлик, мустаҳкам ирода каби ҳислатларни  
жамлаб кўрсата олди.

Артист ҳали замондошларимизнинг кўплаб образ-  
ларини яратиш ниятида. «Мен драматургларимизнинг  
асарларида ўзим турмушда кўрган, билган кишилар-  
нинг тўла қонли образларини кўришни ва бу образлар-  
ни сахнада бутун улуғворлиги билан гавдалантиришни  
истайман, — дейди Аброр Ҳидоятон. — Лекин бизнинг  
драматургларимиз халқимизнинг катта-катта ишларига  
муносиб бўлган юксак сахна асарларини кам яратмоқ-  
далар, халқимиз олдида қарздор бўлиб қолмоқдалар.

Бу нарса биз артистларнинг ҳам халқ олдида қарздор қолишимизга қисман сабаб бўлмоқда». Талантли санъаткорнинг драматургларимиз олдига қўйган бу талаби ҳақли талаб, албатта.

Аброр Ҳидоятловнинг театр санъатини ривожлантириш соҳасидаги жуда катта хизматларини юксак тақдирланди.

Талантли артистнинг санъат соҳасида узоқ йиллар қилган хизматларини назарга олиб ҳукуматимиз унга умрбод шахсий пенсия тайинлади.

1956 йил

### ГАФУР ҒУЛОМ ВА АБРОР ҲИДОЯТОВ

Халқим учун хизмат қилдимми, шу хизматни маъқул ва халқимнинг керагига яроқли қила олдимми, бу кун нима қилдимки, халқимнинг шон ва шарафи, маданияти, давлати, эътибори кўтарилгай? Шу ҳаққу ҳисоб, нону туз бериб ўстирган халқим томонидан ҳар замон мендан талаб қилиниши мумкин. Майли, бугунми, эртами, талай саволлар бўлади. Саволлар ичида «Уртоқларнинг ким эди? — деган сўроқ ҳам албатта бўлади. Уртоқларим, асрдошларимнинг муборак номларини ҳарфма-ҳарф айтиб бераман. Шу қутлуғ номларнинг олдинги қаторида азиз дўстим, болаликдан тортиб бирга ўсган биродарим Аброрнинг номини фахр билан айтаман.

*Ғафур Ғулом*

Яқинда бир зарурат важдан китоб жавонларини ахтаришга тўғри келиб қолди. Турли йилларда чиққан қат-қат нашрлар орасида студентлик йиллари сотиб олинган, чорак аср умр кўрган бир китоб чиқди. Унинг муқовасига «Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг 25 йиллиги. Ижодий йўл. Тошкент, 1945 йил» сўзлари ёзилган.

Саҳифалар ошаркансан, китоб чиққан даврда оддий воқеадек туюлган кўпгина материаллар эндиликда ажиб бир тарих, подир хазина бўлиб кўринади кўзларга.

Қаранг-а, ўзбек театрининг фахри бўлмиш Маннон Уйғур билан Аброр Ҳидоятлов тўғрисидаги икки мақолани ўзбек адабиётининг шон-шуҳратини оламга ёйган Ойбек билан Ғафур Ғулом ёзган эканлар. Уларнинг

уносиб сафдоши ва шогирди бўлмиш Шукур Бурҳоновга беназир публицист Мақсуд Шайхзода махсус маола бағишлаган. Олим Хўжаев ҳақидаги мақолани ирик драматург ва олим Иззат Султон битибди. Шу албга яқин номлар ҳақида, санъат ва адабиётимиз ошонасининг кўрки бўлмиш бу ижодкорларнинг дўстлиги ҳақида ўйлаганда, қанчадан-қанча нарсалар хаёла келади: ўз истеъдодини асосан бадий ижодда деб илган бу машҳур қалам соҳибларини халқимиз «санъат эҳроми» деб эъозлаган ота театрга сеҳрлаб қўйган, ларни драматургиядек сермашаққат жанрда ибратли сарлар яратишга, ажойиб таржималар қолдиришга аъват этган улуғ куч шу улкан дўстлик эди дейилса, ато бўлмас. Уйғур билан Ойбекнинг, Ғафур Ғулом билан Аброр Ҳидоятонинг, Шайхзода билан Шукур Бурҳоновнинг, Олим Хўжаев билан Иззат Султоннинг ўстлиги боқий дўстлик бўлди, уларни ижод соҳасида илги чўққиларни эгаллашига, истеъдодларининг янги лмос қирралари очилишига сабаб бўлди. Бу дўстлик улшани ҳадя этган анвойи гуллар ҳали қалбларга анчадан-қанча нашъа берар, бу дўстлик не-не тадқиотларга мавзу бўлар.

Биз ана шуларнинг бири ҳақида — адабиёт ва санъат осмонидаги юксак парвози билан ҳозирда ҳам бизга амнафас, яна неча-неча авлодларга ибрат бўлиб қоадиган икки буюк санъаткор — Ғафур Ғулом билан Аброр Ҳидоятонинг дўстлиги ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтмоқчимиз.

Устоз Ғафур Ғуломнинг ўз ибораси билан айтганда, у икки улкан дўст «бир кўчанинг икки беткайида» — Ғафур ака Тошкентнинг ҳозирги Навоий кўчасининг ериги беткайида, «Қўрғонтеги» маҳалласида, Аброр ака эса нариги беткайида, «Дегрезлик» маҳалласида лдинма-кейин дунёга келди. Ғафур Ғулом ўз асарлари ва эсдаликларида қайта-қайта айтган «чивикдан от саб, бир зумда атроф маҳаллаларни шамолдай елиб еладиган» ялангоёқ, шўх-шан ўртоқлари орасида кинчалик ўз санъати билан дунёни қойил қолдирган Аброр Ҳидоятон ҳам бўлган бўлса ажаб эмас. Зотан, Ғафур аканинг ўзи ҳам Аброр ака билан «болаликдан ортиб бирга ўсган»лигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бири ўзбек саҳна санъатида, иккинчиси ўзбек шеъиятида замои садосини баралла янгатган бу улкан ижодкорларни ёшлиқдан бошлабоқ бир-бирига дўст илган, то умрининг охиригача ҳаётнинг паст-баланд-

ликларидан қўшюракдай бирга олиб ўтган жиҳатлар қайсилар, деган ҳақли савол туғилади. Уларни аввало, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш, бу халқнинг тўйларида қўшиқчи, ғамбода кунларида тасалли берувчи бўлиш истаги вобаста қилган эди. Шу ўринда Иккинчи жаҳон урушининг оғир кунларида Ҳамза номли театрдан бўлган умумшаҳар йиғини ёдга келади. Шу йиғиндан илгарироқ Ғафур Ғулумнинг машҳур «Соғиниш» шеъри эълон қилинган эди. «Соғиниш»да халқнинг ўз она юртига, бу юртнинг асл фарзандларига бўлган оламча муҳаббати баралла акс этганини яхши идрок этган Аброр Ҳидоятлов қалбларни жўшга келтирувчи, арслондай наърали овози билан:

Эўр карвон йўлида етим бўтадек,  
Интитор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.  
Энг кичик заррадан Юпитергача  
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, қуёш, —

мисраларини янгатганида залдагиларгина эмас, Ғафур Ғулумнинг ўзи ҳам кўзда шашқатор ёши билан қарсақ чалган эди.

Ўзбек халқининг бу икки асл фарзандини мангу дўстлаштирган жиҳатлар уларнинг бир хилда катта истейдод эгаси эканлиги, ўз ижодий режаларини амалга ошириш учун ҳамиша халқ ичида яшаб, шу халқдан ўрганганликлари, ҳаётга, ҳаёт ҳодисаларига зийрак санъаткор нигоҳи билан қарай билганликлари эди.

Буюк Пушкин Отелло ҳақида гапириб, агар у генерал бўлмаса, ҳиссиётлари жўш урган улкан шоир бўлиши жуда ҳам мумкинлигини таҳмин қилган эди. Бордию, Отелло образини сахнада энг мукамал гавдалантирганлардан бири бўлмиш Аброр Ҳидоятлов шоир бўлса, «Отелло»га ўзбек тилида янги, боқий умр бахш этган Ғафур Ғулум ўзини сахна санъатига бағишласа, нима бўларди, деб ўйлаб қоласан, киши. Ушандай бўлганда ҳам улар улкан шараф топган, халқининг чинакам ҳурматини қозонган бўлар эди. Бу гап бежиз айтилаётгани йўқ. Бу ижодкорларнинг ажойиб дўстлиги бошқа кўпгина самаралардан ташқари шунга ҳам олиб келдики, Ғафур Ғулум актёрлик маҳорати соҳасида, Аброр Ҳидоятлов эса драматургия соҳасида ўзларини кўрсатиб, ҳаммани қойил қолдирдилар. Бунда биз Ғафур Ғулум овози билан ёзиб олиниб, энг нодир граммофон ёзувлари фондидан мустаҳкам ўрин эгаллаган



«Афанди ўлмайдиган бўлди», «Ўғригина болагинам» каби ҳажвий ҳикоялар профессионал актёрдан ҳам юқори маҳорат билан ўқилганлигини, Аброр Ҳидоятлов қаламига мансуб бўлган «Аваз» пьесаси республикамиз театрларида бир неча йил давомида минг-минглаб томошабинлар олқишига сазовор бўлганлигини кўзда тут-япмиз.

«Аваз» пьесаси мазмунини Аброр Ҳидоятлов дастлаб Ғафур Ғуломга сўзлаб берган, ўз дўстининг маслаҳати билан муаллиф асарнинг ижтимоий жарангини кучайтирадиган янги образлар, эпизодлар киритган, асарнинг хомаки нусхаси тайёр бўлганидан кейин эса Ғафур Ғулом уни бошдан-оёқ таҳрирдан чиқарган. Шундан кейингина у жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган.

Ўз дўстининг санъатга ғоят ишқибозлигини, санъат соҳасида катта фойда келтириши мумкинлигини яхши англаган Аброр Ҳидоятлов Ғафур Ғуломни дастлаб театр томошаларига тез-тез олиб келган, кейинчалик эса шу жамоага қўшиб олган. Ғафур Ғулом Ҳамза номли театр билан яқин алоқада бўлган, бу ерда адабий эмакдош сифатида ишлаган йиллар шоир ижодининг янги қиррасини баралла очиб берди. Шунинг натижа-сида классик ва замонавий драматургиянинг «Отелло», «Кўзи булоқ қишлоғи», «Олеко Дундич», «Профессор Мамлок», «Денгиздагилар шарафига», «Бранденбург қопқаси» сингари машҳур асарлари ўзбек тилига тар-жима қилинди. Бунда Ғафур Ғуломнинг ўзига хос ба-дий таржима мактаби, ундан кейинги қанчадан-қанча таржимонлар учун катта ибрат бўлган мактаб вужудга келди.

Ғафур Ғуломнинг шеъри эълон қилинган кун, Аброр Ҳидоятлов саҳнага чиққан кун адабиёт ва санъатимиз-нинг чинакам байрами бўларди. Бу икки улкан санъат-корнинг суҳбатлари эса атрофдаги кишиларга чек-сиз завқ-шавқ бағишлаб, ҳаммани ўзига мафтун этар эди. Халқимизнинг энг яхши фазилатларини ўзида гав-далантирган бу машҳур артист билан улкан шоир ўзаро шўх аския қилишар, дуторда бир-бирларидан ўтказиб оромбахш куйларни чалишар, не-не ҳофизларни доғда қолдириб тарона айтишарди. Ғафур Ғулом ёзган шеър-ларни биринчилардан бўлиб Аброр Ҳидоятлов ўқир, Аб-рор Ҳидоятлов тайёрлаётган ролларнинг хомакисини биринчилардан бўлиб Ғафур Ғулом кўрар ва унга баҳо берад эди.

«Ўзбекистон маданияти» газетаси эндигина чиқа

бошлаган 1956 йил. Газета редколлегиясининг фаол аъзоларидан бўлган Ғафур Ғулом унинг йиғилишларидан бирида сўзлаб, янги руқнлар очишни, жумладан «Санъатимизнинг атоқли кишилари» рубрикасини ҳам бошлаб, унда биринчи бўлиб Аброр Ҳидоятлов тўғрисида мақола бериш кераклигини таклиф этди. Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди-ю, лекин редакция ходимлари уни амалга оширишда бир оз сусткашлик қилишди шекилли, редколлегия йиғилишларидан бирида Ғафур Ғулом Аброр аканинг уйига телефон қилди ва дарҳол етиб боражагини, зарур бир масала хусусида у билан гаплашмоқчи эканини айтди. «Қани мулла йигит, кетдик», деди Ғафур ака. Мен Аброр акадек машҳур санъаткор ҳақида муносиб нарсга ёзишга юрагим бетламаслигини айтдим. «Бирга ёзамиз», гапни калта қилди Ғафур ака. Аброр Ҳидоятлов Хоразм кўчасидаги уйида кўк чой дамлаб, дўстини кутиб ўтирган экан. Ғафур ака газета топшириғи билан келганини айтиб, мақсадни маълум қилди. Табиатан ғоят камтар, шоншухратга майлсиз бўлган Аброр Ҳидоятлов эса фақат «Отелло» ҳақида, унинг таржимаси вақтида айрим сўзлар устида Ғафур ака билан баҳслашганлари, ҳатто бир неча марта аразлашиб ҳам қолгани ҳақида гапирарди, холос.

Ғафур ака Аброр Ҳидоятловнинг ғашига тегиш учун «ўзинг ҳам Шекспирдай драматургга «тузатиш киритаман», деб туриб олган эдинг-да», деди.

Аброр Ҳидоятлов ўз фикрининг ҳақлигини исботлаш учун яна гапга тушиб кетди:

«Ўзинг ўйлаб кўр, Ғафур. Отелло Дездемонани ўлдириб, асло тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганини тўсатдан билиб қолади. Шундан сўнг ўз гуноҳини қон билан ювиш учун ўзига ўзи ханжар санчади. Муаллиф ремаркасида айтилишича, у шундан кейин гандираклаб бориб, ўз маҳбубасини сўнгги марта ўпиши ва жони узилиши керак. Мен «Отелло» трагедияларнинг трагедияси бўлса-ю, асосий қаҳрамон охири, энг катта орзусига етиб, кейин ўлса, қандай бўларкин деб ўйлаб қолдим. Фикримни ўртага ташласам оға ҳам, сен ҳам оёқ тираб туриб олдинглар. Эсингдами, бир неча кундан кейин оға рози эканлигини айтди, сен ҳам унинг фикрига қўшилдинг».

Шунда Ғафур ака кулиб: «Ана кўрдингизми, мулла. Санъат дегани шунақа жигархун ҳунар бўлади. Санъат-

кор ҳақида ёзганда ана шуларни ўйлаб, ҳайиқиб ёзиш керак», — деди.

Аброр Ҳидоятлов билан яна бир неча марта учрашилгач, мақола ёзилди. Лекин уни газетага бергани ийманардим. Навбатдаги учрашувда Фафур ака зарда қилиб, мақолани суриштириб қолди. Кўнгилдагидай чиқмаганини айтиб, чайналиб турган эдим, шартта қўлимдан тортиб олиб, столнинг бир чеккасига ўтирдим-ю, таҳрир қилишга киришди. Бундай қарасам, дастлабки икки саҳифани қайта ёзиб қўйибди. Фафур ака қолган саҳифаларга шунчаки кўз югуртириб чиқди-да, ҳазиллашди: «мақола деган бундоқ бўпти. Гонорар текканда ошга айтиш эсингиздан чиқмасин». Тез орада у мақола «Совет Ўзбекистони маданияти» газетасининг 1956 йил 31 октябрь сонида «Машҳур санъаткор» деган сарлавҳа остида эълон қилинди.

Ўша вақтларда Фафур Фуломнинг Аброр Ҳидоятлов ҳақидаги ажойиб бир мақоласи — «Ижодий йўл» тўпламидаги мақоласи ёдимга келмаганидан ҳали-ҳали афсусланаман. Борди-ю, ёдимга келса, Фафур аканинг қуйидаги сўзларини ўша мақолага албатта эпиграф қилиб олган бўлар эдим.

«Аброр халқимнинг шон-шарафи, санъати, маданияти, давлати ва эътиборини кўтаришда жон чекиб, жафо тортган, бир бутун умрининг мазмунини шу хизмат учун аямай сарф қилган азамат ўғилларнинг биридир».

1969 йил

## ҲОФИЗЛАР САРДОРИ

*Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак...*

Беназир Тўйчи ҳофизни ўйлаганимда, кўп вақт хаёлимга машҳур халқ қўшиғининг ана шу илк мисраси келади. Рост-да, маҳалла дастурхончиси ва ҳаммом ходимгаридан таваллуд топган, ўзи ҳам чорак аср ёшига етгунча ходимгарликдан бўшай олмаган оддий, йигит замонанинг зайли билан фақат Туркистон ўлкасида, Бухоро амрлигидагина эмас, хорижий Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида ҳам ўз хонишлари билан ўн мингларча, юз мингларча тингловчилар қалбини забт этса!

...Маҳалладаги тўйда тавонхонада дунё юзини кўрганлигидан хабар бериб чиққани йиғлаб юборган мур-

факнинг овози тўй устига тўй қўшиб юборган, қўни-қўш-нилар, узоқ-яқиндан тўйга ташриф буюрган хотин-халаж уни дарҳол йўргаклаб, бир оғиздан «Тўйчивой, Тўйчивой» деб суя бошлаган эди. Тошмуҳаммад ходимгар оиласида ўса бошлаган Тўйчивойни ўзлари яшайдиган Гулбозор маҳалла масжиди қошидаги мактабга Абдулла қори қўлига топширишди. Бўлажак ҳофизнинг домласи шеърятга анча ишқибоз, шарқ классиклари китобларини кўп мутолаа қиладиган зукко зиёли эди. Бунинг устига эски мактабда Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий, Бедил, Фузулий каби забардаст шоирларнинг асарлари ўргатилар эди. Форс-тожик, ўзбек, озарбайжон классик шеърятига иштиёқ бўлажак ҳофизда ўша вақтларда туғилган, кенг муҳафаза ва кучли хотира қувватига эга бўлган Тўйчивой ўша тилларда ўнларча, юзларча ғазал, мурабба, мухаммас ва бошқаларни ёдлашда ҳамсабоқларининг барчасига ибрат кўрсатар эди.

Тўғри, Тўйчивой ўзида табиат ато қилган довудий овоз мавжудлигини, яна бир неча йиллардан сўнг улкан ҳофиз бўлиб етишажагини, ўшанда дилига жо бўлиб қолган ажойиб шеърят намуналари жуда-жуда керак бўлажагини ҳали у вақтларда хаёлига ҳам келтирмас эди.

Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Тўйчивой ҳозирги «Чорсу» колхоз бозори ёнида, «Турон» кутубхонаси ўқув зали рўбарўсида жойлашган «Дўппибозор ҳаммоми»да отасининг ходимгарлик ишларига ёрдамлашарди. Отаси ҳам, Тўйчивой ҳам турмуш шу зайлда кетаверади деб, ота-бола қолган умрларини ходимгарлик билан кечириб, оила боқамиз деб ўйлашарди.

Ҳаммом аслида ғалати жой. Унга шоҳ ҳам, гадо ҳам келади. Ўзига тўқроқ одамлар иссиқ ҳаммомдан дарҳол кўчага чиқиб шамоллаб қолмаслик учун аччиқ чой буюриб, бир-икки соат хангомалашиб ўтиришарди. Зийрак Тўйчивой уларнинг гапларига қулоқ солади, айниқса, қаерда, қачон катта сайл ёки тўй борлигини яхшилаб билиб олади. Чунки у ерларда ҳамиша ҳозир нозир Исаҳофиз, Мирзақосим, Сайдахмад аскиё, Исохон аскиё, Абдулла фонус, шунингдек, Фарғонадан тез-тез келиб турадиган Мадумар пучуқ, Абдуқаҳҳор, Фарзиқча, Макайлик ва бошқаларнинг хониш, қизиқчилик ва рақсларидаги бирор сўз, бирор ҳаракатни кўздан қочирмай, дилига тугиб олар эди.

Устозларининг авжи фалакка етгучи хонишлари Тўй-

чивойнинг ҳузурини йўқотган эди. У ўша катта йиғинлардан қайтар экан, эшитган ашулаларини хиргойи қилар, тенгдошлари эса: «Яна айт, яна айт», деб қисталанг қилишарди. Халқда «овозинг ашулага ярашини билмоқчи бўлсанг, ҳаммомда айтиб кўр, жаранглаб кетади», деган гап бор. Тўйчивойга эса ҳаммом ўз уйддек гап. Уни одамлар келишидан олдин ва ҳамма кетиб бўлгандан кейин тозалар экан, ашулани ванг қўярди. Бундай қараса, овози усулга тушиб, бинойидек ёқимли бўлиб қопти. Успирин бўлиб, овози дўриллай бошлагач яна ҳам очилиб кетди.

Шу тарика саккиз-тўққиз йил ходимгарликни ҳофизлик билан қўшиб олиб бориб юрди. Халқ оғзига тушиб, «Тўйчихон, Тўйчихон» бўлиб қолган 22—24 ёшларида ҳам ҳали ходимгарликни тарк этмаганди. Унинг хонишларини турли давраларда эшитган Муқимий, Фурқат каби шоирлар бирин-кетин унинг ижроси учун ғазал, мурабба, мухаммаслар битиб берадиган бўлишди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек хонандаларидан бирортаси ҳақида шоирлар Тўйчи ҳофиз ҳақида яратилганчалик кўп ва хўб шеърлар битмаганлар. Хозирча бизга маълум бўлган Фурқат, Нодим, Хислат, Мутий, Абулқосим Лоҳутий, Фафур Ғулом, Чустий меросидаги айрим намуналар шундан далолат беради.

Фурқатнинг машҳур ғазалларидан бири 1890 йилда Тўйчи ҳофиз номига мувашшаҳ қилинганини, ёш ҳофизнинг никоҳ тўйида шоир шахсан иштирок этганини бошқа бир мақолада айтармиз. Ўзбек демократик адабиётининг йирик намояндаларидан Нодим Намангоний эса Тўйчи ҳофизга эҳтиросли мухаммас бағишлаган ва бу мухаммас шоирнинг «Танланган асарлар»идан ўрин олган. Мухаммасда жумладан қуйидаги бандлар мавжуд:

Кетган тамом кливару иқлима шухратинг,  
 Мактубдур саҳифаи ҳар балдада отинг,  
 Истар жамъин халқи жаҳон базму суҳбатинг,  
 Ҳар бир тил ила дилда сани васфу мадҳатинг,  
 Ман ҳам ёзарга шамман васфингни борман.  
 Кўпдур жаҳонда ҳофизин хушхон дилфориб,  
 Сандек качоп таропа чекар мисли андалиб,  
 Сандин бўлур жаҳон элиға жазб ҳақ наспб,  
 Тобқунг мақоми қурби вилоятни анқариб,  
 Бу савти мўъжизотингга зулли ифтихорман.

Бу парчани ва бошқа кўплаб шоирларнинг шеърларини ўқиганда улкан ҳофизнинг машҳур шоғирдларидан бири Ҳалима Носирова кейинчалик Тўйчи ҳофиз «XX асрнинг буюк қўшиқчиси» дея берган баҳонинг ҳаққонийлигига тан берасан киши.

Энди бир оз орқага қайтайлик. Ходимгар Тўйчи ҳофизнинг халқ ўртасида шуҳрати кундан-кунга ортиб, у ўзининг ота касби билан хайрлашди, жиянлари Шожалил, Шораҳим ва Чимкентдан келган танбурчи Шобаротни ёнига олиб, ўзини бир умрга хонандаликка бағишлади, тез орада бутун Туркистон ўлкасининг машҳур ҳофизига айланди, турли шаҳарлардаги, ҳатто Бухоро амирлигига тобе ерлардаги кишилар катта йиғинларга Тўйчи ҳофизни орзу қилиб келадиган бўлиб қолдилар.

1907 йилда Рига грампластинкалар заводи тарихда биринчи марта ўзбек куй ва қўшиқларини оммавий тарзда чиқаришга аҳд қилиб, Тошкентга махсус овоз ёзувчилар бригадасини юборганида, бригада аъзолари, табиийки, ўша даврнинг энг йирик хонандаси Тўйчи Ҳофизга келиб учрашган, Туркистон бўйлаб қилинажак сафарда бошдан-оёқ ҳамкорликни таклиф этган эдилар. Тўйчи ҳофизнинг фидойилиги туфайли Шожалил, Шораҳим, Шобарот, Ҳамроқул қори, Абдулла фонусчи, Набиҳўжа сингари эркак санъаткорларининггина эмас балки Адолхоним, Моҳзодахон, Нетайхон ва бошқа ўнга яқин аёл хонандаларнинг ижролари ҳам граммофон пластинкаларига ёзилиб, Туркистон, Бухоро, Хоразмдагина эмас, балки кўпгина хорижий шарқ мамлакатларида ҳам тарқалган эди. Йирик санъаткор ижодининг тадқиқотчиларидан бири ҳақли равишда таъкидлаганидек, Шарқий Туркистонга Фурқат биринчи бўлиб газеталар олиб борган бўлса, Тўйчи ҳофиз граммофон ва пластинкаларни илк бор етказган эди.

Тўйчи ҳофиз ўша йилларда ўзбек санъати ва адабиётини кенг тарғиб этишнинг бошқа йўллари ҳам топди. Дастлаб чинни идишлар билан савдо қилувчи зукко табиатли кишилар билан биргаликда мингларча пиёла, коса ва лаганларга ўзи ижро этадиган қўшиқлардан парчалар биттириб, уларнинг ҳар бир онлага кириб боришига эришди. Кейинроқ эса шоир дўстлари Хислат ва Сидқий Хондайлиқийнинг ёрдамлари билан ўзи ижро этадиган қўшиқларнинг матнини тўла келтирган ҳолда қайси кўйда ижро этилишини айтиб, 238 саҳифадан иборат ноёб китоб нашр эттирди. 1912 йилда Тошкентда литографик усулда нашр этилган бу китобда

улкан хонанданинг хизматлари алоҳида таъкидланган: «...Мулло Тўйчи ҳофизким, аҳли оламга машҳурдир, анинг базмларда юз минг тароналар бирла ўқийдурғон газалларини оҳангу мақоми бирла ёзилиб, ном қўюлди «Армуғонн Хислат» деб. Ба харажоти Мулло Тўйчихон хофиз ибн Мулло Тошмуҳаммад баса Мулло Саид Ҳайбатуллохўжа матахаллуси Хислат ибн Саид Орифхўжа... дар вилояти Тошканди фирдавсмонанд дар матбаа Ғуломия таб шуд», дейилади китобда. Бинобарин, хофизликдан келган камтарин даромаднинг ҳам бор-йўғини Тўйчи хофиз шарқ адабиёти ва санъатининг энг яхши намуналаридан ташкил топган китобга сарфлаганлиги маълум бўлади. Китоб шарқ шеърятининг энг яхши намуналаридан ташкил топганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ундан Фирдавсий Тусий, Ҳофиз, Сайидо, Лutfий, Жомий, Навоий, Бедил, Фузүлий, Шамс Табризий, Хоқоний, Ҳозик сингари энг йирик ўзбек, форс-тожик, озарбайжон шоирларининг, Мулла Тўйчи хофизга замондош ва дўст бўлган Муқимий, Фурқат, Тажаллий, Асирий, Камий, Хислат, Шавкат Искандарий, Мискин каби машҳур шоирларнинг, шунингдек, адабиётшуносликда хали ўрганилмаган ёки кам ўрганилган Бимий, Мунис Тошкандий, Нокис, Ғиёсий, Важдий, Тойиби Хўқандий, Акмалхон Тўра, Хожи Ниёз Девона, Хаёлий, Замирий, Нозим, Мухаммад Олимжон Тўқсобага ўхшаган ўнларча шоирларнинг улкан хофиз репертуаридан жой олган шеърлари эълон қилинганлигини айтиш kifоя. Тўйчи хофизнинг ташаббускорлиги, фидойилиги туфайли чиқарилган бу ноёб китоб мусиқашунослар ва адабиётшунослар томонидан қўнт билан ўрганилса, кўпгина масалаларда янги илмий тўхташларга келинишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

Халқ орасида шухратининг тенги бўлмаган, санъат ва адабиётнинг фидойи тарғиботчиси бўлган Тўйчи хофиз халқнинг ўзи аксар қисми оч бўлган шароитда хонандаликдан келган даромад билан камсўқумгина ҳаёт кечиради, унинг бутун бойлиги кўшиқлари эди. Шундай бир шароитда унинг турмуш йўлдоши Зебуннисо бени фарзандни етим қолдириб, оламдан ўтди. Энди хофиз репертуарларида «Баёт», «Ушшоқ», «Гиря», «Нолиш» каби юракларни зардобга тўлдирувчи кўшиқлар кўпроқ ўрин тутадиган бўлиб қолди. Шундай аламли кўнлардан бирида Шаҳрихонга катта йиғинга таклиф этилди. У ижро этган хонишлар йиғиндагиларни шу қадар сархуш этгандики, косибликда донғи узоқ-узоқларга

кетган Зияфаранг ҳофизнинг бир ашуласи тугагач, ўртага чиқиб: «Халойиқ, ўзларингиз биласизлар, бўйи етган зебо заифам бор, совчилар эшигим турмини бузишяпти. Ҳаммасига рад жавобини бериб келдим. Энди шу қизимни, агар рози бўлса, Тўйчихонга тортиқ қиламан. Қиз ҳам йўқ демаса керак. Бундан ортиқ қаллиқ қаёқда дейсиз»,—деб юборганини ўзи билмай қолди. Ўша давр таомили юзасидан бир тарзроқ ҳисобланган бу гапни эшитиб, оламон бир лаҳза ҳайрон бўлди-ю, йиғиндаги бадавлатроқ бир санъатсевар кекса одам: «Хўп бўлади. Мен қайнота бўлиб, келинни уйимга тушираман. Барча тўй харажатлари ҳам зиммамда. Тўйчихон Шаҳрихонга куёв бўлиб, тез-тез келиб туриши ҳаммамиз учун катта бахт»,—деди. Хулласи, йигит-қиз бир-бирига ёқиб, уч-тўрт кундан сўнг тўй бўлди. Шаҳрихон гўзали Отинчахон Тўйчи ҳофизнинг етимларини оқ ювиб, оқ тарашдан ташқари унга яна уч ўғил, икки қиз ҳам ҳадя этди.

Инқилобдан сўнг машҳур халқ ҳофизи янги ўзбек санъати бешигини тебратганлардан бири бўлди. Унинг Ҳамза Ҳакимзода, Маннон Уйғур, Қори Ёқубов, Тамарахоним, Сафо Муғанний, Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим ва бошқа улкан санъаткорлар, В. Успенский, Н. Миронов, Р. Глиэр, С. Василенко каби рус композитор ва мусиқашунослари билан дўст, ҳамкорлиги, ажойиб натижаларга олиб келди. У дастлабки ўзбек мусиқали драмалари ва операларининг яратилишида асосий маслаҳатчиларидан бири бўлди. Ўзининг ва бошқа хонандаларнинг овозлари нотага ёзиб олинишида катта хизматлар кўрсатди. инқилобдан кейинги дастлабки ўн йил нчида театрда, 1927 йилдан умрининг охирига қадар Ўзбекистон радиосида етакчи хонанда бўлиб ишлади.

Тўйчи ҳофизнинг шогирдларини санаб адо қилиш мушкулларнинг мушқули. Афсонавор Юнус Ражабийдан тортиб Муҳаммадjon Каримовгача бўлган маком ustalари, овози фалак авжини кўзлаган Жўраҳон Султоновдан тортиб Акбар Ҳайдаровгача бўлган ялла усталари, ака-ука Сўфихоновлардан тортиб Назира Аҳмедовагача бўлган халқ куйларининг тенгсиз ижрочилари, Ризқи Ражабий ва Ориф Қосимов сингари соз сеҳргарлари—барн-бари Тўйчи ҳофиз яратган улкан мактабнинг истеъдодли талабалари бўлганлар.

Тўйчи ҳофиз барваста қоматли, зеби жома, турли қочирим ва пайровларга ниҳоятда уста санъаткор бўлган. 1927 йилда ҳозирги Амир Темуր хиёбонининг ён-



гипнасида республика радноси ташкил этилиб, Тўйчи ҳофиз шу ерда хизмат қилган йиллар давомида даладаштан шаҳарга келаётган қанчадан-қанча одамлар уни радио уйи олдида кўришлари билан барча юмушларини йиғштириб, хиёбондаги радио карнайлари тагида ғуж-ғуж бўлиб унинг ашула айтишини кутар, ҳатто йўлда тўхтатиб эҳтиром билан кўришиб, фалон ашулани айтиб беринг деб илтимос қилишар, саховатли хонанда деярли ҳар сафар уларнинг илтимосларини бажарар эди.

Ҳофизнинг халқ олдидаги улкан хизматлари ҳамиша эл-юрт эътиборида бўлди. Шунини айтиш кифояки, Ҳамза Ҳакимзодага Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилган йили Тўйчи ҳофизга Ўзбекистон халқ ҳофизи, Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвонлари берилди. Ўзбек санъаткорлари орасида биринчилардан бўлиб «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди.

Вафотидан сўнг Қашқадарё область мусиқали драма театри, Тошкент грампластинкалар заводи, кўчалар унинг табаррук номи билан аталадиган бўлди. Унинг тўғрисида муҳим тадқиқотлар, махсус китоб яратилди.

Тўйчи ҳофиз бошлаган ишни унинг жиянлари Шораҳим, Шожалил Шоҳмаровлар, Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар, Абдумутал Абдуллаев ифтихор билан давом эттирдилар. Улуғ ҳофизнинг фарзандлари Абулқосим ва Эркин Ўзбек Давлат концерт бирлашмасида, неваралари Уткин Тўйчиев ўзбек академик опера театрида, Маъмура Жабборова «Шодлик» ансамбилида, Темир Маҳмудов Юнус Ражабий номидаги маком ансамбилида ишламоқдалар.

Узи қолдирган ҳайратомуз бой қўшиқ мероси билан, етиштирган юз-юзлаб шогирдлари, неvara шогирдлари билан Тўйчи ҳофиз ҳануз халқ наздида ҳофизлар сардори бўлиб қолмоқда.

*1989 йил*

## **ЙИЛЛАР ВА АРТИСТНИНГ БАХТИ**

Йиллар... Йиллар нақадар хилма-хил воқеаларнинг, баъзан сўнгсиз мусибатлар, баъзан эса умр бўйи унутилмас шодликларнинг ёдгори бўлади. Йилларни эсланган, давр муҳри босилган ранг-баранг ҳаёт манзаралари кўз олдиндан бетўхтов ўтаверали.

Ўзбекистон халқ артисти Сайфи Олимов ҳам ўзининг санъатга бағишланган 40 йиллик ҳаётини эслар экан,

унинг кўз ўнгидан ўтадиган манзаралар гоят ажойиб ва ранг-барангдир.

1920 йил. Гражданлар уруши ҳали тугамаган давр. Саратон кунларидан бирида Тошкент четидаги бир боғда 5—6 киши ёшгина йигитни зовурга босиб бўғмоқда. Улар, агар йигит ўз касбидан кечишга ваъда бериб, қасам ичмас экан, уни ўлдириб шу ерга кўмиш тараддудини кўрмоқдалар. Лекин ўз касбини жондан севган йигит, санъат душманлари қаршисида қалтирамайди, ҳақ йўлдан қайтмаслигини уларга дадил айтмоқда. Бу ҳодиса даҳшатли тус олади. Душманлар ўз ёвуз ниятларини амалга оширишга киришадилар. Бироқ шу вақтда боғ кўчасидан ўтаётган бир неча одам тасодифан шовқин-суронни эшитиб, боққа бостириб киради ва йигитни қотиллар чангалидан қутқазиб олади. Бу йигит ўша вақтларда зўр умид ва ишончлар билан санъат қучоғига кириб келган Сайфи Олимов, уни ўлдириш қасдига тушган кишилар эса санъатнинг ашаддий душманлари томонидан гиж-гижлатилган унинг амакиси ва бошқа қариндошлари эдилар.

Сайфи Олимов 1901 йилда Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У 13 ёшга етганда отадан ажрайди ва тирикчилик пайига тушиб, ёз кунлари мардикорлик қилади. Ёзда топилган арзимас чой-чақа билан қиш кунлари қаттиқ қийналиб эски мактабда ўқийди.

1917 йилда С. Олимов Тошкентнинг «Дегрез» маҳалласида очилган янги мактабга ўқишга киради ва мактабда ташкил қилинган драма тўғарагида фаол қатнаша бошлайди. 1918 йилда бу тўғарак махсус труппага айлантирилади ва давлат томонидан маблағ билан таъминланади. Труппа аъзолари дастлаб кичик-кичик пьесаларни, кейинчалик эса катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган йирик саҳна асарларини ҳам томошабинларга кўрсатади. Ўша даврда муҳим тадбирларни кенг меҳнаткаш оммага тушунтиришда, омма ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда бу труппа фаолиятининг аҳамияти катта бўлди. Драма труппаси томонидан кўрсатиладиган томошалар орасида маърузачи ёки ташвиқотчилар турли мавзуларда маърузалар килар ва томошабинлар билан суҳбат ўтказар эдилар. С. Олимов ана шу труппада ишлаб юрган вақтида, 1919 йилда актёрлик билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол қатнаша бошлади. У Тошкентда бир неча

драма тўғараклари ва клублар ташкил этишда раҳбарлик қилди.

1920 йилда бу труппа Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмасини саҳнага қўйди. Катта социал аҳамиятга эга бўлган ва йнрик санъаткорнинг қалами билан ёзилган бу асар труппа аъзолари учун зўр ижодий мактаб бўлади. Чунки улар «Бой ила хизматчи» даги образлар моҳиятини очиб бериш учун кўп ўқиб-ўргандилар, ўзларида мавжуд бўлган барча куч ва имкониятлардан тўла фойдаландилар. Катта муваффақият билан саҳнага қўйилган бу спектакль С. Олимов ижоди учун ҳам бир босқич бўлади. У спектаклдаги Солиҳбой ролини худди атоқли артистлар каби маҳорат билан ижро этади.

Талантли труппанинг спектаклини ўзбек театр санъатининг асосчиларидан бири, ўша вақтдаги машҳур труппанинг раҳбари Маннон Уйғур келиб кўради. С. Олимовнинг ижроси Уйғурга жуда ёқади. Спектакль тугагач, Уйғур уни ўз олдига чақириб, узоқ ва самимий суҳбатлашади ва ўзи раҳбарлик қилаётган труппага ишга таклиф этади. Бу С. Олимовнинг ҳаётида катта воқеа эди: энди у биринчи профессионал ўзбек театрининг актёри бўлди.

Саҳна санъатини эгаллаш учун чуқур назарий билим ва тажриба лозим эканини англаган С. Олимов санъат ўқув юрларида таълим олишни орзу қилиб юрар эди. 1925 йилда унинг бу катта орзуси амалга ошди. Бокуда ташкил қилинган ўзбек драма студиясига ўқувчилар тўплаш вазифаси С. Олимовга топширилди. У катта қийинчилик ва қаршиликларга дуч келиб бир қанча ёшларни тўплай олди ва улар билан бирга ўзи ҳам ўқиш учун Бокуга жўнади.

Студия ўқувчилари Бокуда «Аршин-мол олон», «Ойдин», «Том тоғанинг чайласи» каби асарларни диплом спектакли сифатида саҳнага қўядилар. Бу спектаклларда С. Олимов ҳам масъулиятли ролларни ижро этади. Таътил вақтида Ўзбекистонга қайтиб келган студия ўқувчилари ўз спектаклларини дастлаб Самарқандда, кейинчалик эса, бутун жумҳурият бўйлаб муваффақият билан кўрсатадилар.

1928 йилда студияни битириб келган ёш артистлар Ҳамза номидаги театр коллективига қўшиладилар ва улар диплом спектакль сифатида саҳнага қўйган юқоридаги уч асар ҳам театр репертуарига қабул қилинади. Шу даврдан бошлаб С. Олимов Ҳамза номи театр-

да режиссёр ва актёр сифатида хизмат қила бошлайди. Тез вақт ичида У «Аршин-мол олон», «Ойдин», «Том тоғанинг чайласи» спектаклларини театр артистлари иштирокида қайтадан саҳнага қўяди. Кейинги йилларда С. Олимов томонидан саҳнага қўйилган «Рустам» (У. Исмоилов), «Истиқлол» (З. Фатхуллин) каби спектакллар ҳам тамошабинларнинг қизғин ҳурматини қозонди.

1930 йилда Тошкентда ишчи театри ташкил этилгач, С. Олимов бу театрга бош режиссёр қилиб тайинланади. Ишчи театрида С. Олимов саҳнага қўйган биринчи спектакль Мумтоз Муҳамедовнинг «Гудок» асари бўлди. Шундан сўнг режиссёр яна бир неча спектаклларни муваффақият билан саҳналаштирди. С. Олимов 1936 йилда Хоразм вилоят театрига, 1937 йилда эса республика колхоз-совхоз театрига бадний раҳбар қилиб тайинланди. Бу театрларда С. Олимов бир қанча спектаклларни, жумладан, «Номус ва муҳаббат», «Гулсара» (Яшин), «Уйланиш» (Гоголь) ва бошқаларни саҳнага қўяди.

Юқоридаги каби кўпгина спектаклларни саҳналаштиришда С. Олимовнинг режиссёр сифатидаги хизмати шунда эдики, у артистларнинг ҳар бир образ моҳиятини тўғри талқин қилишига интилар, даққиқлик ва такрорга йўл қўймас, образ характерини очиш учун саҳнанинг турли-туман воситаларидан фойдаланарди. Артистларнинг образлар ички руҳий ҳолатини усталлик билан тамошабинга етказиб беришига эришар эди.

1940 йилда С. Олимов Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрига ишга қайтиб келади ва ўшандан бери узлуксиз шу театрда ишлаб келмоқда.

С. Олимов режиссёр сифатида кўпгина асарларни саҳнага қўйиш билан бирга, талантли актёр сифатида ҳам ўзини кўрсатди. У томошабин хотирасида узоқ сақланиб қоладиган, такрорланмас саҳна образларини яратди.

Томошабинлар орасида В. Шекспирнинг машҳур «Ҳамлет» трагедиясини кўрмаган киши оз бўлса керак. Асарнинг бош қаҳрамони Ҳамлет чеккан чексиз изтиробларда, унинг фожиасида кишиларни илондек аврайдиган, ҳар нафасда минг мақомга йўрғалайдиган, ўзидан бир поғона баланд кишининг товонини ялайдиган, қиролга яхши кўриниш учун ҳар қандай пасткашлик ва разилликдан қайтмайдиган Полонийнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Полоний итоаткор қизи гўзал Офелиянинг

бошини айлантириб, у орқали Ҳамлетнинг сирларини билиб олиш учун турли-туман ҳийлалар ишлатади. Полонийнинг кишилар билан учрашганда тез ниқоблана билишини, унга хос маккорликни, унинг нутқидаги алоҳида мураккаблик туғдирадиган жиҳатларни, унинг қийин руҳий ҳолатларини томошабинга етказа билиш артистдан ғоят катта маҳорат талаб қилиши шубҳасиздир. С. Олимов ролни тайёрлашга киришар экан, В. Шекспирнинг бой адабий мероси билан, у яшаган даврга оид асарлар билан, рус ва бошқа қардош халқлар саҳна усталарининг бу образни яратишдаги тажрибалари билан чуқур танишди. Ниҳоят асар мазмунини пухта ўргангач, кишилар орасида юриб, бу образ моҳиятини очиш учун ёрдам берадиган характерли белги ва хусусиятларни излаб топди. Натижада 1935 йилда саҳнага қўйилган бу спектаклда С. Олимов Полоний ролини усталик билан ижро этиб, томошабинларга манзур қила олди.

Томошабин Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасини Ҳамза номли театр саҳнасида кўрар экан, Навоий образи билан бир қаторда, Навоийнинг устози буюк шоир ва олим Абдураҳмон Жомийнинг салобатли образи ҳам унинг хотирасида узоқ сақланиб қолади. Бу образни биринчи бўлиб яратишда ҳам С. Олимовнинг хизматлари каттадир.

Бундан ташқари, «Ревизор» (Гоголь)даги Земляника, «Қароқчилар» (Ф. Шиллер)даги Даниэло, «Бир шахснинг масаласи» (А. Штейн)даги Федя тоға, «Ҳожини афанди уйланади» (Ш. Камол)даги Ҳусниддин сингари ўнлаб образлар С. Олимовнинг актёрлик маҳоратини пухта эгаллаганлигидан далолат беради.

Кейинги йилларда С. Олимов киноактёр сифатида ҳам ўзини кўрсатди. «Хўжа Насриддин»да Заргар, «Амирликнинг емирилиши»да тарихчи, «Стадионда учрашамиз»да бухгалтер ёрдамчиси, «Қутлуғ қон»да бой, «Абу Али ибн Сино»да олим ролларини ўйнади. Бу хилма-хил роллар С. Олимовнинг кино санъатини ҳам пухта эгаллаб олганлигини кўрсатади.

Элу юрт кекса санъаткорнинг санъатни ривожлантириш соҳасидаги хизматларини муносиб тақдирлади.

1957 йил

## ЦИРК МАЙДОНИДА ЖАВЛОН УРИБ...

Цирк санъати ўзига хос хусусиятлари ва мураккабликлари билан санъатнинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади. Агар цирк артистлари ғоят довурак, чаққон, аҳил, юксак зеҳли, аниқ мўлжалга олувчи бўлмасалар, эринмай машқ қилмасалар, санъатнинг бу жанрига хос бўлган қийинчиликларни енгиш ва томошабинлар ҳурматига сазовор бўлиш мумкин эмас, албатта.

Циркимиз артистлари ана шундай юксак фазилатларга эга эканликларини чет элларда бўлган халқаро мусобақаларда бир неча бор намойиш қилдилар. 1956 йил охирида Варшавада бўлиб ўтган ва жуда кўп мамлакатларнинг цирк артистлари қатнашган мусобақа ҳам бунинг далили бўла олади. Ўзбек цирк артистлари бу мусобақада биринчи ўринни эгаллаш шарафига муяссар бўлдилар.

Цирк санъатининг бундай зўр муваффақиятлари осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Мамлакатимиздаги кўпгина миллат цирк артистлари ўз маҳоратларини тобора такомиллаштириб, цирк санъатимизнинг ривожланишига ҳисса қўшдилар, ўзбек циркининг шон-шўратини оламга ёйдилар. Мамлакат цирк санъатининг тараққиётига ўзбек цирк артистлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшганликлари шубҳасиздир.

Маълумки, олдинги даврларда Ўзбекистонда санъат ва адабиётнинг кўпгина жанрлари вужудга келмаган ёки мавжуд бўлса ҳам деярли ривожланмаган эди. Ўзбекистонда цирк санъати ҳам ана шундай жанрлар жумласига киради. Илгари ўзбеклар орасида профессионал цирк артистлари йўқ эди деса бўлади. Турли халқ сайллари ва маросимларда, кишилар кўп тўпланадиган жойларда томоша кўрсатадиган дорбозлар ва қизиқчилар цирк санъатининг ранг-баранг ва мураккаб жанрларини қамраб олишдан жуда узоқда эдилар.

Анча кейингина республикаимизда маҳаллий кадрлар ичидан профессионал цирк артистлари етишиб чиқа бошлади. Ана шундай кишилардан бири цирк санъатининг кўпгина жанрларида маҳорат касб этган Ўзбекистон халқ артисти Қарим Зариповдир. У ўзининг ярим асрдан ортиқ давом этаётган ижодий фаолиятида катта ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди.

...1898 йил: Тошкентнинг Қашқар маҳалласидаги камбағал ишчининг 5 яшар ўғли Қаримжон кўчада ада-

шиб юриб, вокзалга кетиб қолади. Хўжандлик бир аёл уни ўғил қилмоқчи бўлиб ўз шаҳрига олиб кетади. Кишилар эшигида сарсон-саргардон бўлган, турмуш машаққатларига чидай олмаган Қаримжон 8 ёшга етганда мустақил ҳаёт кечириб йўлини излайди ва Абдукарим меҳтар деган сурнайчининг тўдасига қўшилади. Бу истеъдодли бола тез орада «каучук» ўйинини ўрганиб олиб, ўз санъатини кишиларга манзур қила бошлайди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ўша вақтдаги сайёр цирк труппаларидан бирининг хўжайини бўлган Макаров деган киши уни ўз труппасига ишга олади. «Тегирмонга тушса бутун чиқадиган» абжир ва уқувли бола Қаримжон тез орада бу труппада ҳам турник ва чиғириқда ўйнашни, громполини иргитишни яхшигина ўрганиб олиб, ўз маҳоратини ошира боради.

Шундан сўнг революцияга қадар ўтган давр ичида Қарим Зарипов сайёр цирк труппаларида «каучук», «ёғоч оёқ» ва ҳавода гимнастика ўйинларини ижро этиб юради.

Кейинчалик эса у ўша даврнинг машҳур қизиқчиларидан бўлган Юсуфжон қизиқ, Рафиқ қизиқ, Ортиқ қизиқ кабилар билан бирга халқ сайлларидаги дор ўйинларида, оммавий кураш майдонларида қизиқчилик қилади. Бу қизиқчиларнинг репертуарларидаги «Чопон бола», «Полвон», «Ҳаммол», «Панорама» каби номерларда меҳнаткаш халқнинг юксак ақли, донолиги, нозик шаклларда ифодаланар эди. Бундай йиғинларда халқнинг ажойиб сўз бойликларидан усталлик билан фойдаланиб, томошабинларни «ичак узилди» қилиб кулдирадиган Қарим Зарипов тез орада халқ ўртасида Қарим қизиқ номи билан машҳур бўлади, унинг қизиқчилиги, ўткир кинояли сўзлари жуда узоқ жойларга ҳам тарқалади.

Ўша даврларда санъатнинг турли жанрларида ижод этган, ўз таланти ва ақли билан халққа хизмат қилган Қарим Зарипов моддий жиҳатдан оғир шароитларда умр кечирди. Меҳнаткаш халқ ичидан чиққан санъаткорларнинг нодон, хушомадгўй, ялқовларга қарши найзали сўзларидан алам ва ғазаби қўзғатган кишилар уларни ҳар тарафлама таъқиб этар, камситар, ижодий ривожланишларига турли йўллар билан тўсқинлик қилар эдилар.

Барча истеъдодлар сингари Қарим Зарипов ҳам кўп қийинчиликларни енгиб, эркин нафас олди, ижодий камолот чўққилари сари кўтарилиш имкониятига эга бўлди.

1918 йилда профессионал циркка жалб этилган дастлабки ўзбек артистларидан бири Карим Зарипов эди. У ана шундан бери ўтган 40 йилга яқин муддат ичида циркда муттасил хизмат қилиб келмоқда.

Дастлабки 15—20 йил ичида Карим Зарипов ўз хотини Муборақ Зарипова билан бирга циркда қизиқчилик қилади. Бу икки моҳир қизиқчи ўзларининг ёқимли қилиқлари, ажойиб мимикалари, қизиқ-қизиқ сўзлари билан тез орада томошабинлар эътиборини жалб этадилар, омма орасида зўр ҳурматга сазовор бўладилар.

1937 йилдан бошлаб Карим Зарипов цирк санъатининг бошқа бир мураккаб жанрида ўзини кўрсатади ва кейинги даврдаги ижодий фаолиятини бутунлай шу жанрга бағишлайди: у ўргатилган отларни ўйнатади ва ўзи от устида ўйнайди. Карим Зариповнинг от устидаги ўйинлари томошабинларни айниқса ҳайратда қолдирар эди. Чавандоз от устида қуш каби енгил учар, кўз очиб юмгунча отга минар ёки ундан сакрар, тамошабинларни ҳайрон қолдирадиган мураккаб ҳаракатларни мислсиз довюраклик ва чаққонлик билан осонгина ижро этар эди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Карим Зарипов от устида ўйнаб туриб мерганлик қилишни ҳам ўрганиб олди. Унинг ҳаддан ташқари аниқ мўлжалга олиши ҳаммани қойил қолдирар эди.

Карим Зарипов фақат талантли артистгина эмас, балки бир қанча ёшларга цирк санъатининг мураккаб жанрларини ўргатган устоз ҳамдир. Карим Зарипов маҳаллий миллат ёшларидан цирк артистлари, айниқса от устида ўйновчи артистлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор беради ва бир қанча ёшларни бу шарафли касбга ўргатади. Карим Зариповнинг қўлида тарбияланиб чавандозлик санъатини пухта ўрганган, етук санъаткор даражасига кўтарилган Холида Зарипова ва Ҳаким Зариповларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист деган Фахрий унвон берилган. Ҳозир мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги циркларда цирк санъатининг кўпгина жанрларини маҳорат билан намойиш қилаётган Қ. Зарипов, Ш. Сотболдиев, И. Дадабоев, Ш. Йўлдошев, Т. Солиев, Қ. Хўжааҳмедов сингари ўнларча артистлар бу кекса санъаткорнинг шогирдларидирлар.

Кейинги вақтларда Карим Зарипов раҳбарлигида моҳир чавандозларнинг катта бир группаси ишламоқда. Бу группа таркибида Ҳаким Зарипов, Холида ва Нина Зариповалар, Сайди Сотиболдиев, Мирза Мирмақсудов,



Фахриддин Шарифбоев ва бошқалар бор. Бу чавандозлар кўрсатадиган номерлар ичида энг аҳамиятлиси «Чавандоз йигитлар» деб аталадиган номердир. Ўзбек чавандозларига бағишланган бу ажойиб номерда йигитларимизнинг жанг майдонларидаги мардона кураш ва қаҳрамонлиги, ботир ўзбек чавандозларига хос фазилатлар яққол ифода этилади.

Республикамиз пойтахтининг меҳнаткашлари Тошкент Давлат циркида атоқли артист Қарим Заринов раҳбарлигидаги чавандозларнинг бу номерини зўр мароқ билан томоша қилдилар, уста чавандозларни чин қалбдан олқишладилар.

Машҳур санъаткор кексайган чоғида ҳам худди навқирон йигитлардек довюрақ, чаққон ва жўшқин эди. У мамлакатимизнинг турли шаҳарларида цирк санъати эришган янгидан-янги муваффақиятларни намойиш қилди.

1957 йил

### ХАЛҚ БАСТАКОРИ

Иккинчи жаҳон уруши эндигина тугаган. Оғир жудоликлар, беҳисоб йўқотишлардан сўнг кўнгли эндигина таскин топган одамларга тонг шабадасидек, гуллар атридек ёқимли санъат керак эди, куйлар, хонишлар, рақслар керак эди. Худди ўша кунларда ўзбек рақсининг маликаси Мукаррама Турғунбоева ўзининг одам ва оламини сеҳрловчи «Тановар»и ёнига ундан кам бўлмаган яна бир дурдона рақс қўшди. Бу рақс ҳали у вақтларда бастакор сифатида эл оғзига унчалик тушмаган, лекин рубобининг ёниқ оҳанглари билан санъат шинавандаларига танилиб қолга Муҳаммадjon Мирзевнинг «Жонон» куйи асосида Мукаррамахонимнинг ўзи томонидан саҳналаштирилганди. Тез орада бу рақс республикамиздан ташқарида ҳам кешг шуҳрат топди. Ишчи клублари, дала шийпонларидан тортиб опера театримиз саҳналарида ҳам бериладиган бирор концерт «Жонон»сиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

Ундан илгари «Меҳнат аҳли» деб аталмиш умри боқий кўшиқ яратиб, уни Ўзбекистон булбули Ҳалима Носировадан тортиб, юзлаб истеъдодли ҳаваскор хонандаларга манзур қила олган бастакорни рақсимиз дарғаси М. Турғунбоева бутунича забт этган, бир эҳтиросли рақс кетидан иккинчи, учинчи, тўртинчи... ўнинчи рақс яратилмагунча, яратилиб, таъби нозик санъат

Шинавандаларини ҳайратга солмагунча уни ўз ҳолига қўймас эди. «Жонон»дан кейин яратилиб, Мукаррама-хоним томонидан саҳналаштирилган «Завқим келур», «Дилдор I», «Дилдор II», «Кўнгил таронаси», «Янги тановар», «Уфори санам» ва бошқалар рақс санъатимиз ривожига янги босқич бўлди, рақс санъатимизнинг им-кониятлари беҳад-беҳисоб эканини, уларни рўёбга чи-қариш учун чинакам ғаввослардек ҳар сафар халққа янги-янги ноёб дурдоналар совға қилиш лозимлигини кўрсатди.

Шу нарса ҳайратга лойиқки, «Жонон» рақси яратил-ганидан сўнг орадан қанча йиллар ўтди, неча-неча бастакорлар етишиб чиқди ҳамки, М. Турғунбоевнинг назарида рақс куйларининг энг комил ижоджори барибир М. Мирзаев бўлиб қолаверди. Маълумки, эндиликда ўзбек санъатининг ифтихори бўлиб қолган «Баҳор» ан-самблини тузиш 1957 йилда Мукаррама Турғунбоевага топширилди ва у сўнгги нафасигача чаман чечаклари-дан таркиб топган шу оламаро гулшаннинг боғбони бў-либ қолди. Ансамбль ташкил этиш учун йигирма чоғли раққоса қизлар, созандалар танланган, Мукаррамахо-нимнинг репертуарида кўп йиллардан бери шинаванда-ларга манзур бўлиб келаётган кўпгина рақслар ҳам бор эди. Аммо ҳамиша ўзига талаби юксак рақс шайдоси ансамблнинг биринчи концерти, биринчи номерини ҳали ҳеч ким эшитмаган ва кўрмаган рақс билан, рақс бўл-ганда ҳам самовий бир қудрат намойиш этувчи рақс билан бошлашга аҳд қилди. Бу сафар ҳам унинг ишон-ган, суянган тоғи Муҳаммадҷон Мирзаев эди. Мукар-рамахоним уни ҳоли жонига қўймас—ансамбл учун Ўзбекистоннинг пахтазорларини, боғ-бўстонларини, гў-залликларини, сайроқи булбулларини бир-бирдан кўр-кам фаслларини раққоса қизларнинг нафис қадамла-рида, фусункор ҳаракат ва боқишларида, ипакдай ма-йин табассумларида акс эттира оладиган, охори тўкил-маган рақс куйи яратиб беришни талаб этар эди. Ле-кин бу иш енгил кўча қолмади. Вазифанинг масъули-ятлигини тўла англаган бастакор ўнгида ҳам, туши-да ҳам шу ҳал қилувчи куйни ўйлар, пианино клавиш-ларини босиб топган не-не куйларининг қаеридир кем-тикдек туюлар, кўнгли тўлмас эди. Чин кўнгилдан йиғласанг сўқир кўздан ёш келар, деб бежиз айтмиш-маган.

Кунлардан бирида у яна маслаҳат солиш учун Му-каррама опанинг ҳузурига йўл олди. Филармония бино-

сига яқинлашар экан, қозоқнинг дўмбирасида ижро этилаётган ёқимли бир ўлан қулоғига чалиниб, юраги ҳапқирди. Ичкари кириб ижрочининг ёнига бориб қараса, у йигит ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг созандаларидан экан. М. Мирзаев унинг қўлидан дўмбирани илтимос қилиб, ўланни ўзи ижро этиб кўрди. Шу заҳотиёқ уни қайта ишлаш, вальсга айлантириш, кўпдан ўйлаб юрган олам-олам туйғуларини ўшанга жо қила олиш имконияти кўз олдида гавдаланди.

Ажабо, ўша заҳоти бир вақтлар қулоғига чалинган М. Глиниканинг «Муסיқани халқ яратади, биз композиторлар эса унга сайқал берамиз, холос», деган машҳур сўзи ёдига тушди. Қарангки, бир замонлар қозоқ халқи яратган шўхшан ўландан Мукаррамахоним орзу қилган вальс куйи туғиладиганга ўхшади. У дарҳол филармония хоналаридан биридаги ўзи машқ қилиб турадиган рояль олдига борди, кейин созандаларнинг биридан рубоб топиб қайта-қайта чалиб кўрди. Уйда яна иккинчи бор янги қочириқлар билан ижро этдию куй пишдиқўйди. Эртасига эрталаб ўз рубобини қўлтиқлаб тўппатўғри Мукаррамахонимнинг ҳузурига кириб борди. Куйдан лол қолиб, дастлабки ҳаракатларни топиб ўйинга тушган Мукаррамахоним унинг пешонасидан ўпиб табриклар: «Нима ном қўямиз» деб қолди. Бастакор унга «Баҳор» деган ном топиб қўйган эди. Мукаррамахоним ўрнидан сакраб туриб кетди, ансамблга ном қўйишга қачонлардан бери қийпалиб юрганни, бастакор унинг бош рақси куйиннигина эмас, ансамбль номини ҳам топиб берганини айтиб, яна бир бор табриклади, рақсни саҳналаштиришни бошлаб юборди.

Чиндан ҳам бу рақс Ўзбекистон баҳорининг ўзи эди. Рақс куйи, қизлар қўлидаги анвойи гуллар, булбуллар «чаҳ-чаҳи», чеҳраларда барқ урган ёшлик латофати рақс йилнинг қайси фаслида ижро этилишидан қатъи назар, бутун залга, мабодо, телевизорда ижро этилгудек бўлса, миллионларча хонадонларга баҳорнинг шундоққина ўзини олиб кирар эди.

Шуниси ҳам борки, «Баҳор» куйини рақсиз тингласангиз ҳам ундан оладиган шавқ-завқ ва лаззат асло камаймайди.

1976 йилги бир воқеани эслайман. Унда биз ўзбекистонлик сайёҳлар Европа бўйлаб сафарда эдик. Лондондаги инглиз-совет дўстлик жамияти уюштирган кечада ҳам, Парижнинг энг муҳташам залларидан бирида француз-совет дўстлик жамияти берган знефатда ҳам

инглиз, француз эстрада созандалари «Андижон полькаси» билан «Баҳор» вальсини чалиб, ақлларни лол қолдирган, қалбларни ғурурга тўлдирган эдилар. Кейинчалик билсам, ўзбекистонлик композитор Ян Френкель «Баҳор»ни эстрада оркестрлари учун мослаб берган ва бу куй ҳатто америка оркестрлари репертуарларидан ҳам мустаҳкам ўрин олган, номи санъатимиз тарихига олтин ҳал билан ёзилиб қолган хонанда Ботир Зокиров уни ўнларча хорижий мамлакатларда, жумладан, Америкада ижро этган экан.

М. Мирзаев яратган рақс куйларини Мукаррама Турғунбоевагина эмас, балки у билан сафдош бўлган Вера Губская, Гавҳар Раҳимова, Лиза Петросова каби рақс усталари, Қундуз Миркаримова, Тўхта Рисматова, Дилбар Абдуллаева, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жабборова каби кўплаб энг яхши раққосалар ҳам илҳақлик билан кутадиган, халққа манзур қилиш иштиёқи билан яшайдиган бўлдилар. Ақалли Қундуз Миркаримова саҳнага қўйиб, бириччи бор ижро этган «Гулноз»ни ёки Қизлархон Дўстмуҳамедова репертуарининг гултожи бўлиб қолган «Тонг маликаси»ни эслайлик. Қундузхон «Гулноз»га ўйнаганда баҳту шодлик бутун вужудидан гуркираб турган нозли ўзбек қизининг ҳаё, малоҳат тўла боқишлари, нозик ҳаракатлари, пинҳона лутфлари томошабин қалбида ифодалаш қийин бўлган бир-биридан латиф туйғулар уйғотади. «Тонг маликаси»да Қизлархоннинг ширин тушлар кўриб уйғонган, муздек булоқ сувларидан юзини чайиб ўша сувларни янада мусаффо роқ қилиб, сўнг қўлидаги мўъжаз кўзгуга боқиб, ўзича ороланган, тенгсиз ҳуснига ўзи ҳам қойил қолган бахтиёр қизнинг ҳолатини ҳайратомуз бир қудрат билан акс эттиришда Муҳаммаджон Мирзаев яратган куйнинг қанчалар салмоғи борлигини ўйлаш ҳам мароқлидир.

Асосан рақс куйлари ижод этиши билан ўзига замондош бастакорлардан ажралиб турадиган Муҳаммаджон Мирзаевнинг илк ижоди умрбоқий «Меҳнат аҳли» қўшиғидан бошланганини илгарироқ айтган эдик. У ўз замонасининг Тўйчи ҳофиз, Ҳалима Носирова, Ҳанифа Мавлонова, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Беркинбой Файзиев, Акбар Ҳайдаров, Турғун Қаримов, Қомилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Фуломжон Ёқубов, ака-ука Шожалиловлар сингари забардаст хонандалари билан бирга ишлади, улар ижро этган хонишларга ўзининг сеҳрли рубоби билан жўр

бўлди, улар учун оригинал қўшиқ репертуари яратиш нияти билан яшади ва узоқ ўн йиллар давомида бу орзусини амалга ошириб келмоқда. Эллигинчи йиллар бошиданоқ машҳур хонанда Маъмуржон Узоқовнинг концерт бригадасида мусиқа бошлиғи бўлиб хизмат қиларкан, унинг репертуарини Фурқат ғазаллари билан айтиладиган «Ёр истаб», «Фигонким», «Сувратинг», «Йиғлади», «Ул шўхи жононим менинг» сингари асрлар бўйи яшашга ҳақли хонишларга бойитган, Муқимийнинг «Якка бу Фарғонада», «Ёлғиз» сингари сеҳрли ғазалларини, Ҳамза Ҳакимзода, Мискин, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Камтар ва бошқа шоирларнинг аруз вазидаги энг кўркем ғазалларини қўшиқ қилиб, уларга қўш қанот бағишлаб, ўлкамиздан узоқ-узоқларга парвоз эттирган М. Мирзаев бўлди.

Муҳаммаджон Мирзаевнинг қўшиқчилик соҳасида шоир Туроб Тўла билан ҳамкорлиги ҳам самарали бўлди. Бунда инсоний муҳаббатни авж пардаларда тараннум этувчи соф лирик хонишлар ҳам, севги мотивларини ижтимоий оҳанглар билан моҳирона вобаста қилиб юборувчи гражданлик қўшиқлари ҳам кўплаб яратилди. Шулар жумласидан бўлган «Эй гул», «Олтин сандиқ», «Попнинг попуқ қизлари», «Бухоро», «Зебуннисо қалами» ва бошқа ҳақиқий дил куйларини эслаб ўтиш мумкин.

Бастакорнинг қўшиқ учун шеър танлаш ва танланган шеър устида ишлаш услуби ҳам ўзига хос ва қизиқарлидир. Масалан, у қўшиқ учун шеърлар яратиб улгурмаган, асосан масаллар ёзиш билан шуғулланган Ямин Қурбоннинг «Оқ олма, қизил олма» назмини тасодифан ўқиб қолди. Унда бўлажак қўшиқ учун яхшигина материал борлигига қаноат ҳосил қилдию, шеърни ўзи истаган даражага кўтариб беришни талаб этиб, шоирни ҳол-жонига қўймади. Қўшиқ тайёр бўлгач эса, ҳеч кимнинг ёдига келмаган унинг ҳақиқий ижрочисини Шариф Султонов билан Гулсара Ёқубовадан кўрди. Улар биринчи бўлиб бу қўшиқни айтган кун санъат шинавандалари учун байрам бўлган эди. Г. Раҳимова шу куй асосида ажойиб оммавий ўйин саҳналаштирди.

Ҳамид Фуломнинг оламдаги энг азиз нарсдан — фарзанддан ажралиб қолишнинг сўнгсиз аламлари тасвирланган «Сенсиз», узоқ бегона юртларда Ватанни, ундаги барча қадрдонларни соғиниб яратилган «Соат санадим» шеърлари асосида куй басталанган қўшиқлар Матлуба Дадабоева ҳамда Султон Мамедов томонидан

ижро этилганида ҳам қалбларга титроқ солмай қўймайди.

Эркин Воҳидовнинг «Ватаи ишқи», «Ишқ сеҳри» каби ғазаллари ҳам М. Мирзаевнинг бастакорлик маҳорати туйғайли кўркем қўшиқ либосига бурканди. Муҳаммаджон Мирзаев яратган қўшиқларнинг саногига етиш қийин. У ўнларча шоирларимиз билан нечача йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унинг анвойи ранг ва жило билан товланувчи, қалбларга мусаффо туйғулар олиб кирувчи қўшиқларини ҳозирги кунда Ҳанифа Мавлонова, Малоҳат Дадабосева, Фахриддин Умаров, Муножот Йўлчиева, Маҳбуба Ҳасанова, Дилором Қажумова сингари талантили хонандалар алоҳида меҳр билан ижро этиб келадилар. Улардан республикамиздаги ва ундан ташқаридаги мингларча, ўн мингларча ҳаваскор хонандалар репертуарига кўчиб, чинакам оммавий характер касб этмоқда.

Олам бахтли ва бахтсиз тасодифларга тўла дейдилар. Муҳаммаджон Мирзаевнинг республикамизда энг яхши рубобчи ва бастакорлардан бири бўлиб қолишида ҳам шундай бир бахтли тасодиф сабабчи бўлганди. Уша бахтли тасодиф бўлмаса, ким билсин, у ўзи ишлаб юрган Тошкент тўқимачилик комбинатидаги тўғарақда қўлига тушган мандалинани чалиб, яна кўп йиллар қолиб кетармиди?

1936 йил, Свердлов номидаги ўзбек мусиқа театрида «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида бош ролларни ижро этувчи Ҳ. Носирова, М. Қориёқубов, Саъди Норхонов, Л. Саримсоқова ва бошқаларнинг санъати бутун шаҳарда дув-дув гап бўлиб, М. Мирзаев билан янгигина ҳаёт қурган ёш келинчакнинг ҳам қулогига етди. Келинчак ўз қаллиғидан шу төмошага билет олиб келишини сўради. Муҳаммаджон ака театр кассасидан билет олиш учун навбатда турганида касса ташқарисида бир татар қизи қўлида яхши созланмаган мандалина билан аллақандай куйиш чалиб кўрмоқда, куй кўнгилдагидай чиқмаётганди. Навбатдагиларни огоҳлантириб, қизнинг олдига келган Муҳаммаджон ака мандалинини созлади-да, ўзи билган бир-икки куйиш чалган эди, кейин қиз чалмоқчи бўлган куй ҳам бинойиндек чиқди. Қиз: «Ана энди мени олишади», деб чапак чалиб юборди. Қизнинг гапларидан маълум бўлдики, Москвада 1937 йилда бўладиган биринчи ўзбек санъати декадасига ёшлардан турли мусиқа асбобларида чалувчи созандалар қабул қилинаётган, қабул комиссиясига Тўхта-

син Жалилов бош экан. Муҳаммаджон Мирзаевнинг ҳам юрагига ғулғула тушиб, қизга эргашиб театрға кириб борди. Мандалинада бастакор Мамадазиз Ниёзовнинг ўша вақтларда машҳур бўлган «Бахт» куйини чалиб берган эди, бу куй Т. Жалиловга ҳам, у билан биргаликда ёш созанда-хонандаларни кўриқдан ўтказётган Юнус Ражабий, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Аҳмаджон Умрзоқов, Абдуқодир Исмоиловларга ҳам манзур бўлди. Уша кунидек тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, М. Мирзаев Тўқимачилик комбинатидан янги ташкил бўлаётган Ўзбек Давлат филармониясига ишга ўтказилди.

Эҳ-ҳе, шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди, замон неча айланиб келди. М. Мирзаев эса ҳануз ўша жамоани тарк этгани йўқ. Машҳур ёзувчи Ойбек раҳбарлигида Маҳмуджон Муҳамедов, Саид Алиев, Шукрулло Ҳамдамов, Дадаали Соатқулов, Зайнаб Пўлтушева. Турсуной Маҳмудова, Турғун Каримов, Назрулла Ёқубов сингари ҳамкасблари билан бирга фронт бригадасида бўлиб, жанггоҳларни ўз кўзи билан кўрди, Фарҳод ГЭСи қаҳрамонлари орасида яшаб, ўз сози ва куйлари билан уларни мамнун этди, Катта Фарғона, Қоратوغ, Тошкент каналлари, Каттақўрғон сув омбори қурувчиларига фидокорона хизмат қилди.

Ҳозирги замон бастакори учун профессионал билим лозимлигини яхши англаган М. Мирзаев 1949—1954 йилда Тошкент Давлат консерваториясида ўқир экан, айни вақтда у ерда рубобдан дарс ҳам берди. Ҳозирги кунда халқ назарига тушган Б. Аббосов, Т. Ражабов, Қ. Усмонов, И. Раҳматуллаев, Ш. Мирзаев, Ф. Васильев ва бошқа кўпгина рубобчилар унинг шогирдларидир. Бутун шу давр ичида М. Мирзаевнинг ўзи ҳам халқ назарида, жамоатчилик ардоғида бўлди. Унга дастлаб жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, 1966 йилда эса Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонлари берилди. Бастакорнинг хизматлари орденлар, кўплаб медалар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

«Ўзбек рақслари ва қўшиқлари учун куйлар яратишда мен ўз ҳамкасбларим Ганижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Донн Зокиров, Набижон Ҳасанов, Саиджон Қалонов сингари истеъдодли бастакорлар билан биргаликда меҳнат қилганимдан фахрланаман,— дейди М. Мирзаев. — Биз «бир-биримизга шогирд, бир-биримизга устоз» бўлиб ижод қилдик. Чунки ҳар бир бастакорнинг ўзигагина хос, бошқаларда учрамайдиган но-

зик жиҳатлари бўлади. Ана шу нозик жиҳатларни зийраклик билан илғаб олиш, ўз ижодида яхши маънода фойдаланиш бошқалар яратган асарларга ёқимли таъсир кўрсатади, мусиқа маданиятини бойитади.

Энди дилимдаги орзуга келсак, — деб давом этади бастакор, — мен яратган куйларнинг катта бир қисми Ўзбекистон радиосида магнит тасмаларига ёзиб олинмаган. Умр ўткинчи эканлини, лекин биз яратган куйлар яна узоқ даврларгача халқимиз маънавий оламига озуқа бера олишини ҳисобга олиб, радиодаги дўстларимиз ганимат фурсатдан фойдаланиб қолишларини истар эдим».

Ҳозирги давр талабларидан келиб чиқсак, фахрий санъаткорнинг талаблари жуда ўринли кўринади.

### УНИ «ОТАШ» ДЕР ЭДИЛАР

1988 йил

Республикамиз томошабинлари ва санъат аҳллари кекса санъаткор Ваҳоб Азимовнинг номини эшитар эканлар, уларнинг кўз ўнгида бу талантили артист яратган ўнлаб ажойиб образлар, бу соҳир режиссёр саҳнага қўйган қанчадан-қанча спектакллар, бу ажойиб театр ташкилотчисининг қизгин иштироки билан вужудга келган ва камол топган республика ва вилоят театрлари гавдаланади. 1918 йилда ўзбек театрининг асосчиларидан бўлган Ҳамза Ҳакимзода ўзининг Қўқонда ташкил этган труппасини кўриқдан ўтказиш учун турли шаҳарлардан санъаткорларни чақиради. Бу кўриққа Андижондан борган ҳаваскорлар орасида Ваҳоб Азимов ҳам бор эди. Андижонлик санъаткорлар Ҳамза Ҳакимзода труппасининг репертуарини ўрганиб қайтадилар ва Андижондаги ҳаваскорларни тўлаб, бу труппага «Бирлашган ёш ҳаваскорлар мусиқа-драм труппаси» деб ном қўядилар. Труппа тез вақт ичида Ҳамза Ҳакимзода труппасининг репертуарлари асосида концерт программаси тузиб, томошабинлар меҳрини қозона бошлайди. 1919 йилнинг куз палласида Ҳамза Ҳакимзода труппаси Андижон ва Наманганга гастролга чиқади. Андижонлик ёш санъаткорлар Ҳамзани ва унинг труппасини зўр қувонч билан кутиб оладилар. Труппа ўзининг Андижондаги гастролларини тугатгач, андижонлик санъаткорлар Ҳамзанинг бу ерда қолиб, «Бирлашган ёш ҳаваскорлар мусиқа-драм труппаси»



ишига ёрдам беришини ўтиниб сўрайдилар, Ҳамза уларнинг илтимосини бажариб Андижонда қолади ва улар билан биргаликда қаттиқ меҳнат қилиб, қирқ кунга яқин вақт ичида «Шарқ кечаси» номли концерт программасини тайёрлайди. 1919 йилнинг 26 ноябрида ўтказилган бу кеча меҳнаткаш омма орасида ғоят кенг шуҳрат қозонади, кишиларнинг санъатга эътиқоди ва ҳурмати ортади. Ҳамза Ҳакимзоданинг зўр ғайрат-шижоати туфайли шу даврдан бошлаб бу труппа театрга айлантирилади ва давлат ҳисобига ўтади. Бу давр граждандар уруши ғоят авж олган давр эди. Мутаассиблар санъатга душманлик назари билан қарар, санъаткорларни ва театрга томошага борганларни турли йўллар билан таъқиб, таҳқир этар, иложи бўлса, ўлдирар эдилар.

Санъатни жон-дилидан севган Ваҳоб Азимов ана шундай қийин шароитларда театр соҳасига кириб келди ва қарийб қирқ йилдан бери бир кун бўлса ҳам ўз жонажон касбидан ажралгани йўқ.

Ваҳоб Азимовнинг Андижон театрида ижро этган дастлабки роли Ҳамза Ҳакимзоданинг «Капитал» инсценировкасидаги темир йўл ишчиси бўлди. Шубҳасизки, у вақтларда бошқа ўзбек артистлари сингари Ваҳоб Азимов ҳам актёрлик санъатининг нозик сирларини ўрганмаган, рус театри усталарининг ўйинларини кўрмаган, актёрлик маҳорати бўйича дурустроқ билим олмаган эди. Шунинг учун ҳам Ваҳоб Азимов дастлабки вақтларда роллар ижро этар экан, ҳар бир образнинг ички моҳиятини очишга, унинг асар умумий йўналишидаги аҳамиятини кўрсатишга, асар умумий оқимига бу образнинг ўзига хос таъсирини ифодалашга унчалик чоғи келмасди.

Классик ва замонавий драматургларнинг асарларини саҳнага қўйиш, рус санъат усталари билан дўстлашиш, Ҳамза Ҳакимзода, Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Музаффар Муҳамедов сингари истеъдодли ўзбек режиссёрлари билан тез-тез мулоқотда бўлиш Андижон театридаги бошқа артистлар сингари Ваҳоб Азимовнинг ҳам ижодий камолотга эришувида муҳим аҳамият касб этди. У жаҳон классик драматургларининг асарларида, шунингдек, рус, ўзбек ва бошқа қардош халқлар драматургларининг асарларида миллати, ёши, характери, яшаган даври турлича бўлган кўпдан-кўп қизиқарли ролларни ижро этди.

Андижон театри ташкил этилган дастлабки вақтлар-

дан бошлабоқ Ваҳоб Азимов ўз актёрлик фаолиятини режиссёрлик фаолияти билан қўшиб олиб бора бошладди. Шу нарса характерлики, ўша вақтларда ҳали ёш бўлган Яшин, Собир Абдулла сингарни драматургларнинг кейинчалик жумҳуриятимизда ва ундан узоқ-узоқларда машҳур бўлиб кетган пьесалари дастлаб худди Ваҳоб Азимов томонидан саҳнага қўйилган эди. Бу ўринда Яшиннинг «Ўртоқлар» ва «Нурхон», Собир Абдулланинг «Ойхон», «Тоҳир ва Зухра» асарларини эслаш кифоя. Унинг режиссёрлик фаолиятида пьеса авторлари билан узоқ ва қаттиқ ишлаш, ҳар бир асардаги ролларни актёрларга тақсимлаб беришдан аввал, ундаги барча икир-чикирларни тугатиб, пишитиб олиш муҳим аҳамият касб этади. У ўзи саҳнага қўймоқчи бўлган асарнинг сюжет ва композицияси, бунда ҳар бир персонажнинг ўрни ҳақида автор билан яхлит бир фикрга келиб олганидан кейин асар коллектив ичида янгидан ўқиб чиқилади, артистлар билан ишлашнинг янги босқичи бошланади. Ваҳоб Азимов томонидан кейинчалик саҳнага қўйилган «Гулсара» «Қурбон Умаров», «Бой ила хизматчи», «Лайлихон ва Анорхон» сингарни спектакллар ана шундай оғир ва масъулиятли меҳнатнинг натижаси сифатида майдонга келди.

Қирқинчи йиллар ўрталаригача Ваҳоб Азимов Муқимий номли республика мусиқали драма ва комедия театрининг бош режиссёри лавозимида ишлади. Бу даврда бир неча асарларни саҳнага қўйди, турли спектаклларда актёр сифатида энг масъулиятли ролларни ижро этди. Тошкент томошабинлари айниқса «Нурхон» спектаклидаги илонинг ёғини ялаган устмон, золимликнинг машқини олган Ҳожини ролини Ваҳоб Азимов тенгсиз маҳорат билан ижро этганлигини ҳали-ҳали яхши эслайдилар. Ҳожини — умр бўйи кишиларга, жабр-зулм қилавериш инсоний қиёфасини бутунлай йўқотган, пул-мол учун, ўзининг сохта мавқенини сақлаб қолиш учун энг муқаддас нарсаларни, ҳатто ўз онасини ҳам қурбон беришга тайёр турган олчоқ бир шахсдир.

Шунинг учун ҳам у ўз хотинини «жонини олиб қўйган». Ҳожининг бир қарашинёқ хотини Қимёни дир-дир титратади, ўғли ва қизидаги дадилликни синдиради. Ҳожини ўз қизи Нурхонни қари Саркорга сотмоқчи бўлади. Нурхон ва онасининг бу адолатсиз ишга қаршилик кўрсатишлари Ҳожини шу қадар ғазаб отишга миндирадигани, у Қимёни бўғиб ўлдираёзди. Севгили-

си билан қочиб кетган Нурхонни ўлдиртириш, шу йўл билан ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйиш учун ўғли Муҳаммадхонни қотилликка мажбур этади, бу йўлда мол-дунёни аямайди. Ваҳоб Азимов Ҳожи қиёфасида сахнага кириб келар экан, залдагилар юрак ҳовучлаб туришар, аёллар ўкириб йиғлашгача етар, эркаклар сахнага чиқиб Ҳожини бурдалаб ташлашга тайёр бир алфозга тушар эдилар. Ваҳоб Азимов бу ролни ижро етар экан, овозини баланд ҳам кўтармас, Ҳожининг бутун чиркин моҳиятини «ими-жими»да кўрсатар, фақат унинг «жаҳли чиққан»да кўзлари ниҳоятда даҳшатли боқарди. Унинг сахнадаги ҳар бир ҳаракати, ҳар бир мимикаси образнинг ички дунёсини қадам-бақадам очиб беришга хизмат қиларди.

Қирқинчи йиллар ўрталарида Ваҳоб Азимов илгари тарқаб кетган уйғур театрини қайтадан ташкил этиш учун Андижонга чақирилади ва бир неча йил мобайнида шу театрнинг бадиий раҳбари ва бош режиссёрни бўлиб ишлайди. Кейинги йиллар ичида у Охунбобоев номли Андижон мусиқали драма театрининг энг етук актёрларидан бири сифатида ишлаб келмоқда. Шу давр ичида у театрда сахнага қўйилган деярли барча спектаклларда мана ман деган ролларни ижро этмоқда. «Бой ила хизматчи»даги Солиҳбой, «Рус масаласи»даги Макферсон, «Қароқчилар»даги кекса Моор, «Алишер Навоий»даги Мажиддин, «Ревизор»даги Земляника, «Ромео ва Жульетта»даги Монах ва бошқа кўплаб образлар Ваҳоб Азимов томонидан ўзига хос, янгича талқин этилди. Бу спектаклларни кўрганда Ваҳоб Азимовнинг актёрлик маҳоратига турли амплуадаги ролларни у деярли бир хилда катта куч билан ижро этишига тан бермай иложингиз йўқ. Қаранг, «Нурхон»даги Ҳожи билан «Ромео ва Жульетта»даги Монах тамоман бошқа-бошқа даврда, бири ғарбда иккинчиси шарқда яшаган, бошқа-бошқа синфларнинг вакиллари бўлган, ҳаётга муносабати, характери ва бутун вужуди билан бир-бирига зид бўлган кишилардир. «Нурхон» даги Ҳожи образи қандай махлуқ эканини илгариларни бахтли қилиш учун ҳамма нарсага, ҳатто ўз ҳаётини хавф остига қўйишга ҳам тайёр турган, ҳамма соҳада ҳалоллик, поклик рамзи бўлган нуруний қарияни кўрамыз.

«Мен ҳар бир роль устида иш бошлашдан олдин асар яратилган даврни кўз олдимга келтираман, асар-

нинг яратилишига нималар, кимлар, қандай воқеалар сабаб бўлганлиги билан қизиқаман, асарда илгари сурилган бош ғояни пухта идрок этишга интиламан. Мен ижро этадиган роль асарнинг бош ғояси очилишига қайси жиҳатлари билан хизмат қилиши кераклигини белгилаб олганимдан кейингина матн устида ишлашга киришаман. Персонаж талаффуз этадиган ҳар бир сўзнинг аниқ нозик маъносини томошабинга етказишга интиламан, бўлар бўлмасга овозга зўр бермайман, ташқи бежамаликдан қочаман», деган эди биз билан суҳбатда Ваҳоб Азимов. Кекса санъаткорнинг бундай иш услубида ҳозирги ёш актёрлар учун марғуб жиҳатлар кўп, деб ўйлаймиз.

Ваҳоб Азимовнинг режиссёрлик ва актёрлик фаолиятидан ташқари унинг ҳаваскорлик тўғарақларидаги самарали фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. У бир неча ўн йил давомида ҳаваскорлик тўғарақларига раҳбарлик қилиб, улардан профессионал актёрлар етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшди.

Ваҳоб Азимовнинг ўзбек театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари халқ томонидан юксак тақдирланди. 30-йиллардаёқ унга Ўзбекистон халқ артисти деган фахрий унвон берилди.

Салкам 50 йил мобайнида санъат соҳасида катта ишлар қилган Ваҳоб Азимовни сафдошлари унга қойил қолиб «оташ» деб аташарди. У чиндан минглаб кишилар қалбига санъат оташини ёқиб, ўзи ҳам ҳар лаҳза санъат ишқида ёниб яшади.

## САНЪАТГА ФИДО УМР

Шораҳим ота билан танишганимда у киши етмиш ёшлар чамасида эди... Иккинчи жаҳон уруши эндигина тугаган, аммо иқтисодий соҳадаги қийинчиликлар ҳали шундоққина турган қирқинчи йилларнинг ўрталари. Уруш даврида Тошкентнинг Октябрь районидаги Қалонхона маҳалласида ташкил этилган «Ҳурматли қариялар чойхонаси» ўша йилларда халқ ўртасида афсонага айланиб кетган кекса ўқитувчи Ҳасан ота Исломов раҳбарлигида ишлаб турар, бу чойхонага Ҳабибий, Ҳақирий, Соқий, Сайфий, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли сингари отахон шоир ва ёзувчилар, созлар сеҳргари Уста Усмон, Уста Абдураҳмон, ўша маҳалла фуқароси бўлмиш Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовдек машҳур ҳофизлар ҳар куни — кун ора келиб ту-

ришни, тўрт йиллик уруш даҳшатларидан эндигина қутулиб, бағрига шабада тега бошлаган, шеърят ва санъатга ташна мўсафидлар хизматида бўлишни ўзларининг виждон бурчлари деб билар эдилар. Чойхонада ҳар кунни ўтказиладиган оммавий-сиёсий тadbирларнинг бадий қисмини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш ўзбек куйларининг тирик қомуси Шораҳим Шоумаров зиммасида эди.

Ана шундай йиғинлардан бирида Шораҳим ота ўзи ясаган забардаст танбурини қўлга олиб, машҳур «Чоргоҳ»ни ижро этди... Мулла Маматбува, Мамажон ҳожиди, Фулом қадоқчи, Акмалхон ва Шоқосим акалар аскиясидан қаҳ-қаҳ уриб, дунё ташвишларидан фориғ ўлтирган оқсоқоллар Шораҳим ота хонниш бошлаши билан дастлаб сергак тортиб, аста-секин унинг сеҳрига сингиб кетишди. Юз эллик-икки юз нафар одам тиззама-тизза ўлтирган чойхонада гўё куй ва хоннишдан бўлак ҳеч нарса йўқдай, у бўм-бўшдай эди. Ҳазрат Навоийнинг:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ энди фан қилгил,  
Кўзум қаросига мардум киби ватан қилгил, —

матлаи билан бошланадиган «Чоргоҳ»нинг ҳар бир сўзи маъносини куйдаги тингловчининг қалб қаърига бориб етадиган ҳар бир ноласини афсоналардаги оби ҳаётдек сўнгги томчисигача сипқормоққа қасд қилган жамики шинаванда учун ҳозирги лаҳзада шу хоннишдан бўлак олам йўқ эди...

Сеҳрли хониш тугади. Аввалги бир неча лаҳза ичиди унинг тугаганини сезмагандек ҳар ким турли алфозда хаёл денгизига чўкканча ўтирарди. Ниҳоят кимнингдир қаттиқ хўрсиниши ва хонанда ўз танбурини деворга тираб қўяётгандаги «тиқ» этган товуш ҳаммани бир лаҳзанинг ўзида хушёр торттирди. Ана шундан кейин чойхона худди одам лиқ тўла стадионда рақиб дарвозасига чиройли тўп киритилган лаҳзаларни эслатадиган ўта ёқимли сурон ва қарсакка тўлди. Юзларча қалблардан отилиб чиққан тасаннолардан сўнг ҳар бир қария Шораҳим ота репертуаридан ўз дилига энг яқин бўлган ашулани айтиб беришни илтимос қила кетади, Бировга Муқимий ғазалига Ҳайратий мухаммаси билан айтиладиган «Шаҳнози гулёр», бировга Мискин шеъри билан айтиладиган «Тошкент ироғий», бировга Фурқат ғазали асос бўлган «Савти дугоҳ» керак ва ҳоказо. Бундай пайтларда Шораҳим оти чарчаш

нималигини хаёлига ҳам келтирмасди. Асл шинаванде бор жойда хонандадан ҳорғинлик қуёшдан қочган кўршапакалдек ғойиб бўлади. Оқсоқолларнинг истаклари навбатма-навбат бажо келтирилади. Лекин ҳақ бир ашула орасида Шораҳим ота уч-тўрт минут мобайнида энди ижро этиладиган хонишнинг тарихи, унқайси даврда қайси улкан ҳофиз айтганлиги, кимдан-кимга ўтиб, бизнинг давргача етиб келганлиги ва бошқалар ҳақида ақлларни лол қолдирувчи маълумотлар беради. Бу эса ўз навбатида тингловчининг янги хонишга бўлган қизиқиш ва муҳаббатини янада оширади. Шу тариқа суҳбатли концертларда машҳур ижрочилар билан биргаликда таниқли мусиқашунослар ҳам қатнашгани сингари катта самара беради, бой мусиқа меросимизни халқ орасида кенг ёйишга хизмат қилади.

Хуллас, ўша кунги ҳурматли қариялар йиғинида Шораҳим Шоумаров ижро этган хонишлардаги сеҳрли бир куч мени ҳам қаттиқ ром этган эди. У кишининг жиянлари, хонанда Шоолим Шожалилов билан ёшликдан дўст эканлигим Шораҳим ота билан танишувимни осонлаштирди. Шундан сўнг у киши билан тез-тез суҳбатлашиниш ва ҳозирги тил билан айтганда, ижодий лабораторияларига кириб бориш имкони туғилди. Менинг мақомлар тарихига, халқ куйларига қизиқишимни кўрган Шораҳим ота яйраб кетарди, ижрочидан гоят катта маҳорат, қудратли овоз, жисмоний куч талаб этадиган ва одатда таниқли ҳофизлар катта давралардагина айтишни лозим кўрадиган ашулаларни ёлғиз менинг ўзим учун айтиб берар, қизиғи шундаки, гўё хонишини тумонат одам тинглаётгандай овозини охириги чегарасигача ишга солиб, бор қуввати билан айтиб берар ва бундан ўзи алоҳида маънавий ҳузур топар эди. Шораҳим ота шу тариқа ижро этган «Кўчабоғи», «Абдурахмонбеги», «Чорзарб» сингари кўпдан-кўп ашулалар худди кечагидек ёдимда сақланиб қолган.

Орадан ўн йил чамаси вақт ўтгач, 1956 йил 1 январдан «Ўзбекистон маданияти» газетаси чиқа бошлади. Дастлабки ҳафтадаёқ газета бош муҳаррири Мумтоз Муҳамедов қақриб, ўзига Тошкент мусиқа техникумида таълим берган устози Шораҳим Шоумаров 80 ёшга тўлганлиги, шу муносабат билан бу табаррук зот ҳақида газетада бериладиган, ёш бир журналист ёзган материални тайёрлашни, тўғрироғи, янги фактлар билан бойитиб, қайта ёзишни менга топширди. Мен қанот

пайдо қилиб Шораҳим отанинг Губозор маҳалласидаги ҳовлиси томон учдим. Бу вақтда машҳур ҳофизнинг кўзи бир қадар ожиз бўлиб қолган, аммо унинг олди-дан дўстлари, ҳамкасблари асло аримас эди. Мен борган тўққизинчи январь куни чоғроқ меҳмонхонадаги сандал атрофида у кишини санъат соҳасидаги қирқ йиллик ҳамкори, драматург Хуршид билан қизгин суҳбат устида учратдим. Биз ҳам қўшилгач, суҳбат қизгандан қизиб кетди. Мақсадимизни англаган Шораҳим ота ўз ҳаёт йўлини ҳар сафаргидан кўра ҳаяжонлироқ тарзда, энг характерли тафсилотлари билан сўзлаб берди.

1876 йилда Тошкентда иморатсоз уста оиласида дунёга келган Шораҳим Шоумаровнинг қалбига куй ва қўшиққа ҳавас она алласи билан бирга кирган экан. Бунинг устига тез орада тоғаси Мулла Тўйчи Ҳофиз эл орасида шуҳрат топиб, Муқимий, Фурқат, Камий, Хислат, Мискин каби шоирлар, Адбуқаҳҳор, Мадумар, Макайлнк, Балиқчи, Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим каби ҳофизлар, Абдулла фонусчи, Юсуфжон қизиқ каби кулги усталари унинг уйига ташриф буюрган паллаларда ёш Шораҳим уларга бажонидил хизмат қилар, уларнинг анжуманида ижро этилган ҳар бир куй ва ашулани, ўқилган шеърни, айтилган аския пайровларини жон қулоғи билан тинглар, бу ҳол унинг санъаткорлик касбига бўлган рағбатини кун сайин оширарди.

Кунлардан бир куни ўз даврининг улкан санъаткори Мирзоқосим Исмоилбоев Тўйчи ҳофизни кига меҳмон бўлиб келди. Мирзоқосим ҳофиз асли андижонлик бўлиб, ўтган асрнинг 80-йиллари бошида Тошкентга келган ва Бешёғоч даҳасининг Чақар маҳалласидан ҳовли-жой қилиб, қолиб кетган эди. Форс-тожик ва ўзбек классик шоирларининг шеърлари билан айтиладиган мақом йўлларининг тенгсиз устаси бўлмиш бу санъаткор Тўйчи ҳофиздан ўз жиянини шогирдликка беришни илтимос қилди. Мирзоқосим ҳофизга ихлоси баланд Тўйчи ҳофиз унинг илтимосини мамнуният билан қабул қилди. Шораҳим Шоумаров мақомнинг Тошкент йўлларининггина эмас, балки Фарғона йўлларининг ҳам катта билимдони даражасига кўтарилмиш ўн йилдан ортиқ давом этган ана шу шогирдликнинг ажойиб маҳсули ҳам экан.

Кейинчалик Шораҳим Шоумаров Тўйчи ҳофизнинг шогирди ва ҳамнафаси сифатида бу улкан санъаткордан мақом сирларини ўрганди, асрлар давомида ав-

лоддан авлодга ўтиб яшаб келаётган сеҳрли куй ва хонишларга ўзига хос талқин ва сайқал берадиган бўлди.

Юртимизда Октябрь тўнтариши рўй берган 1917 йилда Шораҳим Шоумаров ёши қирқдан ошган; қарийб ўттиз йил давомида халқ санъати бойликларидан баҳраманд бўлиб, элга танилган ижодкор эди. Санъатни чинакамига яшнатиш учун, халқнинг бой меросини янада гўзаллаштириб, унинг ўзига гулдастадек тақдим этишни ўйлаган Шораҳим Шоумаров революциянинг дастлабки ойларида бошлаб акаси Шожалил Шоумаров билан биргаликда Санъат ходимлари союзи (союз Рабис)ни ташкил этишда фидойилик кўрсатади. Натижада тез орада бу союз тузилиб, ўша даврнинг энг машҳур ва истеъдодли санъаткорлари унинг атрофида бirlашади.

1919 йил бу санъат фидойисининг ҳаётида алоҳида аҳамият қасб этди. Ўша йили Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Туркистон халқ консерваториясининг бўлими ташкил этилди. Уни ташкил этишга 1913 йилда Петербург консерваториясини тугатиб, Тошкентда хизмат қилаётган атоқли рус композитори, этнографи, мусиқашунос Виктор Александрович Успенский бошчилик қилмоқда эди. В. А. Успенский консерваторияда дарс бериш учун маҳаллий санъаткорлар орасидан ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан тайёргарлиги пухта кишиларни танлар экан, биринчи навбатда Шораҳим Шоумаровни бу масъулиятли ишга лойиқ деб ҳисоблайди. Рус ва ўзбек мусиқаси фидойилари бўлмиш бу икки йирик санъаткор орасида роса ўттиз йил давом этган ғоят самарали ижодий ҳамкорлик шу тариқа вужудга келди. 1922 йилда улар биргалашиб, Тошкентда мусиқа техникумини ташкил этишга бошчилик қилдилар. Бу техникумда Шораҳим Шоумаров йнгирма йил чамаси ўқитувчилик қилди, маҳаллий ёшлардан юқори малакали мусиқачилар етиштиришда зўр фаолият кўрсатди. Кейинчалик ўзбек санъати тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган академик Юнус Ражабий, Ўзбекистон халқ артистлари Имомжон Икромов, Саиджон Калонов, Ўзбекистон халқ ҳофиси Шоқосим Шожалилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илёс Акбаров, Ўзбекистонда хизмат кўратган артистлар Пўлатжон Раҳимов, Абдумутал Абдуллаев сингари машҳур кишилар мусиқа арбоблари Шораҳим Шоумаровнинг ана шу техникумдаги истеъдодли шогирдлари эди.



Ўзбекистонда дастлаб саҳнага қўйилган йирик мусиқали асарларнинг вужудга келиши ҳам Шораҳим Шоумаров номи билан бевосита боғлиқдир. Драматург Хуршид асари асосида Ҳамза номли Ўзбек академик драма театрида илк бор саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин» асарининг мусиқалари Шораҳим Шоумаров омонидан танланганлиги санъатимиз тарихидан маълум. 1929 йилда саҳнага қўйилган ва бош ролни Аброр Ҳидоятлов, Абдулҳақ Султонов сингари истеъдодли актёрлар ижро этган бу асар мусиқаси халқ куйлари ва мақомларни узоқ ўрганиш, янгича тартибга солиш натижасида вужудга келган эди. Бунда бастакор мусиқа асар воқеаларининг ривожига тўла мувофиқ бўлиб, персонажлар характери, ички дунёси ва руҳий ҳолатларини тўлароқ очинишга хизмат қилишини назарда тутган эди.

1927 йилда Ўзбекистон радиосида халқ чолғу асбоблари ансамбли ташкил этилгач, Шораҳим Шоумаров техникумдаги ишни радиода хонанда ва созандалик билан қўшиб олиб борди. Бу ерда у ўз сафдошлари ва шогирдлари билан ҳамкорликда бой қўшиқ репертуари яратилишида, ўзбек халқининг янги ҳаётини акс эттирувчи мусиқа асарлари омма орасида кенг ташвиқот қилинишида фидокорлик намуналарини кўрсатди.

Ўрта Осиё халқлари мусиқа тарихини қунт билан ўрганган, уларни қайта-қайта нашр эттириб, келгуси авлодлар учун муҳраб қолдирган санъатшунослик доктори В. А. Успенский 20—30-йилларда ўзбек мақомларининг чолғу ва ашула йўлларини ёзиб олишга киришар экан, ўша даврнинг Ота Жалол, Ота Ғиёс каби йирик санъаткорлари қаторида энг ишончли манбалар соҳиби сифатида қадрдон дўсти Шораҳим Шоумаровни танлаганлиги бежиз эмас. Зотан, ўттизинчи йиллар ўрталарида В. А. Успенский «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасини, кейинроқ эса Г. А. Мушель билан биргаликда «Фарҳод ва Ширин» операсини яратар экан, асарининг биринчи мусиқали вариантга Ш. Шоумаров танлаган куйлар ажойиб материал бўлиб хизмат қилган эди. Шу тариқа В. А. Успенский Ш. Шоумаровдан мақомларнинг бутун бир туркуминини ва кўп-лаб халқ қўшиқларини ёзиб олди.

Янги давр мусиқа маданиятининг йирик арбоби В. А. Успенский Ш. Шоумаровдан ёзиб олинган бу санъат дурдоналарини нашр эттириш вақтида уларга характеристика берад экан. Шораҳим отанинг ижроси

Ўзининг ёқимлилиги, аниқ оҳанги билан ажралиб туришини кекса санъаткор ўзи ижро этган куй ва ашуланинг тарихига оид кўпдан-кўп материалларни билишини, ҳар бир мусиқанинг ўзига хос жиҳатларини намойиш этишини таъкидлаган эди.

Шораҳим Шоумаровнинг катта хизматларидан яна бири шундаки, у ғижжак, катта ғижжак, тапбур, байжо каби созларга ўзгартишлар киритиб, янгидан ясади, ўзи кутган натижаларга эришди.

Санъатни чинакамига идрок этган бахтли инсон икки марта умр кўради: бир умри ўзининг кундалик ҳаёти, иши, оиласи, дўстлари орасидаги умри бўлса, иккинчиси — сеҳрли санъат оламидаги умридир. Тўқсон йилдан зиёд баракали ҳаёт кечирган Шораҳим Шоумаров умрини юқоридаги қоидага кўра иккига кўпайтирсак, яна ҳам мароқли манзара ҳосил бўлади. Умрининг саксон йилини санъат чаманида кечирган бу табаррук зотнинг ҳаёти у ўз халқига мерос қилиб қолдирган мусиқа асарларида, шогирдларининг ажойиб ишларида боқий давом этаверади.

1984 йил

## СУЛОЛА

Забардаст шоир Фурқатнинг кўпдан-кўп сеҳрли мисралари орасида: «Қилиб ёд ўтган умримни чаман оби равонидан», деган ажойиб сатр ҳам бор. Чиндан ҳам хуш ўтган инсон умрини чамандан шитоб билан оқиб ўтиб кетган ариқ сувига ўхшатнинг келади, киши. Шу ўхшатиш бонс бўлиб, бир воқеани эсладим-у, лекин шундан буён ўттиз йил ўтганига сира-сира ишонгим келмайди. 1956 йил январь ойининг бошлари. «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасининг биринчи сони чоп этилиб, газетхонлар орасида катта қизиқиш туғдирган кунлар. Шу газета редакциясида адабий ходим эдим. Газетанинг бош муҳаррири, ёзувчи Мумтоз Муҳамедов мени хонасига чақириб, бир табаррук санъаткорнинг 80 йиллиги муносабати билан газетанинг яқин сонларидан бирига материал тайёрлашни уқтирди. Муҳаррир айтган машҳур санъат арбобини чамаси ўн йилдан бери танир, унинг жонбахш хонишларию камтарин суҳбатларидан кўп баҳраманд бўлган эдим. Гап Фарғонада Ҳамза Ҳакимзода ва Муҳиддин Қориёқубов, Хоразмда Шерозий Ёқубов, Бу-

хоро ва Самарқандда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодов, Тошкентда Маннон Уйғур, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Хуршид сингари фидойилар билан биргаликда янги ўзбек театри ҳамда мусиқа санъатининг тамал тошини қўйган Шораҳим Шоумаров ҳақида бормоқда эди. Топшириқни бажаришга киришар эканман, анчадан буён Шораҳим ота ҳақида ёзишга жазм қилиб юрган бошқа бир ёш журналист билан ҳаммуаллифлик қилишга тўғри келди. Суюниб кетдим. Бир ақлдан кўра икки ақл яхши-да.

1986 йилнинг ўзбекча календарини варақлаб ўтирсам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шораҳим Шоумаров тавваллудининг 110 йиллигига атаб материал берилибди. Фурқатнинг юқоридаги ўйноқи ва доно мисраси шунда «лоп» этиб хаёлимдан кечди.

Пурвиқор тоғлар ёнида қанчадан-қанча силсилалар бўлганидек, санъатнинг ҳали кўпчилиikka маълум бўлмаган водийларига дастлаб ёлғизоёқ йўл очадиган, сўнгра ўз ортидан санъат ихлосмандларини гурра-гурра бошлаб борадиган фидойилар ҳам ҳеч қачон чўлдаги саксовулдек якка ҳолда шўппайиб турмайдилар. Уларнинг атрофида шундай улкан жасоратга илҳомлантирадиган, даъват этадиган, кўмаклашадиган кишилар бўлади. Санъатда мўъжизалар шу тариқа яратилади. Шораҳим Шоумаровнинг мўъжизакорлиги ҳам шундай рўй берди.

Аслида-ку, унинг отаси иморатсоз, иморатсоз бўлганда ҳам ёғочга гул ўйиш ҳунарини чинакам санъат даражасига кўтарган, қўлига тушган ёғочни гапиртириб, куйлатиб юборадиган қўли гул уста эди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, Тўйчи ҳофизнинг жиянлари Шожалил билан Шораҳим оталаридан ўрганган ёғоч ўймакорлиги касбини янги йўналишга солиб, қўлларига тушган энг сара ёғочлардан дотор, танбур ясайдиган, ўзлари ясаган созлар билан тоғаларига жўр бўлиб катта-кичик давраларга қатнайдиган бўлдилар. Уста Шоумар ўз ўгилларининг ўша вақтларда халойиқ ўртасида турли маломатларга сабаб бўладиган санъаткорлик йўлини танлашларига сира-сира раъий йўқ эди. Шожалил билан Шораҳимнинг ўзи ҳам бу ишни вақтинчалик кўнгилхуши деб ҳисоблашарди.

Лекни... Лекни бир воқеа рўй берди-ю, улар санъатга мангу сеҳрланиб қолдилар. Бу унутилмас воқеа-

ни менга Шоқосим Шожалилов ўз отаси оғзидан қандай эшитган бўлса, шундай ҳикоя қилиб берган эди. 1889 йилнинг кузида Тўйчи ҳофиз уйланадиган бўлди. Ҳаммаҳалла дўсти Мансурқорини тўйга таклиф этиш учун у таҳсил кўраётган Кўкалдош мадрасасига тушган эди. Мадрасадагилар Мансурқори кўқонлик бир толиби илм билан Гурунч қаипондаги укаси Носиржоннинг дўконига тамадди учун кетганини айтишди. Носиржоннинг дўконига борса, Мансурқорининг ёнида ораста кийинган, хуштаъб, хушсухан, кўркам йигит чиройли ғазаллар ўқиб, ҳамсухбатларини ўзига ром қилиб ўтирган эди. Суҳбатаро йигитни Тўйчи ҳофиз билан таништиришди. Йигит ўз даврининг машҳур шоири Зокиржон Фурқат эди.<sup>1</sup>

Зокиржон Фурқат янги дўсти Тўйчи ҳофизнинг ниқоҳ маросимида Шожалил ва Шораҳим ясаган одмигина танбурни қўлига олиб, шунақанги сеҳрли садолар таратдики, ака-ука танбурсознинг ўз ҳунарларидан бошлари осмонга етди. Тўйчи ҳофиз билан қалин дўст бўлиб қолган Зокиржон Фурқат оз фурсатда унинг ижроси учун ўнларча ғазаллар битиб берди, ўртадаги бу дўстликдан мангу хотира бўлиб қоладиган алоҳида бир ғазални Тўйчи ҳофиз номига мувашшах тарзида яратди. Мана ўша ғазал:

Терму тоби бодадин рухсори аҳмар устида?  
Қатра-қатра ёки шабнамдур гули тар устида?  
Ўсмалик қошларму ё шамшир қондин занглиқ,  
Ёки нистоқи тўқулмуш ранги аҳзар устида?  
Юз уза кокулмудур ҳар сори печу тоб ила,  
Ғажжи ҳуснингму ётур ё икки аждар устида?  
Чеҳра очдингму бу тадбир-ла чаманда толдилар  
Хаста булбул гул уза, қумри санабар устида?  
Хоги пойингни талошур кўзга эл сурмоқ учун,  
Оре, ҳар ерда ҳужум айлар гадо зар устида,  
Икки жоду парғисинг солгай жаҳонга фитналар,  
Бўламаса урғи қошингдин икки ханжар устида.  
Нозанин, сен танила истигини, худ бори гарон,  
Ноз дебоси назокат хулиқ пайкар устида.  
Фурқатий қошу кўзингдин фитналар кўрди, балл,  
Шўрини ўлмоқ расмдур ой тугса ахтар устида.

<sup>1</sup> Мансурқори Фурқатнинг қадрдон дўсти экани «Армуғони Хислат» китобида (1912 йил) махсус қайд этилган, унинг укаси Носиржонга атаб Фурқат «Йонлар садақа Носиржон, кунда борамиз, сиз йўқ», деб бошланадиган ғазал ёзганлиги маълум.

Ғазалнинг ҳар бир байти бошидаги ҳарфларни тартиб билан териб чиқилса (бунда араб алифбосига кўра олтинчи байтдаги «икки» сўзи алиф, яъни «а» ҳарфи билан бошланиб, сўз ўртасида «о» тарзида ўқилишини назарда тутиш лозим), ундан «Тўйчиҳон» номи аниқ кўринади.

Бугина эмас, Тўйчи ҳофиз ва жиянларини санъат шинавандалари таклиф этар эканлар, унинг шоир дўсти ҳам бирга ташриф буюришини орзу қиладиган бўлдилар. Фурқат кўп ҳолларда узр айтар, бироқ ҳаммиша ҳам улкан санъаткор дўстининг раъйини қайтараверишни муносиб кўрмай, бўш пайтларида гап-гаштак ёки базмларга биргалашиб борар, сеҳрли шеърларни ўқиб, анвои ривоятларни сўзлаб, давраларга кўрк бағишларди.

Икки тенгсиз санъаткорнинг бундай ҳамкорлиги узоқ давом этмайди. Орадан бир ярим йил чамаси вақт ўтгач Зокиржон Фурқат Ватанидан абадий жудо қилинди. Фурқат кетди-ю, Тўйчи ҳофиз ҳаётининг охириги кунларигача Фурқат ғазални мақом куйларига солиб, сўнгсиз эҳтирос билан ижро этди. Фурқат кетди-ю, Шожалил билан Шораҳим унинг танбур чалишдаги сеҳрига бир умр боғланиб, ўзларини санъатга бахшида этдилар. Фурқат кетди-ю, Тўйчи ҳофиз авлодларидан санъаткорларнинг бутун бир сулоласи етишиб чиқди.

Тўйчи ҳофиз ўзининг Абдуқаҳҳор, Мадумар, Макайлик сингари машҳур фарғоналик ҳофизлардан, тошкентлик Иса ҳофиз ва Мирзо Қосим ҳофизлардан ўрганган ашула йўлларини Шожалил ва Шораҳимга ҳам, кичик жиянлари Шоқосим, Шоалим Шожалиловлар, Абдумутал Абдуллаевга ҳам, ўғиллари Абулқосим, Тўлқин ва Эркинга ҳам, невараси Аҳмад Маҳмудовга ҳам, яна қанчадан-қанча яқин-узоқ қариндошлари ва шогирдларига ҳам ўргатди. Шу тариқа халқимизнинг кўп асрлик бой мусиқа меросини ҳар бири ўзига хос йўл билан ижро ва тарғиб этадиган санъаткорларнинг бутун бир сулоласи етишиб чиқди.

Ўзбек қўшиғининг ифтихори Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Юнус Ражабий, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Берта Давидова каби устоз хонандаларнинг ўзлари ҳам Тўйчи ҳофиздан ижрочилик сабоғи олганликларини қўшимча қилсак, бу сулоланинг ўзбек санъати тараққиётидаги бебаҳо ҳиссаси янада ойдинлашади.

1927 йили Ўзбекистон радиоси қошида ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил топгач, унга Тўйчи ҳофиз ҳам, Шожалил ва Шораҳим Шоумаровлар ҳам, Шоқосим Шожалилов ҳам жалб этилди. Шу тариқа истеъдодли хонанда ва созандаларни тарбиялайдиган яна бир катта марказ пайдо бўлди. Шундан сўнг ўтган салкам 60 йил мобайнида бу оркестрда хизмат қилиб, истеъдодини камол топтирган санъаткорларнинг деярли барчаси Тўйчи ҳофиз санъаткорлик сулоласининг бевосита ёки билвосита шогирдлари бўлишди.

Тўйчи ҳофиз ҳамда Шораҳим Шоумаровнинг овоз имкониятлари ниҳоятда кенг бўлган 20—30-йилларда овоз ёзиб олиш техникаси ҳали анча қўйи босқичда бўлиб, улар ижросидаги бутун бойликни тингловчиларга етказиш ва келажак насллар учун асл ҳолича сақлаб қолиш имкониятлари чекланган эди. Шунга қарамай, бу икки йирик санъаткор ўзлари тинглаган, ўрганган, ижро этган жуда кўп қўшиқ ва куйларни келгуси асрлар ва наслларга етказишнинг хилма-хил йўлларини излаб топдилар. Бу олижаноб ишни амалга оширишда бир томондан уларнинг етук рус мусиқа-шунослари билан дўст ва ҳамкорлиги, иккинчи томондан, улар раҳбарлигида мусиқа саводини, нота ёзувини ўрганган истеъдодли шогирдларнинг ғайратшижоати асқатди. В. А. Успенский, П. Н. Миронов, Ю. Ражабий, И. Акбаров сингари мусиқа алломалари Тўйчи ҳофиз ҳамда Шораҳим Шоумаровдан ўзбек мақомларининг бутун бир туркуминини, Тошкент ва Фарғона водийси ашула йўлларининг кўпчилигини ҳам нотага, ҳам овоз ёзув аппаратларига ёзиб олишди. Бундан ташқари, икки йирик санъаткор бир неча ўн йил давомида ўзбек халқи мусиқа бойликларини грам-пластинкаларга ёзиб, омма орасида кенг ёйишда, келажак учун сақлаб қолишда катта ташкилий ишларни амалга оширдилар.

Тўйчи ҳофизга Ўзбекистон Марказий Ижроня Қомитети Меҳнат Қаҳрамони ҳамда Республика Халқ ҳофизи унвонларини берган бўлса, унинг сулоласидан бўлмиш Шораҳим Шоумаров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Шоқосим Шожалилов Ўзбекистон халқ ҳофизи, Абдумутал Абдуллаев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонларига сазовар бўлдилар.

Бу сулоланинг яна бир шохобчаси ажралиб чиқ-

қан: Шораҳим Шоумаровнинг ота касби ёғоч ўймакорлиги эканлигини илгарироқ айтган эдик. Маълумки, бу касб рассомлик касби билан чамбарчас боғланиб кетади. Шораҳим отадан иморатсоз усталикни, айниқса, ёғоч ўймакорлигини пухта ўрганиб олган ўғли Шоназар Шораҳимов бу касбни янги давр санъатига хизмат қилдиришни ўйлар экан, безакчи-рассомликни ўзи учун энг муносиб ҳунар деб билди. Аста-секин турли спектакллар безаклари учун эскизлар чиза бошлаган Шоназар эл назарига тушди, республиканинг энг йирик театр рассомларидан бири бўлиб етишди. У кўп йиллар мобайнида А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театрининг бош рассоми лавозимида ишлади, У театрининг ўнларча спектаклларига чизган безаклар саҳна асарлари таъсир кучини ошириб юборди. Халқимизда «Олма пишиб, тагига тушади» деган ажойиб бир мақол бор. Шоназар Шораҳимовнинг ўғли Тўйғун Шораҳимов эндиликда ота ўрнини босиб, худди шу театрининг энг мураккаб, энг масъулиятли спектаклларини безамоқда. Шоназар Шораҳимов ҳам, Тўйғун Шораҳимов ҳам Шораҳим отанинг ўзи каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига эга бўлганлар.

Бир оиланинг ўзидан уч нафар санъат арбоби етишиб чиқди. Шу тариқа ворислик давом этмоқда. Шораҳим Шоумаровнинг ёғочга гул ўйиши, ундан ўзи истаган шаклни, ўзи истаган буюмни ясай олиш маҳорати устоз санъаткор фаолиятининг яна бир олмос қирраси намоён бўлишига олиб келди. Хонандалик ва созандаликда бир неча ўн йиллик тажриба тўплаган, ғоят хилма-хил хониш ва куйларни ижро этган Шораҳим Шоумаров ўзига маълум бўлган мусиқа асбобларининг баъзилари ўша куйларнинг бутун тароватини, нозик жиҳатларини тингловчига кўнгилдагидек етказиш имкониятларига эга эмаслигини тушунди ва уларга ислоҳ киритишдек сермашаққат ишга ҳам қўл уриб, танбур, байжо, ғижжак сингари бир неча созларни реконструкция қилди. Натижада, бу чолғу асбобларининг ижро имкониятлари кенгайди, хонанда ва созандаларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Шораҳим Шоумаровнинг таваллудига 110 йил тўлибди. Яна икки йилдан сўнг бу сулола булоғини очган машҳур Тўйчи ҳофизнинг 120 йиллиги нишонланади. Юз минглаб, миллионлаб санъат шинаванда-

лари ўзбек мусиқа санъатининг гуллаб-яшнашга бебаҳо ҳисса қўшган машҳур сулоланинг энг йирик намоёндаларига ҳамнаша таъзим бажо келтирадilar.

1986 йил

## ИСТЕЪДОШНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

Халқимизнинг зукко хонандаси Жўраҳон Султоновни ўйлаганда кўп вақт шеърини ва шoirларни кўз олдимга келтираман. Қасби хонандалик бўлган бу санъаткор шеърни энг етук адабиётшунослар қатори идрок этар, классик ва замонавий шoirлар яратган бой шеърини хазинадан тингловчининг эстетик дидини ривожлантиришга хизмат қиладиган, гоёвий-бадиий жиҳатдан энг мукаммал асарларни тапилаб, уларга кўп ҳолларда ўзи куй басталар, уларни биринчи бўлиб ўз тингловчилари ҳукмига ҳавола этар эди. Алишер Навоийнинг «Улмасун», Фузулийнинг «Маҳшар кунн...», Огаҳийнинг «Лайлини ҳолини кўринг», Баёнийнинг «Бўлмаса», Муқимийнинг «Бормикши», Фурқатнинг «Оҳким», «Қани» сингари ўнларча ғазаллари худди Жўраҳон Султоновнинг юксак шеърини диди туфайли излаб топиллиб, кенг халқ орасида шуҳрат топганини айтмай бўлмайди. Жўраҳон Султонов топиб, куй басталаб, ўзининг чорак асрлик ҳамнафас дўсти Маъмуржон Узоқов билан биргаликда ижро этган:

Йигитликда кўнгулни узмагаддим дилраболардин,  
Қариганда нечук кўнгул узай музгон асолардин, —

деб бошланадиган Навоийнинг ажойиб ғазали шoirнинг «Чор девон»ида умуман йўқлигини айтсак, хонанданинг бу соҳадаги изланишлари қай даражада аҳамият касб этганлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Қўшиқнинг янги инсонни тарбиялашдек муқаддас бурчини пухта англаган, бир неча ўн йиллар мобайнида қўшиқ санъатимизнинг олдинги марраларини эгаллаб келган, ўзбек санъатининг шуҳратини хорижий мамлакатларга ҳам ёйган Жўраҳон Султоновда хонанда, бастакор ва зукко аскиячига хос хусусиятлардан ташқари шеърини, мусиқа, тарих илмларининг синчков тадқиқотчисига хос ҳайратомуз фазилатлар ҳам мукаммал эди. Ана шу ибратли жиҳатлар Жўра-



хон акада китобга, айниқса, узоқ асрлар гувоҳи бўлмиш қўлёмаларга алоҳида иштиёқ вужудга келтирган эди. Жўраҳон ака қаерга бормасин, сал бўш вақт қолди дегунча, дарҳол ўша хонадондаги ёки суҳбатда иштирок этаётган шинавандалар бисотидаги китоблардан сўз очар, ўзига номаълум бирор китобнинг номини эшитди дегунча, уни варақламай тинчимас эди. XVI аср мусиқа алломаси Нажмиддин Кавкабийн Бухорийнинг «Рисолаи мусиқий»си ҳақидаги гапни Жўраҳон ака Ленинободда концерт бераётган пайтида нуроний бир отахондан эшитиб қолди. У қариянинг этагига маҳкам ёнишиб, соядек эргашиб юраверди. Хонададаги бу ихлосмандликни қадрлаган доно қария унга китобни жон-дилдан совға қилди.

Ун варақ юпқа хитойи қоғозга битилган бу китобни Жўраҳон ака уйдаги оғир пўлат қутида сақлар, калитини эса отасига ҳам ишонмас эди. Китобнинг донгини эшитиб келган ихлосмандларни Қалонхона маҳалласидаги болахоналик уйига олиб чиқиб фоят авайлаб кўрсатар, форс тилини ўздан кўра мукамал биладиган машҳур аскиячи Мулла Маматбувадан бўлак ҳеч кимнинг қўлига китобни бермас эди. Шу тариқа китоб бирмунча вақт авайлаб сақлангач, анча қариб қолган Жўраҳон ака уни Шарқшунослик институтига ўзи олиб бориб, катта илм хазинасига бебадал топшириб келди.

Чиндан ҳам Жўраҳон ака асрлар чанги босиб ётган не-не қўлёмаларни асл илм заҳматкашига хос сичковлик билан ўрганар, улар орасидан ноёб жавоҳирдек ярқираб чиқиб қолган чинакам истеъдод намуналарини ўз халқига етказишга шошилар эди. Ўзбек ва форс-тожик тилларидаги бундай гўзал шеърийт обидаларининг аксар қисмига ўзи куй басталаб, ижро этиб, тингловчиларнинг бениҳоя таҳсинларига сазовор бўлар, қолган бир қисмини эса классик меросни излаш ва ўрганиш билан шуғулланаётган олимларга холисона совға қилар, шундан сўнг бу асарлар йирик шоирларнинг таъланган асарларидан ўрип оларди. Классик шоирларнинг эллигинчи — олтмишинчи йилларда нашр этилган бир неча китобларини кўздан кечирсак, улардаги ғазал, мухаммас, шеърий мактуб ва бошқалар тагида: «Бу асар ҳофиз Жўраҳон Султонов қўлидаги фалон баёздан олинди», деган изохларни кўрамиз.

Академик Гафур Гулом қирқинчи йиллар охирида

адабиётшунос Валижон Мирзаевга ёзган бир мактубида: «Муҳаммад Зокиржон Фурқатнинг Ерканд шаҳридан Марғилон шаҳрида турувчи Тошболтуга ёзган салом мактубининг асли Хўжажон қози — Рожий Марғилонийнинг қўлёзма баёзидадир. Баёз ҳофиз Жўраҳон Султоновнинг 'қўлида сақланмоқда», — дер экан хонанданинг қадимий қўлёзмалар хазинадори эканидан ташқари Фурқатнинг энг ноёб асарларидан бири, яъни «Ерканд шаҳридан Тошболтуга хат» худди Жўраҳон Султонов туфайли кенг ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилганини маълум қилади.

Халқимизнинг «Қатиқ тўкилса юқи қолади» деган ҳикмати чиндан ҳам зўр ҳикмат эканлигига бундан икки йил аввал, Жўраҳон Султоновдан қолган бир печа баёзларни варақлаб чиққанимда яна бир марта ишонч ҳосил қилдим. 1902 йилда номаълум котиб томонидан настаълиқ хати билан кўчирилган бир баёзни синчиклаб ўрганганимда фақат Муқимий ва Фурқатнинг ҳали китобхонларга маълум бўлмаган ўнга яқин ғазал ва мухаммаслари мавжудлигини кўрдим. Янги топилган бу асарлар ўтган йил «Гулстон» журналида «Янги саҳифалар» сарлавҳаси остида эълон қилинди.

Келинг, ҳурматли ўқувчи, ажойиб санъаткор истеъдодининг бу олмос қирралари қай тариқа сайқал топганлигига бир назар ташлайлик. Қадимий Марғилон кўплаб нажиб санъаткорлар, оташзабон шоирлар камол топган машҳур шаҳардир. Бу шаҳарда ўтган асрнинг иккинчи ярмида Фурқат ва Муқимий, Завқий ва Рожий сингари азамат шоирлар анжуманида гоят кучли овози билан патнусакн ашулалар айтиб донг таратган Султон карнай лақабли ҳофиз ўтган. Унинг овози чиндан ҳам арслон наърасидек кучли, тингловчига ёқимли эди-ю, бироқ «тирикчилик тошдан қаттиқ замонда» омади чопмаган эди. Шунинг учун ҳам 1893 йилда оиласида иккинчи ўғил туғилганида унга акаси билан жўра бўлиб юрсин деб Жўраҳон исмини танлади, ака-уканинг тез орада унб-ўсиб, ёнига киришини, оилани танқисликдан қутултиришни орзу қилди. Онда-сонда юрт хизматиغا керак бўладиган ҳофизликдан рўзгори бутмаган ота ўз ўғилларини бирор бошқа ҳунарга беришга қарор қилди. Ўйлай-ўйлай Жўраҳонни нонвойга шогирдликка берди: уйда ақалли нон сероб бўлади-ку. Шу тахлит ёш Жўраҳон ўн-ўн беш йил умрини нонвойхона-

да ўтказди. Лекин ёшликда берган кўнги, дегандек Султон карнай ҳофизликдан асло дил узолмас, Фаргона водийсининг машҳур хонанда, созанда, қизиқчи ва аскиячилари тўпланадиган йиғинларнинг бирортасидан ҳам қолмас, аксар вақт уларга ўғли Жўра-хонни ҳам олиб борар эди.

20-йилларнинг бошларида Жўраҳон Султонов Фаргонада ташкил этилган санъат ходимлари касаба союзининг фаолиятида иштирок этди, ўша йиллари тузилган санъат труппаларида ишлади. 1926 йилдан бошлаб эса Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлик қилган Ўзбек этнографик труппаси составида йирик санъаткорлар билан бирга мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида концертлар берди. Шу даврга келиб Жўраҳон Султоновнинг классик шеърятни пухта билиши алоҳида аҳамият касб этди. Чунки у вақтларда мафкура соҳасида кескин курашлар бормоқда, шўро мафкурачилари ўтмиш маданий меросимизнинг ажойиб намуналарини кенг халқ оmmasидан яшириб, Навоий, Фузулий, Машраб, Муқимий, Фурқат сингари чинакам халқчил шоирлар шаънига туҳмат тошларини ёғдирмоқда эдилар. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Жўраҳон Султонов классик шеърятимизнинг энг яхши намуналарини халқ орасида тарғиб этиб, бу улкан шоирлар ҳақидаги бўҳтонларга зарба берди, десак хато қилмаймиз.

Шундан кейинги йилларда Жўраҳон Султонов Марғилонда ташкил этилган театрининг ҳамда Фаргона вилоят колхоз-совхоз театрининг директори сифатида катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. Уттинчи йиллар бошида Юсуфжон қизиқнинг таклифига кўра, машҳур хонанда Маъмуржон Узоқов билан жўровоз бўлди. Бу икки улкан санъаткор салкам чорак аср мобайнида ўзбек кўшигининг энг юксак марраларини эгаллашди, халқ уларни бир-бириниз тасаввур эта олмайдиган бўлди. Патнусаки ашулаларнинг пири даражасига кўтарилган Жўраҳон Султонов билан Маъмуржон Узоқов давр тақозосига кўра ўттинчи йиллар ўрталаридан бошлаб соз билан ижро этиладиган кўшиқларнинг ҳам энг моҳир усталари қаторидан жой олишди.

Табиятан ғоят истеъдодли бўлган Жўраҳон Султонов қирқинчи йиллар бошида улкан ҳофизгин эмас, балки саҳна сирларини пухта эгаллаган актёр сифатида ҳам кенг танилди. 1940 йилдан бошлаб

Тошкентда ташкил этилган Муқимий номли ўзбек драма ва комедия театрида хизмат қилар экан, Жўраҳон Султонов концертларда ўз ажойиб ҳонишлари билан тингловчиларни мафтун этибгина қолмай, ғоят масъулиятли ролларни биринчи бўлиб ижро этди, уларнинг саҳна талқинига муносиб ҳисса қўшди.

1941—1945 йиллардаги уруш даврида Жўраҳон Султонов ўз қўшиқ репертуарини мудофаа мавзудидаги янги асарлар билан бойитди. Хонанданинг ўзи куй басталаган бу қўшиқлар «От солайлик», «Отга миндим», «Мен қадам қўйдим», «Ёвни яксон қилмасам» сингари номлар билан аталишининг ўзнёқ уларда душманга чексиз газаб-нафрат руҳи етакчилик қилганлигидан далолат беради.

Уруш тугагач, Жўраҳон Султонов ўзбек Давлат эстрадасида, Ўзбекистон радиосида кўп йиллар хизмат қилиб, қўшиқ санъатимиз шухратига-шухрат қўшиб яшади.

Санъаткор истеъдодининг яна бир олмас қирраси унинг моҳир аскиячилиги эди. Қаерда улкан аскиячилар йиғилса, уларнинг энг сараларидан бири Жўраҳон Султонов бўлар эди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг турли жойларига уюштирилган аския сафарларини ташкил этишда, халқнинг бебаҳо ижоди бўлмиш нозик аския пайровларини тўллаш, уларни пластинка ва ленталарга ёзиб олиш, аския ҳақида махсус фильм яратиш ишида ҳам Жўраҳон Султонов алоҳида фаолият кўрсатди. Унинг, хусусан, Мулла Маматбува, Эркақори, Мамажон ҳожи, Ғулом тоға, Ижроқўм бува, Шоқосим Шожалилов, Абдулҳай мақсум сингари аския усталари билан кўпгина нозик пайровлари санъатимизнинг бу соҳасида нурли из қолдирган.

Бир вақтлар таниқли олимлардан бири газета редакциясининг сўроқ варақасидаги саволларга жавоб берар экан: «Олимнинг умри у яшаган йиллари билан эмас, балки яратган асарларию етиштирган шогирдлари билан ўлчанади», — деган эди. Бу гапни Жўраҳон Султоновга нисбат берадиган бўлсак, аввало у яратган ва яна неча-неча авлодлар куйлаб ўтадиган мафтункор қўшиқларни эслаймиз. Сўнгра уни ўзинга устоз деб билган жаҳонгашта санъаткорлар Тамара-хоним, Саодат Қобулова, Маъмуржон Узоқовни ажойиб хонанда Орифхон Хатамовни, унинг шогирдлари

еттиштирган сон-саноқсиз невара шогирдларни кўз олдимизга келтирамиз. Жўраҳон Султоновнинг пойдор умри шу тариқа давом этмоқда.

1979 йил.

### ТЕАТР ТИК ТУРИБ ТИНГЛАДИ

Ўзбек халқи орасида катта ашуланинг пири деб ном олган Жўраҳон Султонов ҳақида кўп ёзганман, унинг ўзи билан кўп мулоқотда бўлганман, уни ёшлигидан бошлаб яхши таниган табаррук отахонлар билан кўп суҳбатлашганман.

Лекин ҳар сафар Жўраҳон аканнинг санъатдаги ажойиб йўлини ўйлаганимда марғилонлик оқсоқол Абдуллаҳон Алихоновнинг бир гани ёдимга тушаверади. Марғилон гузарларидан биридаги санъат шиивандалари даврасида Жўраҳон Султоновнинг такрорланмас хонандалиги ҳақида завқ-шавққа тўлиб сўзлаган бу муҳтарам қария унинг «Султон қарнайнинг ўгли эканига» алоҳида урғу берган, отасидан қудратли овозни мерос қилиб олган ҳофизнинг овози «еттинчи осмонга бемалол етганлиги»ни қайта-қайта таъкидлаган эди.

Чиндан ҳам Жўраҳон Султонов ижросида классик ва халқ кўшиқларини, унинг ўзи куй басталаган хонишларни, хусусан катта ашулаларни тинглаган кишилар, деярли ҳар сафар унинг овоз имкониятлари чексизлигидан лол қолардилар. Хонанда қўлига танбур олиб куйлаганида шунақанги баланд авжлар қилардики, тингловчиларнинг аксар қисми «энди бу ёнига йўл йўқ, ҳозир бўғилади, ҳозир бўғилади», дея юрак ҳовучлаб турар, бироқ Жўраҳон ака ҳамнаша атрофга қараб жилмайиб қўяр, ёнидаги ҳамнафасларига эса, тингловчилардан хуфя қилиб, оҳистагина: «хайр, мен кетдим», дея осмонга имо қилиб ҳазиллашар эди. Шундан кейин унинг танбур пардаларини босаётган чап қўл бармоқлари бу пардалар тугаб бўлганини ҳис этар, шунда ҳам орқага қайтишни ўйламай, танбурнинг харраги томон бостириб келаверар эди. Маълумки, кўп асрлик тарихга эга бўлган танбур пардалари энг юқори овозга эга бўлган хонандалар имкониятини ҳисобга олиб, яна қўшимча имкониятлар майдонга келиши мумкинлигини ҳам ўйлаб тузилган. Бироқ, Жўраҳон Султоновнинг овоз имкониятлари танбур яратувчиларнинг хаёлига келмаганлиги хонанда танбурнинг сўнгги пардаларини орқада

қолдириб, парда босувчи бармоқлари билан харракка келиб тиралганидан, унинг ўнг кўрсаткич бармоғидаги нохунни чертиш учун жой қолмаганлигидан билимдон кишиларга аён бўлиб қолар, сөз пардаларидан хабардор кишилар беихтиёр ёқа ушлардилар.

Жўраҳон Султонов хонишларини бир неча ўн йиллар тинглаган кўнлаб қўшиқ ихлосмандлари сингари мен ҳам ғоят кўп қиррали истеъдод соҳиби бўлмиш хонанда овозидаги бу такрорланмас жиҳатга кўникиб кетгандим, уни одатий бир нарсасдек қабул қилардим. Шундай бўлгач, турган ганки қўлга қалам олиб, Жўраҳон аканинг юксак авжлари ҳақида махсус мақола ёзишга ҳам жазм этмаган бўлардим. Лекин яқинда санъатимиз фахрийларидан бири, бундан салкам олтинчи йил аввал ўзбек этнографик труппасида Жўраҳон Султонов билан бирга ишлашган, шундан сўнг қирқ йил давомида қалин дўст бўлиб қолган Низом Холдоров билан олис дам суҳбатлашиб қолдим у яна ўзим севган хонанда ҳақида ёзиш иштиёқи ғолиб келди. Бунга Низом Холдоровнинг ўз дўсти ҳақида менга сўзлаб берган ҳикояси сабаб бўлди, албатта.

— 1924 йили ўша вақтдаги СССР таркибида Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганидан бир неча ой кейин янги ўзбек санъатининг асосчиларидан бири Муҳиддин Қориёқубов ўз атрофиغا Фарғона водийсидаги Тамарахоним, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Қомилов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Тўхтасин Жалилов сингари энг истеъдодли санъаткорларни тўплаб, этнографик труппа тузди. Унга Худойберган ҳофиз Маъсумов, Жўраҳон Султонов ва ёшлардан мен ҳофизлар сифатида қабул қилиндик. Труппа аъзолари ажойиб куч-ғайрат ва илҳом билан ишга киришдилар, салкам ярим йил тинимсиз меҳнат натижасида бир концертга етгулик репертуарни пухта тайёрлаб тахт ҳолга келтирдик. Аммо бу ишда тажриба йўқлигиданми ёки аксар қисимимиз ёш бўлганиданми, ҳар қалай, санъат фидойиси Муҳиддин Қориёқубовнинг даъвати билан труппани тузишга тузибмиз у, лекин бола-чақаларимизга ризқи рўз бўладиган мошини қайси ташкилот тўлайди, деган масалани ҳал қилиб олмабмиз. 1925 йилнинг охирларига келиб, унча-мунча йиққан маблағимиз тугади, кийим-бошлар тўзиб, тирикчилигимиз танг аҳволга тушди. Шунда труппамиз бошлиғи Қорн ака отасидан ўзинга ва икки синглисига мерос қолган ҳовлини бир

дўсти орқали ўша вақтдагига нисбатан дуруст пулга соттирди, икки синглисига қўшнилардан бирининг ҳовлисидан вақтинча бошпана топиб берди. Ҳовли пули ҳисобидан рўйхат тузилиб, ўтган вақт учун бировга беш ойлик, бировга олти ойлик маош тўланди. Яна икки ойлик маошга етадиган маблағ ортиб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, Қори ака, Тамараҳоним ва мен республика пойтахти Самарқандга йўл олдик, труппанинг бошқа аъзолари Фарғонада ишни давом эттирадиган бўлишди. Учовлон биргаликда ўша вақтда Ўзбекистон халқ комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев ҳузурига кирдик. Файзулла Хўжаев биздан этнографик труппанинг аҳволи ҳақида батафсил сўраб олди, қилган ишимизни маъқуллади ва Фарғонага телеграмма бериб, труппанинг қолган аъзоларини ҳам зудлик билан Самарқандга чақиртирди. Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, Ўзбекистон раҳбарлари ҳамда маориф халқ комиссарлиги ҳайъати ходимлари труппамиз тайёрлаган концертни кўриқдан ўтказдилар. Этнографик труппа республика маданий ҳаёти учун гоят зарур деган қарорга келинди ва 1926 йилнинг 5 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. Қизиги шундаки, — деб давом эттирди ҳикоясини Низом Холдоров, — этнографик труппанинг моддий эҳтиёжлари учун сотиб юборилган Муҳиддин Қориёқубовнинг Марғилондаги ҳовлиси Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси ва кўрсатмасига мувофиқ давлат ҳисобидан пул тўланиб, қайтариб олиб берилди. Айни вақтда санъатнинг катта билимдони ва ихлосманди бўлгани Файзулла Хўжаев ўша вақтдаги Россия Маориф Халқ комиссари А. В. Луначарский билан боғланиб, ўзбек этнографик ансамблининг мамлакат бўйлаб гастролларини ўтказишга руҳсат олди. Бу катта сафарга биз деярли бир йил тайёрландик. Шу орада Файзулла Хўжаев ҳамда Йўлдош Охунбобовнинг топишириғига кўра Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий труппамизга келиб қўшилди, бир неча ой мобайнида репертуаримизнинг янги, замонавий мазмун касб этишида алоҳида мураббийлик қилди. Труппамиз репертуаридаги инқилобдан олдинги даврга мансуб, мазмунан қашшоқ бир неча ашула ва лапарларни янги инсонни тарбиялашга хизмат қиладиган, етук гоёвий мазмунли асарлар билан алмаштирди, хонанда, раққоса ва созандаларимизнинг ижрочилик маҳоратини оши-

ришга хизмат қиладиган доно маслаҳатлар кўргазди. Ҳамза Ҳакимзода ажойиб шоир Зокиржон Фурқатнинг машҳур «Сайдинг қўябер, сайёд...» мусаддасига ҳам худди шу ойлар ичида куй басталаб, менга ўргатди ва бу эҳтиросли хонинини биринчи марта этнографик труппа концертларида ижро этдим...

Хулласи, бир йилга яқин пухта тайёргарликдан сўнг 1927 йил баҳорида мамлакат бўйлаб катта гастролга жўнадик. Боку, Уфа, Қуйбишев, Қозон, Астрахан сингари шаҳарлардаги концертларимиз катта муваффақият билан ўтди, Муҳиддин Қориеқубов ва Тамарахонимнинг халқ қалбини яққол ифодаловчи лапар ва рақслари, Юсуфжон аканинг беназир қизиқчиликлари, Худойберган ҳофиз билан Жўраҳон Султоновнинг патнусакни ашулаларидан сўнг концерт тавом бўлса ҳам тингловчилар анчагача зални тарк этиша олмасди.

Лекин ҳангоманинг каттаси Москвада, Большой театрда бўлди, — деди Низом ака. — Театр саҳнаси уч кун мобайнида бизнинг ихтиёримизга бериб қўйилганди. Бу ажиб саҳнада ўзбек халқининг қадимий ва бой санъати биринчи марта кенг намойиш этилаётганлигидан, шунингдек пойтахт шинавандаларининг ўзбек санъатига қизиқиши зўрлигидан Большой театрининг барча яруслари лиқ тўлган эди. Дастлабки икки кунлик концерт муваффақиятларидан гоёқ мамнун эдик. Аммо учинчи кунига келиб такрорланмас бир ҳол рўй берди.

Гап шундаки, концертимизнинг зўр қизиқиши билан ўтаётганидан хабар топган Анатолий Васильевич Луначарский учинчи кунги концертга пойтахт мусиқали театрлари хонанда ва созандаларини, мусиқа ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини, мусиқашуносларини таклиф этибди. Шу тариқа ўша кунги асосий қисми профессионал хонанда-созандалардан, мусиқа тадқиқотчиларидан иборат бўлган ажойиб бир анжуман тўпланди. Бундан бизни хабардор этишгач, алоҳида илҳом ва ҳаяжон билан концерт бошладик. Барча номерларимиз ҳамма вақтдагидан кўра юқори савияда ўтди. Лекин хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Жўраҳон Султонов ўз ҳамнафаси Худойберган Маъзумов билан «Еввойи чоргоҳ»ни ижро этганида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ажойибот содир бўлди. Нотасиз, созсиз, фақат ликобчалар билан ижро этиладиган, шу ваздан ижрочидан катта истеъдод, хоти-



ра, овоз ишлатиш маҳорати ва бошқаларни талаб этадиган бу ашуланинг даромад қисмиданоқ залда пашша учса эшитгулик сукунат чўккан эди. Тингловчилар, айниқса мутахассислар бутун вужудларини қулоқ қилиб тинглашарди хонишни. Урта авжга келганда, вожаб, талаби, диди бениҳоя юксак залдаги шинавандалар Жўраҳон Султонов овозидаги қудратдан ҳайрон қолиб ўринларидан туриб олишди. Ашуланинг катта авжига келганда залдагина эмас, беҳисоб ярусларда, ложаларда ҳам ўрнидан турмаган киши қолмаган эди. Саҳна орқасидан залга қараб кўзларимизга ишонмаймиз. Ашула тугагунича ҳамма уни тик туриб тинглади, тугаганидан кейин ҳам чексиз ҳаяжонланган тингловчиларни жойига ўтиргизиш учун конференсье Муҳиддин Қориёқубов уларга қайта-қайта таъзим бажо этиб, бутун труппа номидан кўп марта миннатдорчилик билдиришига тўғри келди. Ниҳоят саҳнага Луначарскийнинг ўзи чиқиб, икки ҳофизга гулдасталар бериб, пешоналаридан ўпди, ўзбек санъати Москвада илк бор бу қадар юксак эъзозланаётганини айтди.

Мамлакатнинг энг табаррук саҳнасидаги бу тенгсиз муваффақият бутун труппамизни, айниқса Жўраҳон Султоновни янги юксак парвозларга руҳлантириб юборди. Шундан кейинги салкам қирқ йиллик ёрқин умрининг ҳаммасини Жўраҳон ака ўзи севган хонандалик санъатига ажиб бир саҳоват билан бахшида этди, — дея ҳикоясини тугатди Низом Холдорев.

Мен Жўраҳон Султонов шундан сўнг босиб ўтган порлоқ йўлни кўз ўнгимга келтирдим. Унинг фаолияти шундан кейин гоят кўркам, кўпқиррали характер касб этди. Жўраҳон ака санъат ташкилотчиси сифатида янги театрлар ташкил этди, директор ва бадний раҳбар сифатида бу театрларда ўнларча истеъдодларнинг гуллаб-яшнашига кўмаклашди, халқ санъатининг анвои товланишларини неча-неча авлодларга авайлаб тақдим этувчи фидойи шогирдлар етиштирди. Ўзи актёр сифатида мусиқали драмаларда ажойиб образлар яратиб, истеъдодининг янги-янги қирраларини намойиш этди. Классик адабиётнинг зўр билимдони сифатида Жомий, Навоий, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Баёний, Девоний ва бошқа йирик шоирлар ижодининг гули бўлган, тингловчи қалбига олам-олам мусаффо туйғулар олиб кирадиган ғазал, мурабба ва мухаммасларни ўз ҳамкасблари орасида биринчи бў-

либ куйларга солди ва саҳналарда, халқ қурилишларида, катта-катта йиғинларда миллионлар қалбига ларза солиб тараннум этди.

Халқнинг ҳақиқий бойлиги бўлмиш ноёб маданий меросимизни излаб топиш ва ўз эгаларига бекаму кўст етказишда олимларимизга катта ёрдам бериб, ажойиб ўрнак кўрсатди. . .

Машҳур халқ қурилишлари кетаётган урушдан олдинги даврда «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган юксак унвонга сазовор бўлган Жўрахон Султонов чин маънодаги халқ санъаткори эди. У роса қирқ йил давомида Ўзбекистон республикаси билан бирга қадам ташлаб, ўз ноёб санъатини шу республиканинг улкан муваффақиятларига қўшиб юборди.

1984 йил

### ДОВУДНИЙ ОВОЗ СОҲИБИ

1904 йилда Марғилоннинг Машҳад маҳалласида истиқомат қилувчи камбағал ҳунарманд Узоқжон Қосимов оиласида яна бир ўғил дунёга келди. Аммо орадан ўн икки йил ўтгач, ота ўз фарзандларини осмон узоқ, ер қаттиқ ҳаётга топшириб оламдан ўтди. Ёш Маъмуржон гоҳ бўз тўқувчига, гоҳ кафшдўзга шогирд тушиб, бир амаллаб қорин тўйғазиб юрган дамларда замонлар ўзгариб, унинг ҳам оғзи ошга етиб, кийим-бошига сон кирди.

Оилада ота-онасидан эшитган қўшиқларини қўнғироқдай ёқимли овози билан ижро этиб, гап-гаштакда, йиғинларда дўстларини ҳушнуд қилиб юрган Маъмуржонни катта санъат йўлига бошлаганлардан бири Ҳайдар Пошшоҳўжаев бўлди. У ёш хонандани ўзига ҳамнафас қилиб, Фаргона водийсида, айниқса, кенг тарқалган патнусаки ашула йўлларини ўргатди. Шунингдек у замонасининг бошқа машҳур ҳофизларидан ижрочилик маҳоратини ўрганди. Маъмуржон Узоқовнинг репертуарини бойитишда истеъдодли хонанда Ҳасан Қорининг ҳам хизмати катта бўлди. М. Узоқов бу санъаткордан «Чаман ялла», «Қурбон ўлам», «Қайтарма», «Дугоҳ ҳусайн», «Бухоро ушшоғи» каби классик ва халқ қўшиқларини ўрганди. Тез орада Маъмуржон Узоқов катта ашулаларнинг пири ҳисобланган Мамат бува Сатторов, Болтабой Ражабов, Ҳамроқул қори Қосимов сингари улкан санъаткорлар билан бир сафда туриб ҳониш қиладиган, ўз

қўшиқлари билан кишиларни сеҳрлайдиган даражага етади.

Ўттизинчи йилларнинг боши эди. Марғилон паркида водий ҳофизларининг ўзига хос катта мусобақаси бормоқда. Анжуманни эса машҳур қизиқчи ва санъат ташвиқотчиси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов бошқармоқда эди. Даврага турли вақтларда якка-якка тушиб, катта ашула айтган Жўраҳон Султонов билан Маъмуржон Узоқовнинг овози бирга қўшилса, санъат мўъжизаси яратилажагини ўша куни худди Юсуфжон қизиқ башорат қилган эди. Унинг таклифи билан бу икки хонанда биргаликда қўшиқ ўрганиб, биргаликда ижро эта бошлашди. Ушандан бошлаб унинг хонандалик шуҳрати узоқ-узоқларга қанот ёйди. Айниқса, ҳофиз Жўраҳон Султонов билан йигирма йилдан кўпроқ давом этган ҳамнафас-ҳамкорлик унинг учун катта мактаб вазифасини ўтади. Ж. Султонов ўз шогирдини машҳур созанда-хонанда устозлар ҳамда уларнинг ҳаёти билан, катта ашуланинг мураккаб ижро услублари билан таништиради ва бу мураккаб жанр ижроси ҳақида қимматли маслаҳатлар беради. Устоз ва шогирд Марғилон театрида ҳам бирга ишлашди, ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида республикамизда кенг қулоч ёзган халқ қурилишларида ўн мингларча тингловчилар йиғилган давраларда ҳам бирга қўшиқлар айтишди. Жўраҳон Султонов билан Маъмуржон Узоқов овози қўшилиб, чинакам санъат мўъжизаси дунёга келди. Шунинг учун ҳам сон-саноксиз санъат ишқибозлари қўшиқ мулкнинг қўш султониغا айланган бу икки улкан хонанда борадиган йиғинларни ойларча муддат пойлаб юришар, уларнинг қадами етган жойга одам дегани мўр-малаҳдек ёпирилиб кетар эди.

М. Узоқов 1937 йил Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати Декадасида истеъдодли созанда ва хонандалар билан биргаликда иштирок этади. Унинг «Сайл ва колхоз тўйи» томошасида қатнашиб, айтган ёқимли қўшиқларини шинавандалар ҳанузгача эслайдилар. У ўша пайтдаги берилган концертларда Эрка қори Каримов, Жўраҳон Султоновлар билан «Бир келиб кетсун», «Колхозчилар даврони» каби катта ашулаларни маҳорат билан ижро этди.

1942 йилдан бошлаб Маъмуржон Узоқов ўзининг ҳофизлик фаолиятини Ўзбек Давлат эстрадаси билан боғлаб олиб боради. Ҳалима Носирова, Жўраҳон Сул-

тонов, Карим Зокиров, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Донн Зокиров каби санъаткорлар билан концертларда иштирок этади. Уша йилнинг охирида ёзувчи Комил Яшин бошчилигидаги бригада билан Эронга боради ва икки ой давомида концертларда зўр муваффақият билан қатнашади. Уруш йилларида кўпгина халқ созанда-хонандалари сингари фронт ичкарасида Қизил Армия қисмларида, ишчи ва колхозчилар орасида уюштирилган концертларда ўз қўшиқлари билан халқ руҳини кўтаради.

Қирқинчи йилларнинг ўрталарида у Ўзбекистон радиоси ансамблига яккахон хофиз сифатида таклиф қилинади. Маъмуржон Узоқов радиода республиканинг кўзга кўринган созанда-хонандалари билан ишлаб, ўзининг репертуарини янада бойитади.

Маъмуржон Узоқов Тошкентда ишлаган қарийб чорак аср давомида қўшиқ ижрочилигининг ҳайратомуз юксак чўққиларини эгаллади. Аввало шуни айтиш керакки, унинг устози ҳамда ҳамнафаси Жўрахон Султонов классик шеъриятни пухта биладиган, қўшиқ матнини тингловчининг қулоғига қўйиб қўядиган хонанда эди. Жўрахон Султоновнинг бу нодир фазилатлари Маъмуржон Узоқовга ҳам бутунисича «юққан» бўлиб, у қўшиқ айтишдан асосий мақсад унда ифодаланган шоирона фикр ва туйғуни тингловчига тўла етказишдан иборат, деган ғоят тўғри фикрга келган эди. Унинг граммофон пластинкаларига, ленталарига ёзиб олинган хонишларини тингласангиз, сўз куйни ўз кетидан эргаштириб боришни, куй сўзни аниқ ва таъсирчан ифодалашга бўйсундирилганини кўрасиз.

Бу икки забардаст хонанда ўзбек классик шоирларининг бир неча ғазал ва мухаммасларини биринчи бўлиб кенг омма хукмига ҳавола этган тадқиқотчи ва-зифасини ҳам бажарганликларни таҳсинга сазовордир.

Патнусаки ва соз жўрлигида айтиладиган қўшиқларнинг ажойиб устаси бўлмиш Маъмуржон Узоқовда эллигинчи йиллар бошига келиб яна янги бир ният пайдо бўлди. Бу ният якка ўзининг овозига мўлжалланган репертуар яратиш, қўшиқ ижро этганда ўз овоз имкониятларини мукамал даражада ишга солиш истаги эди. Хофиз бу ниятини устози ва ҳамнафаси Жўрахон Султоновга маълум қилганида, устоз бу олижаноб ниятни амалга оширишга кўп жиҳатдан кўмаклашди, шогирдининг якка ўзи мурккаб ашулалар-

ни ижро эта олишидан мамнун бўлди. Истеъдодли хонанда репертуарини бойитишда таниқли бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Унинг йигирмага яқин ашула, қўшиқ ва яллалари М. Узоқов репертуаридан ўрин олди. Улар орасида мусиқа шинавандаларига таниш бўлган «Ёр истаб», «Қачон бўлғай», «Сувратинг» (Фурқат ғазаллари), «Бир келиб кетсун» (Ҳамза шеъри), «Якка бу Фарғонада» (Муқимий ғазали) каби ашулалар бор.

Маъмуржон Узоқов ижросида Фарғона водийсининг катта ашула йўллари, баланд авжли ашулалари ҳам сайқал топгандир. У Фурқат ва Ҳамзанинг дилсўз ғазаллари билан айтиладиган ўнларча қўшиқларни ижро этиб, ажойиб шоирларимиз ижодининг улкан тарғиботчиси бўлди. Фурқатнинг «Сувратинг», «Йиғлади», «Ёр истаб», «Қачон бўлғай», «Туриб ҳар эрта, жононим, йўлингда», «Кўзларинг» сингари қанчадан-қанча ашулаларини Маъмуржон Узоқов ижросида тингланганда ҳаётининг энг азиз дамларини ватанжудоликда ўтказишга мажбур бўлиб, олис юртларда ҳаёт билан видолашган улкан шоирнинг оламга синамас дард-аламлари шундоққина кўз олдимизда гавдаланади. Маъмуржон Узоқов бу ашулалар кучига куч қўшди, уларга пўлат қанот ва умр боқийлик бахш этди.

Янги замон ўзбек адабиёти ва санъати сарчашмаларида турган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг муҳаббат лирикасини, аруз вазидаги ажойиб ғазалларини омма ўртасида биринчилардан бўлиб тарғиб этган хонанда ҳам Маъмуржон Узоқов эди. Шулар жумласидан бўлган «Бир келиб кетсун», «Жонон келадур» каби бир неча ёниқ қўшиқлар Маъмуржон Узоқов илк бор ижро этганидан сўнг қанчадан-қанча хонандаларимиз репертуарларидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Навойи, Фузулий, Машраб, Махтумқули, Муқимий, Аваз Утар каби классикларимизнинг, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Акмал Пўлат ва бошқа янги давр шоирларининг ўнларча ғазаллари Маъмуржон Узоқов томонидан қўшиқ қилиб айтилгач, халқ орасида яна ҳам кенг шуҳрат қозонди.

Маъмуржон Узоқов Фарғона ва Тошкентда машҳур ашула ва қўшиқларнинг маҳоратли ижрочиси ва билимдон сифатида халқ ҳурматига сазовор бўлди. Унинг хонанда сифатидаги ўзига хос ижро йўллари ёш хонандаларга ибрат вазифасини ўтаб келмоқда.

Хусусан, бу борадаги унинг «Айладинг» (Муқимий шеъри), «Парво этиб кет» (С. Абдулла шеъри), «Ел-ғиз», «Ул кун жонон», «Доғман», «Келдим» (Муқимий шеърлари), «Қалам қошинг», «Ёр истаб», «Баёт V», «Қачон бўлғайким», «Туриб ҳар эрта жононим», «Кўзларинг», (Фурқат шеърлари), «Насихат» (Махтумқули шеъри), «Бахт» (Камтар шеъри), «Жонон келур» (Ҳамза шеъри) каби юксак маҳорат билан ижро этган ашулаларини кўрсатиш мумкин.

... 1963 йилнинг саратон пайти. Ҳамза номли ўзбек Давлат академик театрининг бутун коллективи, машҳур «Баҳор» рақс ансамбли Фарғона водийси бўйлаб гастроль қилмоқда. Яна устига-устак республикамизнинг Жўраҳон Султонов бошлиқ энг моҳир аскиячилари Тошкент Давлат университети филология факультетининг фольклор экспедицияси билан бирга-ликда Фарғона вилоят шаҳар ва қишлоқларида ажойиб «Кулги кечалари» ўтказмоқда эди.

Шундай кунлардан бирида атоқли санъаткор Шукр Бурҳонов ўз ҳамкасб дўстларини сўнгги йилларда Марғилонда истиқомат қилаётган беназир хонанда Маъмуржон Узоқовни зиёрат қилиб қайтишга таклиф этади. Қон босими ортиб кетганлиги сабабли врачлар қистови билан пенсияга чиққан бетоб хонандани ташвишга солмаслик учун дўстлар шаҳарнинг истироҳат боғига тўпланишди ва хонандани ўша сайлгоҳга таклиф этишди. Олис муддат дийдор кўришмаган ҳамкасб дўстларнинг суҳбати бениҳоя файзли ва завқли эди. Турган гапки, Маъмуржон Узоқов бор жойда қалбларни жўштирувчи, сеҳрли қўшиқсиз иш битмасди. Тўғри, пенсияга чиқариш олдиан врачлар хонандани роса ўртага олишган ва узоқ умр кўриш учун маълум муддатгача қўшиқни тарк этишни ундан қатъий талаб этишган эди. Аслида қўшиқ бўлиб дунёга келган фидойи хонанда эса қўшиқсиз ҳаётни ҳаёт деб ҳисобламас, сўнгги нафасига қадар инсонлар қалбига сурур ва нур олиб кирувчи қўшиқ айтиб япашни умрининг бош мақсади деб биларди. Шу вайдан оғир хасталикни мардона енгиб, ёшликдаги ажиб эҳтирос ва завқ билан хонини қилаётганда ўзини унутини даражасига етар эди.

Ўша кунни ҳам худди шундай бўлди. Дийдор кўришини иштиёқида келган қадрдон дўстларини энг севган ашулалари билан бениҳоя мамнун қила олганидан Маъмуржон ака терисига сиғмасди. У ашула ке-

тидан ашула бошлар, гўё шундай қилмаса, энг олижаноб бурчини бажармаётгандек ҳис этарди ўзини.

Олам ғалати яралган. Улим билан қачон, қайда учрашишингни, ҳаётингга қай тариқа нуқта қўйилишини асло билмайсан киши. Уша куни Маъмуржон Узоқов шод-хандон дўстлар даврасида ҳаётбахш ашула айтиб туриб, ҳаёт билан видолашиши кимнинг ҳаёлига келганди дейсиз. У ижрочидан юксак профессионал маҳорат, кучли табиий овоз ҳамда жисмоний бақувватлик талаб этадиган мураккаб ашуланинг авж пардасига кўтарилдию ёнида чордона қуриб ўтирган Шукур Бурхоновнинг тиззасига секингина бош қўйди. Даврадаги дўстлар бу холни ўзига хос ширин бир ҳазил деб ўйлашди. Бироқ, ҳайҳот, қўшиқ айтиб туриб олинган нафас севимли хонанданинг сўнгги нафаси эди, унинг ҳаёт риштаси шу тариқа узилди...

У оламни сирли оҳанглрсиз лоақал бирор дақиқа тасаввур қилолмаган эди. Эсини таниган пайтидан бошлаб, то умрининг охирги дамигача оққушлар сингари хониш қилиб ўтди. Зеро, оққушлар умрининг энг сўнгги дамида ўзи куйлаган қўшиғининг оҳангига маст бўлиб, нафаси бўғзига тиқилиб қолганда ҳам янада юксакроқ парвоз қилиб, энг баланд пардаларда шундай хониш қиларканки, ҳаёт билан видолашаётганини ўзи ҳам сезмай қоларкан. Шу сабабдан унинг хониши «Оққуш қўшиғи» каби давр ўтиши билан афсонага айланиб бормоқда.

Довудий овоз соҳиби Маъмуржон Узоқов мусиқа меросимиздаги катта ашулаларга сайқал бериб ва энг баланд авжларни юксак маҳорат билан ижро этиб, ижрочилик санъатида ўзига муносиб ҳайкал ўрнатди.

Маъмуржон Узоқов тингловчи қалбига олам-олам мусаффо туйғулар олиб кирадиган, уларда олижаноб фазилатлар пайдо бўлишига кўмаклашадиган, қўшиқлари сеҳри билан дилларни ром қиладиган хонанда эди. Унинг тонг шамолидек ёқимли хонишлари яна неча-неча авлодлар қалбини эркалаб, гуллар атрини таратиб яшайверади.

*1979 йил.*

## ИККИ ХАЛҚНИНГ ҲОФИЗИ

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги ажойиб дўстлик сарчашмалари неча-неча асрлар илгари бошланган. Буюк Алишер Навоий форс тожик-шеърятни даҳолари Саъдий ва Ҳофизни ўзига устоз деб билган

лиги адабиёт ихлосмандларига яхши маълум. Зокир-жон Фурқат ўтган асрнинг 90-йиллари бошида «Туркистон вилоятининг газети»да чоп эттириш учун «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» асарини яратар экан, энг кўркам мисолларни Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»сидан танлашни мувофиқ кўрган эди.

Доно боболаримиз сайқал берган бу дўстлик кўзгуси бизнинг давримизда яна ҳам мусаффо, яна ҳам жозибали бўлиб қолди. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси Садриддин Айний кейинчалик ҳаётининг охирига қадар Тожикистон Фанлар академиясига бошчилик қилди, унинг бу фаолиятини ўзбек академиги Султон Умаров давом эттирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шоҳназар Соҳибов тожик мақомларини тўплаб, ўрганиб, бир неча китоб ҳолида нашр эттириб, келгуси авлодлар учун битмас-туганмас хазина қолдирди. Тожик шеърини классиги Абулқосим Лоҳутийнинг энг яхши ғазалларига ўзбек композитори Мутаваккил Бурхонов сеҳрли куйлар басталади.

Ана шу дўстлик чаманига зийнат беришни, Ғафур Ғулломнинг боқий ибораси билан айтганда, «Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд» икки халққа баробар хизмат қилишни ўз ҳаётининг асл мақсади сифатида белгилаб олган ҳассос санъаткорлардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз бу сафар.

Ўзбек ва тожик мақомларининг, халқ куйларининг, замонавий хонишларининггина эмас, балки ҳар иккала халқнинг кўп асрлик бой тарихга эга бўлган қудратли шеърининг ҳам зукко билимдони ҳамда жўшқин тарғиботчиси бўлмиш Маъруфхўжа Баҳодиров ҳақида сўз бормоқда. Еш бўлишига қарамай, Тожикистонда анча танилиб қолган ҳофиз 1946 йилда учинчи марта Тошкентга гастролга келганида ўзи учун бир умрга етарли сабоқ олган эди. Ушанда чинакам қўшиқ шинавандалари тўпланган анжуманда таниқли ўзбек ҳофизларидан бири Навоий ғазали билан айтиладиган ашулани ижро этар экан, ундаги бир байтни қуйидагича талаффуз қилиб қолди:

Бедил эл дилжўйилиг ё дилишканлиг расмини  
Фаҳм қилмаслар: бу ишни дostonлардин сўрунг.

Хониш тугаши билан ўз даврининг машҳур аския устаси Мулло Маматбува Ваҳобов ҳофиздан ўша



байтни такрорлашни илтимос қилди. Ҳофиз яна ўша ҳолича талаффуз этди. Шарқ шеъриятидан, жумладан, Навоий ғазалиётидан юзларча, мингларча мисрларни ёд билувчи, уларнинг зоҳирини эмас, балки ботинини ҳам катта мутахассислар қатори пухта тушунувчи машҳур аския устаси байт мантиқи сўнгги мисрадаги сўзни «достон» эмас, «дилистон» тарзида ўқишни тақозо этаётганини, араб алифбосида бу икки сўз бир-бирига жуда ўхшаш ёзилишини, шу сабабдан ё китобни кўчирган котиб, ё хонанда уни нотўғри ўқиганини унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди. Аммо ҳофиз бўш келмай, қовушмаган «далил»лар келтирар, «дилистон» эмас, «достон» ўқилиши тўғрилигини исботлашга беҳуда уринар эди.

Шундан сўнг Мулло Маматбува эски мактабда болалар умрини зое ўтказган саводсиз домла ҳақидаги латифани айтиб беради: «Эски мактабларда ўқиладиган китобларда «Агар пурсандки...» («агар сўрасаларки...») бирикмаси билан бошланадиган ҳикоялар бўлар экан. Улардан бутунлай беҳабар, чаласавод домла бу бирикмани «агар барсинадки» тарзида ўқиб берибдики, ундан ҳеч қандай маъно чиқмас экан. Бу китобни уйда, илмли отаси ёрдамида ўқишни машқ қилиб юрган бир шогирд домлага «агар пурсандки...» эканини айтибди. Ёш гўдакнинг таъзирини бермоқчи бўлган домла унга «Агар пурсандки...» бўлса қизил сиёҳ билан ёзилмасмиди, чароки қора сиёҳ билан ёзилади?» деб дағдага қилибди.

Ўшанда бу воқеа М. Баҳодиров учун бир умрлик сабоқ бўлган эди.

1977 йилда мен шоир Фурқат ҳаёти ва ижодига онд материаллар тўплаш мақсадида адабиёт ихлосмандлари билан суҳбатлашар эканман, турган гапки, Маъруфхўжа ака хонадонига ҳам кириб бордим. Ассий касби адабиётшунос бўлмаган ҳофизнинг шахсий кутухонасида ўтмишдаги ва ҳозирги замон муаллифларининг ўзбек, тожик, рус ва бошқа тиллардаги юзларча китобларини, бир неча асрлик тарихга эга подир қўлёзма девон, баёз, жангнома ва бошқаларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолган эдим. Ўшанда хонадон соҳиби менга, жумладан, Камол Хўжандийнинг 400 йил илгари китоб қилинган девонини, Абдураҳмон Жомийнинг 240 йил аввал кўчирилган ахлоқий-этик мавзудаги асарини, Машрабнинг 200 йиллик тарихга эга ноёб куллиётини кўрсатган эди. Ҳофиз бирин-ке-

тин намойиш этган бошқа кўпгина қўлёзмалар ҳам ана шундай қадимий ва ғоят қимматли эди. Бу қадимият обидаларини ўрганиш, классик шоирлар яратган ғазал, мурабба, мухаммас, рубоий ва бошқаларнинг мағзини чақиш натижасида Маъруфхўжа Баҳодиров ўз ашулалари учун танланган матнлар устида синчковлик билан иш олиб борадиган, котибларнинг, баъзи вақтларда адабиётшунос мутахассислар нигоҳидан четда қолган хато ва чалкашликларни ҳам топадиган бўлди.

Маъруфхўжа Баҳодиров 1920 йилда ҳозирги Ленинобод областининг Хўжанд районидаги Руммон қишлоғида камбағал касиб оиласида туғилди. Унинг отаси Баҳодирхўжа, бобоси Олимхўжа касибликдан ташқари ҳофизликдан ҳам хабардор эдилар. Ота-бола қишлоқдаги тўй ва гап-гаштакларда чилдирма жўрлигида ҳофизлик қилишар, қишлоқда тожиклардан ташқари ўзбеклар ҳам кўплиги сабабли ҳар икки тилда хонишлар қилиб, кишиларни мамнун этишарди. Бўлажак ҳофиз Маъруфхўжа ҳам етти-саккиз ёшидан бошлаб, бобоси ва отаси борган даврлардан қолмас, секин-аста чилдирмага ҳам қўли келиб қолган эди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач у ўзи ўқийдиган мактаб ҳаваскорлик тўғарагининг «яккахон ашулачиси» бўлиб қолди.

Ўғлидаги қизиқишни кўрган ота унинг Хўжанднинг машҳур ҳофизи Содирхонга ўхшашини орзу қилиб, қўшниси уста Раҳимхўжага жажжигина танбур буюрди. Тез орада танбур тайёр бўлгач, ёш Маъруфхўжа уни тингиллатиб юриб, бинойидек чаладиган, ашулаларга уни жўр қиладиган бўлди. У бўш вақтларида уста Раҳимхўжанинг чолғу асбоблари ясайдиган дўконидан бери келмас, кўнглида ўзи учун энг зўр танбур яшаш орзуси туғилган эди. Шу тариқа у созанда ва хонандалик ёнига тамбур ясовчи уста касбини ҳам қўшиб олди. Энди Маъруфхўжа созлар сирини яхши билар, бўш қолди дегунча Содирхон ижро этган пластинкаларни грамофонга қўйиб тинглагани-тинглаган эди. Аста секин унинг овози ҳам, ижро услуби ҳам Содирхонга ўхшайдиган бўлиб қолди. Марҳум ҳофизни кўп тинглаган қариялар уни турли давраларга чорлайдиган бўлишди.

Ниҳоят, ўн саккиз баҳорни олқишлаган ёш хонанда Ленинобод вилоят радиосига яккахон ашулачи сифатида ишга тақлиф этилди, 1939 йилдан бошлаб

эса радиодаги ишни вилоят ёш томошабинлар театрида актёрлик фаолияти билан қўшиб олиб борди.

Москвада бўлажак биринчи тожик санъати декадасида тайёргарлик ишлари қизиб кетган 1940 йилда у Тожикистон Давлат филармониясига ишга чақириб олинди. 1941 йил апрель ойида ўтган декадада ёш хонанда устоз санъаткорлар қаторида «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

1944 йилда Тошкентда Ўрта Оснё ва Қозоғистон республикалари санъат декадасида қатнашиш учун тожикистонлик санъаткорлар билан бирга келган Маъруфхўжа Баҳодировнинг хонишлари, айниқса, мангу барҳаёт Содирхонни эслатувчи репертуари ўзбек тингловчиларига манзур бўлди. Декада концертларидаги чиқишлари Маъруфхўжа Баҳодировни республикамизга машҳур қилиб юборди. Декада вақтида деярли ҳар куни у Ўзбекистон радиосига таклиф этилар, радио орқали унинг сеҳр ва қудрат мужассамлашган овози Тошкентдан узоқ-узоқларга ҳам таралар эди. Уша йили «Тожикистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига сазовор бўлган хофиз яна республикамизга таклиф этилиб, Фарҳод ГЭС қурувчиларига сурункасига уч ой давомида концертлар берди.

Ўзбекистон билан, ўзбек халқининг таниқли хонанда ва созандалари билан танишини ва ижодий ҳамкорлик қилиш Маъруфхўжа Баҳодировни худди оҳанрабодек республикамизга тортар ва машҳур хофиз илож топилиши биланоқ ҳар сафар қанот пайдо қилиб бу ерга учар эди. Ўзбекистонда ижро ва овоз имкониятлари хилма-хил хонандалар кўплиги, буларнинг ҳар бирдан ниманидир ўрганиш мумкинлиги Маъруфхўжа Баҳодировга тинчлик бермас, у Тошкент билангина чегараланмай, республикамизнинг турли вилоятларидаги йирик санъаткорлар ҳузурига ошиқар, улар билан ижодий суҳбатлар қураар эди. Унинг Хоразмда Матпано бува, Шерозий, Ҳожихон Болтаев; Фарғонада Болтабой хофиз. Эркақори, Хамроқулқори. Маматбува; Наманганда Муҳаммаджон Дўстмуҳамедов; Андижонда Беркинбой Файзиев, Абдулла Тароқ ва бошқа кўплаб атоқли хофизлар билан дўст ва ҳамкорлиги шу тариқа вужудга келган эди.

1947 йилда тожик хонандалари орасида биринчилар қатори «Тожикистон Халқ хофизи» фахрий унвонига

сазovor бўлган Маъруфхўжа Баҳодиров бир неча йил мобайнида Тожикистон радиоси мақомчилар ансамблида Фазлиддин Шаҳобов, Бобоқул Файзуллаев, Шоҳназар Соҳибов сингари устоз ҳофизлар билан бирга ишлади, хонандалик сирларини пухта эгаллаб олди.

Айни вақтда Ўзбекистонда ўша йилларда Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқов, Акбар Ҳайдаров ва Турғун Каримов, Бобоҳон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар каби жўравоз хонандалар, Ҳалима Носирова, Карим Зокировга ўхшаган сеҳрли овоз соҳиблари ижод қилаётганлиги Маъруфхўжа Баҳодиров қалбида улар билан биргаликда ишлаш, турли концертларда қатнашиб, улкан мактабни ўташ иштиёқини вужудга келтирган эди. Ана шундай енгил бўлмас орзу ғолиблик қилиб юрган кезларда, 1950 йилнинг бошларида у Ўзбекистон радиосининг тожик халқ чолғу ансамблига бадий раҳбарликка таклиф этилади. Ўша йиллари Тошкентда Юнус Ражабий, Имомжон Иқромов, Ганижон Тошматов, Саиджон Қалонов, Дадали Соатқулов, Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов ва бошқа бастакорлар даврасида ижод қилган Маъруфхўжа Баҳодиров фаолиятининг яна бир олом қирраси — бастакорлик ярқираб кўринди, у ўзбек ва тожик классик ҳамда совет шоирларининг кўпгина ғазалларига куйлар яратди. «Сенга фидоман» (Бедил ғазали), «Ахлоқу одоби билан» (Собир Абдулла ғазалига татаббу), «Жавлонингдадир» (Хоний ғазали), «Тасаддуқ» (Машраб ғазали) «Ўлмағай», «Қадринг билмаса» (Чустий ғазаллари) сингари қўшиқлар ўнларча машҳур ва ёш хонандалар репертуаридан ҳозиргача мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Хонандалик фаолиятини қарийб ярим аср аввал Абулқосим Лоҳутийнинг «Эй дил, хомуш бўл» деб аталувчи қўшиғидан бошлаган Маъруфхўжа Баҳодиров ана шу ўтган давр мобайнида ўз репертуарини классик ва замонавий шоирларнинг шеърларига басталанган уч юзга яқин ашулалар билан бойитди. Хўжа Ҳофиз, Қамол Хўжандий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бедил, Фузулий, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Асирий... Устоз хонанда репертуаридан ўрин олган классик шоирлар рўйхатини тўла-тўқис келтиришнинг ўзи мушкул.

— Узим ҳар икки халқ санъатини санъаткорларнинг тенг севганимданми, ҳар қалай, икки тилда ижод қилган, буюк Навоий таъбири билан айтганда, «зуллисопайи» шоирларни кўпроқ ёқтираман—дейди Маъруф-

хўжа ака.—Чунки улар яратган санъат жавоҳирлари халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг олтин кўпригидек туюлади менга. Шунинг учун ҳам Тожикистонга борсам, ўзбек шоир ва бастакорларининг, Ўзбекистонда эса тожик шоир ва бастакорларининг ижод маҳсуллари кўпроқ тарғиб этаман. Устоз хонандалардан бир муҳим фазилатни мерос қилиб олганман. Гап шундаки, ҳозирги хонанда талаб ва эҳтиёжлари, диди, кўшиққа муносабати бир-биридан кескин фарқ қилувчи шиннавандаларнинг турли давраларида бўлади. Бировга бо-бокалон шоирларнинг, бошқа бировга эса ҳозирги кундаги ижодкорларнинг шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар кўпроқ манзур бўлади. Шундай бўлгач, элга танилган ҳар бир шоирнинг бирор шеър ёки газалига басталанган ашулани айтишга деярли ҳамиша тайёр тураман. Классиклардан ташқари Ҳабибий, Мирзо Турсунзода, Уйғун, Розия Озод, Шукӯҳий, Аминзода, Чархий, Чустий, Собир Абдулла, Эркин Воҳидов ва бошқа кўплаб замонавий шоирларнинг шеърлари асос бўлган ашулаларим шу тариқа яратилган.

Маъруфхўжа Баҳодиров «Баёт», «Ушшоқ», «Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Шаҳноз», «Гулёр», «Ироқ» сингари ижрочидан улкан маҳорат, қудратли овоз, бир умрли меҳнат талаб қиладиган мақом йўллари билан барча шўьбалари билан, барча юксак талабларга жавоб берадиган даражада ижро этади.

Икки халқ мусиқа меросининг хазинадори бўлмиш улкан хонанданинг сал кам ярим асрлик фаолнати жамоатчилик томонидан юксак қадрланди. Маъруфхўжа Баҳодиров юқорида зикр этилган фахрий унвонлардан ташқари Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденларига, бир қанча медалларга, икки республика Олий Совети Президиумларининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. Унга республика аҳамиятидаги шахсий пенсия белгиланган.

Аmmo Маъруфхўжа Баҳодиров ўз сеҳрли хонишлари билан кўшиқ шайдоларига завқ-шавқ бағишладан ташқари, бир неча йиллардан буён Ўзбекистон халқ санъати усталари бирлашмасида танбур ясовчи уста сифатида хизмат қилмоқда. Машҳур ҳофиз ясаган танбурлар ўзбек санъаткорларининг чет эллардаги гастролларида, турли халқаро кўргазмаларда олам кезмоқда.

Ҳақиқий умрбоқийлик деб шуни айтсалар керак-да!  
1984

## ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

Халқимизнинг севимли ҳофизларидан Шоолим Шожалилов олтмиш ёшга тўлди. Ана шу олтмиш йилнинг қарийб тўртдан уч қисми халққа асил санъат билан хизмат қилишга бағишланганини айтиш айниқса кўнгилдир.

Ажойиб хонанданинг қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида ҳамиша халқ эъзозиди бўлиб келаётганининг, не-не давраларда ўз хонишлари билан тингловчилар қалбига оташ ва нур бағишлаётганининг сирига келсак, у оддий халқ ичидан чиққанлигида, халқнинг шодлигига шерик, ғамига ҳамдард бўлиб умргузаронлик қилганлигида, халқ асрлар бўйи яратган ноёб санъат намуналарига худди уста заргардек сайқал бериб, яна халқнинг ўзига буюк эҳтиром билан қайтариб бераётганидадир.

Шоолим Шожалилов деганда, қўшиқ шинавандалари ёдига дарҳол унинг устози, ҳамнафаси, биродари бўлмиш Ўзбекистон Халқ ҳофизи Шоқосим Шожалилов ҳамда сеҳрли ва қудратли овози билан акалари сафидан муносиб ўрин эгаллаган укаси Шоакбар Шожалилов келади.

Шундай, бу уч биродар хонанданинг санъат осмонидаги кўркем парвозларини асло бир-биридан ажратиб бўлмайди. Гарчи улар санъатга турли йўллар билан кириб келган бўлсалар-да, уларнинг ҳар бирига таъсир кўрсатган устозлар турлича бўлса ҳам учовлари бирлашиб, имконияти, диапозони турлича бўлган овозларини ягона ўзанга солиб қўшиқлар ижро эта бошлаганидан сўнг уларнинг шуҳратига-шуҳрат қўшилиб, ижро маҳорати тобора ортаверди.

Шожалиловларнинг хонишлари миллионларнинг қалбини ром этадиган даражада сеҳрли бўлса ҳам, биз уларнинг санъатини иккинчи истеъдод деб атадик. Аслида ҳам шундай. Яна шуниси ҳам борки, худди иккинчи истеъдод сифатида танланган санъати билан халқ ичидида боқий умр топган ижодкорлар кам эмас. Масалан, мақомлар сеҳраги академик Юнус Ражабий акиси Ризқи Ражабий билан қассоблик касбидан санъатга кириб келганликларини, ўзбек қўшиғи донгини не-не юртларга ёйган Тўйчи ҳофиз ҳаммомда ходимгарлик қилиб юрган кезларида ўзида зўр табиий овоз борлигини пайқаб қолиб, бутун умрини иккинчи истеъдодга

бағишлаганини, номи санъат китобига ўчмас ҳарфлар билан битилган Жўраҳон Султонов новвойликдан, Маъмуржон Узоқов кавушдўзликдан чиқиб санъатнинг инсон аҳлини ҳайрон қолдирадиган юксак чўққиларига кўтарилганликларини, шунингдек, Муҳаммаджон Мирзаев тўқимачилик комбинати дастгоҳларидан, БERTA Давидова шафқат ҳамширалигидан, Ортиқхўжа Имомхўжаев бухгалтерликдан, Саттор Ярашев механизаторликдан санъатнинг сержило гулшанига кириб келганликларини айтиш kifоя.

Чинакам санъат ошиғи бўлган ижодкорларнинг ана шундай бир тоифаси ҳам борки, улар хонандаликни ўзлари севган иккинчи касб билан ҳамisha қўшиб олиб борадилар. Чунончи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, замонавий қўшиқлар ижрочиси Раъно Шарипова айни вақтнинг ўзида шифокор, классик ва халқ қўшиқларини айниқса севиб айтадиган ажойиб хонандалардан Алижон Эркаев файласуф, Иброҳимжон Исҳоқов эса мактаб ўқитувчиси сифатидаги вазифаларини ҳам ўринлатиб бажармоқдалар.

Шожалиловларнинг санъат олами билан абадий боғланиш сабаблари ҳақида ўйлаганда давримизнинг машхур санъаткори Сергей Образцовнинг бир гапи эсга тушади. С. Образцов олтин тасодиф ва расво тасодиф ҳақида гапириб, биринчиси инсоннинг бутун ҳаёти йўналишини, мазмун ва моҳиятини ўзгартириб, одам тасаввур ҳам қила олмайдиган бахтга сабабчи бўлишини айтган ва ўзининг — рассомлик институтини битириш арафасида турган ёш йигитнинг қай тариқа бир умрга актёр бўлиб қолганини гоёт қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб берган эди.

Шожалиловларнинг отаси Шожалил ва амакиси Шораҳим авлод-авлодидан мерос бўлиб келган иморатсозлик ҳунарини давом эттиришмоқчи, бир сўз билан айтганда, боболари изидан боришмоқчи эди. Бироқ уларга ҳам бахтли тасодиф ёр бўлди. Бу шундан ибораг эдики, Тўйчи ҳофиз элга танила бошлаган йилларда унинг бир синглиси Шожалил акалар хонадонига келин бўлиб тушиб, улар тоға-жияндек бўлиб қолишди. Тўйчи ҳофиз ажойиб хонишлар устаси бўлгани ҳолда соз чалишни ўрганмаган, шу важдан созанда шерикларга эҳтиёж сезар эди. Бунинг устига, инқилобдан олдинги Тошкент кўчалари ўйдим-чуқур, зимистондек қоронғи, транспорт бўлмагани учун тўйлардан, гап-гаштак ва зиёфатлардан ярим кечада гангур-гунгур гаплашиб уйга

қайтиш учун ҳам дилкаш ҳамроҳлар керак эди. Бир куни Тўйчи ҳофиз ўз жиянлариникига борса, соз ясашга ишқибоз Шораҳим пухта танбур ясаб олиб, акаси Шожалил билан ўша даврнинг ашулаларидан бирини ажабтовур хиргойи қилишаётганмиш. Машҳур ҳофиз ўз жиянларини ёнига қўшиб, турли давраларга олиб борибди, улар энди биргаликда хониш қиладиган бўлишибди. Шу-шу Шораҳим ва Шожалил Шоумаровларда иккинчи истеъдодга иштиёқ устунлик қилиб, ота касблари ўймакорлик билан онда-сонда бир шугулланган бўлишибди. Бу воқеа ўтган асрнинг охирларида рўй берган эди. Ака-ука санъаткорлар ўлкада бидъат ҳукмрон бўлган бир шароитда санъатнинг дадил тарғиботчиларига айланадилар.

Асримиз бошида грамофон деган мўъжиза юртимиздаги не-не зукколарни лол қолдирган шароитда ўлканинг турли жойларидаги атоқли хонандаларнинг бошини бир ерга қовуштириб, пластинкаларга ўнларча ашулаларнинг ёзилиб қолишига сабаб бўлганлар ҳам худди Тўйчи ҳофиз ҳамда Шораҳим ва Шожалил Шоумаровлар эди.

Илқилобдан кейинги йилларда Шожалил Шоумаров санъатни жўшқин тарғиб этишдан ташқари Тошкентда «Санойи нафиса» номи билан танилган санъат ходимлари касаба союзи ташкил этишда фаол қатнашади. Шораҳим Шоумаров эса, бир томондан халқ консерваторияси деб аталган мусиқа билим юртида муттасил дарс беришдан ташқари, таниқли рус мусиқашунослари Миронов ва Успенский билан ўзбек куйларини нотага олиш, улардан дастлабки мусиқали драмаларда кенг фойдаланиш ишини авж олдириб юборади.

Шожалиловларнинг тўнғичи бўлмиш Шоқосим Шожалилов ана шу мусиқа билим юртида таҳсил кўрди ва 1927 йилда уни муваффақиятли тугатди. Билим юртида у амакиси Шораҳим Шоумаровдан хонандалик маҳоратини, машҳур Абдусоат Ваҳобовдан соз чалиш сирларини ўрганди. Кейинчалик Тўйчи ҳофиз, отаси Шожалил ҳофиз, Акбар Ҳайдаров, Жўрахон Султонов сингари машҳур санъаткорлардан ўрганганлари ҳам қўшилиб, Шоқосим Шожалилов республикамиздаги энг севимли ҳофизлардан бирига айланди. Ўзбекистонда қўшиқ санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун унга 1949 йилда Республика Халқ ҳофизини унвони берилди.

Шоқосим Шожалилов ҳофиз сифатидагина эмас,



аскиячи сифатида ҳам республикамизда, ундан узоқ-узоқларда кенг танилган. У Эрка Қорн, Мулла Маматбува, Юсуфжон қизиқ, Жўрахон Султонов, Акбар Ҳайдаров, Фанижон Тошматов сингарн зукко аскиячилар даврасида пайровларининг бутун нозик томонларини билиши, деярли ҳаминша янги ва мантиқан кучли гап топини билан шинавандаларни лол қолдирганининг кўп марта гувоҳи бўлганмиз.

Шоқосим Шожалилов хонандаларимиз орасида шеърини мукамал тушунадиган, шоирлар билан энг иқин алоқада бўладиган камёб санъаткорлар жумласига кирди. У классик шеъринимизни ҳозирги шеъринат билан боғлайдиган кўприк вазифасини бажарган Оразий, Ҳайратий, Фарибий, Хислат, Мискин, Хуршид сингарн атоқли шоирлар билан жуда кўп ҳамсуҳбат бўлган ва уларнинг меросларидан қанча-қанча қимматли намуналарни бизнинг авлодларга етказиб келган табаррук санъаткор ҳамдир. Юқорида зикр этилган ва бошқа шоирларнинг Шоқосим ака репертуарига кирган ҳамда унинг кўнлаб дафтарларида сақланаётган газал, мурабба, мухаммас, мусаддас, мустаҳзод, ва бошқалар ўша шоирлар ижоди билан шуғулланаётган тадқиқотчиларимизга ҳам катта наф келтриши турган гап.

Шоолим Шожалилов ҳам эсини таниши биланоқ акасига эргашди. Тошкентдаги 41- мактабда таҳсил олгач, дутор чертишини, кўшиқ айтишини анча яхши ўрганиб олганидан гоҳ Тўйчи ҳофиз ва Шораҳим Шоумаровга, гоҳ Шоқосим акага кўшилиб, кўшиқ шинавандалари йнгилган давраларга борар, пардаси анча баланд, лекин ҳали тобига етмаган овози билан кўшиқларнинг авжига чиқини севар эди. Аста-секин маҳорат сирларини эгаллай бошлаган Шоолим Шожалилов 1942 йилда Ўзбекистон радиосига — Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамблга яккахон ашулачи сифатида тақлиф этилди. 1953 йилга қадар шу ерда хизмат қилди, Имомжон Икромов, Мақсудхўжа Юсупов, Ориф Қосимов сингарн устоз санъаткорлар даврасида халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиси даражасига кўтарилди.

Шоолим ёшликда шифокор бўлмоқчи эди, бироқ уруш туфайли бу орзу ушалмай қолган эди. 1953 йилдан у дорихонада ишлай бошлади. Шундан буёнги салкам ўттиз йиллик умр санъаткорликни таботат билан гоят гўзал уйғунлаштирган ҳолда ўтдики, бунга чиннакамнига ҳавас қилса арзийди. Ишдан сўнг ҳориш нима-

лигини билмай, санъат шинавандалари хизматига йўл оларди.

Шожалиловларнинг кенжаси Шоакбар ёшликдан сартарошлик касбини танлаган эди. Бахтли тасодифни қарангки, унга бу касбни ўргатган устози Сайдамин Султонхўжаев ҳам ажойиб созанда эди, кўп йиллар Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамблда етакчи созанда бўлиб ишлаган. Сартарошхона бўш қолди дегунча, уста қўлига соз олиб, сеҳрли куйлар чаларди. Отаси, акалари хонанда-созанда бўлган Шоакбар устанинг бу куйларини жон қулоғи билан тинглай-тинглай, ўзи ҳам созанда бўлиб қолганини кейинроқ билди. Кейин акаларига қўшилиб хониш қилиб кўрса, шинавандаларга унинг кучли, аллақандай ички дард билан янграйдиган овози жуда ҳам манзур бўлди. Шу-шу акалари билан бирга «Ушшоқ», «Тошкент проғи», «Чоргоҳ», «Муножот», «Баёт», «Гиря», «Субҳидам», «Мен қадам», «Жоно, жамолинг», «Айлансун», «Найларам», «Эй нигорим» сингари, ижрочидан катта малака ва маҳорат талаб этадиган ўнларча қўшиқларни айтадиган, тингловчилардан офарин эшитадиган бўлди.

Санъаткорлик — фидойилик, деган гап бор. Ака-ука Шожалиловлар ҳам ана шу фидойилик туфайли ҳақиқий обрў топган хонандалардир.

1981 йил

### МАКТАБ ЯРАТГАН ХОНАНДА

Ҳақиқий қўшиқ қанчалар сеҳрли, қанчалар оловли бўлса, у шунчалар инжиқ, шунчалар меҳнатталаб бир нарса. Лекин ана шу инжиқлик ва меҳнатталабликка мардона бардош бериб, муддаосига етган санъаткорни қўшиқ ўзининг олтин қанотларига миндириб, замон ва макон сарҳадларидан дадил олиб ўтади, санъат шинавандаларининг янгидан-янги авлодлари қалбига ардоқли меҳмон сифатида жо қилади. Тўйчи ҳофиз, Домла Ҳалим, Ҳожин Абдулазиз, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов сингари қўшиқ даргаларининг хонишлари печа ўн йиллардан бери жаҳон кезиб юрганлиги, ҳар бирининг номи халқ ўртасида ширин ривоятлар, афсоналар билан боғлаб тилга олиниши ана шундандир.

Сирлар хазинаси бўлмиш шоир Фурқат Еркентдан марғилонлик дўсти Тошболтуга ёзган шеърий макту-

бйда ўзининг қалин дўсти Муқимий ва устози Нисбатийнинг вафотидан қаттиқ қайғурганини билдиргани ҳолда унга бағоят оқилона тасалли бериб, зўр бир ҳаётний ҳақиқатни ҳам баён этган эди:

Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса ўлмишдир,  
Мадул ўлма, жаҳон ҳоли қолурму ҳеч расолардин.

Чиндан ҳам улкан санъаткорлар оламдан ўтиши билан санъат ривожини тўхтаб қолмайди, уларнинг ажойиб ишларини давом эттирувчи, янада юксакроқ чўққиларни кўзловчи шогирдлари, комил ҳамкасблари етишиб чиқади. Юқорида биз ўзбек қўшиқ санъатининг ифтихори бўлиб қолган бир қанча марҳум зотларни эслаган эдик. Улар вафотидан сўнг ҳам хонандалигимизда янги марраларни эгаллаган йирик санъаткорлар етишиб чиқдики, биз сўз юритмоқчи бўлган ажойиб лирик хонанда Фахриддин Умаров улар орасида энг истеъдодли, энг фусункорларидан ҳисобланади.

Фахриддин Умаровнинг дилсўз хонишлари республикамиздан узоқ-узоқларда, ҳатто кўпгина хорижий шарқ мамлакатларида машҳур ва манзур эканлигини тўғрисида кўп эшитиб кўникиб қолган эдик. Лекин яқинда юзлаб санъат мухлислари тўпланган катта издиҳомда, ТошДУнинг муҳтарам домласи Акмал Тошхўжаев уйда республикамизнинг йирик биолог олими, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Аҳмад Иброҳимов айтиб берган бир воқеа Фахриддин Умаров ихлосмандлари учун, бугунги ўзбек хонандачилиги ихлосмандлари учун сира кутилмаган, ажойиб совға бўлди. Таниқли олимнинг айтишича, у халқаро симпозиумда қатнашиш учун Голландияга борган, бир неча кун ичида она юрт соғинчи унда дилгир кайфият туғдирган экан. Шундай бир вазиятда голландиялик ҳамкасбларидан бири уни ўз ҳолига қўймай уйига меҳмонга қистайверибди. Ўзбек олимнинг розилигини олиш мушкул бўлган шундай алфозда голланд олими унга ўз уйда Фахриддин Умаровнинг энг яхши қўшиқлари ёзилган лентаси борлигини, ўзи дилгир бўлган чоғларда бу қўшиқларни тинглаб хумордан чиқишини, агар Аҳмад Иброҳимов меҳмон бўлиб борса, уни шу қўшиқлар билан сийлашини айтибди. Шу заҳотиёқ А. Иброҳимов қанот пайдо қилиб ўз голланд ҳамкасбининг хонадонига учибди. Уша оқшом она юртининг муаттар ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олгандек бўлибди.

— Забардаст ўзбек хонандасининг ажойиб қўшиқлари голланд олими учун энг муқаддас ёдгорлик бўлиб қолганини кўриш мен бутун умримда кўрган мўъжизаларнинг мўъжизаси бўлди,—дея ҳикоясини тугатди машҳур ўзбек биологи.

Фахриддин Умаров бундай даражага Аллоҳ ато қилган таъсирчан, қудратли овознинг ўзи билангина эришгани йўқ. У игна билан қудуқ қазишга, тирноқ билан тоғ қўпорилга етгулик матонат ва шижоати билан, сабр-чидам билан, юк кўтарган юзага чиқиши муқаррарлигига бўлган чексиз ишончи билан эришди...

У Тошкент яқинидаги Қибрай қишлоғида оддий дехқон онасида туғилди. Туғилибдики, қулоғига ёқимли она алласи билан бирга дутор ва танбурда анвои куйларни эшиб чаладиган отаси Асилпўлат Умаровнинг ажиб тароналари бот-бот эшитилиб турарди. Бўлажак ҳофиз ўз қишлоғидаги болалар билан қувлашмачоқ ўйнаб паккадан-паккага ўтаркан, теварак-атрофдаги уфқ билан туташ далалар кўрки, ширин-шарбат мевазор боғлар жамоли, оқ папоқ кийган тоғлардан бошланган ирмоқларнинг шилдираши, дарахтларда не-не қушларнинг чулдираб сайрашлари унинг қалбида ҳали ўзи тушуниб етмаган туйғуларни уйғотар, шу туйғулар таъсирида у ўзинча гоҳо-гоҳо хиргойи бошлаб юборарди.

Асилпўлат ака Фахриддинга дутор ва танбур пардаларини билиб босишни, куйларни қочирик билан, ширали чалшни илк бор ўргатди. Уларни яшаб турган Қибрай қишлоғидаги «Темир қадам» колхозига қарашли тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиркан, Фахриддин Тошкентдан қишлоққа келадиган ҳар бир созанда ва хонандани дунёдаги энг табаррук зотлар деб билар, улар ижро этган куй ва хонишларнигина эмас, балки гапирган ҳар бир гапини қулогга қуйиб, дилга тугиб олар, баъзан издиҳом тугагач уларнинг кетидан эргашиб, узоқ-узоқларгача кузатиб қўяр, қайтишда эса улар оғзидан ҳозиргина эшитган бирор қўшиқни хиргойи қила-қила уйига келиб қолганини билмасди.

Еш Фахриддиннинг бутун фикри зикри хонанда бўлиш эди, у бошқача ҳаётни умуман тасаввур ҳам этолмасди. Бироқ 1941 йил 22 июнда бошланган даҳшатли уруш унинг режаларини бузиб юборди. Ҳамма яроқли кишилар фронтга кетди, ҳали 15 ёшга ҳам тўлмаган Фахриддин ўқини тўхтатиб, бир неча тенгдошлари билан МТСда шогирдлик даврини ўтаб комбайнчи касбини эгаллади. 1946 йилгача комбайнчилик қилган

Фахриддин Умаров ўз севимли сози билан ҳар бир йнгида иштирок этар, уруш даврининг машҳур ашулаларини айтиб, фронтчи оилаларга далда берар, улар қалбида ғалабамизга бўлган ишончни мустаҳкамлар эди.

Уруш тугаб, эндигина Фахриддин Умаров колхоз ҳаваскорлик тўғарагига раҳбарлик қилаётган 1946 йилда Ўзбекистон радиосининг бир гуруҳ машҳур хонанда ва созандалари концерт қўйгани колхозга чиқишди. Концерт орасида ҳаваскор хонанда Фахриддин Умаров ҳам саҳнага таклиф этилди. У ўз севган ғижжагининг учини тўни устидан боғлаб олинган камар орасига тикиб, тик турганча, ўша вақтларда айниқса машҳур бўлган жанг темасидаги «Мард юрагим» ва «Эй қўзим» қўшиқларини ижро этди. Тошкентлик санъаткорлардан Мавлуда Аъзамова билан Мамадазиз Ниёзов ёш хонанданинг овоз имкониятлари кенглигини, келажакда чинакам хонанда бўлишини пайқаб, республика радиосига ишга киришни маслаҳат бердилар. Радиода, ундан сўнг қарийб 35 йил мобайнида Ўзбек Давлат филармониясида ишлаб юрган кезларида Ф. Умаров халқнинг машҳур ҳофизлари билан шахсан танишди, улардан қўшиқ сирларини ўрганди ҳам, кўпларига ўргатди ҳам.

Тошкентда нима кўп-ҳофиз кўп эди. Баъзи ҳофизлар қўшиқнинг пардаси баланд бўлишига зўр беришардию, бироқ овозларида ички самимият, дард етишмасди. Баъзиларида эса бундай самимият ва дард борга ўхшайдию, лекин қўшиқ қилиб айтаётган шеърлари мазмунини тузукроқ тушунишмасди. Бунини кўрган Фахриддин Умаров хонанда тингловчи қалбини ром этиш учун қўшиқни бутун қалби билан ҳис этиши, шеърятни пухта тушуниши керак, деган хулосага келди. У ўрта мактабда адабиёт фанидан олган билимларини чуқурлаштиришга астойдил киришиб, мустақил мутолаага зўр берди, ўз ҳамкасблари орасида шеърятни мукамал ва нозик тушунадиган даражага эришиб, кўпчиликка ибрат кўрсатди.

Фахриддин Умаров классик шеърятимизнинг Навоний, Фузулий, Бобур, Машраб сингари буюк вакиллари соҳир қалами билан яратилган ўнларча ғазал ва мухаммасларга, Миртемир, Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Чустий, Пўлат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Камтар, Уткир Рашид, Акмал Пўлат сингари шоирларнинг замонавий темадаги кўплаб шеърларига янгидан боқий умр бахш этди.

Хонанда репертуарида унинг шахсан ўзи куй басталаган қўшиқлар катта ўрин тутади. Биринчи бўлиб Фахриддин Умаровнинг ўзи ижро этган ва кейинчалик республикамиздан узоқ-узоқларда ҳам сон-саноқсиз хонандалар севиб ижро этаётган бундай оригинал куйларни унча-мунча рўйхатга сиғдириш қийин.

Фахриддин Умаров буюк Навоийнинг:

Яхшироқ бил ани улус ароким,  
Етса кўпрак улусқа нафъ андин, —

деган ўта ибратли байтини такрорлашни яхши кўради. Бу бежиз эмас. Ўзидаги бутун куч-қудрат ва истеъдодни умрбоқий қўшиқлар яратиб, халққа совға қилишга бағишлаётган бу муҳтарам хонанданинг бошқа хонандаларга ибрат бўладиган яна бир фазилати бор. Гап шундаки, у ўзи ўрганган, яратган, ижро этган қўшиқлар сирри-асрорини ҳеч кимдан, ҳеч қачон хуфя тутмайди. Уларни ёшлар, шогирдлар, ҳамкасблар қанчалик кўп ўрганса, ихлос билан, ёниб ижро этса, Фахриддин Умаров шунчалик мамнун бўлади, ўз санъати билан халққа кўпроқ нафъ етказётганидан шунчалик қониқиш пайдо қилади.

Республикамизнинг Ғўломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев, Ҳожиакбар Ҳамидов, Абдуҳамид Султонов сингари ўнларча сеvimли хонандаларидан ташқари, Халқ артисти Жўрабек Муродов, Тожикистон Халқ артисти Жўрабек Набиев сингари қардош тожик ҳофизларигача уни ўзларига ҳақиқий устоз деб биладилар.

Бир вақт йирик олимларимиздан бири: «Олимнинг умри унинг яшаган йиллари билан эмас, балки яратган асарлари ва шогирдларининг қанақалиги билан ўлчанади»,—деган донишманона гапни айтган эди.

Шу нуқтан назардан қаралса, Фахриддин Умаров басталаган ва ижро этган хонишлари билан ҳам, етиштирган ажойиб шогирдлари билан ҳам ўз санъатининг, ўзи яратган қўшиқ мактабининг боқийлигини таъминлай олган бахтиёр инсондир.

Фахриддин Умаровнинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони ҳақида ўйлаганда, беихтиёр Афанди латифаларидан бири ёдга келади: «Насриддин афанди кечаси тинч ухлаётганида кўчада шовқин-сурон кўтарилибди. Хотини унга: чиқиб хабар олинг, нима тўполон экан, дебди. Афанди устига кўрпасини ташлаб кўчага чиқса, ҳалиги шовқин-сурон қилаётган безорилар

унинг кўрпасини тортиб олиб, қочиб кетишибдию ҳам-маёқ жимжит бўлиб қолибди. Уйга кирса, хотини: хўш, нима жанжал экан деб сўрабди. Афанди унга: ҳамма жанжал менинг кўрпамнинг устида экан, хотин», деган экан. Шунга ўхшаб 1966 йилда республика газеталаридан бирида санъаткорнинг маънавий қиёфаси ҳақида бош мақола берилиб, унда Ёқуб Аҳмедов, Бахтиёр Ихтиёров, Суръат Пўлатов ва Фахриддин Умаровнинг номлари санаб ўтилган, бир шингилгина танқидий гап айтилган эди. Шундан сўнг қолган уч санъаткорнинг унвонини бекор қилиш ҳақида гап ҳам бўлгани йўқ, аксинча, янги-янги юқори унвон ва ҳатто Иттифоқ мукофотлари ҳам олинди. Лекин, биргина Ф. Умаровнинг фахрий унвони халқдан яширин равишда бекор қилинди. Республиканинг не-не раҳбарлари гўё бу иш адолатсиз бўлганини эътироф этиб, унвонини тиклаш ҳақида қайта-қайта ваъдалар беришди. Ниҳоят мамлакатимизда ижтимоий адолат қарор топгач, Ўзбекистон Президентининг махсус қарори билан Ф. Умаровнинг фахрий унвонга бўлган ҳуқуқи тикланди.

Бундоқ ўйлаб кўрилса, юқорида номлари келтирилган сеvimли санъаткорлар ҳам Ф. Умаровни унвондан жудо қилиш ниятида номлари газетада «кўз-кўз» қилинган деган фикр голиб келади. Шундай қилиб, Ф. Умаров 26 йилдан бери «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» бўлиб қолмақда.

*1987 йил*

### УСТОЗЛАРДАН НИШОНА

Ҳислардан яралган бир нафис олам  
Бағрида мезондан енгилмаи ҳозир.  
Қуёшдан тиниқроқ баргдаги шабнам,  
Нафасдек узилар тупроқдан ҳовур.  
Ҳокими мутлақдир бунда фақат қалб,  
Тавамда қон эмас, югурмоқда нур.  
Салқин шаббодадек хаёл аллалар,  
Шаршара бошида қуплар чуғури.  
Ой ҳам сеҳрланмиш терак учида,  
Юлдузлар очмоқда осмон тилсимян.  
Вужудими олар оташ ичига  
Бармоқлар титратган шу нозик симлар.  
Ҳокими мутлақдир бунда фақат қалб.

Оташнафас шоира Саида Зуннунованинг «Танбур» аталмиш шеърнда куй ва созанда сеҳргарлиги шу тариқа

нозик, бетақроқ тасвирланади. «Бармоқлар титратган нозик симлар» туфайли ҳассос шоира «вужудини оташ ичига олган» сеҳргар созанда ким? Бу саволга жавоб топиш учун қийналишнинг сира ҳам кераги йўқ. Шеър муаллифи сарлавҳадан сўнг «Абдумутал Абдуллаевга» сўзларини битиб, қалбига ажиб туйғулар олиб кирган созандага алоҳида эҳтиром кўрсатган, шу тариқа унинг номини шеърда нақшлаб кетган эди.

Улкап санъат қорли тоғлар этакларидаги якка-якка иргалардан бошланиб, бу ирмоқлар кўпайгани сари, бир-бирига қўшилгани сари тобора кўпроқ қудрат касб этиб, азим дарёларга айланишини эслатади. Санъат уммонига назар ташлаб хаёллар самосида кезган киши, кўп ҳолларда, бошқа иргаларни ўзига эргаштириб, қудратли дарёга, денгизга айланишга сабаб бўлган ўша дастлабки иргаларни кўз олдига келтиришга уринади...

Чиллаки чиллакини кўриб чумак урганидек, илгари маҳалла тўй-ҳашамларига энг оддий созандани не машаққатлар билан даҳа айланиб топиб келинадиган Гулбозор гўё санъат бўстонига айланадиган, санъатимизнинг бири биридан кўркам анвои гуллари шу бўстонда гунча тугиб, очилиб, ял-ял ёниб қалбларга ҳузур, кўзларга сурур бахш этадиган бўлди.

Отаси сингари ҳаммом ходимгари бўлмиш Тўйчивой қўшиққа меҳр қўйиб, ўзбек, форс-тожик, озарбайжон классик шеърини энг яхши намуналарини мақом куйларига солиб айта бошлаши билан дастлаб унинг жиянлари Шожалил ва Шораҳим Шоумаровлар камоли эҳтиром билан санъат бўстонига қадам қўйдилар ва бўстонда мангу қолдилар. Сал вақт ўтгач Тўйчи ҳофизнинг кичик жиянлари Абдумутал Абдуллаев, Шоқосим Шожалилов, Шокарим ва Шоназар Шораҳимовлар, Гулбозор ва унга қўшни маҳаллаларда истиқомат қилувчи Сайфи Олимов, Қарим Зокиров, Қарим Алиев, Жамол Низомхўжаев, Шоолим Шожалилов ва бошқа санъат ишқибозлари қўллари созга, овозлари хонишга келиб қолганини фаҳмлаб, Тошкентда дастлаб очилган санъат ўқув юртларида таҳсил кўриб, санъат даргоҳларида муқим бўлиб қолдилар. Улардан ҳар бирининг ўзбек санъатининг турли жанрларини ривожлантиришдаги каттадан-катта хизматлари китобхонларга яхши маълум. Чунончи, Сайфи Олимов Ҳамза номли академик театримизнинг тамал тошини қўйганлиги, шу табарруқ санъат эҳро-



мида олтмиш йил чамаси меҳнат қилганлиги, Қарим Зокиров биринчи ўзбек операси «Бўрон»дан тортиб «Майсаранинг иши»га қадар ҳамиша энг масъулиятли, етакчи партияларни ижро этганлиги, Шораҳим Шоумаров биринчи ўзбек мусиқали драмаларидан «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»га ҳамма ҳавас қиладиган куйлар танлаганлиги, В. Успенский, М. Миронов Е. Романовская сингари рус мусиқашунослари билан биргаликда кўн асрли бой тарихга эга куйларининг нотага олинишида хайрли ташаббус кўрсатганлиги кўпчиликка маълум.

Шораҳим Шоумаровнинг фарзанди Шоназар Шораҳимов республикамизда театр рассомлиги сарчашмаларида туриб, кўркем жасоратлар кўрсатганлиги, Қарим Зокировнинг фарзандлари Ботир Зокиров эстрада санъатимиз осмонида чақмоқ чақиб ўтганлиги, Фаррух Зокиров эса «Ялла»миз шуҳратини оламга ёйганлиги ҳам сир эмас.

Тўйчи ҳофиз қўли билан яратилган кўркем санъат бўстонининг кўзни қувонтирадиган гуллари орасида Абдумутал Абдуллаев ҳам бор. Унинг боғбон отасини қўли гуллиги учун гулбозорликлар Абдулла Гулмуҳаммад дейишар, онаси Рисолат биби эса Тўйчи ҳофизнинг туғишган опаси эди.

Еш Абдумутал мактаб ёшига етар-етмас ҳофиз тоғасининг кетидан эргашиб тўй-базмларга, бошқа йигинларга борар, унинг хонишларини жон қулоғи билан тинглар эди. У хат саводини чиқариб улгуриши биланоқ созлар, хонишлар хазинаси бўлмиш Ўзбек мусиқа билим юртида таҳсил бошлаб, 1927 йилда уни тугатди. Тўйчи ҳофиз консультантлик қиладиган мусиқа билим юртида Шораҳим Шоумаров, Абдусоат Ваҳобов сингари таниқли ўзбек педагоглари Успенский, Церегородский, Романовская, Поликарпова ва бошқа рус устозлар билан биргаликда дарс беришар, таниқли драматург Фулом Зафарий унда директор эди. Кейинчалик Субутой Долимов, Илёс Акбаров, Нусрат Иноқов, Зокиржон Содіқов, Шарифа Тошмуҳамедова (Езувчи Ойбекнинг синглиси)га ўхшаш кўпгина ёшлар билан биргаликда Ўзбек Давлат мусиқа техникумининг Шарқ бўлимини муваффақиятли тугатди.

Талабалар дарс соатларини аудиторияларда ўтказишар, лекин ўзлари ўрганган ҳар бир куй ва қўшиқнинг кўпчилик орасига олиб чиқишдан илгарини Шораҳим Шоумаровнинг Новзадаги боғида Тўйчи ҳофиз, Уста

Қўчқор, Набиҳўжа ва Шобарот танбурчилар ҳузурида росмана имтиҳондан ўтишар эди. Бу вақтларда Абдумутал ўз қариндошлари Шоқосим Шожалилов ҳамда Шокарим Шораҳимов билан ҳамнафас бўлиб ашулалар ўрганар, ўрганганларини эса саҳналарга олиб чиққани ийманар, катта санъаткорларнинг салобати босиб турар эди. Журъатсизликни енгишда ёш хонандаларга устозлари ёрдамга келишди. 1927 йилнинг куз ойлари эди... Шораҳим Шоумаров билан ўша даврнинг машҳур кино тарғиботчиси Қурбон Чорбоев инқилобнинг ўн йиллиги тантаналари муносабати билан катта концерт ташкил этишадиган бўлди. Тошкентда истиқомат қилувчи энг йирик ва машҳур санъаткорлар қатнашадиган бу концертга Шораҳим Шоумаров Ўзбек мусиқа билим юртидаги ўз шогирдларини ҳам таклиф этган эди. 13 яшар шогирди Абдумуталга Шораҳим ака ўз дўсти Ҳамза Ҳакимзода тақдим қилган «Онажон» қўшиғини тайёрлатиб келган эди. Ашула эълон қиллиниши билан Абдумутал созанда дўстлари қуршовида саҳнага чиқди. Бир лаҳза вужудини қоплаган титроқни енгиб, гўё рўбарўсидаги тумонат одамларни кўрмаётгандан ҳазин, дардли бир овоз билан қўшиқни бошлаб юборди:

Шўрлик бошимга нелар тушди,  
онажон, бир менга боқмадингиз.  
Хўрлик, аламлар ўртади,  
онажон, бир менга боқмадингиз.  
Қандай қилиб чидаб бўлуру  
ёлғизлик ўтига,  
Йўқ тоқатим айрилиққа,  
онажон, бир менга боқмадингиз.  
Мен найлайини, угон иини бўлди,  
сиз ўлдингиз,  
Андин бери бўзлайдурман,  
онажон, бир менга боқмадингиз.  
Кирдим чиқиб мазорингиз  
устига йнелабол,  
Ҳеч бўлмаса тушимда ҳам,  
онажон, бир менга боқмадингиз.  
Йўқсизлигимни устига онажон  
ҳамда отам-да йўқ,  
Келдим сизга умид тутиб,  
онажон, бир менга боқмадингиз.

Ашулани ҳаяжон билан бошлаган Абдумутал кейинги йилларда мусиқа билим юртида ўзи билан бирга ўқиган, ўқишга яланг оёқ борадиган, совуқ тушганида ўқув юрти директори Фулом Зафарийнинг Сиддиқа, Ҳожар исмли қизлари билан навбатма-навбат унинг чопони остига кириб иснадиган қашшоқ синфдошларини, дориятимдан қатнаб ўқийдиган ота-онасиз болаларни эслади. Саҳна — саҳнаю, бироқ унинг кўз ёшлари қалин қўпол матодан тикилган нимдош камзулининг кўкрак қисмини ҳўл қилиб ташлаган, ёнидаги созанда болалар «ҳой, ўзингни тут», дегандек тирсақлари билан билинар-билимас туртиб қўйишар эди.

Уша вақтларда жуда машҳур бўлиб кетган бу ашулани билим юртида ҳам, турли йиғилиш ва концертларда ҳам тингловчилар қайта-қайта эшитишни исташар, Абдумутални ҳоли жонига қўйишмас эди.

«Менинг профессионал ижрочилик жиҳатидан анча занф бўлган бу қўшиғим тингловчиларга нега бунчалар таъсир қилганининг сирини кейинчалик ҳаёт жумбоқлари ҳақида чуқурроқ фикр юритадиган бўлганимда билдим, — дейди Абдумутал ака. — У вақтларда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи танг, ота-онасиз етимлар кўп, аксар одамлар оч-яланғоч эди. Шундай бир шаронгда қўшиқ улар қалбини тирнаб, жароҳатларини янгилаган экан. Яқинда Ҳамза Ҳакимзодага бағишланган радио эшиттиришлардан бирини машҳур хонанда Ҳалима Носирова ҳам тахминан ўша йилларда «Онажон» қўшиғини ижро этганини айтиб, ундаги дастлабки тўрт мисрани ёддан ўқиб бердики, шу ҳодисанинг ўзи устозим Шораҳим ака менга худди шу қўшиқни ўргатганлиги бежиз эмаслигини кўрсатди».

Тошкент мусиқа билим юртини муваффақиятли тугатган Абдумутал Абдуллаев Ўрта Осиё пахтачилик институти ишчи факультетида, Тожик маориф институтида мусиқа тўғарақларига раҳбарлик қилди. 1936 йилда Ўзбек давлат филармонияси ташкил этилиши билан Гапийжон Тошматов, Отавали Нуриддинов, Муҳаммаджон Мирзаев, Фахриддин Содиков, Карим Алиев, Раҳима Эрматова, Файзихон Мирзажонова каби ўнлаб истеъдодли ёшлар қатори Абдумутал Абдуллаев шу йирик санъат даргоҳига ишга таклиф этилди. У дастлаб хонанда сифатида ўз ҳамнафаслари Шоқосим Шожалилов ва Шокарим Шораҳимов билан

биргаликда «Дугоҳ», «Ушшоқ», «Баёт», «Чоргоҳ» каби мақом йўлларини, «Гиря», «Сувора», «Илғор», «Шароб» сингари Тўйчи ҳофиз репертуарининг гули бўлмиш халқ куйларини, ниҳоят, хонанда сифатида ўзига катта шуҳрат келтирган «Онажон» қўшиғини эҳтирос билан ижро этар, шу тариқа кўнгилда умр бўйи хонанда бўлиб қолиш орзуси яшар эди.

Лекин Абдумутал Абдуллаевнинг орзуларини бошқа томонга буриб юборган бир воқеа содир бўлди. Филармониядаги репетициялардан бирида унинг танбурда «Наво» машқини чалаётганини кўриб машҳур хонанда Жўрахон Султонов сеҳрланиб қолди. Катта устозлар жам бўлган залда у ўзига хос ажойиб гапдонлик билан ҳаммани оғзига қаратди: «Ҳамма созларимиз бир-биридан аъло, — деди у. — Бироқ Абдумутал қўлидаги танбур чиқарадиган садони бошқа бирор соз шу қадар салобат ва таъсирчанлик билан чиқара олишига ишонмайман. Танбур созларнинг аълоси ва энг сипоси». Хулласи, ўша куни устоз санъаткорлар ўртасида танбур хусусида кўп ва хўб суҳбат бўлди. Ҳамма Жўрахон Султоновнинг катта билимдонлик билан айтган гапларига қўшилди. Абдумутал Абдуллаев бу гаплар мағзини узоқ чақди, танбур жўрлигисиз хониш қилмайдиган Тўйчи тоғаси билан, хонанда ва созандаликдан ташқари танбур ясовчи уста ҳам бўлган Шораҳим поччаси билан маслаҳат қила-қила, ўзини танбурга бағишлайдиган бўлди. Шундан кейинги ярим асрдан ортиқ умри танбурнинг сеҳрли наволари таъсирида ўтмоқда.

/ 1940—1951 йилларда ўзбек опера театрининг етакчи танбурчиси сифатида Ҳалима Носирова бошлиқ ансамблда бутун мамлакатни кезиб чиқди, ўша даврда кенг қулоч ёйган халқ қурилишларининг бирортаси Абдумутал Абдуллаевнинг иштирокисиз ўтмади.

Шундан сўнг қарийб ўттиз беш йил мобайнида мусиқамиз алломаси Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамблда хизмат қилди, Набихўжа, Султонхон сингари машҳур танбурчилар ўрнини эгаллади. Бу ерда у Ризқи Ражабий, Имомжон Икромов, Ориф Қосимов, Махмуд Юнусов, Набижон Хасанов, Комилжон Жабборов, Орифхон Хотамов каби устоз созанда ва бас-такорлар билан биргаликда ўзбек мақомларининг магнит пленкаларига ёзиб олиниб, асрлар бўйи халқ мулкига айланиб қолишида фаол иштирок этди. Абдумутал Абдуллаевнинг ўз ижросида танбурда тўрт

қисмдан иборат «Чоргоҳ», беш қисмдан иборат «Баёт», уч қисмдан иборат «Гиря», «Қўшчинор», «Даромади ушшоқ», «Мулкия», «Онажон» сингари ўнларча куйлар ёзиб олинган бўлиб, улар кинофильмларда, телевизион кўрсатувлар ва радио эшиттиришларда тез-тез бериб турилади.

Абдумутал Абдуллаевнинг танбур ижрочилигидаги энг муҳим жиҳат шуки, у кўп асрлар давомида устоз санъаткорлар созлари орқали янграган куйларни тингловчиларга асл ҳолида ҳеч қандай ўзгаришсиз етказишга ҳаракат қилади. Танбур сирларини пухта биладиган бу устоз созанда Уста Усмон, Уста Абдурахмон каби танбурсозлар ҳунарларини ҳам аллақачон эгаллаб олган. Абдумутал Абдуллаев барча пардалари билан бир текисда ишлайдиган узун косалик танбурлар яратганки, улар Давлат санъат музейида, тарих музейида, республика Амалий санъат музейида, М. Ашрафий уй-музейида ва бошқа даргоҳларда доимий экспонат бўлиб қолган. Танбурлардан ташқари рубоб, тор, дутор, най, сурнай, сато, доира каби чолғу асбобларини ҳам кўплаб ясаган, уларга овоз тиниқроқ, таъсирчанроқ эшитилишига хизмат қиладиган муҳим янгиликлар киритган. Устоз санъаткорларнинг ижодхонасига кирсангиз, санъатимизнинг 80—90-йиллик солномасини варақлагандек бўласиз, шу давр ичида хонандалик, созандаликда, мусиқа асбоблари ривожидан рўй берган бутун тараққиётни шундоққина кўз олдингизга келтирасиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, кўпгина ҳукумат мукофотларининг соҳиби Абдумутал Абдуллаевнинг санъатга, санъатда мўъжизалар яратишига бағишланган чоракам бир асрлик пойдор умри ўзбек совет созандалиги тарихининг кўркам саҳифаларидан бирини ташкил этади.

*1989 йил*

## ҚҶШИҚ ВА СЎЗ ҲАҚИДА УЙЛАР

### ҚАНОТИ ЮЛИНГАН ҚҶШИҚЛАР

Шоир Бобораҳим Машраб бир куни йўлда кетаётиб бир деҳқонга дуч келибди. Деҳқон ер чопиб, аллақандай бир қўшиқни хиргойи қилар экан, бу қўшиқ ғазали Машрабники экан. Бироқ ижрочи ғазали бузиб, маъносини барҳам бериб, остин-устин қилиб айтаётган экан. Аччиғи келган Машраб сир бермабдию, ер чопаетган кишига дам олишни тавсия этиб, унга кўмаклашмоқчидай кетмонни қўлидан олиб, «иш»га тушиб кетибди. Бир оз мизғиб, кўзини очган деҳқон қараса, Машраб у тортиб қўйган кўркам жўякларни алмойи-алжойи қилиб, остин-устун қилаётганмиш. Деҳқон Машрабнинг қўлидан кетмонни зарда билан тортиб олиб: «Ҳой, инсон, нега менинг меҳнатларимни зое кетказиб, не-не машаққатлар билан тортган жўякларимни буздинг?» деб сўрабди. Машраб эса хотиржамлик билан: «Икковимиз ора очиқ бўлдик. Чунки сен ҳам менинг меҳнатларимни зое кетказиб, кўп машаққатлар билан битган ғазалимни буздинг-ку», — дебди.

Ўзбекистон радиоси ва Тошкент телестудияси орқали берилаётган баъзи концертларни тинглаганда беихтиёр ўша латифа ёдга келади. Латифада тасвирланганидек қўшиқ мазмунини тушунмайдиган айрим ашулачилар ўн мингларча, юз мингларча кишилар тинглайдиган бундай концертларда қўшиқ матнларини бузиб айтаётганликларини, бу матнларга алмойи-алжойи «ўзгартиш»лар киритаётганликларини кўриб хафа бўлмай иложингиз йўқ.

Шуниси ачинарлики, ашулачилик соҳасида тажрибаси оз бўлган ижрочилар ёки оддий ҳаваскорларгина эмас, балки кўп йиллар давомида халқ орасида танилган, қилган хизматлари туфайли фахрий унвонларга сазовор бўлган йирик ашулачилар ҳам шундай жиддий нуқсонларга йўл қўймоқдалар.

Навоийнинг «Топмадим» радифли зўр ғазалига композитор Саиджон Қалонов ўта таъсирчан куй басталаган. Ғазал мазмуни ва куй бир-бирига ғоят мос тушган бу қўшиқ, тингловчиларга ниҳоятда манзур. Бироқ тинг-

ловчилар меҳрини қозонган машҳур бир хонанда талаффузидаги:

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум ситез,

Бир камон обрўда тезликдин нишоне топмадим, —

деган байтни эшитиб, ҳан-манг бўлиб қоладилар, бу байтдан қандай маъно чиқишини билмай диққатлари ошади. Хўш, Навоийдек улуғ шоир «бир камон обрўда тезликдин нишоне топмадим» сингари пойма-пой мисрани яратиши мумкинми? Албатта, йўқ. Ҳамма бало шундаки, ашулачи мисрадаги икки сўзнинг маъносини тушунмай, уларни «ўхшатиб тузатган». Қош маъносини англатувчи «абру» сўзи «обрў» билан, тўғрилиқ маъносини англатувчи «тузлук» сўзи «тезлик» билан дангал алмаштириб юборилганки, бу ҳол мисра мазмунини бутунлай бузилишига олиб келган. Агар ашулачи киритган «тузатиш»ни ташлаб, улар ўрнига Навоийнинг ўз сўзларини қўйсак:

Бир камон абрўда тузликдин нишоне топмадим, —

деган ўткир ва образли, чуқур мазмунли мисрани ўқиймиз. Бунда шоир қаршилантириш усулидан усталиқ билан фойдаланиб, қайрилма қош, вафосиз маҳбубага тўғрилиқни қарама-қарши қўяди ва тингловчи тасаввурда ўта яққол, таъсирчан образ яратади. Хонанданинг «тузатиши» эса ўқувчини худди шу образни тасаввур этиш имкониятидан маҳрум этади.

Бошқа бир таниқли хонандамиз шоир Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» мусиқали драмасидаги «кўйгай» радибли ғазалини таъсирчан куй билан яхши ижро этади. Бироқ қўшиқдаги:

Сенинг ёдинг билан тинмай ҳама нозу нтоб куйгай, —

мисрасининг:

Сенинг ёдинг билан тинмай ҳама позу китоб куйгай, —

тарзида бузиб айтилиши ашулачининг ўз қўшиғи маъносини тушунмаслигини ошкор қилиб қўяди. Ахир ишва маъносини англатувчи «нтоб» билан «китоб» сўзи ўртасида ер билан осмонча фарқ бор-ку! Шунини ҳам айтиш керакки, бу хонанда қўшиқ ижро этар экан, куйнинг нозик томонларини дуруст сақлаб қола олгани, тингловчиларга етказа олгани ҳолда қўшиқ матнини тингловчи яхши англаб оладиган даражада дон-дона қилиб айтмайди. Бу ижрочи учун жиддий нуқсондир.

Ўзбекистон халқ ҳофизи унвонига сазовор бўлган, қўшиқларини кишилар севиб тинглайдиган бошқа бир хонандамиз ҳам ўз репертуарларидаги баъзи қўшиқлар матнига ўзбошимчалик билан «ўзгартиш»лар киритиб, уларнинг мазмуни ва бадий таъсир кучига халал етказмоқда. Маълумки, ўзбек классик адабиётида яратилган поэтик асарлар охирида кўп ҳолларда муаллифнинг тахаллуси келтирилади, бу билан асарни ўқиган ёки тинглаган киши асар муаллифининг номи махсус айтиб ўтилмаса ҳам унинг ким томонидан яратилганини дарҳол билиб олади. Жўшқин шоира Нодиранинг «Баёт IV»га айтиладиган ғазалида:

Нодира аҳволидин огоҳ бўлинг,  
Эй мусоҳибларки, мен ҳам ёрсиз.—

деган мақтаё бор. Бу мақтаёни ўша хонандамиз бир неча йиллардан бери:

Ёрини (!) аҳволидин огоҳ бўлинг,  
Эй масоҳибларки, мен ҳам ёрсиз,—

тарзида бузиб айтиб келмоқда. Ашулачи қандай мақсад билан Нодиранинг номини тушириб қолдириб, унинг ўрнига «ёрини» деган, байт мантиқига тўғри келмайдиган, грамматик жиҳатдан нотўғри сўзни киритганини билиб бўлмайди.

Яқинда Тошкент телестудияси орқали берилган концертда Ўзбекистон Давлат эстрадасининг солисти, республикада хизмат кўрсатган артист унвонига эга бир хонанда Фурқатининг «Қачон бўлғайки» қўшиғига яна бир ажойиб «тузатиш» киритиб, ҳаммани таажжубда қолдирди. Ашулачи қўшиқдаги:

Биёбонларда Мажнун тўтнё излар губоримдан,—  
мисрасини:

Биёбонларда Мажнун тўтнё ўлгай губоримдан,—  
деб айтди. Натнжада шоир ифодаламоқчи бўлган фикр бутунлай чиқмай қолди, аксинча, «менинг губоримдан Мажнун тўтнё бўлади», деган мантиқсиз сўзлар йиғиндиси ҳосил бўлди.

Қўшиқнинг сўнгги мисраси Фурқатда:

Қачон бўлғайки тонгайман хабар ёру диёримдан,  
тарзида берилади. Хонанда эса бу мисрани ҳам ўзича «таҳрир» қилиб:



деб айтади.

Классикларимизнинг ажойиб фикрларини бузиб талқин этишга, уларнинг халқимиз учун гоят муътабар асарларига дидсизлик билан қўл уришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Қўшиқ ва мусиқани беҳад севадиган ўзбек халқи ўтмишда нотага эга бўлмаганига қарамай, ажойиб санъат намуналарини оғиздан оғизга, авлоддан-авлодга кўчириб, уларга сайқал бериб ҳозирги кунларимизга етказиб келган. Ҳозирги кунда ижод қилаётган санъаткорларимиз ўз репертуарини пухта тайёрлашда барча имкониятларга эгадирлар. Қўшиқлар матнини тўғри, мукамал ва тингловчига маъқул бўладиган даражада ўрганиш учун классикларимизнинг ва ҳозирги шоирларимизнинг тўпламларини кунт билан ўқиб чиқиш, улардаги асарлар маъносини билиб олиш мумкин-ку ахир! Лекин баъзи ашулачиларимиз ана шу меҳнатдан қочадилар, ўз устиларида ишламайдилар.

Бунинг устига Ўзбекистон радио ва телевидение комитети мусиқа эшиттириш редакциясининг ходимлари ҳам радио ва телевидение орқали бериладиган концертлардаги қўшиқлар масъулиятини ҳис этмайдилар, матбуотда билдирилган эътирозлардан тўғри хулоса чиқармайдилар.

«Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1957 йил 24 апрель соннда «Кимнинг қўшиғи?» деган редакцион материал берилган ва унда баъзи ашулачиларнинг қўшиқлар матнини бузиб айтишлари танқид қилинган эди.

Ўзбекистон радиоси мусиқали эшиттиришлар редакциясидаги ходимлар бу танқиддан бутунлай нотўғри хулоса чиқардилар. Хулоса шундан иборат бўлдики, Қоммуна Исмоилова «Сайёра» қўшиғини умуман маҳорат билан ижро этгани эътироф қилинган, ундаги бир мисра бузиб айтилишига эътироф бериш зарурлиги айтилган ҳолда, мусиқа эшиттириш редакцияси ходимлари бу қўшиқни хонанданинг репертуаридан бутунлай чиқариб юбордилар. Маъмуржон Ўзоқовнинг сўнги мисраси бузиб айтиладиган «Қачон бўлғайки» қўшиғи газета танқидидан сўнг 3—4 ой давомида эшиттирилмади. Кейинчалик «қор ёғиб излар босилгач» бу қўшиқнинг ўша бузиб айтиладиган варианты эфирга чиқариб юборилди, ҳозирда ҳам ўша аҳволда ижро этилмоқда.

Яна шуниси ажабланарлики, Ўзбекистон радиоси

мусиқали эшиттиришлар бош муҳарририга: «Радио орқали эшиттириладиган қўшиқларнинг матни тўғри ёки нотўғрилигини қайси йўл билан текшириб кўрасизлар?» — деб савол берганимизда, уларни ўзбек шоирларнинг нашр қилинган китоблари билан синчиклаб солиштириб чиқишнинг айтиб, бизни ишонтирмакчи бўлди. Шундай бўлса, юқорида танқид қилинган қўшиқ матнлари қайси китобларга солиштириб кўрилган экан, деган савол ҳам туғилади.

Қўшиқ матнларини бузиб ижро этишдек ғашга тегадиган ишга қатъий барҳам бериш керак. Чунки бузиб ижро этиш қўшиқлар қанотини синдиради...

1958 йил

### ҚЎШИҚ ВА ҚЎШИҚЧИЛАРИМИЗ

Яхши қўшиқ инсоннинг мангу ҳамроҳидир. У кишининг дил торларини кўз илғамас ажиб бир нохун билан чертиб, унинг шодлигини ҳам, қайғусини ҳам, энг нозик бошқа туйғуларини ҳам зоҳир этиб қўя қолади.

Шоир ва бастакорлар давримизнинг улугворлигини тарона қилувчи анчагина қўшиқлар ижод этдилар, хонандалар эса бу қўшиқларни ҳам, халқимиз томонидан яратилиб, асрлар бўйи сайқал топиб келган халқ куйлари ва мақомларини ҳам ёқимли ижро этиб кўп вақт тингловчиларни мамнун этмоқдалар.

Лекин ҳали қўшиқ яратиш ишида ҳам, яратилган қўшиқларни ижро этиш ва тарғибот қилишда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд.

Маълумки, қўшиқ учун ёзиладиган мусиқага шоир яратган матн асос бўлади. Қўшиқ учун мўлжалланган матн образли, равон, аниқ мўлжалга урадиган бўлиши керак. Кишилар энг яхши, дилга ором берувчи нарсаларни қўшиққа ўхшатишлари қўшиқнавис шоирлар масъулиятининг ниҳоятда зўрлигидан далолат беради. Афсуски, бизда баъзи ҳолларда қўшиқ матни олдига қўйиладиган юксак талаблар ҳисобга олинмайди. Натижада бу ниҳоятда масъулиятли иш билан поэтик таланти кам ёки умуман талантсиз кишилар шуғулланмоқда, уларга кенг йўл очиб қўйилибди. Бундай кишилар томонидан яратилган қўшиқлар матнини тингласангиз, хафа бўлмай иложингиз йўқ. Уларда поэтик ижоднинг энг муҳим талабларига деярли риоя қилинмайди, жозибадорлик, образлилик, мантиқий изчиллик,

фикрий лўндалик йўқ. Аксинча гашига тегадиган қуруқ мадҳиябозлик, шаклбозлик устунлик қилади. Бастакорларимиз эса қўшиқ учун танланадиган матнинг бадий сифати билан, унда қандай ғоя ифодаланганлиги билан кам қизиқадилар. Кўп вақт улар бирор янги куйни яратиб бўлганларидан кейингина таниш шоирга учраб, «менга фалонча бўғиндан иборат, фалонча мисрали қўшиқ матнини ёзиб беринг», деб қоладилар. Шоир эса ўз матни солинажак куйни эшитиб ҳам кўрмай, «буюртма»ни бажариб юбораверади.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, айрим қўшиқларда куй билан шеър бир-бирини тўлдириш ўрнига бир-бирига зид келиб қолади, бирини ерда, бирини эса осмонда кўрасиз.

Қўшиқчилигимизда ўзбек классик шеърляти намуналаридан фойдаланишда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Композиторларимиз бир неча аср илгари яшаб, ижод этган шоирларнинг шеърларини қўшиқ учун танлаганларида уларга танқидий ёндошишлари, ҳар бир танланган шеър ҳозирги замон кишисини тарбиялаш ишига қандай ҳисса қўшишни, унинг эстетик эҳтиёжларини қанчалик қондира олишини албатта назарда тутишлари зарур. Маълумки, ўтмишдаги шоирлар ижодида улар яшаган давр, тарихий вазият билан, улар дунёқарашидаги муайян чекланганлик билан боғлиқ нуқсонлар ҳам мавжуд. Бизда эса масаланинг бу нозик жиҳатига ҳаммавақт ҳам эътибор қилинавермайди.

Қўшиқ ижрочилигидаги катта нуқсонлардан бири кўпгина ашулачилар ўзлари ижро этаётган қўшиқ матнининг маъносини тушунмай, сўзларни бузиб, ўзбошимчалик билан ўзгартириб айтишларидир. Фақат ёш ашулачиларгина эмас, балки номдор ашулачилар ҳам бундай нуқсонга тез-тез йўл қўймоқдалар. Санъатимиз тарихини кўз олдимизга келтирсак, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов каби зукко санъаткорлар ўзлари ижро этган қўшиқ матнини худди шеърят мутахасссларидек нозик ва чуқур тушуниб иш тутганликларини маълум. Бундай ашулачилар ҳозир ҳам кўплаб топилади. Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Юнус Ражабий ва бошқалар шу жумлага мансубдир.

Лекин айрим ҳолларда ўзбек классик ва замонавий шоирларнинг зўр меҳнат сарфлаб, маҳорат билан ёзган шеърлари қўшиқчиларимиз томонидан бузиб ижро этилмоқда.

Муқимийнинг «Кўзларнинг» радибли газалида қўйи-  
даги мисраларни ўқиймиз:

Оҳуи Чин кўрдию шаҳлолигидин қон ютуб,  
Рашқдин аввораи дашти Хитодур кўзларинг.

Шоир Чин (Хитой) оҳуси кўзларингни кўргач, рашқ қилганидан Хитой даштиларида аввора бўлиб юрибди демоқчи. Бироқ бу қўшиқни ижро этган бир таниқли хонанда байтнинг биринчи мисрасини:

Оҳуи чиндан кўриб шаҳлолигидан қон ютар, —  
тарзда бузиб айтади. Бунда, биринчидан, шоирнинг кашфиёти бўлган поэтик образ йўқолиб кетади, иккинчидан, мисралар ўзаро боғланмай қолади. Алишер Навоийнинг «айлангиз» радибли газалида:

Телба кўнглум тошангиз. эй ёр кўйи итлари, *И*  
Туш-тушидан тинлабон нарқанд-нарқанд айлангиз. —

деган зўр байт бор. Бу байтда «туш-туши» ибораси «ҳар жой-ҳар жойи» маъносини англатади. Ашулани ижро этувчи бир хонандамиз эса уни «тўш-тўши» тарзида талаффуз қиладики, бу байт мантиқига асло тўғри келмайди.

Айрим ашулачиларнинг қўшиқ матнини бузиб ижро этишлари тўғрисида жуда кўп гапирилди, бу нуқсонлар матбуотда ҳам кўп марта танқид қилинди. Лекин театрларимиз ва концерт ташкилотларимиз, республика Радио ва телевидение Давлат комитетининг муסיқали эшиттиришлар редакциялари, шунингдек, ашулачиларнинг ўзлари ҳам бу танқидлардан тегишли хулоса чиқариб олганларича йўқ. Қўшиқ ижрочилиги соҳасидаги бундай саводсизликка зудлик билан чек қўйиш лозим. Бу нуқсонни тугатиш учун ҳар бир муסיқали театрда ва концерт ташкилотида шеърятни пухта тушунадиган адабий ходим штати жорий этиш ва концертлар программасига кирадиган ҳар бир қўшиқ матнининг ғоявий-бадий савияси, асл нуسخага тўла мувофиқлиги учун масъулиятни унинг зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қўшиқлар матнига муносабатдаги яна бир нуқсон шундан иборатки, кўп ҳолларда матндан муаллифнинг асосий мақсадини ифодаловчи энг муҳим жойлар тушириб қолдирилиб, унчалик муҳим бўлмаган ўринлар сақлаб қолинади. Масалан, Уйғуннинг «Тарк этма на-

зокатни...» деб бошланадиган ғазали классик шеърятимизда машҳур бўлган мувашшаҳ шаклида ёзилган. Барча ашулачиларимиз ундаги бир неча байтни қисқартириб ижро этишлари натижасида шоир қўллаган шаклнинг асосий мақсади ўқувчига бориб етмайди, яъни ғазалга номи билан безак берилган шахснинг исми келиб чиқмайди. Муқимийнинг «Ақлу ҳуш» деб аталадиган мувашшаҳини ашулага солиб айтиш вақтида ундаги айрим байтлар ўрни алмаштирилиши, айрим байтлар қисқартирилиши оқибатида ундан чиқадиган «Адолхоним» исми яширинлигича қолиб кетади.

Кўпгина концертларда ижро этиладиган қўшиқларнинг муаллифлари номи эълон қилинмайди. Натижада ўтмишдаги шоирларнинг ўзлари яшаган давр воқеаларидан, ҳақсизликдан полишлари худди ҳозирги даврдан нолигандек тасаввур қолдириб, тингловчиларни чалғитиши мумкин.

Концертларни тинглаганда кўпгина ашулачиларнинг репертуари қашшоқлиги ҳам яққол сезилиб қолади. Навоий номли опера ва балет театрининг, Ўзбек Давлат филармонияси ва эстрадасининг қайси концертига тушманг, ўзингизга кўпдан таниш бўлган қўшиқларнигина эшитасиз. Бундай ҳолат томошабин-тингловчиларни, санъатни тегишинча ҳурмат қилмаслик деб баҳоланиши керак. Кексайиб қолганига қарамай, репертуар устида, ижрочилик маҳоратини ошириш устида қунт билан ишлаётган фидойи хонандаларимиздан улар ўрناق олишса, яхши бўларди.

Айрим ашулачилар эса репертуарни бойитиш, ижрочилик маҳоратини тинимсиз такомиллаштириш ўрнига сахнада келишмаган қилиқлар қилиш, бачкана кийимларда чиқиш билан гўё тингловчиларни қўйил қолдирмоқчи бўладилар. Бу акс натижалар бериши маълумку, ахир. Чинакам санъат мухлислари ашулачини ижрочилик маҳоратига, ўз касбига, эътиқодига қараб, халққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига қараб қадрлайдилар. Санъаткор кийинишда ҳам, ахлоқ-одобда ҳам, кишилар билан муомалада ҳам кўпчиликка ибрат бўлиши лозим.

Бундан ташқари, концертларда конференслик санъатини такомиллаштириш, бадний ўқиш номерларини кўпроқ киритиш, ёзувчиларимизнинг сатира ва юморларидан, шунингдек, халқ севган аския ва латифалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, қўшиқсевар халқимиз мардлик ва жасорат-

га илҳомлантирадиган ажойиб қўшиқларни кўпроқ эшитсин, ижрочиларимизнинг маҳорати ва эстетик диди ҳар қачонгидан кўра ортсин.

1960 йил

### ҚУШИҚ ИЖРОСИ ВА ШЕЪРИИ САВОД

Табнатан хушчақчақ шоир Собир Абдулла қизиқ-қизиқ гапларни айтиб давраларда гуррос кулги кўтаришни яхши кўрарди. Бир куни у тўйдан қайтиб, тўғри редакцияга кирган ва бир ашулачининг «катта кашфиёт»ини журналистларга маълум қилган эди. Гап бундай бўлган экан.

Тўйда турли тоифадаги хонанда ва созандалар жамланган бўлиб, навбат анчагина таниқли икки ашулачига келибди. Улар буюк озарбайжон шоири Фузулийнинг халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Сўр» радифли ғазалини ижро эта бошлашибди. Бир вақт Собир Абдулланинг қулоқларига:

Кабобпаз сайриви шафтолидан безор ўландан сўр, —

деган ажойиб ва гаройиб мисра эшитилибди. Бошқа мисралардаги бузиб-ёриб айтилган сўзларга, маъно чалкашликларига тишини-тишга қўйиб чидаган шоир ашула тугагач, унинг ижрочилари ёнига бориб, бояги мисрани такрор ўқиб беришни илтимос қилибди: яна ўша сўзларнинг айни ўзи. Шундан сўнг у ашулачилардан мисранинг мазмунини сўрабди. Ашулачиларнинг бири шу «жўн» мисранинг ҳам мазмунини тушуниб етмаган катта шоирдан бир оз ранжибди-ю, астойдил «изоҳ»лаб берибди: «Маълумки, дебди у, киши шафтоли еганидан кейин қорни шишади, яна саяверса совуғи ошиб кетади. Шунинг учун шафтолига тўйганидан (безор бўлгандан) сўнг бирор кучли овқат, масалан, кабоб ейишга майл қилади. Сиз эшитган мисрада шоир худди шуни айтяпти, муллака», дебди.

Буни қаранг, шу дид-фаросат билан Фузулийдек буюк сиймога «тузатиш» киритган ҳалиги икки ашулачига шоир мисрасида ифодаланган маъно улар тушунган маъночинг яқинига ҳам келмаслигини, ғазалдаги

Кавокиб сайриши шаб то саҳар бедор ўландан сўр, —

мисрасида улкан фалсафий фикр, юксак шоирона хаёл парвози борлигини қандай тушунтирсам бўлади, шунга ёрдам беринглар, деб, гапни яна кулгига бурган эди Собир ака.

«Муштум» журнали саҳифаларида қўшиқ ҳақидаги мунозара материалларини ўқиб, Собир Абдулланинг ўша гаплари ва у айтган ашулачиларга ўхшаш баъзи ашулачилар ёдга тушди.

Чиндан ҳам, ўзи ижро этаётган қўшиқ матнининг маъносини тушунмай туриб, унда қандай ғоя, қандай фикр ифодаланганининг фарқига бормай туриб тингловчига эстетик завқ беришни, унинг қалбида ширин туйғулар пайдо қилишни ўйлаган ашулачи овора бўлади. Бундай «қўшиқ»ни тинглаган санъат ихлосмандлари таррак еганча ҳам ҳузур қилмайдилар. Қўшиқ матнларини «ғажиб» айтиш бундай ашулачилардан тингловчилар ихлосини қайтаради, холос. Қўшиқ матнининг маъносини тушунмай, сўзларни бузиб айтиш айрим ашулачиларимизнинг бир нуқсонини бўлса, бир шоир газалини ўз ижоди характери билан унга умуман ўхшамайдиган бошқа шоирга нисбат бериб айтиш уларнинг бошқа нуқсонидир.

Академик опера театримизнинг бир солисти таниқли хонанда Бобораҳим Мирзаев қаламига мансуб бўлган «Келур» радифли қўшиқни Навоийники деб ижро этди. «Навою нола чекиб бўлмадим жунуни ишқ» мисрасини маҳкам ушлаб олиб, қўшиқ матнини Навоийга тўнкаган бу ашулачи ундаги сўзларни бузиб-ёриб айтишда ҳам «рекорд қўйди».

Шунингдек, турли концертларда Фазлийнинг «Гул юз узра зулфинг...» газали Фузулийга, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» спектаклларига шоир Хуршид томонидан ёзилган ашула текстлари Алишер Навоийга бемалол нисбат бериб айтилаверади.

Хўп, ашулачилар ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган, қўшиқ муаллифлари ким эканини билиб олишдек зарурий ишни ўзлари учун ортиқча деб билган дейлик. Лекин ҳозирги замоннинг энг қудратли тарғибот воситаларидан бири бўлмиш телевидение орқали мусиқали эшиттиришлар олиб бораётган ва меҳнаткашларни ғоявий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш участкасида турган муҳаррирларимиз қўшиқ матнларининг аслидек ижро этилиши, уларни ёзган шоирлар ўз номи билан аталиши устида дурустроқ бош қотирсалар бўл-

майдими! Бундай қилиш уларнинг хизмат бурчи-ку, ахир!

Тўйчи ҳофиз, Домла Ҳалим Ҳожи Абдулазиз, Жўра-хон Султонов сингари машҳур ҳофизларимиз ўз қўшиқ-лари учун асос бўлиб хизмат қиладиган шеърларнинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида профессионал адабиёт-шунослар қатори фикр юритганлар, ўтмиш шеърияти-миздан янги давр кишиларини тарбиялаш ишига хиз-мат қиладиганларини танилай билганлар. Ҳозир ҳам қўшиқ матни устида шундай қунт билан меҳнат қиладиган санъаткорларимиз оз эмас. Бироқ юқорида айтил-ганидек, шеърини савод чиқаришни хаёлига келтирмаган ҳолда ўзини хонанда ҳисоблаб юрган кишилар ҳам тез-тез учраб туради.

Илгари театрларимизда адабий эмакдош деган ла-возим бўларди. Улар спектаклларда, концертларда ар-тистлар сўзни тўғри талаффуз этишларидан тортиб, иж-ро этилаётган ҳар бир асарнинг асл моҳиятини чуқур англаб олишларигача ҳамма ишларга ёрдам берар эди-лар. Бу лавозимга адабиётимизнинг энг билимдон ки-шилари жалб этиларди. Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Фафур Ғулом, Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Собир Абдулла, Ҳабибий сингари ижодкорлар театр-ларда узоқ йиллар давомида адабий эмакдош бўлган-ларини эслаш кифоя. Ҳозир ҳам театр ва концерт таш-килотларимизда юқоридаги сингари нуқсонларга бутун-лай барҳам бериш учун ўша яхши анъанани тиклаб, у ерга обрўли, меҳнатсевар адиллар бириктириб қўйилса яхши бўларди. Бундан ташқари концерт ташкилотла-ридаги, радио ва телевидидаги хонанда ва созанда-ларнинг, халқ филармонияларидаги ҳаваскорларнинг бадиий адабиёт, айниқса шеърят билан мунтазам шу-гуллаши учун қўшимча имкониятлар яратиш, яъни таниқли ёзувчи, шоир ва адабиётшуносларнинг улар билан учрашувларини ташкил этиш, шеър ҳақида, қў-шиқ матни ҳақида уларга маслаҳатлар бериш, муайян шеърини асарларни улар билан биргаликда таҳлил қи-лишни уюштириш, уларни шеърят қондаларидан ду-рустроқ хабардор қиладиган бошқа тадбирларни амалга ошириш фойдали бўлур эди.

Хонанда, созанда ва бастакорларнинг шеърини са-водга эга бўлиши унинг ижодига катта таъсир кўрсата-диган жиддий ишдир.

1974 йил



Алишер Навоий машҳур «Мажолисун — нафоис»-нинг еттинчи мажлисини қуйидагича бошлайди:

«Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор».

Лутфий қарангки, «хўб маҳал ва мавқеъда» ўқилган бир байт минг яхши байт ёзишга тенг кўрилса! Шеърят даҳосининг ажиб муқоясаси бежиз эмас, асло. Бу муқояса бизни ижодкорга, унинг қалбида жўш урган тўфонлар туфайли қогозга битилган ҳар бир эҳтиросли сўзга алоҳида эҳтиром билан қарашга, санъат мўъжизаси бўлган ҳар бир кашфиётни тингловчига тўлалигича етказа билишга даъват этади. Шеърятнинг энг сара гулларига тингловчиларнинг қалб гулзоридан жой танлашда, уларга боқий умр бахш этишда хонандаларимизнинг ҳам хизмати каттадир. Хонандани шоирнинг энг маҳрам сирларини тингловчига ҳалоллик билан, тўла-тўқис етказиб берувчи ажойиб элчига ўхшатиш мумкин. У шоир шеърига басталанган куйдан ўша шеърдаги энг кўркам жиҳатларни тинловчи қалбига қуйиб қўйиш учун фойдаланади. Зотан, хонанданинг маҳорати ҳам кўп ҳолларда ўз овозини, ижрочилик маданиятини ана шу асосий мақсадга қай тариқа хизмат қилдира олиш билан белгиланади.

Санъатимиз тарихи хонандаликни шоирлик билан ажиб бир тарзда уйғунлаштирган ижодкорларни ҳам, ўз хонишларидаги ҳар бир сўзга, ҳар бир товушга чинакам заргарона муносабатда бўлган ҳофизларни ҳам яхши билади. Чунончи, халқнинг севимли хонандалари Бобораҳим Мирзаев, Комилжон Отаниёзов, Сафо Муғанний ва бошқалар ўтмиш ва ҳозирги замон шеърятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш билангина кифояланмай, ўзлари ҳам ажойиб қўшиқ матнлари яратганликлари кўпчиликка маълум. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Жўрахон Султонов каби улкан ҳофизлар эса шеърятни энг йирик шеършунослар даражасида идрок этганликлари сир эмас.

...Бундан ўттиз йил чамаси муқаддам — қирқинчи йиллар охирида Маргилонсой бўйидаги бир оромгоҳда йигирма-ўттиз нафар санъат шинавандалари тўпланиб, классик шоирларимизнинг дилсўз ғазаллари билан ай-

тиладиган ўнларча ашулалар авжи самони янгатмоқда эди. Навбат қўшиқ мулкининг қўш султони Жўрахон Султонов билан Маъмуржон Узоқовга келди. Улар ижро этган хонишлар орасида Навоий ва Фузулий, Машраб ва Фурқат каби шоирларнинг замона кажравлигидан фарёд тўла ғазаллари анчагина эди. Ана шундай ғазаллардан биридаги:

Хумоға устихон ташлаб, чибинға тўъма қанд этди. —

1 мисраси анжуманда иштирок этган таниқли шоирлардан бирига галат туюлиб, хониш тугагач, у Жўрахон Султоновга танбеҳ бермоқчи бўлди. Шоир гапни узоқдан бошлаб келиб, ниҳоят юқоридаги мисра: «Хумоға устихон ташлаб, чибинға тухфа қанд этди», тарзида ўқилиши кераклигини, акс ҳолда мантиқсизликка олиб келиши муқаррарлигини далиллаш учун на араб, на форс, на ўзбек тилларида «тўъма» ибораси бўлиши мумкин эмаслигини даъво қилди. Шунда сўз зарғари Жўрахон Султонов дарҳол уйига жўнаган ва ўз шахсий кутубхонасидан икки қадимий қўлёзмани қийиқчага тугиб олиб келган эди. Китобларнинг бири шоирнинг дастхат баёзи бўлиб, унда «тўъма» ибораси аниқ-таниқ ёзиб қўйилган, иккинчиси эса арабча-ўзбекча лугат бўлиб «тўъма» иборасининг мазмуни «таом, емиш, луқма» экани айтилган эди. Шундан сўнг Жўрахон Султонов мисрадаги «тўъма» ибораси дастлаб ўзида ҳам шубҳа туғдирганини, баёзда аниқ-таниқ ёзилганига қарамай, шеърятни ўзидан кўра пухтароқ биладиган бир неча қарияларга мурожаат қилганини, ниҳоят, Фурқатнинг машҳур дўсти Тошболтунинг ўғли шоир Муфаззалдан қониқарли жавоб топганини, Муфаззал ота ҳофизнинг бундан кейинги шеърини таҳлилларига ёрдам тариқасида ўша арабча-ўзбекча лугатни ҳам совға қилганини эҳтирос билан сўзлаб берди. Бояги таниқли шоир эса узр сўраб «тўъма» сўзининг маъносини ўзи ҳам тушуниб олганлигидан мамнун бўлди.

Бир вақтлар «Правда Востока» газетаси машҳур хонанда Расулқори Мухаммадалиевнинг ўзи ижро этиш учун тайёрлаётган ашуладаги биргина сўзнинг маъносини ечиб берадиган одам Қўқонда топилмаганидан, иккала кўзи ожизлигига қарамай, шаҳарлараро автобусга ўтириб, Фарғонага атайлаб борганлиги, икки кун вақт сарфлаб ўша сўз маъзини чаққанидан кейингина ашулани ижро эта бошлаганлиги тўғрисида ёзган эди.

Бундай мисоллар кўп. Аммо юқоридаги икки воқеанинг ўзиёқ чинакам хонанда ашуладаги ҳар бир сўзга, урғу ва оҳангга қандай улкан масъулият билан ёндашиши кераклигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Ҳозирги қўшиқ ижрочилигининг матига муносабат билан боғлиқ бир неча масалалари борки, ана шулардан баъзилари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Аввало хонанда ашула матнини тугал тушуниб, тўғри ва аниқ талаффуз этиши ҳақида. Бу ўринда ўз хонишлари билан элга манзур бўлган ва кенг шуҳрат топган хонандаларимизни тинглаганда, кутилмаганда, лаззатли таомдан чиқиб қолган тошдек гашга тегадиган баъзи нуқсонларни кўрсатиб ўтмоқчимиз. Республикамизга, ундан узоқ-узоқларга донги кетган улкан ҳофизларимиз репертуарни дид билан танлашда, энг мураккаб ҳисобланган ашула ва қўшиқларни маромига етказиб ижро этишда кўплаб санъаткорларга ўрناк кўрсатмоқдалар. Санъат сирларини эндигина эгаллаб келаётган кўпдан-кўп ёш хонандалар, ҳаваскорлик тўғаракларидаги мингларча ишқибоз хонандалар бу устозлар ижро этган ашула ва қўшиқларни айтиб, ўз кучларини синаб кўргилари, санъатларини намойиш қилгилари, уларга ўхшагилари келади. Шу ваздан кўп жиҳатдан уларга тақлид ҳам қиладилар. Масаланинг бу томони таниқли хонандаларимизнинг бир маъсулиятига ўн масъулият қўшиши табиий. Аммо зиммасига шундай улкан масъулият юклаган хонандаларимиз ҳам ўзлари ижро этадиган ашула ва қўшиқ матнига ҳаминша бир хилда эҳтиёткорлик билан қарамаётганликлари, ҳассос шоирнинг бой ижодий фантазияси маҳсули бўлган поэтик образларни бузишга ёки шунчаки мантиқсизликка олиб келадиган хатоларга йўл қўяётганликлари ачинарлидир. Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Фаттоҳхон Мамадалиевнинг аксар хонишлари тингловчиларни мафтун этади, улар қалбига нозик туйғулар олиб киради. Лекин Муқимийнинг «Ким десун» радибли машҳур мухаммасини ижро этишда ҳофиз бир мисрада хатога йўл қўяди. Маълумки, Муқимий ўз маҳбубининг бевафолигидан, дўст билан душмани ажратолмаганлигидан изтиробга тушиб бундай ёзган:

Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор.  
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун?

Бунда ҳузур-ҳаловатини буткул йўқотган, кундузлари ҳеч ерда туролмайдиган, кечалари бир лаҳза мижжа қоқолмайдиган бахтсиз ошиқ сиймоси кўз ўнгимизда яққол гавдаланади. Ҳамма нарса аниқ ва равшан. Уқувчи тушунини қийин бўлган иборалар ҳам йўқ. Аммо юқорида номлари зикр этилган ҳурматли хонандамиз ҳеч қандай зарурат бўлмагани ҳолда кейинги мисрадаги «йўқ» сўзини «тун» сўзи билан алмаштирган. Натижада «кечалар кўзимда лаҳза уйқу «йўқ» тушунчаси» кечалар кўзимда лаҳза уйқу «тун» ҳолига келтирилган ва мантиқ бузилган. Ахир Муқимийнинг асарларини исталган кутубхонадан ёки китоб магазинидан топса бўлади-ку. Улуг шоирнинг нодир асарини ҳозирги замоннинг радио ва телевидение сингари қудратли воситалари орқали миллионлаб шишавандаларга етказадиган таниқли ҳофизларимиз уни ижро этишдан аввал Муқимийнинг китобига бир назар ташлаб қўйсалар олам гулистон эмасми!

Машҳур демократ шоирнинг бошқа бир эҳтиросли мураббаи радиодаги хонандалар томонидан ялла қилиб айтилаётганида ҳам юқоридаги сингари хатога йўл қўйилмоқда. «Кўнглим сандадур» мураббаининг биринчи бандида:

Сақлай ишқинг токи жоним тандадур, —

деган мисра бор. Радиодаги хонандалар ансамбли уни «Сақлай ишқинг токай жонлар тандадур», тарзида айтади. Аввало, Муқимий «токи жоним тандадур» дер экан, шоир «танамда жоним борича» деган маънони илгари сурайти, «токи» иборасини «токай» билан алмаштириш эса тескари маъно келтириб чиқаради. Чунки «токай» сўзи «қачонгача» маъносини билдиради ва Муқимий ифодалаган мазмунга бутунлай зиддир.

Шоир Завқийнинг «Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг» деб бошланадиган машҳур муҳаммасини хонанда Умар Отаев «Гиря» куйида эҳтирос билан куйлайди. Аммо бу хонишни тинглаб эриб турганингизда, хонанданинг баъзи сўзларни бузиб айтиши завқингизни бузиб, ғашингизни келтиради. Чунончи, «Ҳақиқат қилмаса маъшуқ деган ошиқ хатосини», мисрасидаги «деган» ибораси «дегай» тарзида талаффуз этилиши билан мантиқ бузилиб кетади.

Буюк озарбайжон шоири Фузулийнинг:

Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмудим,  
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмудим, —

матлаи билан бошланадиган ғазалини машҳур хонанда Саодат Қобулова ғоят муносиб куйда, айтиш мумкин-ки, тенгсиз маҳорат билан ижро этади. Бу хонишни тинглаган шинаванда кўп жиҳатдан мамнун бўлади. Аммо шу қўшиқнинг ҳам гуруч брасидан чиққан тошдек ғашга тегадиган бир жойи бор. Гап шундаки, қўшиқ матнининг:

Ул гули хандони кўрмоқ мумкин ўлсайди менга,  
Сендек, эй булбул, гулистонга гузор этмасмудим, —

мисрасидаги «гузор» сўзини хонанда негадир «гулзор» деб тушунади ва шундай айтади. «Гузор» ва «гулзор» тушунчалари бутунлай бошқа-бошқа маънони англатади-ку. «Гузор» сўзини Фузулий «йўл» маъносида ишлатган ва «гулистонга йўл олмасмудим» демоқчи. Хонанда эса «гулистонга гулзор этмасмудим» дея мантиқсизлик туғдирадиган хатога йўл қўйган. Рост-да, «гулистонга гулзор этиш»дан иборат «мантиқ»ни қандай тушуниш мумкин?

Классик шоирларнинг бир неча аср илгари яратилган асарлари у ёқда турсин, ҳозирги давр шоирларининг, ҳатто ўзларига ҳамкасб хонанда-шоирларнинг чинакам содда шеърларини ҳам бузиб айтиш ҳоллари учрамоқда.

Хонандаларимиз томонидан қўшиқлар матнини бундай нотўғри, бузиб айтилишига сабаб кўп ҳолларда уларда оддий шеърий саводнинг етишмаслиги, матн мазмунини тушунмаслигидандир. Лекин бу соҳада атайлаб ўзгартиш, классик шоирларимизнинг нодир асарларига турли баҳоналар билан «тузатиш» киритиш ҳолларига ҳам дуч келамиз.

Шеъриятда янги образ яратиш ёки илгари мавжуд бўлган образнинг янги жиҳатларини кашф этиш нақадар машаққатли эканини шеърият ихлосмандлари яхши билишади. Бу одатда катта ҳаётний тажриба, тинимсиз меҳнат, чинакам шоирона фантазия маҳсули бўлади. Шунга қарамай, баъзи хонандаларимиз қўшиқ учун танланган ғазал ёки мухаммасдаги чинакам кашфиёт бўлган поэтик образни ўз дидларига мослаб «тузатиш»га журъат этишлари кишини таажжубга солади. Биргина мисолга мурожаат атайлик. Классик шеъриятимизда маҳбуб жабру жафоларидан бениҳоя изтироб чеккан ҳақиқий ошиқни ёр куйининг итига ўхшатиш анъанаси мавжуд. Масалан, буюк Навоий:

Ит киби мен иришиб ул корвонни борамай, —

мисрасида ана шундай ошиқ образини кўз ўнгимизда алоҳида маҳорат билан гавдалантирганлиги маълум. Шеърятда Навоий анъаналарининг давомчиси оташнафас шоир Фурқат ватандан жудоликда кечган фожиали ҳаётида буюк устоз яратган бу образга қайта-қайта мурожаат қилди, уни инсон ақл-идрокини ҳайратда қолдирадиган даражада янги, юқори босқичга кўтарди. Унинг ғазалларидаги:

Адашган ит киби Фурқат қаён борғум билолмасман,  
Қачон бўлғайки тошқаймен хабар ёру дийримдан, —

ёки:

Югурсам ҳар тарафга айб қилманглар бу водийда,  
Мисоли телба итмен корвондан аданганман, —

мисралари фикримизнинг далилидир.

Навоийда биз карвонни кўзлаб, қора тортиб бораётган ғариб итнинг аянч аҳволига ачинсак, Фурқатда корвонга эргashiш имконидан ҳам маҳрум бўлган, ундан адашиб, бутун водийда сар-сари югураётган телба итнинг тенгсиз фожиасидан қалбларимиз зириллаб кетади, шоирнинг мислсиз кашфиётидан лол қоламиз. Фурқатнинг ўнлаб ғазаллари каби юқоридаги мисралар битилган ҳар икки ғазали ҳам куйга солинди. Бироқ ҳар икки ашулада ҳам аллақандай ўринсиз андишалар туфайли Фурқатнинг асл кашфиёти бўлган образлар барбод бўлган.

Биринчи ашуланинг мисраси:

Аданган кимсадек Фурқат қаён борғум билолмасман, —

тарзида ўзгартирилди. Натижада йигирма-ўттиз йилдан буён бу ашулани ижро этувчиларнинг барчаси ҳозирга қадар уни ўша бузилган ҳолатида айтишдан қайтганларича йўқ. Иккинчи ашулани классик хоншлар устаси Берта Давидова «Фигон» куйида айтади. Бунда ҳам ғазалнинг шоҳ мисраси:

Мисоли телбадекман корвондан аданганман, —

тариқасида «тузатилган»и ҳар қандай шинавандага малол келади. «Фигон» куйида айтиладиган алам ва фарёд тўла ашулада карвондан адашган телба ит образи

туфайли туғилладиган оғир кайфиятни ашула мантиқига энд равишда сунъий тарзда енгиллаштиришнинг ўзи масалага енгил қараш эмасми! Баъзи бастакор ва хонандаларимиз томонидан кўшиқ матнининг мазмуни билан ҳисоблашмай, уни тўғри келган куйга солаверишдан иборат нуқсон ҳам учраб туради, масалан, марҳум шоир Акмал Нўлат яратган «Улуғ тўйингни куйлайман, нурафшон Ўзбекистоним» мазмунидаги ғазалини таниқли бир хонанда гоят ҳазин, аламли кайфиятни ифодаловчи куйга солиб қайта-қайта ижро этмоқда.

Қуйидаги яна бир мисолга диққат қилинг:

Ишқингда зор ўлдим, нетай, гамгин димогман,  
Бемори фурқатингману зоҳирда соғман, —

мисраларидаги дард-алам, айрилиқ руҳи қаёқдаю,

Ҳаёт агар шоир бўлса, сўзи муаллим,  
Ҳаёт агар узук бўлса, кўзи муаллим, —

мисраларидаги устозларга эҳтиром руҳи, фахр-ифтихор руҳи қаёқда. Ана шу ҳар икки матн битта куйга солиниб ижро этилаётганлигини айрим хонандаларимизда эстетик дид, меъёр туйғуси етишмаслиги билангина изоҳлаш мумкин, холос.

Телевидение орқали кўрсатилаётган концертларда шўх-қувноқ кўшиқларни худди чигал бир масала муҳокама этилаётган мажлисдаги каби ўта жиддий ҳолатда, хонандадан камоли жиддият талаб этадиган оғир хонишларни эса майнавозчилик қилгандек иршайиб туриб айтиш ҳоллари ҳам учрайди. Шу муносабат билан айрим хонандаларимиздан ижро вақтида ҳар бир ашуланнинг мазмуни талаб этадиган руҳий ҳолатни сақлашга кўпроқ эътибор беришларини илтимос қилар эдик.

Айрим хонандалар ашула матнига мунасабатда йўл қўяётган камчиликлардан яна бири куйдаги аниқ ритмни сақлашга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, сўзлар маъносини тингловчига аниқ ва таъсирчан етказиш талабини деярли ҳисобга олмасликларидир. Бу нуқсонни бир вақтлар устоз Фафур Ғулом «Бухоро тўлқини» куйига солиб ижро этиладиган Алишер Навоий ғазалидаги бир мисра мисолида хонанда Маъмуржон Узоқовга кўрсатиб берганлиги ҳали-ҳали ёдимда. Ушанда атоқли шоир ғазал мисрасини қуйидагича бўлган эди:

Дайр пи/ридин Наво/ий бу таман/во қилдило.

Чиндан ҳам куй ритми аниқ сақланган ҳолда сўзлар маъноси ҳисобга олинмай кескин бўлинган бу парчалардан ҳеч нарсани англаб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Фафур Гулом хонандага «сўфида ҳунар бўлмаса хонақоҳ танг» деган қанотли иборани эслатиб, қўшиқ сўзларини мазмунга ҳалал берадиган тарзда бўлиб айтишдан эҳтиёт бўлишни, бунинг учун ўша бўлипадиган ўринларнинг «чокини бостириб кетиш»ни, сўзни тингловчига яққол етказиш мақсадида бутун маҳоратни ишга солишни маслаҳат берган эди. Шундан сўнг Маъмуржон ака кўпгина ашулалари матни устида қайтадан қаттиқ меҳнат қилган ва кутилганидан ҳам ортиқ натижаларга эришган эди. Машҳур хонанданинг маънит ленталарига ёзиб олинган хонишларини тинглаганда бу фикрнинг тўғрилигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласан, киши.

Ҳозирги ашула ва қўшиқ ижрочилигимизда шиннавандалар ғашига тегаётган, унинг таъсир кучига ҳалал келтираётган бундай нуқсонларни бартараф этиш учун радио ва телевидениеда, концерт ташкилотларида, бўлажак хонандаларни тайёрлаётган ўқув юртларида бир қанча зарур тадбирларни амалга ошириш вақти аллақачон етган. Чунончи, радио ва телевидениенинг мусиқа редакцияларида хизмат қилаётган муҳаррирлар, концерт ташкилотлари ва мусиқали театрлардаги адабий эмакдошлар ўз вазифаларини ҳалоллик билан бажаришлари, ҳар бир хонанданинг репертуари билан астойдил қизиқиб, уни давр талаблари, шеърӣ саводхонлик жиҳатидан назорат қилиб боришлари зарур. Чинакам бадий саводли хонандалар тайёрлайдиган санъат ўқув юртларида адабиёт ўқитишни шу ўқув юртларни ихтисосига мослаштириб олиб бориш, бунда талабаларнинг шеърӣятни пухта тушунишларига алоҳида эътибор бериш даркор, радио ва телевидениеда, концерт ташкилотлари ва мусиқали театрларда хизмат қилаётган хонанда ва бастакорлар билан адабиёт назарияси ва амалиётига алоқадор суҳбатлар ўтказиш, бу ишга энг яхши шеършунос олимларни жалб этиш ҳам фойдали бўлур эди.

Ашула ва қўшиқ ижрочилигимиз қанчалик беуқсон бўлса, миллионлаб шинавандаларнинг ундан оладиган завқ-шавқи шунчалик мукамал бўлади.

1980 йил



## ҲАНГОМАЛАР

### ҲАЗОН БИЛМАС БАҲОР

Муҳтарам ўқувчи! Тақдир ҳар бир одамни ўзича сийларкан. Мени у машҳур санъаткорлар — довудий созандалар, сўз мулкининг султонлари бўлмиш азкиёчилар, сахнамиз ифтихори бўлмиш актёр ва режиссёрларга ҳамнишин, улфат, қадрдон дўст қилган. Тўйчи ҳофиз, Шораҳим Шоумаров, Аброр Ҳидоятлов, Қори Ёқубов, Лутфиҳоним Саримсоқова, Қарим Зокиров, Бобораҳим Мирзаев, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Назира Аҳмедова, Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Бобоҳон ва Акмалхон Сўфиҳоновлар, Тургун Қаримов, Мавлуда Аъзамова, Саиджон Қалонов, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Дадаали Соатқулов... Эҳҳе, ҳар бири оламга арзигулик яна қанчадан қанча хонандаю созандаю бастакорлар. Айниқса, қаерга борса, арава-арава шағал тўккандек кулги кўтариладиган аскиячиларни, инсон тафаккурини лол қолдирадиган қочирим усталарини айтмайсизми? Давраларда ҳамниша барҳаёт Юсуфжон қизикдан бошлаб, Мамаюнускал, Сулаймон бўқоқ, Эркақорн, Мулла Маматбува, Ижроқўмбува, Мамажон ҳожи, Гулом чегачи, Охунжон қизиқ, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Акбар Ҳайдаров, Шоқосим Шожалилов, Акмалхон Музаффаров, Чустий... раҳматга ёрларнинг яна неча ўн жуфтини эслай мен фақир?

Замонанинг зайли билан, баъзан хизмат юзасидан (зотан сал кам йигирма йил мобайнида жумҳурият матбуоти ва радиосида адабиёт ҳам санъат бўлимларида хокисор хизматда бўлганман) ўша улуг зотлар эшигини тақиллатиб боришга, расмий ва норасмий йиғинларда тиззама-тизза бирга ўтириб, улардан «хазина ўғирлаш»га тўғри келган эди. Уларнинг теша тегмаган гапларига «писмиқ»лик билан қулоқ солиб ўтириб, эртаси ёки яна бир неча кундан кейин эшитганларимни бошқа давраларда, баъзан ўша азкия, қочирим ва ҳангомаларнинг муаллифлари иштирокида бир оз тараш-

лаб, янгидан айтиб берардим, кўп ҳолларда муаллифларнинг ўзлари ҳам мамнун бўлишарди. Бу ҳангомалар 40—50 йилдан буён турли дўстлар давраларида айтилган. Лекин энг қизиқ ҳангома, уни ҳам дарров олиб, нариги маррага етказадиган, «чоғар» бўлмаса, ўша ернинг ўзида унут бўлиб кетаркан. Буюк санъаткорларимиз хусусида ўзларидан эшитган ҳангомаларнинг жуда кўпи ҳозиргача шундай унут бўлиб кетди; демак, халқимиз қалбига қувонч, чеҳрасига жилва олиб кирадиган бебаҳо маънавий бойликларимиздан ажралиб қоляпмиз. Шунинг учун ҳам ёдимда қолган кичик бир қисм ҳангомаларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этарканман, бир томондан, улар матбуот қатламлари орқали ўн йиллар, ҳатто юз йиллар яшашни мумкин деб, иккинчи томондан эса ўша улуғ зотлардан ўзларига бирор нарса юқтириб қолган бошқа дўстларимиз ҳам бу ишга камарбаста бўлсалар, халқ доволини тимсоллари ҳазон бўлмас баҳордек ҳамиша кўзларни, қалбларини яшна-тиб турса ажаб эмас, деб ўйлайман.

#### ТҲЙЧИ ҲОФИЗ «ТАҲРИР»И

Сталин даври қатағонлари авжга минган 1937 йил. Бошқа ижодкорлар сингари Тўйчи ҳофизни ҳам терговга чақириб ҳол-жонига қўймаётган, бугун-эрта қамаласан деб дағдаға қилаётган кунлар экан. Қама-қамалар ўз йўли билану, лекин Тўйчи ҳофиз жўжабирдек онла бошлиғи, шунинг учун радиода ишлашга, ҳар кун ашулалар айтишга мажбур. Ҳофиз ёшлиғида мадраса таълими олиб юрган вақтларда ўрганган классик газалларининг қайси бири ўша давр сиёсатдонларига ёқадю қайси бир ўзининг бошига бало тошлари бўлиб қайтиши мумкинлигини ажратиб берадиган доно одамнинг ўзи йўқ. Бир газалнинг ўзини биров «жуда яхши» деса, бошқа биров «каланг кетади» дейди.

Шундай кунлардан бирида радио орқали берилаётган концертда Тўйчи ҳофиз Машрабнинг:

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли наришоним манинг,  
Осмошин пора қилди тийри афгоним манинг,

матлаъли машҳур ашуласини бошлайди. Бошлашга бошлайдию, ундаги бир байт ёдига келиб, эсини йўқотишга сал қолади. У байтда:

Ноғиҳондин келди бир топ, тегди чун оғзимга-у  
Мустафодек синди охир икки давдоним манинг. —

дейилганди. Ўз-ўзидан маълумки, бу байтда ғайридинларга қарши жиҳод чоғида Муҳаммад алайҳиссаломнинг икки тишлари синганлиги ҳақида аниқ гап борарди. 1937 йилдаги вазиятда бу фикрни радио орқали жумҳуриятга ёйишнинг оқибати шундоққина қора курсига олиб боришини зийрак ҳофиз дарҳол фаҳмлайди ва ашулани ижро этиб туриб, яшин тезлигида йўл излайди. Байтни ашуладан чиқариб ташласа, ашула бузилади, бошқа бир байтни такрорлаб қўя қолса, у ҳам тушунарли бўлмайди. Шундан сўнг ҳофиз то ўша байт навбати етгунча уни ўзича «тахрир» қилиб олади «Тахрир» сўзлари мусиқага халал етказмас, айни вақтда ҳофизга қадалиб турган ёвуз нигоҳларни бошқа томонга чалғитар, уларнинг «дид»ларига тўла мос келар эди. Мана «тахрир»:

Босмачидан келди бир топ, тегди чун оғзимга-у  
Партизондек синди охир икки давдоним манинг.

Ашула тугагач, радиодаги дикторлар ҳам, муҳаррирлар ҳам, созандалар ҳам бир балои ногаҳондан омон қолганларидан чексиз хурсанд бўлган эдилар.

## КУРОРТ ҲАНГОМАСИ

Эркақори ака билан Мамаюнус бир-бирларига ҳариф эдилар. Аския бошланди Эркақори аканинг найзаси Мамаюнус аканинг каллигини, Мамаюнус аканинг найзаси эса Эркақори аканинг тугма кўрлигини нишонга оларди.

Урушдан олдинги вақтлар экану, шаҳарнинг раҳбарлари бу икки аскиябозга Ушга яқин жойдаги бир дам олиш уйига йўлланма бериб, кузлик сайлгача чийралиб келишини буюришибди. Юшоқ вагонга чифта олиб, кечаси ҳар бири ўз ётоғида ечишиб ётибди. Ярим кечагача ҳам уйқуси келмаган Мамаюнускал шеригининг жиғига тегиб ухлатмаслик учун шоша-пиша уйғотибди: Туринг, қори ака, аллақачон «курорт»га келдик. Эркақори эса тугма кўр кўзларига икки кафтини икки томонидан папа қилиб, вагон ойнасида роса тикилиб бўлгач, «шошма-шошарлигингиз қурсин, Мамаюнус, ўтакамни ёриб юбордингиз-ку, эндигина «Шўртепага» келибмиз-ку», дебди.

## КЎЗГУ

Расулқори Мамадалиев ҳам Эркақори сингари тугма кўзи ожиз эди. Унинг хунукликда тенги йўқ шериги Теша қизиқ эса Қўқон яқинидаги тоғлик қишлоқлардан бўлиб, бу қишлоқ ўша вақтларда шу қадар маданий жиҳатдан орқада қолган эканки, Теша қизиқ умрида ойнага қарашинга тўғри келмаган экан. Бир кун Қўқондаги бир бадавлатроқ одамнинг знефатини ўтказиб, хона ичига кириб қаттиқ чарчаб ухлаб қолишибди. Эрталаб ҳаммаёққа офтоб ёйилиб кетгач, биринчи бўлиб Теша қизиқ ўйғониб, ҳовлидаги ариқ сувига юз-қўлини ювиб қайтиб уйга кирибдию, худонинг бир маҳлуқини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолибди. Яқин бориб қараса, катта кўзгу қаршисидаги оғзи қулоғига етгудек, бурун деган нақ обдастадек, қулоқлари фил қулоғи билан беллашадиган бир тасқара турган эмиш. Худо ўзини шу қадар бадбашара қилиб яратганини, шунинг учун ҳам одамлар уни кўрганда қотиб-қотиб кулишларини ўйлаб, дунёга келганига пушаймон бўлибди. Бир оз ўзига келиб ўпкаси босилгач, Расулқорини уйғотибди. Йиғлаб-сиқтаб, ўртаниб, бўлган воқеани батафсил сўзлаб берибди.

Расулқори унга: Тешавой, шунча дунё кўрган, бола-чақа қилган одам бўлсангиз ҳам ҳали ақл кирмапти. Ақли бор одамлар умуман кўзгуга қарамайдилар, мана менадан ўргансангиз бўлмайдими, денти.

## КИМНИНГ ЮРАГИ КУЯРКИН

Расулқори Тошкентга дўст-қариндошларнинг тўй-йиғинларига тез-тез келиб турарди. Ушанда кўпинча ихлосманд дўсти Муҳит заргарнинг хонадонига тушиб, неча кунлик анжуманлар тамом бўлгунча шу уйнинг азиз меҳмони бўлар, йиғинлардан ташқари вақтда шу ерда турар эди. Муҳит заргар ўз беназир хонанда дўстини бақадри ҳол сийлар, унинг кўнглини топишга ҳаракат қилар экан. Бир кун эрталаб нонушта чоғида аёллар тўйга, бола-чақалар бошқа юмушларга кетиб, хонанда икки оғайни ёлғиз қолишибди. Муҳит заргар меҳмон олдида дастурхон тузаб, «мана бу иссиқ пон, мана бу қаймоқ, мана бу мевалар, мана бу чой, мана бу эса янги тоғ асали, тановул қилиб ўтирсинлар, қори ака, менинг ҳовлида яна уч-тўрт лаҳзалик ишим бор,

деб ташқарига чиқибди. Айтган фурсатда уйга қайтиб кирса, Расул қори одатдагича тортинмасдан нонушта қилиб ўлтирар, бошқа ноз-неъматларга деярли қўл тегмаган бўлса ҳам, каттагина биллур идишга тўлатилган асалнинг таги кўриниб қолибди. Шунда Муҳит заргар дўстининг хонадалиги ва овозини ўйлабми, ёки бир йўла кўи асал тановул этиш кишини лоҳас қилишини ўйлабми, ётиғи билан дебди: Қори ака, асал тоғдан келтирилган, таги мўл-кўл. Лекин ортиқча истеъмол қилинса, юракни ўртаб юборади, дейдилар. Расул-қори эса бўш келмай: асални олиб келаверинг, мен еяверай, кимнинг юрагини ўртаркан, ўшанда кўрамиз, дебди.

### СОЗАНДА ҚАССОБ

Уруш янги тугаган йиллар. Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов билан Фанижон Тошматов Муқимий номли театрда ҳам бирга ишлашади, турли концертлар, йиғинлар, тўйларга ҳам бирга боришади. Тошкент атрофидаги тўйлардан бирига бориб, ашулани бошлашса, шинаванда кўп, хизмат қилувчилар ундан кўп. Лекин негадир тўй эгалари бесаранжомроқ кўринар, уч-тўрт киши у ер-бу ерга бориб машварат қилишар эмиш. Ашула тугаб караватга ўтиргач, ҳамма нарсани зимдан сезиб турган Жўраҳон ака тўй эгаларидан бирини имлаб чақириб, нотинчлик сабабини сўрабди. Маълум бўлишича, ҳозир қозонга гўшти солинажак молни сўйишга айтилган қассоб келмай, ҳайрон туришган экан. Илгарилари бир неча марта мол сўйиб ўрганган Фанижон Тошматов Жўраҳон акага: тўйни Маъмуржон ака билан икковларинг амаллаб турсанглар, оёғини ерга текизмай сўйиб ташлардим, тўй-тўйдек бўларди, ўзларингиздан қолар гап йўқ, буёғи ҳам ёмон акани икки қўллаб тутибди. Ёз фасли эканидан у вақтларда жужун кител ва шим кийиларди. Фанижон ака кителни караватда қолдириб, бир эски қора халатни устидан кийиб, икки-уч ёш-яланг ёрдамида ҳўкизни ағдариб, арғамчилар билан оёқларини боғлаб, «бисмилло» деб баралла пичоқ тортиб юбориши билан, бўшроқ боғланган арғамчилар ечилиб, ер-кўкни қон қилиб, ҳўкиз ҳовлига югурганча тўй дастурхонлари орасидан қочар, қонга бўялган Фанижон ака эса «ушланглар, ушланглар» деб бутун ҳовлини айланиб уни қувар

эмиш. Аллақанча кўнгилсизликлардан сўнг кўпчилик бир амаллаб яна боғлаб, сўйиншибди. Узоқ вақт ювинишга қарамай жужун шимлари қони кетмаган Ғанижон ака Жўрахон акадан қаттиқ ўпкалабди: «Қассоб керак деса, дарров қўлга тутқазиб юбордингиз, майли. Лекин ҳўкизни ушланглар деб шуңча бақираман, парвойингизга олмайсиз-а».

«Тутмоқчи ҳам бўлиб турувдим, — дебди Жўрахон ака. — Аммо икковинг қон тўлғизиб қўйган икки қопга ўхшаб диринглайсанлар. Қай биринг ҳўкиз, қай биринг Ғанижон эканингни ажратолмай, доғда қолдим».

### ЖАНОЗАДАГИ ОРЗУ

Раҳматлик Маъмуржон Узоқов ниҳоятда камсуқум, ширинсўз, ҳамманинг дилига яқин одам эди. Худо уни ҳуснидан биров сиққан, лекин миллионларни хушнуд қилишга етгулик довудий овоз берган эди. Устига-устак ана шу бебаҳо овозни инсон зотидан сира аямасликдек олижаноб фазилат ҳам ато этганди.

Маъмуржон Узоқов кўп ва хўп куйлади. Унинг юлдузлар қулоғига етган ҳонншлари неча-неча ҳорижий элларга ҳам ўзи йўл топиб кетди. Бироқ чақмоқ умри қисқа бўлганидек, тез орада врачлар унга ҳонандаликни анча узоқ вақт тарк этишни қатъий буюрган эдилар. Лекин хонишсиз ҳаётдан хонишли ўлимни аъло кўрадиган Маъмуржон ака ўз ақидасига амал қиларди.

Одатда бировнинг жанозасига тумонат йиғилса, жаннати одам экан раҳматлик, дейдилар. 1963 йилнинг ёзида ҳам худди шундай бўлди. Ҳамза номли академик театрнинг бутун жамоаси, рақслар маликаси Мукаррама Турғунбоеванинг бутун «Баҳор»и, Жўрахон Султонов бошлиқ ўнларча аския усталари, илмий ходимлар Тошкентдан Фарғонага гастроль ва экспедицияга тўпланган эдилар. Бу вақтларда хасталиги туфайли она шаҳри Марғилонга бориб яшаётган Маъмуржон акани Шукур Бурҳон бошлиқ санъаткорлар шаҳар истироҳат боғида меҳмон қилишадиган бўлди. Санъаткорлар давраси қўшиқ, куй, ўйинсиз ўтади, деб ким айтган сизга. Уша кунни ҳам худди шундай бўлди, хонандаю созандаю раққосалар басма-бас ўйнашди. Улоқ бор жойда улоқчи отни ҳеч қандай куч билан ушлаб туриб бўлмаганидек, зукко даврада хониш бошлангач, ростакам хонандани шаштидан қайтариб бўлсиз.

Тошкентдек шаҳри азимдан неча ўн йиллар бирга

иншлашган, санъат эҳромларида бир-бирига алоҳида эҳтиром кўрсатган азиз дўстлари келсаю, Маъмуржон ака уларни ўз сеҳрли хонишларисиз кузатсинми? Йўқ, албатта. У бутун вужудини бир тугун қилиб хонишдан-хонишга ўтар, сеvimли ҳамкасблар олдидаги қарзини узишга талпинарди. Ҳайҳот, қўшиқ ўлимга уланди, йўқ, галат айтдим, у мангуликка уланди. Ашуланинг энг балаид авжига чиқиб туриб, шилқ этиб боши Шукур Бурҳоннинг тиззасига тушган Маъмуржон Узоқовнинг асл руҳини қўшиқ фаришталари самовий юксакликларга олиб чиқиб кетинган эди.

Эртаси тонгда бутун Маргилон шаҳри яхлит мотам-хонага айланди. Тошкентдан ва бир лаҳзада бошқа шаҳарлардан етиб келган, беқасам тўн кийиб, бел боғлаган юз-юзларча ёр-дўстлар, ихлосмандлар кўчани шунақанги тўлдириб ташлаган эдики, ичкарига кириб марҳумнинг чеҳрасини яна бир кўриш камдан-кам одамга муяссар бўлди.

Лекин томонанинг каттаси майитни қабристон томонга кўтарганда бўлди. Қани энди мард одам сўнгсиз оламонини ёриб, табаррук тобутга бир елка текизиб олса. Тобут олдида кўзларидан дурдек ёш тўкиб бораётган Охунжон қизиқ атрофга алаңдай-алаңдай, ҳеч бир мотамда бунчалик одамни кўрмаганидан, дилига келган улуг орзунини тилига чиқариб юборибди:

— Шу бугун роса ўлиб оладиган кун бўлди-да.

### ЭСКИ ОШИНА

Бир вақтлар Маъмуржон ака менга бир аклли подшонинг бири ҳаминша ростгўй, иккинчиси гоҳо ёлғон ҳам гапириб турадиган икки вазирни ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. Ҳикояга кўра подшо ўз фуқароларидан бирини ноҳақ айблаб, ўлимга ҳукм қилибди. Жаллодлар маҳкумни қатл этиш учун олиб чиқиб кетаётганларида у подшонинг зolimлигини, ноҳақ ҳукм чиқарганини, бунинг учун бир кун жазосини олиши муқаррарлигини айтиб, сўкиб чиқиб кетибди. Маҳкумнинг барча гапларини ўз кулоғи билан эшитган подшо вазирларини синамоқчи бўлиб, сўл томондаги вазирдан сўрабди: чиқиб кетаётганида нималар деди ўзи? Вазир жавоб берибди: подшоҳимиз асли одил подшоҳ, лекин бировларининг ганига кириб, мени ноҳақ ҳукм қилиб юбордилар, кейинчалик адолатга келиб, албатта пушаймон бўладилару, бироқ вақт ўтган бўлади, деди.

Подшога содиқ ўнг қўл вазир дарғазаб бўлиб: ё амирал-муслимин, вазирингиз ғирт ёлғон гапирдилар. Ахир у сизни золим деб атаганини, гўё ноҳақ ҳукм чиқарганингиз учун албатта жазо олажагингизни бақириб-чақириб, беодоблик қилиб чиқиб кетди. Шундай бўлгач, вазирингиз гапини бояги маҳкум гапи билан қиёс қилганлар олдида аҳволимиз не кечур? — деди.

Подшоҳ ўша заҳоти: маҳкумни озод этишлар деб фармон берибди. Сўнгра ўнг қўл вазирга қараб: — Тўғри, Сиз рост сўзладингиз. Бироқ бу рост фитнаомуз бўлди. Ҳукмдорнинг газабини юмшатишга эмас, уни ҳаддан оширишга хизмат қиладиган рост бўлди. Сўл қўл вазирнинг гаплари ёлғонлигини ҳам биллиб турибман, бироқ бу ёлғон ҳукмдорни жаҳлдан туширадиган, икки мўъминни мурсоага келтирадиган ёлғон. Уларнинг қай бирини қай ҳолатда ишлатишни билмас экансиз. Шунинг учун ҳам бугундан ўнг қўл вазирликдан бўшаддингиз. Ўрингизни сўл қўл вазир эгалласин, деди.

1952 йил куз ойида бизнинг маҳаллада бир хатна тўйга ташриф буюрган Маъмуржон ака билан санъаткорларга мўлжалланган каравотда ёнма-ён ўтириб қолдик.

Маҳалламизда Ҳасан ака деган кўзи ожиз, ғоят шинаванда, ғариб одам бўлиб, ёшлигида, кўзи очиқ вақтларида Хўжанддаги чойхоналардан бирида Маъмуржон ака билан тонг отгунча суҳбатда бўлганини ҳаммаша оғзидан бол томизиб гапирар, лекин Ҳасан аканинг кейинги вақтдаги аҳволинигина биладан ёшлар унинг гапларига ишонмас, ҳижолатга солишар эди.

Ўша куни бўлган тўйга Ҳасан ака ҳам чиққан, турган гапки, у Маъмуржон ака билан яна бир қўл олишиб, ҳаммаҳаллалари олдида юзини ёруғ қилиб олишни истарди. Маъмуржон ака ашуладан сал бўшаб, навбат ўйинга келганида мен у кишига Ҳасан аканинг арзи ихлосини билдириб, Хўжанд чойхонасидаги воқеа ҳақидаги ҳикояларини ҳам айтдим. Кези келганда подшонинг сўл қўл вазир ишлатган ёқимли ёлғонни ҳам эслатдим. 5—10 дақиқадан сўнг Маъмуржон ака ҳовли охиридаги водопровод жўмрагидан қўл ювиш баҳонасида тўппа-тўғри Ҳасан аканинг олдида ўтириб, саломлашиб, Хўжанд чойхонасидаги ажойиб суҳбатларини эслаб, Ҳасан акани тез-тез соғиниб қўйишни айтди, агар бирор тўй қилгудек бўлса, албатта келиб сидқидилдан хизмат қилишини айтиб, икки-уч пиёла чой ич-



гунчалик муддат елкасига қўлини ташлаб гапиришиб ўтирди.

Маъмуржон ака яна ашулага тушди. Лекин ҳамма-ҳаллалари олдида Ҳасан аканинг бошини осмонга етказиб қўйгани, атрофдагиларнинг барчаси Ҳасан акани бири олиб-бири қўйиб мақташгани Маъмуржон ака учун оламда энг катта мукофот эди. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Кимки бир кўнгли бузуқни хотирини шод айлағай,  
Опча борким, Гаъба вайрон бўлса обод айлағай.

### ЕМОН ОДАМ ЁЛМАЙДИ

Тошкентда Қаюм азкиё ва Фаражулло махсум деган аскиячиларни ҳамма билади. Қаюм азкиё 84—85 ёшларда, Фаражулло махсум эса 55—60 ёшлар чамаси. Уларнинг Калонхона маҳалласида кўн йиллик улфатчиликлари ҳам бўлган. Қаюм азкиё қариб, улфатчиликка келолмай, беш-олти ой бедарак кетган вақт экан.

Бир куни Фаражулло ўз энгил машинасида «Чорсу» деҳқон бозори атрофида ўтиб кетаётган экан, Қаюм азкиё бир халта оғир юкни инқиллаб кўтариб кетаётган эмиш. Махсум дарҳол машинасини тўхтатиб, Қаюм азкиё билан кўришиб, уни машинага ўтиришга таклиф этибди. Қаюм азкиё: «йўқ, сенинг йўлинг бошқа ёқда, қийнаб қўяман, ўзим кетаверай», деса ҳам Махсум уни ўз ҳолига қўярда-қўймай машинага чиқариб олибди. Ҳол-аҳвол сўраган экан, анчадан бери ошна-оғайнини кўролмай дилгир бўлиб кетган Қаюм азкиё:

— Қаердасанлар, ҳеч кимни кўрмайман, барча теги тўшларим оламдан ўтиб кетди, ўзим шўппайиб қолдим, нима қилишга ҳайронман, — дея астойдил кўзига ёш олибди. Ҳамиша Қаюм азкиёнинг кўнгилочар гапларига ўрганган, уни кўрганда азкия қилмаса туролмайдиган Махсум гапни кулгига буриш учун:

— Дунёнинг ишлари ўзи шунақа. Ҳаммага яхшилик қилдиган асл одамлар кўз очиб юмгунча ўлиб кетиб, ёмонлар ҳамманинг жигига тегиб 80—90 йил яшаб юраверади. — депти.

Аския бор жойда оламни унутадиган Қаюм азкиё дарров тўни этаклари билан кўз ёшини артиб, «мулоҳим»гина гап отибди:

— Қайдам, бунақа машина тўхтатиб, оғиримни еп-

гил қилишингга қараганда, сен ҳали жилла узоққа борадиганга ўхшамайсан.

Махсум машинани шартта тўхтатиб:

— Тушинг, аравангизни тортинг, Яхшиликка ёмонлик бўладиган бўлса, мен қайтаман. Халтангиз билан нима бўлсангиз бўларсиз! — деди. Қаям азкиё асло бўш келмапти:

— Мана бу гапинг бошқача бўлди, иним. Бу феъли атворингга қараганда ёшинг меникидан ҳам ошиб кетадиган кўринади!

### «ЁВВОЙИ ЧОРГОҲ»ГА ОВ МИЛТИГИ

1948 йил куз фаслининг бошлари. Ўзбекистон радиосида хизмат қиладиган пайтларим эди. Бу куни кеч соат 6 дан 15 дақиқа ўтганда бериладиган концерт «Най ва флейта» деб аталди ва суҳбатли бўлди. Ўзбек давлат филармониясида Усмон Ризоқулов деган моҳир флейтачи бўлар эди. Концертга ўша таклиф этилди. Найни эса ўша даврнинг бақувват созанда ва бастакори бўлмиш Саиджон Калонов чаладиган бўлди. Суҳбатли концерт давомида ҳар икки созинг муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатлари ҳақида қизиқарли фикрлар айтилар, ўша фикрларни исботлаш учун Усмон Ризоқулов билан Саиджон Калонов бир-биридан ўтказиб сеҳрли куйлар ижро этишар; ҳар бири ўз созининг яхшироқ эканини кўрсатиш учун жопларини аямасди.

Навбат найда «Ёввойи чоргоҳ» ижросига келди. Ушоққина гавдали Саиджон Калонов оддий найдан чиқараётган самовий садоларга лол бўлмай илож йўқ эди. У «Ёввойи чоргоҳ»ни ўша кунгидек қудрат билан ижро этганини эслолмайман.

Ниҳоятда баланд руҳ билан маърифий концерт туғаб, радио биносидан ташқарига чиқиб, ҳар бир ижронинг зўрлиги ҳақида завқ билан гаплашиб турар эдик. Бир вақт шоша-пиша Саиджон Калоновнинг устози, машҳур найчи Абдуқодир Исмоилов келиб шундоққина ёнимизда машнадан тушди. Унинг қўлида чиройли ов милтиғи бор эди. Шу маҳалда уста ов милтиғини нима қиларканлар деб ҳайрон бўлиб турган эдим. Абдуқодир ака Саиджон Калонов билан кўришибоқ:

— Ма, текинга ол, қандингни ур, — дея милтиқни унга берди. Шогирд эса: раҳмат уста, барибир бераркансиз, ўшада мени ранжитганингиз қолди, дея кулди.

Маълум бўлишича, Абдуқодир ака кексайиб қолган,

овга боролмас, лекин ўзи севган ов милтиғини уй тўрига осиб қўйганча, унга ҳар куни ҳавас билан қарашни яхши кўраркан. Бир куни Саиджон Калонов унга: уста, ов милтиғини менга беринг, ўрнига истаган нарсангизни олиб берай, — дебди. Милтиқни жонидан ҳам ортиқ кўрган Абдуқодир ака бу пожўя таклифи учун севимли шогирдини жеркиб солган экан. Бугун, ҳозиргина «Ёввойи чоргоҳ»ни эшитиб, милтиқни кўтарганча, бир машинага ўтириб, радио томон учибди.

Уша куни Саиджон Калонов учун бир умр унутилмас кун бўлган эди.

### ГЛИЭР ҲАЙРАТДА

Ўзбек мусиқа тараққиёти учун хизмат қилган фидойи бастакорлар орасида Рейнгольд Морицевич Глиэр ҳам бор эди. Глиэр йигирманчи-ўттизинчи йилларда озарбайжон ва ўзбек халқи мусиқасини замонавий жанрлар билан бойитишда катта хизматлар қилган, шу ваздан Россия Федерацияси халқ артисти унвони билан бир қаторда Озарбайжон (1934) ҳамда Ўзбекистон халқ артисти (1936) унвонларига ҳам сазовор бўлган, 1937 йилда Москвада биринчи бор ўтказилган ўзбек санъати ўнқуллигида энг истеъдодли ўзбек санъаткорлари қаторида орден билан тақдирланган эди. Иккинчи ўзбек операси «Лайли ва Мажнун»ни, «Гулсара»ни Глиэр ўз шогирди Толибжон Содиқов билан биргаликда яратган, ҳар икки операнинг сахна юзини кўришида алоҳида жонбозлик кўрсатган Комил Яшин, Халима Носирова (икки марта), Фулом Абдураҳмонов, Толибжон Содиқов, Мукаррама Турғунбоева, Мели Мусаев сингари ижодкорлар давлат мукофоти билан тақдирланган эдилар. Булардан ташқари, Толибжон Содиқов билан ҳамкорликда «Алишер Навоий» фильми мусиқасини, ўзбек мавзусида бир неча увертюра ва бошқа асарларни битган Глиэр жумҳуриятимиздаги кўйлаб йирик бастакор ва хонандаларнинг устози сифатида ардоқли эди. Тошкентдаги машҳур мусиқа билим юрти ҳануз унинг номи билан аталиши ҳам шундан далолат беради.

1954 йилда бу табаррук устоз 80 ёшга тўлганди. Эллигинчи йиллар биринчи ярмини эслайдиган кишилар ўша вақтда жумҳуриятимизда мақомлар, халқ куйларигина эмас, балки миллий мусиқа асбоблари ҳам таъқиб остига олинганини, Ўзбекистон радиосининг ўзбек, тожик, уйғур халқ чолғу ансамбллари йўқ қилиниб,

энг яхши хонанда ва созандалар, жумладан, мақомлар пирн Юнус Ражабий ҳам ишсиз қолганини, радиога, саҳналарда ўзбек хонандаларни асосан пшанно жўрлигида ашула айтишга мажбур қилинганини яхши билдилар.

Ўзбек опералари ва симфоник мусиқа асарларини тинглашга ишқибоз одамлар ўша вақтга келиб яна ҳам камайиб кетганди. Глиэрнинг 80 йиллик юбилейи ана шундай танг бир вазиятда тўғри келган эди. Лекин Ўзбекистондаги энг етук бастакорлар ва хонандалар устозининг табаррук сапасини жумҳуриятда ишонламаслик ҳам мумкин эмасди.

Ижодкор зиёлилар хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, Ўзбекистон раҳбарлари ўз даврининг йирик ташкилотчиси Ҳамроқул Турсунқуловни партия Марказқўмига чақирадилар ва у ранслик қилаётган Янгийўлдаги колхозда Глиэр ҳамда унинг энг яқин шогирдлари иштирокида симфоник концерт ташкил этишини, Москвадан келган азиз меҳмонни ҳар жиҳатдан мамнун қилиб жўнатишни унинг зиммасига юклайдилар.

Катталар буюрган ҳар қандай хизматни ўрнига қўйиб, уларнинг кўнглини топишда устаси фаранг бўлган Ҳамроқул Турсунқулов симфоник концерт иштирокчиларини колхозга таклиф этади. Глиэр бошлиқ оркестр созанда ва хонандалари колхоз маданият саройида аввал репетиция қилиб, эртаси куни концерт беришлари керак эди. Раис уларнинг репетициясини кузатиб, ўз режасини узил-кесил пиширади: репетиция тугагач, раис колхозчиларни маданият саройига жамлатади, барча қаторлар тўлиб бўлгач, дастлаб ҳар бир қаторнинг ўртасида биттадан бошлиқ тайинлайди ва йиғилганларга бундай дейди:

— Эртасига кечқурун соат 8 да ҳаммаларингиз шу ерга келасизлар, ҳар ким ҳозир ўтирган ерини яхшилаб билиб олади ва худди шу ерга ўлтиради. Мен ўнг томонда, сизларга яхши кўриниб турган, ҳозир ўтирган жойимда ўтираман. Бахмал парда очилганида курсиларда ҳар хил эгри карнай, ўрисча най, дўмбира ушлаган одамлар ўлтирган бўлади. Ундан кейин саҳнага олди калта, орқаси узун қора ялтироқ камзул кийган, бир қўлида таёқча ишлаган, кўз ойнакли ўрис қария чиқади. Уша қария бутун концертнинг каттаси ва Москвадан келган энг обрўли меҳмонимиз. Саҳнадагилар унинг таёқчасига қараб ашула айтади. Ҳар бир қаторда ўтирганлар ўртасидаги ўз бошлиғига, бошлиқлари эса мен-

га қараб иш тутишади. Мен қанча қарсак чалсам, сизлар ҳам шунча чаласизлар ва қарсакни менга қараб секин-аста тиндирасизлар. Ҳар ким яхши билиб олсин: мен қарсак чалаётганимда кимки қарсак чалишдан тўхтаसा, меҳнат кунидан беш кун қисқартирилади. Чеккадан махфий кузатиб турувчи одамлар менга бу ҳақда маълумот беришади.

Эртасига концерт кутилганидан ҳам яхши натижалар билан ўтибди: колхозчилар ҳар бир ижродан кейин қўллари қабаргунча қарсак чалишибди. Глиэрга зарбоф тўн, дўппи кийдирилиб, ажойиб қийиқ боғлатилибди. Концерт тугагач, Рейнгольд Морилевич йиғилганларга қайта-қайта таъзим қилгач:

— Мен Москвада бир неча йил яшаб, жумҳуриятимиздаги бу қадар катта маданий инқилоб қўламини тасаввур ҳам қила олмайдиган бўлиб қолибман. Оддий ўзбек колхозчилари 7—8 йил ичида симфоник мусиқани, опера ва балетларни шу қадар теран тушунаётганидан ҳайратда қолдим. Сизларга офарин, раҳбарларнингизга офарин. Мен Москвага қайтгач, ўз ҳамкасбларимга сизлар ҳақингизда сўзлаб бераман, — депти.

### ХОТИРЖАМ ЮРИШИ

Жўраҳон Султонов тенги йўқ санъат фидоийси эди. Кўнглини забт этувчи қўшиқ қулоғига чалиниб қолса, уни ўрганиш учун ҳамма нарсадан кечиб юборар, ҳатто ойлар-йиллар умр сарфларди. Шундай беназир қўшиқлардан бири «Содирхон ушшоғи»ни 1926 йилда Хўжандда улкан ҳофиз хонадонидида бир йил хизмат қилиб, уй шунуруб, сув ташиб, келган-кетган меҳмонлар ковушини ювиб, шундан кейингина ўзи истагандек ўрганганини, ҳофизлар сардоридан уни ёлғиз ижро этиш учун «оқ фотиҳа» олганини ҳикоя қилгучи эди. Шуниси ҳам борки, бирор ёш хонанда Жўраҳон ака ижросидаги дилсўз хонишлардан бирини ўрганиш ниятини билдирса, уни ўз ҳолига қўймас, вақтини, меҳнатини асло аямасди. Шу важдан Жўраҳон Султонов раҳматлик бўлиб кетганига чорак асрдан ошган бўлса ҳам, у яратган хонандалик мактаби тобора тараққий этиб бормоқда, ҳақиқий халқ ҳофизининг ўнлаб-юзлаб шогирдлари, невара, эвара шогирдлари бу улуг мактаб шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Жўраҳон ака Ўзбекистон радиосида ишлаб юрган кезларидан бирида Ғанижон Тошматов унга ҳовлиқиб

телефон қилибди: «Нима дейсизки, радиога овози худди ўзингизникига ўхшаган, сиз айтган ашулаларни айтадиган бир ёш аёл келиб, Сизни сўраб турибди. Бугунинда йўқлигингизни билиб хафа бўлиб қолди».

Совуқ пайти. Ташқарида жала қуяётган экан. Жўраҳон ака Фанижон акага: «Айт, кетмай турсин, мен йўлга чиқдим», дебди. Орадан 40—50 дақиқа ўтгач, шошилганча Жўраҳон ака радиога кириб келибди. Радиодагилар қарашса, Жўраҳон аканинг калишидан сачраган лой нақ телпагигача чиқиб кетибди. Фанижон ака: мунча шошилмасангиз уста, хотиржамроқ келаверсангиз ҳам бўларди. Телпагингизга қараб бўлмайди, деса, Жўраҳон ака: хотиржам келганим шу-да, агар сен айтганча шошилиб келганимда борми, калишимдан сачраган лой телпақдан ўтиб, юзимни, кўкракларимни ҳам чаплаб, ҳозир сенинг гап-сўзинг пойма-пойлигидан, мен балчиққа беланганимдан бир-биримизни таний олмай ўтирган бўлардик, дебди.

### «БЕРДИ»СИННИ АЙТГУНЧА

Жўраҳон катта санъаткорга хос ҳиссиёти зўр одам. Ҳар қандай воқеани сўзласа, тингловчини лол қолдирмай қўймасди. Бунда у кўпинча маҳобат қилишни, ошириб-тошириб гапиришни яхши кўрарди.

Жўраҳон аканинг Мулла Шукур Ҳакимжонов деган Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган дўсти бўларди. У бир неча ўн йиллар давомида Тошкентдаги 20-почтанинг бошлиғи бўлиб ишлаган, Жумҳуриятда хизмат кўрсатган алоқа ходими фахрий унвонга, Меҳнат Қизил Байроқ орденига ва бошқа ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган таниқли одам эди. Айни вақтда у классик шеъриятимизни пухта биладиган, бедилхон зиёли, куй ва хопинлар адоси эди. Шу вайдан уйига кўп меҳмон чақирар, ҳар сафар Жўраҳон Султопов, Шоқосим Шожалилов, Акмалхон Музаффаров сингари санъаткорлар суҳбатини севар эди. Меҳмоннавозликни роса ўрнига қўяр эди. Бир кун дўстининг уйдаги меҳмоннавозликдан ўзида йўқ даражада хурсанд бўлиб қайтган Жўраҳон ака эртасига ҳамкасблари даврасида Мулла Шукур аканинг дастурхонини мақтаб кетибди:

— Меҳмон кутниш Мулла Шукурга хатм-да. Кеча кўрмадинглар: хонтахтага ёйган дастурхонининг ўзи томоша, тўрт ёнидаги, тўрт бурчакдаги зеҳи бир-бирдан бир миллиметр фарқ қилмайди. Эрта баҳор эканига

қарамай, тармева деганининг етмиш икки фирқасини мухайё қилиб қўйибди. Ишкомдан янги узилган олтин хусайнидан тортиб беҳи, олма, нок, анор, анжир, шафтоли деганни Миср пирамидаларидек анвон қилиб териб қўйибди...

Жўрахон ака ҳадди сигадиған бир ҳазилкаш ўша заҳоти:

— Сал эви билан-да, уста. Ҳай, узум, олма, анор, нок, беҳига бир нарса демайлик. Лекин март ойида анжир билан шафтоли дастурхонга тортилишини фақат сиздан эшитиб турибмиз, — депти.

Унча-мунчага бўш келмайдиган Жўрахон ака:

— Мен бир гап айтдимми, шубҳа остида олмагини-да, тентак. «Бердиси»ни айтгунча қўймай, одамни мулзам қилишининг пайида бўласан. Мулла Шукурнинг дастурхонида анжир мураббо ҳам, шафтоли қоқининг сараси ҳам бор эди, дегунмча қўймадинг, — деса ҳам-касби индолмай қолибди.

### КҮМИЛАДИҒАН ВЕЛОСИПЕД

Марғилон унчалик катта шаҳар эмас. Шу вайданми, жамоат транспорти жуда оғир аҳволда эди. Трамвай, троллейбус бутунлай йўқ, автобус эса кутувчиларни қон қилиб юборади. Лекин иш, рўзгор-тирикчилик важҳидан, шаҳарнинг у чеккасида бу чеккасига бўзчининг моксидек қатнашга тўғри келади. Ниёда одамга бу дўзах азобининг ўзи. Шу азобдан қутулиш учун Охунжон қизиқ узоқ вақт пул йиғиб бир велосипед олибди. Кексайган чоғида не машаққатлар билан уни минишни ҳам ўрганиб олибди. Уч-тўрт кун оғири енгиллашиб, энди жони ором ола бошлабди. Бироқ велосипедни бир пивохона эшигига тираб қўйиб, улфатлари билан бир-икки соат машаққат қилиб чиқса, Охунжон қизиқнинг яп-янги велосипеди ўрнида бошқа, шалоғи чиққан, гилдирақлари айланмайдиган, рули ишламайдиган, занжирсиз велосипед турган эмиш. Маълум бўлишича, ўғри болалар уни алмаштириб, домдараксиз кетишибди. Охунжон қизиқ бу дардисарни қаерга олиб боришни, нима қилишни билмай, қийнала-қийнала судраб кетаётса, рўбарўсидан устозни Юсуфжон қизиқ чиқиб қолибди, у ҳам ҳайрон бўлибди:

— Ия, Охун, велосипединг ўлнитти-ку. Энди қаерга олиб кетаяпсан, — деб сўраса у қовоғини солиб:

— Қаерга бўларди, кўмгани-да! — депти.

## АФСУС ВА ТАСАЛЛИ

Қирқинчи йиллар бошидан эллагинчи йиллар бошигача Тошкентда аскиянинг пири Мулла Маматбува Ваҳобов эди. У зот йигирманчи йиллар бошида Марғилондан кўчиб келиб, Тошкент яқинидаги Зангиота қишлоғида истиқомат қиларди. Жўрахон Султонов, Чустий домла, Фанижон Тошматов, Акбар Ҳайдаров, Шоқосим Шожалилов, Акмалхон Музаффаров, Мамажон ҳожи, Гулом чегачи, Қора Абдурахмон, Нажим бўйдоқ, Қаяом аския сингари зукко аскиячилар жам бўладиган катта давраларда улоқ ҳаминша одамлар оддийгина қилиб «мулла ака» деб атайдиган ўша зотда кетар эди. Фарғонадан Эрка қори, Мамаюнус кал, Сулаймон бўқоқ, Юсуфжон қизиқдек аския усталари Мулла акани тез-тез йўқлаб келган дамлар Тошкент шишавандалари учун ҳақиқий байрам бўлиб кетарди.

Мулла ака эллагинчи йиллар бошида оламдан ўтди. Лекин тақдирнинг тақозосини қарангки, Қўқонда яшаб, аския устаси сифатида кенг шуҳрат қозонган Ижроқўм бува Мулла аканинг донғини эшитган бўлса ҳам, давраларда у зот билан кўришишга, беллашишга тўғри келмаган экан.

1968 йил эди. Мулла аканинг Тошкентдаги Каттаҳовуз маҳалласида истиқомат қилувчи жиянларидан бири тўй қилди. Тўйга Мулла аканинг кўпгина аскиячи дўстларидан ташқари ўгли Сирожиддин қори ака ва Ижроқўм бува ҳам келган эди. Хонанда, созанда ва аскиячилар ўлтирган катта сўри ёнида Сирожиддин қори акага курси қўйиб берилган эди. Гап айланиб тўй эгасининг амакиси бўлмиш Мулла акага келиб тўхтади. Шунда Ижроқўм бува у киши билан кўриша олмай қолганидан қаттиқ афсусда эканини Шоқосим акага айтган эди, Шоқосим ака дарҳол:

— Ижроқўм бува, бугун орзунгизнинг ярни ушаладиган бўлди: ёнингиздаги курсида ўлтирган Сирожиддин қори Мулла аканинг фарзанди солиҳлари бўлади, Сиз билан пайравга тайёр турибди. Мабодо ўзларини кўрмасам кўнглим тўлмайди, десангиз, унга ҳам жилла узоқ вақт керак эмас, яқинда ёнларига борасиз-қўясиз, — деди. Ижроқўм бува:

— Узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши, — дея Сирожиддин қори ака билан қучоқлашиб, этакларини кўзига суртиб кўришгач, қайтиб сўрига ўтираркан, Шоқосим акага:



— Мулла акани кўришга ким шошилаётган бўлса бораверсин, менга ҳозирча шунинг ўзи кифоя, — деди.

### ЧАҚАЛОҚҚА ИСМ

1946 йилнинг куз палласи эди. Ўзбекистон Давлат радио қўмитасининг муסיқий эшитиришлар таҳририятида хизматда эдим. Оддий иш кунларининг бири тугади. Хонамиздаги ходимларнинг ҳаммаси кетиб бўлишган. Мен эртанги дастурга баъзи ўзгартиришлар киритиш зарурати билан тутилиб қолган эдим.

Бизнинг бўлим катта бир хонага жойлашган бўлиб, унинг ойналари коридор томонгагина қурилган эди. Ишни тугаллаб, қоғозларни йиғиштираётган чоғимда ўша коридор томондаги ойналар ёнидан кимлардир ўтиб, бизнинг хонага кириб келишди. Улар Собир Абдулла, Зокир Ҳабибий домла ва яна бири ёши 80—85 лар атрофидаги нуруний қария эди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Ҳабибий домла қарияни менга таништириб, мақсадни баён қилдилар:

— Қурёз ота Авазматов. Хоразм мақомларининг моҳир устаси. Кўп йиллар Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида етакчи хонанда бўлганлар. Бир неча кундан бери Усмон аканинг боғларида меҳмонда эканлар. Биз ҳам бугун борган эдик, Усмон ака: менинг номимдан икковларинг Қурёз отани радиого олиб боринглар, устознинг яхши мақомларидан ёзиб олишсин, деб ўз машиналарида жўнатдилар. Иш битгач яна Дўрмондаги боққа қайтиб кетамиз.

Халимдек мулойим, не-не улуғ зотларни кўрган Қурёз ота ёйилиб гаплашадиган бир нарса сўрасангиз, унинг ёни-верини ҳам қамраб жавоб берадиган тиниқ ақлли одам экан. Огаҳий, Комил, Аваз, Девоний, Баёний каби шоирларнинг аруз илмидаги маҳоратлари ҳақида, Хива ва унинг атрофида ўтган устоз хонандалар ҳақидаги ёшлардек эҳтиросли гаплари билан учовимизни ҳанг-манг қилиб қўйган Қурёз ота Дўрмонда меҳмонда яшаётган кунни кечагина Усмон Юсупов оиласига худо яна бир ўғил ато қилганини ва мезбон ундан ўз фарзандига исм қўйиб беришни илтимос қилганини айтди.

— Хўш-хўш, — дейишдик бизлар.

— Исми Улмасхон бўлсин, ўлмасин, яйраб-яшнасин, ўзингизга ўхшаб юрсин, — дедим.

Қурёз ота муносиб кўрган исм Собир Абдулла билан Ҳабибий домлага қандай туюлганини билмайман-у, би-

роқ мен ичимда: «Усмон ака қизиқ устида илтимос қйлиб юбориб, кейин пушаймон бўлган албатта», деб ўйладим. Уша вақтларда бошқача ўйлашнинг ҳам иложи йўқ эди. Бунинг устига Усмон Юсуповнинг оиласи европалик бўлиб, икки ўғлининг бирига Леонид, иккинчисига Владлен деган исмлар қўйганини ҳам билардим. Шундоқ бир алфозда учинчи ўғилни Улмасхон деб аташи ақл бовар қилмайдиган иш эди, албатта.

Хонадаги суҳбат тугаб, Қурёз отани кечқурунлари ҳам ишлайдиган чолғу ансамбли залига, машҳур Юнус Ражабий ҳузурига олиб кирдик. Эртаси кунига репетиция белгиланиб, Хоразм мақомлари устасининг беш-олти ашуласи ёзиб олинди.

Шундан кейин бу воқеа менинг хаёлимдан унут бўлиб кетган эди. Бироқ беш-олти йил илгари «Ўзбекфильм» студияси Усмон Юсупов тимсоли гавдалантирилган икки серияли бадийий фильм ишлаб чиқарди. Унда Усмон Юсупов, Алексей Толстой ва Фафур Ғулом каби йирик тарихий шахслар ролларини икки томчи сувдек уларнинг ўзларига ўхшайдиган фарзандлари ижро этишди. Фильмни томоша қилар эканман, мени энг кўп ҳайратга солган нарса Усмон Юсупов тимсолини яратган ота ўғилнинг исми Улмас Юсупов эканлиги бўлди. Демак, узоқ Хоразмдан Тошкентга келган пирхонандани ўз боғида эъозлаб меҳмон қилган Усмон Юсупов ўзининг ўша вақтдаги ғоят баланд мавқеига қарамай, унинг оғзидан чиқиб кетган исми ихлос билан қабул қилган, санъатга, санъаткорга эҳтиром қандай бўлишидан ҳаммамизга яна бир сабоқ бериб кетган экан-да.

### КУЧУККА ТАЪЗИМ

Юсуфжон қизиқ ўз ҳамкасблари билан узоқ қишлоқдаги зиёфатдан Марғилонга пиёда қайтишаётган экан. Зиёфатдан чиқилиши биланоқ ҳамкасбларнинг бири қизининг нобоп жойга келин бўлиб тушгани, қудаларнинг ҳаддан ташқари ёмонлиги натижасида ўзига ҳам, қизига ҳам кун йўқлиги, ажратиб олай деса мунчоқдек невараси борлиги, ажратмай деса қизи у хонадонда яшашининг иложи йўқлиги ҳақида юракларни тарс ёриб юборадиган даражада диққат гапларни қалаштириб, ҳамманинг жонига тегибди. Бир гапни тамом қилгандан сўнг яна ўша гапни бошидан бошлармиш. Қудани яхши танийдиган Юсуфжон қизиқ ўз ҳамкасбига жила

унчалик эмаслигини тушунтирмоқчи ҳам бўлиб кўрибди-ю, лекин фикридан қайтибди. Негаки, ҳамкасби ўз гапини маъқуллатмай қўймайдиган кажбахс одам экан. Юсуфжон қизиқ бирор чора излаб топгунича Марғилонга ҳам кириб келишибди. Кечки пайт экан. Бир афтодаҳол ит бир жамоа одамнинг ёнидан тўппа-тўғри ўтишга кўрққаниданми, ҳарқалай, девор тагига қислиб-қимтиниб бораётган экан.

Юсуфжон қизиқ ўша итга етти букилиб салом бериб, ҳол-аҳвол сўрай кетибди:

— Ассалому алайкум, қалай, сиҳатлари яхшими, қўни-қўшнилар, бола-чақалар, маҳалла-қўй ўйнаб-кулиб юришибдими? Узларини кўрмаганимга ҳам анча вақт бўлди. Дийдорингиз хумор қилар экан одамга...

— Ҳай, ҳай, ҳай, Юсуфжон ака, икки туғиб бир қолганингиздан ошириб юбордингиз-ку бу қўтир итни. Тинчликми ўзи? — дарҳол унинг гапини бўлиб сўрабди ҳалиги ҳамкасби. Шу орада ит улардан узоқлашиб кўздан ғойиб бўлибди.

— Одамни роса хижолатга солдингиз-ку оғзимдагини бўғзимда қолдириб, — дея зарда қилибди Юсуфжон қизиқ. — Наҳот танимаган бўлсангиз, қизим келин бўлиб тушган маҳалланинг ити-ку, ахир. Уни эъвозламай кимни эъвозлай?

Юсуфжон қизиқнинг шу ишидан кейин ҳамкасби қудалардан шикоят қилишга барҳам берган, ҳамманинг қулоғи тинчиб қолган экан.

## ИТ ЭГАСИГА УХШАЙДИ

Мамажон ҳожи Тошкентда энг машҳур аскиячилардан эди. Асли андижонлик бўлган Мамажон ҳожи Лутфихоним Саримсоқова ҳамда унинг эри Муҳаммаджон Тожизода билан яқин, қадрдон экан. Лутфихон ая аскияга киришса, унча-мунча аскиячини довдиратиб қўядиган даражада зукко аёл эди.

Мамажон ҳожи аканинг бир зотдор урғочи овчаркаси бўлар, уни алоҳида меҳр билан парваришлар, ҳар йили у болалаганида ўзи лозим кўрган одамларнинг уйига ҳали кўзи очилмаган кучукларни тарқатиб, ҳаммадан миннатдорлик эшитар, кейин вақти-вақти билан ўша одамлар уйига бориб, кучукларнинг аҳволидан хабар олиб юрарди.

Бир йили урғочи овчаркасининг куйикканини сезиб,

ҳар сафар қочириб келадиган танишининг уйига борса, унинг овчаркасини кимдир ўғирлаб кетган экан.

Мамажон ҳожи ака қаттиқ безовталанибди: бир томондан, шундай зотдор кучук қисир қолса, иккинчи томондан, унинг кучукларини кутиб ётган қанчадан-қанча қадрдонлар итсиз қолишади.

Шундай хаёл билан кетаётган Мамажон ҳожи ака кўчада эски ошнаси Тожизодани учратиб қолибди. Ундан-мундан гап айланиб, Мамажон ҳожи ака ургочи овчаркасининг ташвишида эканини айтса, Тожизода:

— Ия, дардингизга даво бизда-да. Эртага эрталаб итингизни бизнинг ҳовлига олиб келаверинг. Менда ўша немис овчаркасининг эркаги бор. Икковини ечиб, ҳовлига қўйиб юбориб, ўзимиз улфатчилик қиламиз. Кечқурунгача итингиз қочади-қўяди, — депти.

Эртасига эрталаб Мамажон ҳожи ака итни етаклаб, Тожизоданинг Кўкча даҳасидаги «Известия» бекати яқинидаги ҳовлисига борибди. Театрда дам олиш куни бўлганидан Лутфихон ая уйда, уникига икки-уч аёл меҳмон келган экан. Аёллар уйда, Мамажон ҳожи ака билан Тожизода даҳлизда гангур-гангур суҳбатлашиб ўтиришибди. Эркаклар ҳовлидаги икки овчарканинг қовушишидан умидвор бўлиб, улардан кўз узишмас эмиш. Кун кечга яқинлашиб, ҳам аёл меҳмонлар, ҳам Мамажон ҳожи ака уйига қайтадиган вақт бўлибди. Бироқ овчаркаларнинг қовушишидан дарак бўлмабди.

Шунда Мамажон ҳожи ака:

— Аттанг, куним бекор кетди, овора бўлдим, Тожизода, — деган экан, Тожизода энди гапга оғиз жуфтлаб турса, ўша аснода қайнаб турган самоварни аёл меҳмонлар олдига олиб кириш учун кўтариб даҳлиздан ўтаётган Лутфихон ая:

— Ҳожи ака, шунча кўпни кўргансиз-ку, бироқ «Ит эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади», деган нақлни эшитмаган экансиз-да, — деб юборибди.

Гапга чечан икки аскиябоз эркакнинг тиллари калимага келмай қопти.

### «ҚОВУН ТУШИРИШ»

Ўзбекистон халқ ҳофизлари орасида Жамолқори Ғиёсов деган эъзозли хонанда ҳам ўтган. Асли наманганлик бўлган Жамолқори ўзининг вилоят театрида ишлар, спектаклларда энг масъулиятли ролларни ижро этар, овозининг таг-тагидан чиқиб турадиган ажиб бир

қийқириқли хонишлари тингловчиларни шундоққина сеҳрлаб қўярди. 1939 йилда умумхалқ ҳашари йўли билан Катта Фарғона канали қуриладиган вақт етгач, бу улкан ҳофиз ўз ҳамнафаслари Ҳожиакбар Аҳмедов ҳамда Жаъфаржон Умаровни ёнига олиб канал қазувчилар хизматида қойим турди. Уларнинг хонишлари ўн мингларча кишилар жам бўладиган очиқ саҳналарда Дунан Дустматов тахлитидаги азаматлар юрагига ўт солар, ҳаммани мардона меҳнатга илҳомлантирар эди. Каналдан улар «Шавкатли меҳнати учун» медали соҳиби бўлиб қайтишди, ўша пайтларда уювларига «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони ҳам берилди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Тошкентда Муқимий номли комедия театри мусиқий драма театрига айлантирилиб, вилоятлардаги энг истеъдодли санаткорлар шу санъат масканига таклиф этилди. Улар орасида Жамолқори Ғиёсов энг биринчилардан. эди. Фарзанди солиҳ бўлмиш бу ҳофиз Наманганда қари отасини ёлғиз ташлаб, Тошкентга кўчиб келишга унамаганида Усмон Юсупов унинг падари бузруквори билан узоқ вақт суҳбатлашиб, унинг ўғли халқ фарзанди ҳам эканини муътабар зотга маълум қилган ва унинг розилигини олган эди.

1940 йилда «Тоҳир ва Зухра» мусиқий драмаси Тошкентда биринчи бор қўйилди. Тоҳир родини Жамолқори Ғиёсов дастлаб ижро этди. Машрабжон Юнусов эса унга дублёр эди. Театрда бир йилдан кўпроқ давр ичида бошқа спектакль қўйилмади. Жамолқори ижросини юз марталаб кўрган томошабинлар тўлиб-тошиб ётарди. Унинг «Отма тонг» ва «Ўлмишам»ини тинглаш учун Ўзбекистоннинг узоқ вилоятларидан, қўшни республикалардан келган ихлосмандлар Шайховандтахурдаги театр олдида гужгон ўйнашарди, Жамолқорининг театрга кириш-чиқишини юзларча кишилар пойлаб туришар, оркасидан эргашиб, анча йўлгача кузатиб қўйишар эди. Уруш бошлангач, «Қасос» мусиқий драмасида бош роль — Элёрни ижро этиш ҳам Жамолқорига насиб этди. Бу спектаклда ҳам у «Тоҳир ва Зухра»дан кам муваффақият қозонмади. Зотан, унинг бошқа бирор хонанданикига ўхшамайдиган ўта ширали овози ҳар қандай томошага алоҳида файз киритиб юборарди. Хулласи, Муқимий номли театр мусиқий драмаларга мослаштирилган дастлабки икки йил ичида Жамолқори саҳнада ҳақиқий чақмоқ чақиб ўтди. Лекин не чораки, унинг умри ҳам чақмоқ умридек қисқа бўлди.

1942 йил ёз фаслида у атиги 36 ёшида тўсатдан вафот этди. Ҳамманинг дили-бағрига жо бўлиб кетган беназир ҳофиз жанозасига фақат Тошкентдан эмас, узоқ-узоқлардан келган халойиқнинг кети узилмас, марҳумнинг бошида мардона тиловат қилиб қордек оппоқ соқолли Гиёсиддин ота ўтирар, Усмон Юсупов қайта-қайта унинг атрофидан айланар, отага қиёматлик ўғил бўлишни, айтиб, ёшли кўзлари билан таскин берарди. Барча вилоятлардан, айниқса, Фарғона водийсидан келган ҳофизларни Жўраҳон Султонов навбати билан мақом ва патнусаки ашула йўлларида айттирар эди. Улар орасида Жўра фасон лақабли ҳофиз ҳам бўлиб, «Қассобга мой қайғу, эчкига жон» қабилда фикр юритар, ҳамма мотам оловида ёнган шу лаҳзаларда ўзича энг зўр деб ҳисобланган ашулани баланд пардаларда айтиб, ҳаммани лол қолдирмоқчи, катта обрў қозонмоқчи эди. Шу мақсадда ўзига навбат келишидан илгари бир неча танишларига бориб, «қайси ашулани айтсам, ҳамма лол қолади» деб сўраб чиқибди. Бировлар «ўзинг биласан» деса, унинг ноўрин ишидан хафа бўлган бошқа биров: «энг яхши кўрган ашуланг» «Муборак», ҳозир ўшанинг ўрни», деб кесатибди. Кесатиқни тушунмаган Жўра фасон шериги билан мурданинг теппасига келиб:

Ҳуснинг камола етди, эй маҳлиқо муборак,  
Ойишайн жамолиниг топти сафо, муборак, —

ни бошлаб юборса бўладими? Ҳаммани лол қолдириш бундан ортиқ бўлмас. Усмон Юсуповнинг ғазабли нигоҳини пайқаган театр раҳбарларидан бири ашуланинг давомини бўғзида қолдириб, Жўра фасон ва шеригини силтаб орқага тортиб, ташқарига судраб кетди. Катта обрў ишқибози бўлган ҳофиз шундай қовун туширган эди.

### «ФАЗИЛАТЛИ» КЕЛИНИ

Уруш йиллари эди чамаси. Охунжон қизиқ Муқимий номли театрда ишлар ва Кўкча даҳасининг Чақар маҳалласида истиқомат қилар эди. Уша оғир замонларда унинг хотини вафот этди ва қўшни Сархумдон, Лангар маҳалларида ёш яланглар жам бўлиб Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этиб келдик. Охунжон қизиқ бел боғлаб тобут олдида йиғлаб борар, ҳар чойхона олдидан ўтганда у ердаги чойхўрлар гурра ўрин-

ларидан туриб, тобутни нариги чойхона олдига элтгунча елка тутар эдилар.

Тобут ва мотам маросими бир томонда қолиб, айниқса, ёшлар Охунжон қизиққа тикилишар, унинг йиғлаётганини кўриб пиқиллаб кулишар, лекин шу заҳотни кафтлари билан оғизларини тўсиб, атроф-теваракка қараб жимиб қолишар эди. Охунжон қизиқ бир йилгача маросимларни баҳоли қудрат ўтказди. Шундан кейин унинг дўстлари иссиқ-совуғидан хабар олиб турадиган бир тан маҳрам лозимлигини таъкидлайверишибди. Оила масаласида тушкунликка тушган, бундан ташқари, иш билан қаттиқ банд бўлган Охунжон қизиқ ихтиёрини қўшни хотинларга берибди-ю, улар эрсиз бир аёл топишганини айтганда уйланишдан олдин уни кўриш кераклиги хаёлига келмабди. Ниҳоят, ўн-ўн беш киши иштирокида тўйча ўтказиб, келин келгач, «куёв тўра» ҳанг-манг бўлиб қолибди.

Лекин ошна-оғайниларга сир бермай юраверибди. Уртоқлари «келиннинг қўлидан қачон ош еймиз?» дея уни ҳоли-жонига қўймай, бир куни уйига бостириб келишибди. Бўлар иш бўлгач, Охунжон қизиқ хотинига ош буюриб, улфатлар оз-оз тортиб, ширин бўлиб ўтиришган экан, ош тайёр бўлиб, «келин» уни лаганда кўтариб кирибди.

Кўпчилиги санъат одамлари бўлган улфатларнинг бири чидай олмай: «Охунжон, нима иш қилиб қўйдинг? «Келин» деганинг шуми? Ҳам чўтир, ҳам шилпиқ, ҳам чўлоқ-ку. Бунни қандай хотин киласан, бирор жойга қандай олиб борасан?» — деса, Охунжон қизиқ:

«Мулла акаси, келинни жилла ҳам уялтирманг. Хонимнинг барча нуқсонларини ювиб кетадиган бир фазилатлари бор: у киши носвой чекадилар», — деб ўзини оқлабди.

### «МУШОИРА»

Расулқори Мамадалиев шеърятни пухта идрок этар, суҳбатларда лутф қилиб, аския келтирар эди.

Унинг куёви Холмуҳаммад Олимжонов ҳам хонанда. Расулқори Қўқонда, Холмуҳаммад эса Тошкентда истиқомат қилишар эди. 1966 йилги зилзиладан кўнгли нотинч бўлгач, Холмуҳаммад ўз хотини ва қизи Нодирани (Расулқорининг қизи ва неварасини) қайнотасиникига, Қўқонга вақтинчалик кўчириб олиб бориб қўйибди. Оила аҳволидан хабардор бўлиб туриш учун

Холмуҳаммад Қўқон билан Тошкент ўртасида бўзчининг моксидек бориб-келиб турганига ачиниб, бир куни Расулқори унга: «Уғлим, сизга ҳам жуда оғир бўлиб кетди. «Ёрнинг васли эмас озорсиз» деб шунга айтадилар-да», — деса, бу ашулани яхши биладиган Холмуҳаммад: «Нодира аҳволидан огоҳ» бўлинг, деб келиб келиб турибмиз, дея лутф қилибди. Куёвнинг бу лутфидан ғоят мамнун бўлган Расулқори: «Нодирабегимнинг арвоҳи Нодирангизга ёр бўлсин» дея дуо қилибди.

### «ИТ» ПАЙРАВИ

Урушдан кейинги дастлабки вақтларда камина Ўзбекистон радиосининг муסיқий эшиттиришлар таҳририятида хизмат қилар эдим, ўша даврнинг энг йирик хонанда ва созандалари билан деярли ҳар куни мулоқотда бўлишимга тўғри келар эди. Жумладан, мақомлар ва хонақоҳ йўлларининг забардаст ижрочиси республика халқ ҳофизи Фуломқори Ғаниев билан ҳам анча вақт бирга ишлашимга тўғри келган эди.

Фуломқори ота (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) қандай ҳофиз бўлганлигини айтиш учун шу кифояки, кўп йиллар мобайнида афсонавор санъаткор Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовга ҳамнафас бўлиб, анвойи тўй-маъракаларда биргаликда хониш қилганлар. Фуломқори ота улкан ҳофиз эканлигидан ташқари хатмкарда забардаст қори, аския пайравларининг нозиктаъб билимдониди. Ўзи ҳам шу фазилатларга эга бўлган Тўйчи ҳофиз Фуломқори Ғаниев билан мулоқотларда алоҳида завқ-шавқ топгани сабабли у кишини деярли ҳар куни йўқлатиб турган. Шу боис Тўйчи ҳофиз вафотидан сўнг ул табаррук зотга бағишлаб яратилган марсия хотира қўшиқларининг кўпчилигида Фуломқори отанинг ҳам номлари эъзоз билан тилга олинган.

1943 йилда Тўйчи ҳофиз оламдан ўтганидан кейин Фуломқори ота бир неча хонандалар билан ҳамнафас бўладилар. Ҳар жиҳатдан ўзларига мос келадиган хонандани ахтара-ахтара охири тиловати Қуръонда ҳам, хонақоҳий хонишлар ижросида ҳам, аския пайравларида ҳам қуйиб қўйгандек санъаткор, асли эшонзода бўлган Акмалхон Музаффаровга катта бир маъракада дуч келиб, умрларининг ниҳоясига қадар у кишининг этагини маҳкам ушлаганча ўтадилар. «Этагини маҳкам



ушлаганча» иборасида ҳам ўзига хос лутф бор. Зотан Гуломқори ота-онадан соппа-соғ туғилган, лекин 5—6 ёшларида чечак касалига йўлиқиб, иккала кўздан ҳам абадий ажраб қолган эдилар. Одатда дийдаси нобиноларнинг қувваи хотираси ниҳоятда кучли бўладикки, Гуломқори ота ҳам бундан истисно эмасдилар. Нобино ҳолда у киши танбур пардаларини шунақангги маҳорат билан босар, қирқ-эллик йил кўришмаган одамларнинг томоқ қиршига қараб, дарҳол исмини айтиб кўришар, ҳамманинг ёдидан унут бўлиб кетган алмисоқдаги маш-машаларни бошқалар кўз ўнгида худди бугунгидек яққол гавдалантириб берардиларки, ул зотнинг қувваи ҳофизаларидан ҳайратга тушмаслик асло мумкин эмас-ди.

Акмалхон Музаффаровга қайтайлик. Бу табаррук инсон билан ҳам камина қирқ йил чамаси ҳамсуҳбат, улфат бўлганман. Бунга боис аввалига Гулом тоға номи билан катта шухрат қозонган аския пирининг Калонхона маҳалла чойхонаси биқинига жойлашган торгина чегачилик дўкони бўлди. У дўкон аския, хониш ва созга ишқибоз бўлган Тошкентнинг катта-кичиги учун зиёратгоҳдек бир даргоҳ эди. Фафур Гулом, Собир Абдулла, Чустий каби шоирлар, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ганижон Тошматов, Шоқосим Шожалилов, Шоолим Шожалилов, Азмиддин Тўрахонов тахлитндаги манаман деган хонанда-созандалар, Мулла Маматбува, Мамажон ҳожи, Қаюм кўнчи, Қора Абдурахмон деган аския лочинлари ва муқаррарки, уларнинг барчаси билан ҳамма соҳада беллашадиган Акмалхон Музаффаров ҳам кунда шунда эдилар. Эллигинчи йиллар ўрталарида Гулом тоға оламдан ўтгач, санъаткорлар давраси Калонхона маҳалла чойхонасига кўчиб, йиғинлар деярли ҳар куни шу ерда ўтадиган бўлди. Юқорида номлари зикр этилган, санъатимиз ифтихори бўлмиш зотларнинг барчаси 60—80 йилларда дорилбақога йўл тутган бўлсалар ҳам Калонхона анъанаси ҳануз боқий қолмоқда. У даргоҳда ҳозир ҳам ўша улкан санъаткорларнинг сафдошлари ва давомчилари бўлмиш Маъруф-хўжа Баҳодиров, Абулқосим Тўйчиев, Пўлат Сайдқосимов, Шожалиловларнинг фарзандлари ва бошқалар уларнинг чироғини ёқиб ўтиришибди.

Акмалхон Музаффаров (у кишидан Аллоҳ рози бўлсин) саксонинчи йиллар охирида вафот этгунларига қадар Калонхона чойхонасидаги улфатчиликнинг гули

эдилар. Санъаткор йиғилган жойни хоншисиз, аския-сиз, чандиш гапларсиз тасаввур этиш қийин. Бунинг устига Калонхонада ҳар ҳафтанинг тўрт кунда кундузи соат роса 2 да паловхон тўра сузилар, шунгача ким шаҳарнинг қайси чеккасида бўлса ҳам чойхонага етиб келмай қўймасди.

Бошқалардан ёши каттароқ бўлгани сабабли ҳамиша улфатчиликнинг тўрида ўлтирадиган Акмалхон аканинг ош устида келадиган илик суягига суяги йўқ эди. Илик кимнинг олдига яқин бўлишидан қатъи назар Акмалхон ака унга:

— Уша иликни бу ёққа узатиб юборинглар, тагин битта-яримтангга тиқилиб қолиб, дардингга куйиб юрмай, барака топгурлар,—дерди ва иликни ишончли жойга мустаҳкамлаб қўйганидан кейингина ошга қўл урарди.

Шундан кейин ош совиб ҳам кетардики, илик пайрав, ит пайравдаги аския тугамасди. Ҳамма пайравларда ҳам устаси фаранг Акмалхон ака илик туфайли ит пайрави авж олишини олдиндан билар ва ҳар сафар тайёр жавоблар билан келарди. Шу туфайли ит пайравда у кишини енгилш ғоят мушкул кечарди.

Ғуломқори ота ҳам Акмалхон аканинг аскиядаги лақабидан яхши хабардор бўлганлари учун гапни кўпроқ ит пайравига бурар эканлар. Шу пайравда хумордан тарқагунча беллашишар экан. Бир куни ярим кечада Ғуломқори ота Акмалхон акани қўлтиқлаганча базмдан қайтиб келишаётган экан. Ён кўчадан катта бир ит уларга даф қилиб, Акмалхон ака қўрқиб кетиб, ердан уч-тўртта тош топиб отиб, зўрға ҳайдаб ҳали нафасларини ҳам ростлаб улгурмаган эканки, Ғуломқори ота пайрав қилиб:

— Акмалхон, кетиши жуда қийин бўлди, катта ит эканми?—дебдилар. Акмалхон ака гавдали, семиз одам бўлиб, Ғуломқори отанинг пайрави шунга ишора эди.

Уша саросима ичида ҳам ит пайравига тайёр турган Акмалхон ака:

— Ҳа, каттасини қувладиму лекин мана бу кўзи очилмаганини етаклаб юришдан бошқа чорам йўқ,—дебдилар. Пайравнинг ўхшаганидан ҳар икковлари юришдан тўхтаб, ярим соат чамаси ўша ерда давом эттиришибди.

## «ТУРҚИ СОВУҚ»ҚА ДАҒДАҒА

Сўнги Қўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг мамлакатни идора қилиш усуллари, унинг табиатидаги бошқа ҳукмдорларда кам учрайдиган баъзи хусусиятлар хонга замондош муаррихлар ва бадий ижод аҳли томонидан келгуси авлодлар учун муҳраб қолдирилган. Машъум ўрус босқини билан боғлиқ равишда унинг бошига сўнгсиз фалокатлар ёғилиб, ватанжудоликда дарбадар кезиб, азиз ҳоки Афғонистоннинг Каррух қишлоғида қолиб кетганидан кейин хоннинг ҳаёти кўплаб афсона ва ривоятларга кўчиб, халқ орасида яшай бошлаган.

Тарихдан маълумки, Худоёрхон турли сайл-томошаларга, минг-минглаб кишилар иштирокида ўтказиладиган анъанавий ўйинларга ишқибоз бўлган, айниқса халқ ижоди закосини яққол намоён этадиган аския пайравларини нозик тушунган, чорак асрдан ортиқроқ давом этган ҳукмронлиги мобайнида ўнларча сара аскиячилар, энг машҳур қизиқчиларни ўз ўрдасига жамлаган. Хон уларга қанчалар эрк бериб, қанчалар талтайтириб қўйганини шундан ҳам билса бўладикки, бир неча қизиқчи ва аскиячилар хон ўрдасининг ўзида доимий истиқомат қилганлар. Юзлаб, минглаб халонинг қатнашадиган катта маросимларда улар ҳар қандай мансабдордан тортиб, хоннинг ўзини ҳам нишонга олиб, истангача мазах қилишларига рухсат берилган.

Буюк ҳақиқатпараст Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён»нинг «Хон кўнгил очмоқчи» ва «Қизиқчилар» бобларига бир назар ташлаган одам бу хусусда керагича маълумот топишидан ташқари ўша қизиқчи ва аскиячилар бўстонидан анвои гуллар ҳидлаб, димоғи чоғ бўлмай иложи йўқ.

Абдулла Қодирий романида хон саройида доимий истиқомат қиладиган Баҳром, Бахтиёр сингари қизиқчиларнинг бошлиғи сифатида тасвирланган Зокир гов билан Худоёрхон ўртасида бўлиб ўтган бошқа бир «машмаша» ҳам авлоддан авлодга кўчиб, бизгача етиб келган экан. Уни менга Зокир говнинг Жўраҳон исмли қизиқчи ва хонанда невараси ҳикоя қилиб берди.

Бир кунни Худоёрхон ўз қизиқчиларини ротакамига қўрқитиб, синаб кўрмоқчи бўлибди. Режасини амалга ошириш олдидан хон сарой аъёнларини махфий равишда йиғиб, ўша кунга мўлжалланган қизиқчилар маъракасида ҳамма қовоғини солиб ўтириши, ҳеч ким

ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмаслиги кераклигини қатъий буюргач, маърака ўтадиган майдон яқинида гўё кишиларни оснш учун уч-тўртта дор ҳам ўрнаттира бошлабди.

Маърака олдидан ўз ҳузурига саломга келган Зокир говга бугун ниҳоятда кайфи бузуқлигини, қизиқчилар сарой аъёнлари ва хонни кулдирса-кулдирди, кулдира олмаса, янги тикилган дорларга осилишини «дарғазаб» бир алфозда маълум қилибди. Ўша кунги сарой маъракаси алоҳида маърака бўлиб, унга сарой қизиқчиларидан ташқари яна ўн чоғли бошқа машҳур қизиқчилар ҳам чақирилган экан. Худоёрхон маншатга, ўйинкулгига ўчликдан ташқари ғазабга келган пайтларида унча-мунча гуноҳи учун ҳам кишиларни дорга остириб юборганини қизиқчилар ҳам яхши билишган, албатта. Шунинг учун ҳам фожеа юз беришидан хавотирга тушган Зокир гов ўз ҳамкасбларини огоҳлантириб, ҳар қандай одамни беихтиёр кулишга мажбур қиладиган ноёб намуналарнигина ижро этишни уларга маслаҳат кўргизиб, ўзи ҳам шунақанги қора кун учун бисотида сақлаб қўйган қизиқчиликларни бор маҳоратини ишга солиб ижро эта бошлашибди.

Лекин қизиқчиларнинг барча ҳаракатлари зое кетиб, сарой аъёнлари ҳам, хон ҳам «ғазабнок кайфият»ини сира ўзгартиришмабди. Кўзи янги тикилган дорларга олазарақ бўлганча Зокир гов ҳам ғазабнок кайфиятда хон рўбарўсига келиб, қўлини пахса қилиб:

— Ун бешта қизиқчинини қатораси дорга остириб, бола-чақасини чирқиратмоқчимисан, ёки жиндек кулиб ҳам берасанми, турқи совуқ!— дея айюҳаннос солиб юборибди.

Шу вақтгача бир амаллаб тишининг оқини кўрсатмай чидаб ўтирган аъёнлар ҳам, хоннинг ўзи ҳам бу муомаладан сўнг ичаклари узилгунча кулишдан бошқа чоралари қолмабди. «Даҳшатли синов»дан ўтган қизиқчиларга ҳар қачонгидан афзал туҳфалар берилиб, кулги ярим кечагача давом этибди.

## ЖИДДИЙ УЗР

Маҳмуджон Муҳамедов деган жуссаси кичик, аммо шон-шуҳрати катта бир созанда бўларди. Бир қаричгина ёғоч найдан шунақанги сеҳрли садолар чиқара олардики, ҳайратдан лол қолмай иложингиз йўқ. Шў-

ролар ҳукмронлик қилган ғоят сиқикъ бир шароитда Оврупо, Африка, Осиёнинг йигирма чоғли хорижий мамлакатларида ўша ёғоч най билан мўъжизалар намойиш эта олган бу созанданинг икки-уч кунда машхур индонез куйларидан бирини ўрганиб, Жакартадаги кўп минг кишилик ўйингоҳда ижро этганини, сон-саноқсиз тингловчилар майдонига тушиб, уни кўлда кўтариб, осмонга отганларини, эртаси куни кўчага чиққанида юзларча одамлар унга эргашиб юрганини ўша вақтда унга ҳамсафар бўлган ҳамкасблари ҳали-ҳали турли давраларда сўзлаб юришади.

У кишининг яна бир ажойиб фазилати бўлиб, гавдаси ушоқ бўлса ҳам, гапи катта эди.

Олтмишинчи йиллар ўрталарида Ўзбек давлат филармониясининг бир гуруҳ хонанда, созанда ва раққосалари Тожикистонга бир ойлик гастрол сафарига боришибди. Ҳам Фахриддин Умаров, ҳам Маҳмуджон Муҳамедов қатнашган бу гуруҳнинг концертлари тожикистонликларга ғоят манзур бўлиб, филармонияга пул дегани селдек ёғилиб келаверибди. Филармониянинг ўша вақтдаги директори, таниқли арузнавис шоир Камтар Отабоев молиявий жиҳатни ўйлаб, Тожикистонга телеграм устига телеграм бериб, гастрол муддатини чўзаверибди. Орадан уч-тўрт ой чамаси муддат ўтибди ҳамки, Тошкентга қайтишга рухсат йўқ эмиш. Болачақасини соғинган, ҳаддан ташқари узоқ чўзилган гастролдан чарчаган санъаткорлар Маҳмуджон Муҳамедовнинг гапга чечанлигини ҳисобга олиб, Тошкентга, филармония директорига қўнғироқ қилиб, қайтишга рухсат топширишибди.

Маҳмуджон аканини директорга телефон орқали қилган барча илтимослари деворга нўхот отгандек натижасиз қайтаверибди. Ниҳоят у:

— Камтар ака, жиддий узрим бор. Ёлғиз ўзимга уч кунга рухсат берсангиз бас. Тошкентга бориб, хотинимнинг талоқ хатини расмийлаштириб, тўртта боламини етимхонага топшираману қайтиб келиб, нафақага чиққунимча гастролда юравераман,—депти.

Директор юмшаб, икки-уч кундан сўнг қайтиш хусусида гуруҳ раҳбарига телеграмма юборибди.

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан . . . . .	3
----------------------	---

### САНЪАТКОР БУРЧИ ҲАҚИДА

Санъаткорлик — фидойлик . . . . .	6
Санъаткор ва жамоатчилик . . . . .	11
Ашулачи шеърят шайдоси бўлсин . . . . .	15
Нафосат илми зарур . . . . .	21
Бал бахона бўлди . . . . .	25
Фурқат севган хонанда тақдир . . . . .	36
Комил ҳақида янги маълумотлар . . . . .	44
Муҳрланган лаҳзалар . . . . .	58
Куйлар қаютида асрлар оша . . . . .	62
Ғулом тоғанинг ҳужраси . . . . .	69

### ДАРҒАЛАР

Машҳур санъаткор . . . . .	73
Ғафур Ғулом ва Абдор Ҳидоят . . . . .	78
Ҳофизлар сардори . . . . .	83
Йиллар ва артистнинг бахти . . . . .	89
Цирк майдонида жавлон уриб... . . . .	94
Халқ бастакори . . . . .	97
Уни «оташ» дер эдилар . . . . .	104
Санъатга фидо умр . . . . .	108
Сулола . . . . .	114
Истеъдоднинг олмос қирралари . . . . .	120
Театр тик туриб тинглади . . . . .	125
Довудий овоз соҳиби . . . . .	130
Икки халқнинг ҳофиз . . . . .	135
Иккинчи истеъдод . . . . .	142
Мактаб яратган хонанда . . . . .	146
Устозлардан нишона . . . . .	151

### ҚЎШИҚ ВА СЎЗ ҲАҚИДА ҒИЛАР

Қанот юлинган қўшиқлар . . . . .	158
Қўшиқ ва қўшиқчиларимиз . . . . .	162
Қўшиқ ижроси ва шеърин савод . . . . .	166
Ашуланинг жони — сўз . . . . .	169

### ҲАНГОМАЛАР

Хазон билмас баҳор . . . . .	177
Тўйчи ҳофизнинг «таҳрири» . . . . .	178
Курорт ҳангомаси . . . . .	179
Кўзгу . . . . .	180

Мининг юраги куйрки	180
Банда қассоб	181
Днозадаги орзу	182
Ки ошна	183
Мон одам ўлмайди	185
«Вввойи чоргоҳ»га ов милтиғи	186
«Лиэр ҳайратда	187
«Ютиржам юриш	189
«Берди»сини айтгунча	190
«Ўмилладиган велосипед	191
«Фсус ва тасалли	192
«Қалоққа исм	193
«Учукка таъзим	194
«Т эгасига ўхшайди	195
«Товун тушириш»	196
«Дазилатли» келин	198
«Мушоира»	199
«Ит» пайрави	200
«Турқи совуқ»қа дағдаға	203
«Иддий узр	204

*Адабий-бадиий нашр*

ШАРИФ ЮСУПОВ

САЪНАТ ВА ҲАЙРАТ

Очерклар, мақолалар, хотиралар

*Тошкент «Маънавият» 1997*

Муҳаррир Д. Ражабов  
Мусаввир М. Карпузас  
Тех муҳаррир Т. Золотилова  
Мусаҳҳиҳ Ш. Илҳомбекова

Терншга берилди 09.10.97. Босишга руҳсат этилди 11.11.97. Бичими 84×108<sup>1/2</sup>.  
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т.  
10,92. Шартли кр.-отт. 11,13. Нашр т. 10,8. 3000 нусха. Буюртма № 181  
Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 8—97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб  
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов  
кўчаси, 1-уй, 1997.